

Рахматулла ХАЙТБОЕВ



ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Рахматулла Хаитбоев

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан “Туризм” таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган*

Тошкент-2018

75.81

X 17

Хаитбоев Р. Экологик туризм. Ўқув қўлланма. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2018, 268 б.

**Такризчилар; СамИСИ-М. Қ., Пардаев, и. ф. д., профессор
СамИСИ-И.С., Тухлиев, и.ф.д., профессор
СамДУ-А., Абдулқосимов, г.ф.д., профессор
ҚЧЭИТИ-М.М.Махмудов, к/х.ф.д., профессор**

*Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018
йил 27 мартдаги 744-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат этилган.*

Рўйхатга олиш рақами 274-228.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2018.

Р. Хаитбоев
Экологик туризм (ўқув кўлланма)

Аннотация

Кўлланмада ёзилган мавзулар экотуризмнинг барча саволларини камраб олувчи 7 қисмга бўлинган: 1-экотуризмнинг моҳияти, тушунчаси, объекти, максади ва вазифалари; 2-экотуризмнинг назарий методологик ва ижтимоий-иқтисодий асослари; 3-экотуризмнинг ресурслари; 4-экотуризмни ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар; 5-Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда халқаро экотуризм моделларидан фойдаланиш йўллари; 6-хориж давлатларидаги экотуризм; 7-экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш, экотуризм маршрутнинг рекламаси ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Р. Хаитбоев
Экологический туризм (учебное пособие)


Аннотация

Содержание данного учебного пособия которые охватывают все вопросы экотуризма можно разделить на 7 частей: 1-сущность, понятие, объекты, цели и задачи экотуризма; 2-теоретико-методологические и социально-экономические основы экотуризма; 3-ресурсы экотуризма; 4-проблемы и решения развития экотуризма; 5-пути применения международных моделей экотуризма в ее развитии в Узбекистане; 6-экотуризм в зарубежных странах; 7-разработка экотуристических маршрутов, реклама экотуризма и меры обеспечения безопасности туристов.

R. Khaitboev
Ecotourism (manual)

Annotation

Content of the manual consists of seven parts. Part one is dedicated to the aim and tasks of ecotourism; part two is about theoretical, methodological and socio-economical basis of ecotourism; part three is about ecotourism reources; in part four problems in ecotourism and their solutions are given; part five is about implementation of international ecotourism models in order to develop ecological tourism in Uzbekistan; part six is about ecotourim of foreign countrie and finally; part seven is about developing eco-touristic tours and provision of security of travelers.



Муҳдарижа

	Кириш.....	7
1-Мавзу	Экологик туризм фанининг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари. Экотуризмнинг таърифи.....	9
1.1.	Экотуризм фанининг мақсади ва вазифалари. Ўрганиш объекти.....	9
1.2.	Экотуризмнинг таърифи ва моҳияти. Экотуризмнинг умумий туризмга нисбатан фаркланиши.....	14
2-Мавзу	Экотуризмнинг келиб чиқиши тарихи. Экотуризмнинг турлари.....	20
2.1.	Экотуризмнинг шаклланиши даврида табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар.....	21
2.2.	Ўтган асрнинг 70-йилларида кучли ривожланган оммавий туризмнинг атроф муҳитга ва туристик ресурсларга таъсири. БМТнинг халқаро экотуризм йилини эълон қилиши.....	26
2.3.	Экотуризмнинг турлари.....	29
3-Мавзу	Экотуризмнинг тамойиллари. Халқароэкотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси.....	34
3.1.	Экотуризмнинг тамойиллари. Туристик фирманинг экологик менежменти.....	34
3.2.	Халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти.....	41
3.3.	Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги стратегик тактик ва вазифалар. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси.....	43
4-Мавзу	Экотуризмни ривожлантиришнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти.....	49
4.1.	Экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти.....	49
4.2.	Экотуризмда экологик билим ва маданиятнинг шаклланиши.....	52
5-Мавзу	Экологик туризмнинг ресурслари: миллий парклар, табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналари ва табиат ёдгорликлари.....	56
5.1.	Дунёда экотуризмнинг ресурслари. Миллий паркларнинг ташкил қилиниши.....	56
5.2.	Табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналари ва табиат ёдгорликлари.....	61
6-Мавзу	Дунёда миллий паркларнинг халқаро моделлари. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда халқаро	

	миллий парк моделларини қўллаш йўллари.....	68
6.1.	Экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари.....	68
6.2.	Экотуризмни ривожлантиришда халқаро моделлардан фойдаланиш ва қўллаш йўллари.....	78
7-Мавзу	Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмдан фойдаланиш йўллари.....	82
7.1.	Қишлоқ туризмнинг мақсади ва вазифалари. Миллий туризмни самарали ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг ўрни.....	82
7.2.	Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари ва улардан фойдаланиш йўллари.....	91
7.3.	Қишлоқ туризмнинг замонавий рекламаларини яратиш.....	96
8-Мавзу	Экотуризм ривожланган хориж давлатларининг тажрибалари.....	99
8.1.	Дунё мамлакатларидаги экотуризм.....	99
9-Мавзу	Ўзбекистонда экотуризмнинг ресурслари.	105
9.1.	Ўзбекистоннинг табиий географик минтақаларидаги экотизимлар –экотуризм ресурслари.....	105
9.2.	Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами экотуризм ресурслари.....	109
9.3.	Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси экотуризм ресурслари.	111
10-Мавзу	Ўзбекистонда экотуризмнинг асосий ресурслари.....	115
10.1.	Ўзбекистоннинг миллий парклари.....	115
10.2.	Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналари.....	121
10.3.	Ўзбекистоннинг табиат буюртма хоналари.....	130
10.4.	Ўзбекистоннинг табиати ёдгорликлари.....	133
11-Мавзу	Орол денгизи ҳавзаси –экологик туризм ресурслари.....	135
11.1.	Орол денгизи бўйи ва Қуйиамударёдаги экологик ҳолат.....	135
11.2.	Орол денгизи ҳавзасида экотуризмни ривожлантириш йўллари.....	140
12-Мавзу	Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари -экотуризм ресурслари..	143
12.1.	Экотуризм гид-бошловчисига сув ҳақида умумий маълумотлар. Ўзбекистоннинг сув ресурслари.....	143
12.2.	Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан экотуризмда фойдаланиш.....	147
13-Мавзу	Ўзбекистонни экотуристик районлаштириш масалалари. Ўзбекистоннинг экотуристик районлари....	150
13.1.	Туризм географияси тушунчаси.Туризм географиясининг методологияси ва методлари.....	150
13.2.	Ўзбекистон туризмни районлаштиришда туризм географиясининг долзарб вазифалари.....	157
13.3.	Ўзбекистоннинг экотуристик районлари. Экотуристик районларда экотуризмни ривожлантиришдаги вазифалар	161
14-Мавзу	Экологик туризмнинг табиатга таъсири.....	169

14.1.	Экотуризмнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири.....	169
14.2.	Экотуризмнинг табиатга ёнлама таъсири.....	172
15-Мавзу	Рекреация туризмни ривожлантириш йўллари.....	184
15.1.	Рекреация тушунчаси, моҳияти ва тарифи.....	184
15.2.	Рекреациянинг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари.Рекреация фаолияти ва рекреация эҳтиёжи.....	187
15.3	Рекреация туризмни ривожлантириш йўллари.....	192
16-Мавзу	Ўзбекистонда ички ва халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти.....	197
16.1.	Ўзбекистонда ички экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти.....	197
16.2.	Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти.....	200
17-Мавзу	Экологик туризмни ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.....	204
17.1.	Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммолар.....	204
17.2.	Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммоларнинг ечимлари.....	207
18-Мавзу	Экологик туризм маршрутларининг рекламаларини ишлаб чиқиш.....	209
18.1.	Туризмда ва туризм маршрутларининг рекламаси ,туризм рекламаларининг турлари.....	211
18.2.	Экотуризм маршрутларнинг рекламаларини ишлаб чиқиш ва реклама қилиш.....	217
19-Мавзу	Экотуризмнинг маршрутларини яратиш.....	221
19.1.	Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари.....	221
19.2.	Экотуризм маршрутларидаги хизматлар.....	224
19.3.	Экотуризм маршрутларини амалда ўтказиш методикалари..	230
20-Мавзу	Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари.....	233
20.1.	Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари.....	234
20.2.	Халқаро туризмда хавфсизликни таъминлашнинг халқаро меъёрлари.....	236
20.3.	Туристлик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.....	241
	Глоссарий.....	254
	Адабиётлар.....	259

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда туб бурилишни, янги босқичнинг заминини, туризмда истикболли ислохатларнинг шароитларини яратди¹. Президент фармонида:

-“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, аънанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини—...*экологик туризмни...ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш*” белгиланган.

Бу фармон мамлакатимизда туризмнинг барча турларини бир текис ривожлантириш масалаларини тадбиқ қилишга, туризмни ҳудудий ва минтакавий ривожлантириш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи-назардан ва “Фармон”да экологик туризмни ривожлантириш алоҳида таъкидланганлиги ҳам, экологик туризмни жадал ривожлантиришнинг жиддий муаммоларини аниқлашимиз ва бу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқишнинг илмий-амалий тадқиқотларини кучайтиришимизнинг вақти келди.

Ҳозирги вақтда экологик туризм“Туризм ва экскурсия жаҳон кенгаши”нинг ва «Бутунжаҳон туризм ташкилоти»нинг маълумотлари бўйича жадал ривожланиб бораётган туризм индустрияларининг бири ҳисобланади.Яъни экологик туризмнинг жаҳон туризм индустриясидаги улуши—10%дан то 20%гачани, экологик туризм хизматларидан олинадиган даромад 55 млрд.доллар ва унинг йиллик ўсиши 30% ни ташкил қилмоқда.Шунингдек, истикболдаги 2020йилгача экотуризм жаҳон туризмидаги асосий стратегик йўналишларидан бири бўлиб боради ва албатда бу йўналишлар Ўзбекистон Республикасига ҳам кириб келади.

Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши нафақат маънавиятимиз, илм-фан,маданият,маърифат,табиатни муҳофаза қилиш,экотуристларни жалб қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга балки, шу билан бирга иқтисодий масалаларни, маҳаллий халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш,янги иш жойлари билан таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига катта ҳисса қўшади.Мамлакатимиз дунёда экологик туризм ресурсларига бой давлатлар қаторида туради ва Марказий Осиёда, дунё мамлакатларининг ўзаро алоқаларини географик жиҳатдан боғловчи давлатдир.Шу сабабли ички, халқаро туристик оқим ва

¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил, 2-декабр, ПФ-4861-сон.(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда, 2017 й., 1-сон, 3-модда).

экотуристик оқим ҳам бизда кучайишининг жуда катта, салохиятли имкониятлари бор.

Экологик туризмни ривожлантиришдаги дастлабки долзарб ва жуда муҳим муаммоларнинг бири экологик туризмнинг моҳияти ва унинг асоси бўлган тамойилларини жаҳон экотуризми талаблари асосида ўрганишимиз ҳисобланади. Экологик туризмнинг моҳияти, максади, вазифалари, экологик туризмнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари, экотуристик фан, таълим, тарбия ва тарғибот, экологик туризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари, ривожлантириш йўллари Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиши ва унинг яқин келажакдаги истикболлари «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» да келтирилган.

Экологик туризмни ривожлантиришдаги кўплаб муаммолар ҳам мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришга киришганимиздан кейингина аниқланмоқда. Ҳозирга келиб, Республикаимизда экологик туризмни ривожлантиришда ечимлари жиддий бўлган муаммолари ҳам юзага чиқмоқда. Бу муаммоларнинг биринчи навбатда ўз ечимини кутиб тургани, экотуризм учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Экологик туризм йўналишида тайёрланган мутахассислар биринчи навбатда халқаро экологик туризм бозори ва жаҳон экологик туризмидаги ривожланишнинг асосий тенденциялари, замонавий технологиялари ва тажрибаларини доимо кузатиб ва ўрганиб боришлари талаб қилинади.

Малакали мутахассисларни таёрлашни ҳозирги талабдаги мукамал ўқув адабиётларисиз режалаштириб ҳам бўлмайди. Ватанимизнинг халқаро интеграциядаги фаоллиги, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлига тушганлиги учун ҳам олий таълимдаги талабаларга жаҳонда тан олинган истикболли технологиялар билан таъминланган янги авлод ўқув адабиётларини тайёрлаш “Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси” да белгиланган.

Экологик туризмни ривожлантириш йўналиши ўзининг дастлабки шаклланиши босқичида ҳисобланади. Бу босқичда экологик туризмни ривожлантиришга миллий экотуризмни ривожлантириш маъносида қарашимиз ва экологик туризмни ривожлантиришнинг миллий дастурларини ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Бунинг учун биринчи навбатда олий таълим тизимида экологик туризм мутахассисларини тайёрлашни бошлашимиз лозим.

Ҳозиргача экологик туризм бўйича ДТС талаблари асосида дарслик, ўқув қўланма ҳам нашр қилинган эмас. Университет ва институтларда ҳам экологик туризм бўйича олий малакали мутахассислар тайёрланаётган эмас. Мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантиришнинг долзарблиги ҳисобга олиниб, институт ва университетларда туризм таълимида тайёрланаётган мутахассисларга “Экологик туризм” фани ўқитилмоқда. Ушбу заруратни ҳисобга олиб мазкур ўқув қўланма тайёрланди.

1-Мавзу. Экологик туризм фанининг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари. Экотуризмнинг таърифи.

Режа:

1.1.Экологик туризм фанининг мақсади ва вазифалари. Ўрганиш объекти.

1.2.Экологик туризм фанининг таърифи ва моҳияти.Экотуризмнинг умумий туризмга нисбатан фаркланиши.

1.1. Экологик туризм фанининг мақсади ва вазифалари. Ўрганиш объекти.

Дунёда туризм соҳасининг экологик туризм йўналиши инсоният олдидаги экологик инкирознинг олдини олиш, инсониятнинг барқарор ривожланиши ва яшаб қолиши учун, сайёрамиз табиати ва унинг ресурсларини сақлаб қолишдаги нажот йўлларини ахтариш заминида шаклланди ва ривожланиб бормоқда.Инсоният олдида турган сайёравий экологик муаммоларни инсониятнинг ўзи бартараф этиши керак ва бартараф этишга мажбур.Шу нуктаи-назардан ҳам, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш масалаларини ўз вақтида ҳал қилишимиз, табиатимиздаги биохилма-хилликни сақлаб қолиш, табиий ресурсларимизни муҳофаза қилиш ҳамда халқаро экологик инкирозларнинг олдини олишга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг ушбу сўзларини келтиришимиз ўринли бўлади.– *“Мен туристик бизнес деганда, туризмни шунчаки ривожлантириш эмас, балки кенроқ тушунчани назарда тутаман. Бунда гап туризм фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини ривожлантириш ҳақида бормоқда. Бу соҳа тараққиёти мамлакатимизга хорижий туристларни қўлаб жалаб этиш билан бирга, энг муҳими, катта валюта тушумларини таъминлаш билан юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига улкан ҳисса қўишиши муқаррар”².*

Шу билан таъкидлаш лозимки, биз ҳозирча туризмнинг барча турлари бўйича туристик ресурсларга бой эканлигимизни, жаҳон аҳолиси биладиган, дунё тамаддудининг маданияти, тиббиёти, астраномияси, математика ва адабиёти поёдеворларини яратган буюк инсонлар, афсонавий саркардалар бизнинг юртдан чиққанлигини, ислом дини таълимотининг улуг алломалари бизнинг ватандошларимиз эканлигини, асрларни чарчатаётган тарихий меъморий, маданий обидаларга бой эканлигимизни туризмда ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда реклама қилаётгирмиз холос.

Туризм соҳаси ўз ривожланишини бошлаётганлиги учун Республикамызда иқтисодиётнинг бу муҳим тармоғининг истикболи бўйича илмий тадқиқотлар аста-секинлик билан таҳлил қилинмоқда,экотуризмни Ўзбекистонда ташкил қилишнинг моҳияти,

² Каримов И.А., Обод ва озод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Тошкент, Ўзбекистон, 2000, 232 б.

анъаналари ва стратегияси, Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантириш модели, миллий туризм бизнесини ташкил қилиш ва бошқариш ва туризмда хавфсизлик асослари бўйича дастлабки муҳим таҳлиллар натижалари чоп қилинди. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм соҳасида олий ва ўрта тоифадаги мутахассислар тайёрлаш учун дастлабки дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, соҳани ривожлантиришда ўқув-услубий аҳамиятга эга бўлган муҳим илмий адабиётлар тайёрланмоқда. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва муаммолари ва уларнинг ечимларига бағишланган, ўқув ва илмий адабиётларнинг нашр қилинганлиги ҳам, иқтисодий тизимда туризмнинг муҳим соҳага айланиб бораётганлигини билдиради¹.

Мамлакатимизда туризмни шакллантиришда туризм соҳаларининг, туризмнинг турларининг моҳиятини англаб олишда туризм амалиётида ва назариясида етук мутахассислар, олимларнинг йўқлиги натижасида дастлабки вақтларда кўплаб ноаниқликларга йўл қўйилди. Тажрибасизлик натижасида дастлабки тадқиқотчилар экотуризмнинг келиб чиқиши ва унинг мақсади, вазифаларини тўғри тушуна олмадилар.

Экотуризм халқаро миқёсда оммавийлашиб бориши натижасида унинг тарғиботи ва ташвиқотига бағишланган илмий-амалий конференциялар ташкил қилиш, ўтказиш кучайтирилгандан кейин ноаниқ фикр-мулоҳазалар, курук тавсиялар, илмий тўпламларда экотуризмнинг таъриф ва тавсифларини белгилашдаги тавсиялар илмий-амалий жиҳатдан асосланмаган ҳолда кўпайиб кетди (шаҳарлар экотуризми, тарихий обидалар экотуризми, археологик қолдиқлар экотуризми, ҳайвонот боғлари экотуризми, музейлар экотуризми ва бошқ...).

Экотуризмни ривожлантиришда муаммолар билан бирга ноаниқ, ахборотларнинг, тавсияларнинг ҳам кўпайиб бораётганлиги туризм таълими йўналишида билим олаётган ёш мутахассисларни ҳам, туристик фирмалар фаолиятини ҳам, экотуризмдаги тадбиркорларни ҳам, тадқиқотчиларни ҳам чалкаштириши аниқ. Шунинг учун ҳам биз, жаҳон экотуризм ривожидagi устувор усуллар, дастурларини яхши ўрганишимиз, экотуризм ривожланган давлатларнинг тажрибалари асосида ўзимизнинг миллий экотуризм дастурларини ишлаб чиқишга маъсулмиз. Бу йўналишда дастлаб экотуризмнинг келиб чиқишидаги ижтимоий-иқтисодий, тарихий муҳит сабаблари ва моҳиятини билишимиз ва тушуниб олишимиз лозим.

Экологик туризм Ватанимизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, нафақат хорижий сайёҳларни Ватанимизнинг табиий ландшафтлари, ҳайвонот ва ноботот дунёсига бой ва бетакрор табиати билан таништириш балки, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини кенгрок билишини таъминлайди, шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудида кирилиб кетиш арафасида

2. Н. Тухлиев, Т. Абдуллаева. Экологический туризм; сущность, тенденции стратегии развития. Тошкент, 2006-416 б., Тухлиев И., Ҳайитбоев Р., ва бошқалар, Туризм асослари, Тошкент, 2014, 330 б. Тухлиев И.С., Қудратов Ф.Х., Пардаев М.К., Туризмни режалаштириш. Тошкент, 2010, 265 б., Маматкулов Х.М. Туризмнинг фотозилмаси. Ўқув қўлланма, Тошкент, 2011, 336 б.,

турган ноёб ҳайвонлар ва ўсимликларни сақлаш ва кўпайтириш мақсадларида кўрихоналар таркибида ва атрофида жаҳон талабларига жавоб бераоладиган миллий табиий боғларни яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризм объектларининг моддий-техника базасини яратиш учун «экотуризмни ривожлантириш» давлат дастурларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Экологик туризмнинг ҳақиқий мухлислари ўзининг янги табиат гўшаларига саёҳати вақтида «табиат–жамият дўстлиги, бирдамлиги» муносабатларини кўришни хоҳлайди, кузатишни хоҳлайди. Умумий фикрларни жамлаб таҳлил қилганимизда, экотуризм табиат қўйнида бўлишликдир. Ўзбекистонда ҳозиргача туризм соҳасига бағишланган илмий адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилишдан ва туризмнинг ривожланиш маълумотлари натижаларидан маълум бўладиги, туризм Республикамизда умумий йўналишдаги дастлабки босқичларидан ўтди^{4,5}.

Эндиликда, Республикамизда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий географик, табиий, минтақавий жиҳатларини тадқиқ қилиш юзага чиқмоқда. Лекин бу йўналишдаги илмий изланишлар жуда кам. Ўзбекистонлик туризм мутахассислари туризм географияси ва минтақавий туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналиш эканлигини тадқиқ қилишга киришдилар. Бу йўналишдаги дастлабки тадқиқотлардан маълум бўлдики, минтақа туризмни барқарор ривожлантиришда ушбу минтақанинг барча туристик ресурслари асосий, ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Сингапур мамлакатининг марказий нашрларидан бири «ТОДАУ» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида Ўзбекистон экологик туризмнинг катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни келтиради:

–«Гўзал географик ва табиий шароитлар Республика ҳудудида экотуризмни ривожлантириш учун зоят қўлайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши–йирик кўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда.»⁶


Экотуризм—«Табиатни муҳофаза қилиш», «Биология», «Геология», «География», «Ботаника», «Табиатдан фойдаланиш иқтисоди», «Иқтисодий экология», «Биоэкологик», «Геоэкологик» ва бошқа табиий фанларнинг назарияси, асослари, жамият ва табиат муносабатларининг ҳозирги асримизга келиб сайёравий чегараларда кескинлашиб бораётганлиги ҳолатларидан келиб чиқди. Шу нуқтаи-назардан бу фанларнинг ҳар қандай

3. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Х., Пардаев М.К. Туризмни режалаштириш, дарслик Г.; Иқтисодиёт, 2010, 265 б.

⁵ Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г., Туризм асослари, дарслик, Тошкент, 2014, 330 б.

⁶ Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовнинг «TODAY» газетеси мухбирига берган жавобларидан. «Халқ сўзи», 2007, 26-январ, № 19.

фан таълими ва ҳар қандай соҳадаги ўрни деярли бири-бирига ўхшаш таърифни, тавсифни англатади. Бундай таъриф ва тавсифларни Г.А. Бекбулатова жуда яхши тушунган ва олиманинг хулосалари бўйича «Экотуризм» фанида экологик фанлар назариясига нисбатан экотуризм амалиёти анча устунроқ даражаларни эгаллайди.



1-Чизма. Экотуризмнинг экологик фанлар билан боғланганлиги

Экологик туризмнинг ўрнини белгилаганда табиатнинг инсон-турист учун бўлган аҳамиятлари кўрсаткичларини келтириш лозим бўлади. Экотуризмнинг аҳамиятини экотуристнинг эҳтиёжларини қондириш жиҳатларига қараб иқтисодий, соғломлаштириш, тарбиявий ва эстетик гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Бу гуруҳларнинг тавсифи фақат турист учун эмас, умуминсоният ҳаётидаги табиатнинг ўрнини ҳам англатади.

Умумфикрларни жамлаб, таҳлил қилганимизда экотуризм табиат кўйида бўлишликдир. Шундан келиб чиқиб, экотуризмнинг ўрганиш объекти табиат ва табиатнинг барча ресурслари ҳисобланади. Сайёрамиз биосфераси ва унинг барча табиий географик минтақалари, дунё океани, тоғлар, дарёлар, ўрмонлар, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, иқлим бойликлари ва хусусиятлари экотуризмнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Шу билан бирга халқаро экотуризм илмий-амалий адабиётларида экотуризмнинг асосий объектлари-Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий

¹ Бекбулатова Г.А., Туризм ва рекреация географияси, маърузалар матни, Нукус, 2008, 107 б.

худудлар, миллий парклар, биосфера қўриқхоналари, табиат қўриқхоналари, табиат буюртма хоналари, табиат резерватлари дейилган. Яна бир хулоса бўйича экотурист ўз қизиқиши бўйича танлаган табиий объект унинг учун экотуризмдаги асосий объект ҳисобланади.

Экотуризм билан табиатшунослик ва табиатни муҳофаза қилиш фанлари ва амалиётлари тобора ўзаро яқинлашиб бир мақсадга интилиб бормоқда. Мавзу бошланишдаги мулоҳазалардан келиб чиқиб экотуризмнинг бош мақсади ҳам табиатни ва унинг барча ресурсларини ҳозирги ва келажак авлодлар учун муҳофаза қилиш ва сақлаб қолишни билдиради.

Экотуризмнинг мақсадини белгилашда жаҳонда экотуризмнинг келиб чиқиши ва шаклланишини пухта ўрганишни талаб қилади. Ҳозирги кунда экотуризм жаҳон туризмида жадал ривожланиб бораётган йўналиш ҳисобланади. Шу ўринда экотуризм инсониятнинг XXI асрдаги энг оғир сайёравий экологик муаммоларининг ечимларини ҳам топилишида нажот йўлларида ҳам бири эканлигининг мазмунини, моҳиятини тушуниб олишни талаб қилади.

Туризмнинг кўплаб турлари ўз мавзуси ёки аталиши бўйича бир йўналишни, ёки бир мақсадни билдиради. Масалан, тарихий обидалар билан боғлиқ турлар турдаги тарихий обидаларнинг тарихи ёки уларнинг мўъжизавий қурилишлари, улутворлиги, қадимийлиги билан инсонларни ўзига жалб қилади. Албатда, тарихий обидаларга қизиқувчи туристларни ёки зиёрат туризмни мисол қилганимизда, зиёратчи туристлар биринчи навбатда ўзи учун муқаддас бўлган зиёрат мақонларни танлайди ва зиёратни амалга оширади сўнгра ушбу зиёратгоҳнинг тарихи билан қизиқиши мумкин.

Экотуризмда эса мажмуали масалалар қўйилади ва биринчи навбатда инсоннинг табиат бойликларидан фойдаланиши, табиат бағрида дам олиши ва ушбу табиат бойликларининг ўз фарзандларига ҳам тегишли эканлигини англаб билиши, муҳофаза қилиши, онгли равишда сақлашга, кўпайтиришга ҳаракат қилиши тушунилади.

Чунки, Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти экотуризмни ривожлантиришда, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашда БМТнинг инсониятнинг ҳозирда оғир экологик инқирозларга дуч келганлигини ва сайёрамиз ҳаётини сақлаб қолишдаги глобал экологик муаммоларини ҳал қилишда экотуризм нажот йўлларида энг мақбули эканлигини ҳисобга олган. Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда биринчи навбатда экотуризмнинг мақсади ва вазифаларини пухта ўрганиб олишимиз талаб қилинади. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси мукамал ишлаб чиқилган. Бу муҳим ҳужжатда экотуризмнинг мақсади ва вазифалари экотуризмнинг халқаро талаблари ва ҳуқуқий- меъёрлари берилган. Ушбу Концепцияда белгиланганидек: **Экотуризмнинг мақсади:**

- *ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш ҳисобланади.*

Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш учун қуйидаги **вазифаларни** бажариш талаб этилади:

- *экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонулар ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;*
- *экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;*
- *аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;*
- *экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш; экотуризм орқали маҳаллий аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;*
- *экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;*
- *экотуристик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг кадастрини олиб бориш;*
- *экотуризм мониторингини ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;*
- *миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;*
- *экотуризм билан шугулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатда қўллаб қувватлаш чора –тадбирларини белгилаш;*
- *биологик хилма-хилликни сақлаш;*
- *экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларни яратиш;*
- *давлатнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва тадбирларини ишлаб чиқиш*⁸.

Экотуризмнинг юқоридаги мақсади ва вазифаларини ўрганганимизда бу турни мамлакатимизда ривожлантиришда кўплаб муаммоларни ҳал қилишимизга тўғри келишини ва албатда биринчи вазифаларимиз экотуризмнинг асл моҳиятини, унинг талабларини, экотуризмни ривожлантиришга тайёрлигимиз ва маъсуллигимизнинг, билимлигимизнинг қандай даражаларда эканлигини тўғри баҳолашимиз лозим.

Иккинчидан, мамлакатимизда экотуризм муаммоларини ўрганувчилар ва унинг ташкил қилувчилар экотуризм кучли ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларини мукамал ўрганишлари ва уларнинг тажрибаларидаги усуллар, технологиялар ёки амалиётлар бизнинг экотуризмимизга қанчалик мувофиқ келишликларини яхши билишлари лозим.

Учинчидан, Ўзбекистонда туризм таълими йўналишида фаолият юритаётган университетлар, институтлар ва туризм касб-ҳунар коллежларининг барчасида «Экологик туризм» фани ўқитилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

1.2. Экологик туризм фанининг таърифи ва моҳияти.

Экотуризмнинг умумий туризмга нисбатан фарқланиши.

«Экология» сўзи «oikos» - уй ва «logos» - фан сўзларидан ҳосил бўлган. Экология –тирик организмларнинг ва уларнинг тизимлари (популяциялари,

5. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси. Экология хабарномаси, № 6, Тошкент, 2007. 6-7 б.

туркумлари) нинг бири-бирлари ҳамда яшаш муҳитлари билан ўзаро муносабатлари ҳақидаги фандир.«Экология» ва «Экономика» сўзларига эътибор берсак, бу сўзларнинг умумий ўзаги-«Эко». Демак,бу бизнинг «Табиат уйимиз», «Экономика» сўзининг маъноси «Уй хўжалиги» (рўзгор)ни юритиш санъатини билдиради.Шунинг учун ҳам, бу икки фан «Уйимизнинг сақланиши» ва «Ривожланиши»га ёрдам бериши лозим.Агар биз табиат билан «келишувда» яшашни,унинг неъматларидан фойдаланишни, гўзалликларидан завқланишни ҳоҳласак унинг шароитларини қабул қилишимиз,ўз эҳтиёжларимизни кондириш учун атроф муҳитни ўзгартираётганда муайян чегаралардан чиқмаслигимиз зарур. Экотуризм ана шу икки фаннинг ривожи билан узвий ҳолатда боғланиши лозим.

Табиат муҳофазаси,табиатдаги салбий ўзгаришлар,жамиятдаги касалликларнинг кўпайиши,янги-хавфли касалликларнинг келиб чиқаётганлиги, табиатдаги кутилмаган-инсоният учун фожияли,ҳалокатли-довулар, сув тошқинлари, цунами ва бошқа ҳодисаларнинг барчаси экология билан боғланмоқда.

Немис олими Э.Геккел 1866 йилда ёзган «Организмларнинг умумий морфологияси»,ва 1868 йилда ёзган«Дунё вужудга келишининг табиий тарихи»каби асарларида экология атамасига тўлиқ тавсиф бериб экологиянинг иккинчи маъноси-«яшаш жойи»,«озикланиш макони»деб белгилаган.Шунинг учун ҳам, табиатни ҳар бир инсон ўз уйим деб билгандагина глобал экологик инкирозларнинг олдини олиши мумкин. Экологик туризм бу йўналишда инсониятта катта ёрдам беради. Шунинг учун ҳам,дастлаб экотуризмнинг моҳиятини ва мазмунини яхши тушуниб ва ўрганиб олишимиз лозим^{9,10}.

Экологик туризмнинг мазмуни ва ва моҳияти бўйича биринчи бўлиб Мексикалик эколог-иқтисодчи *Гектор Цебаллос Ласкурейн* 1980 йилда ўз тадқиқотлари натижаларини билдирган эди.Унинг хулосаси бўйича-*“Экотуризм-бу табиатга хушёр муносабатлар,танишиш қувончини бирлаштирувчи ва флора, фауна намуналарини ўрганишга, ҳимоя қилишга ёрдам бериш имкониятларига асосланган туристик фаолиятдир”*.

Гужин Г.С.,М.Ю. Беликов ва Е.В. Клименколар 1997 йилда Россияда биринчилардан бўлиб-«*Экотуризмнинг асоси-атроф муҳит гамхўрлиги ва муҳофазасидир*»деган таклифини киритди ва экотуризмнинг ўзлари белгилаган таърифга асосланган экотуристик маршрутларни ишлаб чиқди ва ўтказди¹¹. Ўша вақт учун ҳам, ҳозир ҳам ушбу таъриф энг қулай ва экотуризмнинг ҳақиқий мазмуни, моҳиятини англатади деган хулосаларни биз

⁹ Allcock A., Jones B., Lane S., Grant J. National ecotourism strategy. Commonwealth of Australia, 1994, 196 p.

8.Хайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм(Услужбий қўлланма), Самарқанд, 20210, 60 б.

10.Биржаков М.Б., Введение в туризм.Издания 9-е переработанное и дополненное -Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.-576 с.

11.Дроздов А.В., Основы экологического туризма. М.; Гардарики,2005, 271 с.

12.Сергеева Т.С., Экологический туризм, Москва, Финансы статистика, 2004,360 стр.

ҳам қувватлаймиз. Мустақил ҳамдўстлик давлатларида Россиялик куйидаги олимларни экотуризм асосчилари деб тан олишди:

Биржакоев М.Б.—«Экотуризмда табиатга минимум таъсир қилиб, табиат билан бирга бўлиш натижасида унинг бойликларини муҳофаза қилиш, асраб қолиш тўғрисида ҳосил бўлади»¹².

Дроздов А.В.—«Эски ва Янги дунёда деярли бир вақтда маҳаллий аҳолининг анъанавий маданиятини ҳурмат қилишга, саёҳатчиларнинг маърифий маданиятини оширувчи, табиат олдида маъсуллик ва ҳимоя қилишга, ижтимоий ва экологик талабларини қондиришга қаратилган ва сайёравий экологик инқирознинг олдини олишга асосланган экотуризм шаклланди»¹³.

Сергеева Т.С.—«Экотуризм бу—маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзини сақлаган, хўжалик фаолияти кам тасир қилган бетақрор табиий ҳудудларни кўриш; бу—маҳаллий аҳолининг яшаш даражаларини ва туристик жараёндаги барча қатнашувчиларнинг экологик маданияти даражаларини ошириш, экологик тур ва дастурларда табиат муҳофазаси меъёрлари ва технологияларига риоя қилишдир»¹⁴.

XX аср охирига келиб АҚШ, Канада, Европа давлатлари, Австралия экотуризмни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқдилар. Бу дастурларда экотуризмни ривожлантириш широклари ва талаблари куйидагича эди:

Америка Қўшма Штатлари экотуризм жамияти—«Экотуризм—маҳаллий аҳоли манфаатларини эътиборга олувчи, табиий ресурсларни муҳофаза қилувчи, экотизмларнинг бутунлигини сақловчи, маҳаллий маданият ва табиий муҳитни англаш учун табиий ҳудудларга мақсадли саёҳат.

Австралия экотуризм миллий стратегияси—«Экотуризм — экологик барқарорлик принципларига ва экологик билим, маданият дастурларига амал қилишга асосланган ва маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда табиатга саёҳат қилиш туризми».

Германияда экотуризмни ривожлантиришда молиявий ҳамкорлик Федерал вазирлиги—«Экотуризмда табиатга минимум таъсир қилиш ҳисси маданияти ва тўғриси пайдо бўлади, қўриқланадиган ҳудудларга молиявий ёрдам имкониятлари ва маҳаллий аҳолида кўшимча даромад олиш манбалари ҳосил бўлади».

Атроф муҳит муҳофазаси бўйича Канада давлати маслаҳат Кенгаши—«Экотуризм—туризмнинг тури бўлиб, маҳаллий халқ манфаатларини ҳурмат қилиш асосида табиатни библи, англаш ва экотизмларни сақлашга ёрдам кўрсатиш йўналишидаги туристик фаолият ҳисобланади».

Экотуризм жадал ривожлантирилаётган давлатларнинг экотуризм дастурлари асосида халқаро табиат ва туризм ташкилотлари ҳам экотуризмнинг таърифларини қабул қилишди:

Бутунжаҳон туризм ташиклоти – «Экотуризм- табиат туризмнинг барчасини ўзида мужассамлаштириб, табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза қилишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди»

Халқаро экотуризм ташиклоти(TIES)–«Экотуризм-табиат минтақаларига маҳаллий аҳолининг фаровонлигини қувватловчи, ва атроф - муҳитни сақловчи масулиятли саёҳатдир».

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш «Концепцияси»да– «Экотуризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат балки, ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз»¹⁵.

Халқаро туризм жамияти (ХТЖ) – «Экотуризм-табиий ҳудудларга маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди».

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи – «Экологик туризм ёки экотуризм– табиат муҳитига нисбатан маъсулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда, ҳамда табиатнинг бетақрор, жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилган ҳолда табиатга кўмаклашади, атроф муҳитга «юмшоқ» таъсир этади. Маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди»¹⁶.

Исломова Р.А.бизнингча, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб экотуризмнинг мақсади ва вазифаларини тўлиқ англаувчи таърифини таклиф қилди-«Экотуризм деганда, табиий, маданий ва ижтимоий қадриятларни кўриш, томоша қилиш, илмий жиҳатдан ўрганиш, уларнинг бетақрор жозибаси ва ўзига хос томонларидан завқ олиш мақсадида табиат ҳудудларига зиён етказмасдан, атроф-муҳитни муҳофаза қилган ҳолда саёҳат ва саргузашт қилиш орқали табиатга кўмаклашиш, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга қаратилган туризмнинг тури тушунилади».

Юкорида келтирилган мулоҳаза ва фикрларни жамлаб бизнингча экотуризмнинг таърифи бўйича қуйидаги хулосага келиш мумкин:- «Экотуризм-фақат табиат бағрида дам олиш, ўрганиш, кузатиш, томоша қилиш ва завқланиш натижасида табиатни, биологик хилма-хилликни сақлаш, муҳофаза қилиш тадбирларига ихтиёрий моддий ёрдам беришга қаратилган, маҳаллий аҳолининг миллий маданиятини, меъросий анъаналарини, яшаш тарзини ҳурмат қилишга асосланган туристик фаолиятдан иборатдир».

Экологик туризмнинг моҳияти ва мазмуни ҳақида «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи», «Халқаро

¹⁵ Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияли Экология кабарномаси, № 6, Тошкент, 2007.6-7 б.

¹⁶ Халқаро ташкилотларнинг экотуризм бўйича таърифлари. Хайитбоев Ф., Матякубов У., Экологик туризм, услубий қўлланма, Самарқанд, 2010, 60 б. Бўйича берилди.

умумжаҳон жамғармаси» ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг экотуризм ҳақидаги таърифини қабул қилди. Дунё ҳамжамиятига хизмат қилувчи юқоридаги халқаро марказларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ҳар хил бўлсада, экотуризмнинг ўрнини белгилашдаги хулосалари деярли бир хил¹⁷. Чунки, экотуризмни тарғиб қилаётган, БТТ, ХТЖ табиатни муҳофаза қилувчи–ТМКҲИ нинг иш тартиби, мақсадлари доимо бири-бирига қарши туради. Дастлабки икки халқаро жамият табиатдан туристик мақсадларда фойдаланиш тарафдори, кейинги халқаро ташкилот эса табиатни муҳофаза қилиш тарафдори.

Экотуризмнинг жаҳон миқёсида жадал ривожланиб бораётганлигининг яна бир сабаби ҳам шундаки, табиатни муҳофаза қилишдаги халқаро марказлар ҳам экотуризмни ривожлантиришни қувватламоқда. Экотуризмнинг мазмуни ва моҳияти ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларга яна бир аниқликни киритадигани Р.А. Исломованинг хулосаларидир (1-Жадвал).

Ушбу хулосалар экотуризмнинг умумий туризмга нисбатан фарқланишлари га асосланган бўлиб, экотуризмнинг асл моҳияти ва мазмунини тушуниб олишга ёрдам беради. Мамлакатимизда ҳозирга келиб экотуризмнинг муаммоларини ўрганиш ва ривожлантиришдаги дастлабки илмий тадқиқотлар бошланди¹⁸. Бу тадқиқотлар ҳозирча минтакавий чегараларда бажарилаётганлигидан экотуризмнинг минтакавий муаммолари ва уларнинг ечимини ишлаб чиқишга йўналтирилмоқда. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда олий таълим тизимида экотуризм мутахассисларини тайёрлашни бошлашимиз лозим. Шунингдек, институт ва университетларда ҳозирда туризм олий таълимининг барча йўналишида экотуризм фанини амалиёти билан ўқитиш мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришдаги дастлабки қадамлар бўлади.

1-Жадвал

Экологик туризмнинг умумий туризмга нисбатан фарқланиши белгилари¹⁹.

Умумий туризмдаги ҳолат	Экотуризмнинг хусусиятлари
1. Умумий туризмдаги туристик жараёнга барча туристик объектлар иштирок этади.	Экотуризмдаги туристик жараёнга фақат экологик туристик объектлар иштирок этади.
2. Туристтик объектлар (ресурслар) аксарият ҳолларда инсонлар томонидан барпо қилинган бўлади.	Туристтик объектлар (ресурслар) асосан табиатнинг махсули ҳисобланади.
3. Умумий туризмда турист шаҳарларда,	Экотуризмда турист табиат қўйнида бўлади ва

¹⁷ Lindberg K., Hawkins D.E. (eds) Ecotourism: a Guide for Planners and Managers. North Bennington, Vermont. 1993, 256 p.

¹⁸ Шамуратова Н. Т., Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент, 2011, 22 б. Матякубов У., Экологик вазиятни инobatга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари, и.ф.н., илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Самарқанд, 2011, 22 б. Исломова Р.А., Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари. Тошкент-Иктисодиёт-2014, 131 б. Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм. Самарқанд, 2010, 60 б.

тарихий обидалар маданий меърослар жойлашган жойларда бўлади.	табиатдан завқланиш билан бирга уни ўрганиб боради.
4. Турист саёҳат давомида режалаштирилган, туристик маршрутга киритилган объектларни кўришга муяссар бўлади.	Турист саёҳат давомида қутилмаган янги ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонларга дуч келади, табиат тўғрисида тасавури кенгайди.
5. Умумий туризмда турист туристик маршрутга киритилган барча жойларда(шаҳар, қишлоқ, чўл, тоғ каби ҳудудларда бўлади.	Экотуризм асосан қишлоқ ва тоғ ҳудудларида амалга оширилади, табиат ва инсон муносабатларининг уйғунлигини таъминлайди.
6. Умумий туризмда туристик объект сифатида ҳудуддаги барча туристик ресурслар, маҳаллий аҳолининг умумий яшаш тарзи, урф-одатлари иштирок этади.	Экологик туристик объект сифатида асосан табиат, маҳаллий аҳолининг этнографик маданияти ва урф-одатлари, уларнинг яшаш тарзи қаралади.
7. Умумий туризмда туристларнинг табиат билан муносабати ва табиатга тасири бўлмаслиги мумкин.	Экотуризм орқали табиат муҳофазаси бевосита ва билвосита таъминланади ва унинг барча компонентлари сақланади ва яхшиланади
8. Умумий туризмда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи ўнғланади ва маҳаллий иқтисод ривожланади.	Экотуризм орқали асосан қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи ўнғланади ва маҳаллий иқтисод ривожланади.
9. Умумий туризмда тушган (маблаглар) даромадларнинг асосий қисми туристик фирмалар фаолиятини ўнғлашга кетади.	Экотуризмда тушган маблаглар(даромад)нинг бир қисми туристик фирмалар учун сарфланса, асосий қисми атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилади.
10. Умумий туризмда хавф-хатар кам, чунки олдиндан режалаштирилган туристик маршрутда бу ҳолат таъминланган.	Экотуризмда хавф-хатарнинг мавжудлиги, чунки олдиндан режалаштирилган туристик маршрутларда турли ҳодисаларнинг рўй бериши, йиртқич ҳайвонларга дуч келиш ҳоллари, жала, чакмоқ каби табиий офатларнинг рўй бериши кабилар.

Таянч сўзлар ва иборалар: экотуризм, экологик инкироз, туризм географияси, биосфера кўриқхоналари, биологик хилма-хиллик, стратегик режа, тактик вазибалар, экономика.

Мавзуну ўзлаштириш бўйича тест саволлари;

1. Экотуризмнинг ўрганиш объектини белгиланг.

- А. Табиат ва унинг барча ресурслари.
- Б. Тоғлар, дарёлар, ўрмонлар.
- В. Биологик хилма-хиллик ресурслари.
- Г. Ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси.

2. Экотуризмни ривожлантиришнинг дастурларини биринчилардан бўлиб қайси давлатлар ишлаб чиқдилар?

- А. АҚШ, Канада, Европа давлатлари ва Австралия.
- Б. АҚШ, Германия, Италия ва Австралия.
- В. АҚШ, Германия, Канада ва Австралия.
- Г. АҚШ, Канада, Мексика ва Австралия.

3. Экотуризмнинг мақсади нима?

А. Ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш.

Б. Аҳолида экологик маданият ва экологик билимларни шакллантириш.

В. Табиатни ва табиий ресурсларни сақлаш ва муҳофаза қилиш.

Г. Биологик хилма-хилликни сақлаш ва табиат бағрида дам олиш.

4. Экотуризмнинг таърифини биринчи бўлиб ким яратди?

А. Биржаков М. Б.

Б. Сергеева Т. С.

В. Дроздов А. В.

Г. Ласкурейн Ц.

5. Экотуризмнинг асосий талабларини аниқланг.

А. Табиатга саёҳат + табиат муҳофазаси + маҳаллий аҳолига иқтисодий ёрдам.

Б. Табиатга саёҳат + табиат муҳофазаси.

В. Табиатга саёҳат + маҳаллий аҳолига иқтисодий ёрдам.

Г. Табиатга саёҳат + саргузашт туризми.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Истикболда нима учун экотуризм халқаро миқёсда ривожланиб боради?

2. Экологик инкирозни бартараф этишда экотуризмнинг ўрнини белгиланг.

3. Экотуризм фани ҳақида дастлабки фикрларингизни тайёрланг ва амалий машғулотларда айтиб беринг.

4. Экотуризмнинг моҳияти ва мазмунини белгиланган олимларнинг хулосаларини алоҳида-алоҳида ўрганинг ва қайси олимнинг хулосаси сизга кўпроқ тушунарли бўлди?;

5. Экотуризмнинг таърифи бўйича халқаро ташкилотларнинг хулосаларини ўрганинг ва қайси халқаро ташкилотнинг хулосалари сизга кўпроқ тушунарли бўлди?.

6. Яшаётган тумандаги экотуризм объектлари ҳақида презентацияли маъруза тайёрланг.

7. Экотуризмнинг таърифини яратган олим ҳақида гапириб беринг.

9. Экотуризм билан табиат муҳофазаси ўртасидаги боғлиқлик нималардан иборат?.

10. Экотуризм фани қайси фанлар билан боғланган ҳолатларда фаолият кўрсатади?.

2-Мавзу. Экологик туризмнинг келиб чиқиш тарихи.

Экологик туризмнинг турлари.

Режа:

2.1. Экологик туризмнинг шаклланиши даврида табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар.

2.2. Ўтган асрнинг 70-йилларида кучли ривожланган оммавий туризмнинг атроф муҳитга ва туристик ресурсларга таъсири. БМТнинг халқаро экотуризм йилини эълон қилиши.

2.3. Экологик туризмнинг турлари.

2.1. Экологик туризмнинг шаклланиши даврида табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар.

Жаҳонда экологик туризмнинг ёки экотуризм атамасининг келиб чиқиши XX асрнинг сўнги чорагида инсоният жамияти олдида глобал экологик муаммоларнинг кучайиб кетганлиги ҳисобланади. Бу даврда инсониятнинг табиий-атроф муҳитга, табиий ресурсларга салбий таъсири кучайганлиги натижасида экологик инкироз сайёравий худудларда инсониятнинг келгусида яшаб қолишини оғирлаштиришини халқаро миқёсда кун тартибига қўйди.

Шу ўринда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳозирга келиб қандай даражаларга келиб қолганлиги ҳақида қисқача тўхталиш зарурати бор. Иккинчидан, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб АҚШ, Канада ва Европа давлатларида оммавий туризмнинг кескин ривожланиши ҳам на фақат табиий ресурслар инкирозини кучайтирди балки, ижтимоий-маданий ресурсларнинг бутун сақланишига хавф сола бошлади. Қўйида ана шу икки масала-муаммоларнинг мазмун ва моҳияти келтирилади²⁰.

Ўтган асрнинг сўнги чорагидан бошлаб инсониятнинг яшаш муҳити дунё жамоатчилигининг диққат марказидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Бу муаммолар-“экологик хавф” номи билан аталиб, йилдан-йилга кучайиб, оғирлашиб бормоқда. Илмий техника тараққиёти жараёнида табиий ресурсларнинг камайиб бориши, атроф-муҳитнинг ифлосланиб бориши келажак авлодлар учунгина эмас, ҳозирги жамият тараққиётига ҳам жиддий хавф солапти.

Захарланган табиий муҳитда яшаётган инсоннинг соғлиги, тўқис ҳаёт кечириши, иш фаолияти, табиий ресурслар билан таъминланиши ҳақида иқтисодий ҳулосалар чиқариш экологик муҳитни муҳофаза қилиш жиҳатларидан нотўғри ҳулосалар эканлиги ҳам маълум бўлди. Цивилизация нуқтаи-назаридан инсоннинг тўқис, соғлом яшаши ҳақидаги халқаро баҳо, ҳулосалар ҳам унинг экологик тоза муҳитда ҳаёт кечириши, ишлаб чиқаришидаги фаол меҳнатидан кейингина иқтисодий ҳолатига баҳо беришга ўтишмоғи тўғри деб топилмоқда.

Табиат бир бутун бўлиб, мураккаб табиий мажмуаларнинг, улардаги аъзоларнинг ўзаро муносабатлари йиғиндисидан иборат. Инсоният табиатнинг ажралмас бир қисми ва маҳсули сифатида у билан доимий бирга яшайди. Инсон ўзи учун зарур бўлган барча нарсалар- ҳаво, сув, озиқ-овқат, кийим-бош ва хом ашёларни табиатдан олади. Инсон ҳам табиатдаги барча жониворлар каби алоҳида биологик тур бўлиб, ўз ҳаёти давомида табиатга таъсир этади. Лекин инсоннинг табиатга таъсири бошқа биологик турларга қараганда кескин фарқ қилади.

²⁰ Douglas Pearce. Tourism Today: A Geographical Analysis. Second edition. Edinbурgh Gate. Harlow, 1997. 204 p.



Саёрамизнинг асосий кислородини етказиб берадиган Амазонка ўрмонларидаги ҳолатлар

Инсоният ўз меҳнати билан табиатга нафақат таъсир қилади, балким, уни ўзгартириб ҳам юборади. Инсон ишлаб чиқариш фаолиятида ўзи учун янги, мукаммаллашган буюмлар: машиналар, бинолар, йўллар, фабрикалар, шахталар, кишлоқ хўжалик далалари ва бошқаларни яратади. Ана шу буюмларни ишлатиш оқибатида инсон табиатга ўзининг таъсирини кучай тириб боради.

Ҳозирги давримиздаги илмий-техника тараққиёти инсоннинг қудратини жуда кучайтириб юборди. Яъни, инсон табиат устидан ўзининг тўлиқ ҳукм ронлигини ўрнатди. Инсоният ҳозирги имконияти билан янги денгизлар қуриши, чўлларни хосилдор ерларга айлантириши, дарёларни хоҳлаган тарафига бурибюбориши мумкин. Шу билан бирга маълум бўлдики, инсон ўз куч-қудратини табиатга нисбатан чексиз равишда қўллаши, унинг ўзи учун кўплаб салбий оқибатларни келтириб чиқарар экан. Илмий-техника инқилоби таъсирида, айниқса XIX асрнинг 60 йилларидан сўнг экологик муаммолар инсоният ҳаётига катта ташвишлар бўлиб кириб келди.

Бу муаммолар асосида табиатнинг ўзини-ўзи тиклаш кучи сусайгани, унинг ресурслари камайгани, атроф-муҳитнинг тобора ифлосланиб бораётганлиги, инсоннинг бир меъёрга яшашига табиат тўлиқ шароит ярата олмаётганлиги ётади. Бу ҳолат табиат ва жамият ўртасида XX асрда шаклланган экологик муносабатдир. Дастлаб, Европанинг ривожланган мамлакатларида, айниқса Германиянинг Рур ҳавзасида табиий муҳитнинг кескин ёмонлашуви кишилар ва организмлар ҳаёти учун хавф пайдо бўлиши сабаби табиат ва жамият ўртасидаги экологик муносабат шаклини юзага келтирди

Немис олими Эрнест Геккел 1866 йилда экология ҳақида биринчи бўлиб фикр-мулоҳазалар билдирган эди. Ҳозир эса дунёвий муаммоларнинг энг долзарби ҳам экологик муаммо бўлиб қолди. Ҳозиргача ер биосферасига 2 минг хил кимёвий бирикмалар ёйилди. Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ВОЗ) маълумотларига кўра инсон фойдаланаётган 4 минг кимёвий моддалар унинг соғлиғи учун хавф туғдирмоқда. Дунёда ҳар йили 250 минг хил янги кимёвий бирикмалар синтез қилинади. Шулардан 300 хили ишлаб чиқаришда ишлатилмоқда.

Дунё бўйича ҳар йили 100 млрд тонна руда ва минерал ёқилгилар қазиб чиқарилмоқда. Кейинги 30-йилда инсониятнинг бутун тарихи давомига караганда кўпроқ рангдор металллар қазиб чиқарилди. Агар 18- асргача 19 хил химиявийэлементдан фойдаланилган бўлса, ҳозирда бу сон 100 дан ошиб кетди. Ҳозиргача 2/3 қисм ўрмонлар йўқ қилинган. Охириги 2000 йил ичида 0,5 млрд. гектар ер хароб қилинди.Кейинги 100 йилда дунёда 67 млн. га ўрмон кесилиб кетди.Олимларнинг ҳисобига кўра, олий тур ўсимликларнинг 3 минг тури бутунлай йўқотилиш арафасида.

“Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи”нинг(МСОП) маълумотлари бўйича 1600 йилдан ҳозиргача қушларнинг 94 тури ва сут эмизувчиларнинг 63 тури бутунлай қирилиб кетган.Сайёрамизда бугунга келиб қушларнинг 600 хили, сут эмизувчиларнинг 120 хили абадий йўқолиш хавфида турибди. Инсон фаолияти туфайли сайёрамизда 9 млн км² унумдор ерлар саҳрога айланди.Яъни ҳар куни 3минг га унумдор ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришдан чиқарилмоқда. Ер шарида 50 миллион га ер умуман фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга келган.

Ифлосланган сувдан истъеомол қилиш натижасида ҳар йили дунёда 5 млн киши вафот қилмоқда.Худди шундай сувларни ичиш натижасида сайёрамизда ҳар йили 500 минг киши оғир дардларга чалинмоқда.Дунё океанига ҳар йили 10 минг тонна нефт тўкилмоқда. Саноат корхоналари ҳар йили 140 хилдан зиёд захарли газларни ҳавога чиқармоқда. Инсониятда учраётган рақ касаллигининг 50%и ана шу газлардан захарланиш натижасида келиб чиқиши аниқланган.



Амазонка ўрмонлари

Келтирилган манбалардан маълум бўладики, инсоният яшаш макони бўлган ўз уйи атрофи муҳитини бузиб бормоқда. Инсониятнинг яшаш шароити даражаси табиат билан боғлиқ экан, инсоннинг бу масалада табиат билан узвий келишмоғи зарурати асосий масаладир. Ҳозирга келиб, табиатда юз бераётган ижобий ва салбий ўзгаришлар турли соҳаларда ўрганилмоқда, лекин улар орасида табиатни иқтисодий-экологик жиҳатдан, экологик фойда ланиш жиҳатларидан ўрганиш жиддий аҳамият касб этади.

Чунки, иктисодий-экологик нуқтаи- назардан ўрганиш натижалари аниқ микдорий кўрсаткичлар асосида инсоннинг хўжалик фаолиятига баҳо беради. Табиий муҳитнинг тобора ифлосланиб бораётганлиги нафакат келажак авлодлар балки, ҳозирдаёқ инсоният тараккиётига катта хавф солмоқда. Ахвол ўнганмаса келажакда инсоният билан бирга бутун тирик мавжудотлар ҳам ўта кийин ҳолатга тушиб қолиши ҳам маълум бўлиб қолди.

Глобал экологик муаммоларнинг тобора ижтимоий- иктисодий инкироз ҳолатларини ҳосил қилиши, жаҳон ҳамжамияти олдига сайёрамиз миқёсида кескин чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш муаммоларини кун тартибига қўйди. Инсониятнинг бугунги ҳаёти ва келгуси авлодлар учун сайёрамизда сақланиб қолган табиий бойликларни муҳофаза қилишда илғор фикрли олимларнинг хулосалари бўйича глобал инкироздан чиқиш йўлларида энг муҳими-аҳолида экологик билим ва маданиятни шакллантириш деб билди.

Туризм соҳасидаги адабиётларнинг таҳлили ва юқорида санаб ўтилган кўрсаткичларни инобатга олиб илк бор экотуризмнинг қўйида келтирилган босқичларини Қорақалпоғистонлик олима Г. А. Бекбулатова тавсия қилди²¹:

- I. XX асрнинг 90-йилларигача бўлган давр-экотуризмнинг маҳаллий ва миллий мустақил туризм соҳаси сифатида юзага келиш даври.
- II. 1990–2000йиллар-туризмнинг регионал миқёсда, экотуризмнинг туризм индустрияси сифатида ривожланган даври.
- III. 2000 йилдан кейинги босқич-глобал миқёсда экотуризмнинг ривожланиш даври.

I.Экотуризмнинг мустақил туризм соҳаси сифатида юзага келиш даври. XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Европанинг яхлит китъасига инглиз туристлари маҳаллий аҳолининг маданияти, тарихини ўрганиш билан бир қаторда ажойиб табиатини кўриб кетиш учун саёҳат қилганлар. Чунки Альп тоғлари ландшафтлари ёки Карпатнинг тоғли ўрмонлари Англияда учрамаганлиги учун ҳам туризмнинг асосий объекти сифатида қаралган. Лекин ушбу туризм комплекс туристик маршрутлар билан қўшиб олиб борилган.Инглизларнинг табиат кўйнига қилинадиган сайёҳликка қизиқишини инобатга олиб Швейцариялик ишбилармонлар“Гранд-тур” таркибида табиий туризм хизматини ташкил этганлар ва у тапкилотчиларга жуда катта микдорда молиявий фойда келтирган.Шу даврда(1913 йиллар) Швейцарияда давлатнинг алоҳида эътибори билан кўрикланадиган табиий худудлар ажратилди. Кўриқхоналарга қилинадиган саёҳат гарчанд экотуризм деб номланмаса-да,улар “табиатга йўналтирилган туризм” сифатида юзага кела бошлади.

Туризмнинг экологик йўналиши аслида XX асрнинг 70-йилларидан бошланган. 1972 йилда Скандинавия мамлакатлари фуқаролари учун китларни томоша қилиш ва уларни ўрганиш мақсадида туристик маршрутлар уюштирилган. Ушбу туризмдан тушган маблағ китларни муҳофаза қилиш учун ишлатилгани ҳам экотуристик маршрут сифатида эътироф этилган.

²¹.Бекбулатова Г.А., Туризм ва рекреация географияси, маърузалар матни, Нукус, 2008, 107 б.

Кейинчалик, бундай туристик маршрутлар Европанинг бошқа мамлакатлари, Узоқ Шарқ, Шимолий Америка давлатларида ҳам уюштирила бошланди.

II. Экотуризмнинг регионал миқёсда туризм индустрияси сифатида ривожланган даври - 1990-2000 йилларни ўз ичига олади. 90-йилларнинг бошларида “Экотуризм” халқаро, минтакавий ва миллий миқёсда расмий мақомга эга бўлди. Айнан шу йиллари Европада Халқаро экотуризм иттифоқи иш бошлади.

Атроф - мухит муҳофазаси соҳасида энг муҳим воқеа 1992 йил 3-14 июнь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Атроф - мухит варивожланиш”га доир конференциясида қабул қилинган “XXI аср кун тартиби”да экотуризм ҳам барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳужжат ундан кейинги даврлардаги халқаро ҳаётда экотуризм нуқтаи-назардан экологик–ижтимоий–иқтисодий масалалар доирасида бир қатор халқаро норматив ҳужжатлар қабул қилинишига сабаб бўлди:

- 1995 йилдаги Атроф-мухит бўйича ЮНЕП дастури;
- 1995 йилда Лансаротда қабул қилинган “ЮНЕСКОнинг барқарор туризм хартияси”;
- 1997 йилда Осиё-Тинч океан минтақаси туризм ва табиат муҳофазаси вазирликларининг “Туризмнинг барқарор ривожланиш декларацияси”;
- 1997 йилда “Биологик хилма-хиллик ва барқарор туризмга бағишланган Берлин декларацияси”;
- 2000 йил ЮНЕП экологик барқарор туризм принциплари ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Умуман олганда XX асрнинг 90-йилларига келиб, Европанинг бир қатор мамлакатларида, жумладан собиқ Иттифокда ҳам “Экотуризм” атамаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. И.В.Зорин ва В.А.Квартальновларнинг экотуризм атамасининг талқини бирмунча оммалашди. Бу Россияда 1996 йилда Бутунжаҳон ёввойи табиат фонди (WWF) Узоқ Шарқда таркиб топиши билан бевосита боғлиқдир. WWF дастурининг бир қисми алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни таъминлаш билан боғланди.

Бизнинг мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб Джозиф Мак-Налти раҳбарлигида халқаро экспертлар гуруҳи “Ўзбекистон Республикасида туризмнинг барқарор ривожланиши дастури” бўйича тадқиқотлар олиб борди.

III. XXI аср-глобал миқёсда экотуризмнинг ривожланиш даври. 2001 йилда Россияда экотуризм ассоциацияси ташкил этилди. 2002 йил БМТнинг атроф мухит дастури (ЮНЕП) ва Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) ташаббуси билан “Халқаро экотуризм йили” деб эълон қилинди. Ана шу ташкилотлар ташаббуси билан экотуризм йилида Канада туристик комиссияси ҳамда Квебек шаҳрининг туристик бошқармаси хомийлигида Бутунжаҳон экотуристик Саммити 2002 йил 19-22 май кунлари бўлиб ўтди.

Унда 132 мамлакатдан давлат, нодавлат ва хусусий сектордан мингдан ошқ вакиллар иштирок этдилар. Ушбу Саммит тегишли соҳада бир неча йилдан буён олиб борилган машаққатли тайёргарлик босқичларининг якуни бўлди. Квебек Саммити экотуризмни глобал миқёсида акс эттирувчи ҳамда янги туристик йўналишни тубдан янги йўсинда бошлаш нуктаси эди. У 2002 йил август-сентябр ойларида ўтказилган Бутунжаҳон барқарор ривожланиш Саммитидаги тегишли туристик йўналишдаги асосий тактик ва стратегик вазифаларни яқин ўн йилликкача аниқлаб берди. Саммитда қабул қилинган Декларация БМТга жўнатилди.

Миллий, минтақавий ва маҳаллий органларга Квебек Декларацияси орқали тавсия этилаётган кўрсатмалар 19 та бўлиб, улар деярли экотуризмнинг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олади. Декларацияда Хусусий сектор намоёндаларига 14 та банддан иборат бўлган тавсияномалар тақдим этилади. Уларнинг аксарияти хусусий компаниялар, туроператорлар ёки ташкилотларни экотуризмни ташкил этиш, уни бошқариш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш учун йўл - йўриқ кўрсатиб ўтади.

Квебек Декларациясида алоҳида кўрсатмалар нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари ва илмий марказларга ҳам берилган. Ушбу кўрсатмалар 4 та банддан иборат бўлиб, улар экотуризмнинг илмий ва техник асосини яратишга онд тадқиқотларни олиб бориш, ўзаро ва давлатлараро ҳамкорлик шартномаларини тузиш, илмий-техник ютуқларни экотуризмнинг ривожига йўналтирувчи кўрсатмалардир.

2.2. Ўтган асрнинг 70-йилларида кучли ривожланган оммавий туризмнинг атроф муҳитга ва туристик ресурсларга таъсири. БМТнинг халқаро экотуризм йилини эълон қилиши.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида иктисодий ривожланган АҚШ, Канада ва Европа давлатларида оммавий туризм кучли ривожланиб борди. Туризм ва антропоген босимнинг табиатга салбий таъсири ҳақида биргина мисол келтирамиз. Масалан, 1973-1983 йилларда ана шундай таъсирлар натижасида Европа мамлакатлари бўйича дарё ва кўлларда туристик маршрутлар 40% га, денгиздаги маршрутлар-70% га қисқарди, табиий ўрмонларининг 60% и оммавий туризмдан зарар кўрди, пайхон қилинди.

АҚШнинг Балингер каньонида туристик транспорт оқимининг кучайиши ва туристик инфратузилмаларнинг марказлашуви натижасида атроф ҳудуд тупроқ қатламининг 86%и табиий унумдорлигини йўқотди ва бошқ.. Ҳатто масофа жихатидан жуда узок ва табиий иқлим шароитларианча оғир бўлган тоғли Непал давлати ҳам туристик сўқмоқларда чиқиндиларнинг кўпайиб бриши натижалари бўйича 3 та халқаро экотуристтик-алпинистик маршрутни тўхтатди.

Экологияда *“Глобал ўзгаришлар бўйича немис маслаҳатчилар Кенгаши”* дунёнинг кўплаб мамлакатларида юз бераётган экологик инкироз ҳудудлари

даги ҳолатларни ўрганиб чиқиб экологик инкироз бўйича қуйидаги хулоса ларга тўхталди²²;

- Оммавий туризмнинг, рекреация, назоратсиз экотуризм натижасида табиатда ва табиий ландшафтларда чиқиндиларнинг кўпайиб катта ҳажмларда тўпланиб қолганлиги;
- Халқаро ҳамжамиятнинг Орол денгизининг куриб боришига бефарқ ҳолатда бўлиши;
- Ҳайвонот оламидаги экологик стандарт-йирик эъталонларнинг киска муддатларда батамом йўқ қилиниши (Турон йўлбарси);
- Радиоактив чиқиндиларнинг назоратсиз дунё океанига ва ер қатлам ларига махфий ҳолатларда кўмилиши.

“Кенгаш”нинг хулосалари халқаро экологик экспертлардан ўтгандан кейин жаҳоннинг энг нуфузли илмий журналларида чоп қилинди. Кейинчалик, халқаро илмий ҳамжамиятлар экотуризмни ривожлантиришда фақат табиат бағрига оммавий равишда экотурларни уюштиришни тарғиб қилиш ҳам, табиат муҳофазасида салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги исботлади. Шунингдек, ЮНЕП, МСОП, БМТ ва БТТ ташкилотлари экотуризмнинг табиатга ижобий ва салбий таъсирларини ўрганиш, экотуристлик маконга, экотуристлик ресурсга ва экотуристлик объектларга экотуристлик юклама даражаларини ўрганиш бўйича мутахассисларга халқаро Гранд лойиҳаларини ажратди.

Юқорида қайд қилинган Халқаро ташкилотларнинг экотуризмни ривожлантириш дастурларини, халқаро моделларини, технологияларини, ташкилий-амалий механизмларини халқаро матбуотларга бепул тарқатиш таклифини экотуризм кучли ривожланган Канада, АҚШ, Германия ва Австралия ҳукуматлари қабул қилди ва қайд қилинган технологиялар интернет тизимига бепул берилди. Натижалар ўз самарасини бермоқда. Кўплаб давлатлар ўзларида экотуризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқдилар, табиат кўрикхоналари, миллий паркларини ташкил қилдилар ва қилмоқдалар.

БМТнинг халқаро экотуризм йилини эълон қилиши. Экотуризмни режасиз, табиатнинг қонуниятларини ҳисобга олмасдан оммавий ривожлантиришдаги юқорида қайд қилинган ҳолатлар инсониятни халқаро миқёсларда ташвиш ва норозиликларга олиб келди. Натижада Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг (БТТ) ва “Яшил дунё” экологик ташкилотининг самарали меҳнатлари туфайли “XXI асрда туризмнинг барқарор ривожланиши Концепцияси” (Agenda 21 for travel and tourism industry) ишлаб чиқилди.

«Туризм ва саёҳатларнинг индустрияси учун XXI аср Кун тартиби» Концепцияси-“Ҳар томонлама ҳаракатлар Дастури”, “Атроф муҳит ва ривожланиш” (UNCED) ташкилотининг 182 та давлатларнинг бошлиқлари қатнашган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро конференциясида 14 июн 1992 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида қабул қилинди.

²² Hobson J.S.P., Ko Goldwin. Tourism and politics, Journal of Travel Researches-1994.-Vol.32. №4.-p.2-8.

Инсоният олдида турган экологик инкирознинг олдини олиш бўйича қабул қилинган бу муҳим ҳужжатни жаҳондаги давлатлар ўз имкониятлари даражаларида ишлаб чиқдилар ва экологик инкирознинг олдини олишнинг энг мақбул усулларида бири экотуризмни ривожлантириш деган хулосаларга тўхталди. Натижада сайёранинг табиий муҳитини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишга бағишланган тадқиқотлар халқаро миқёсда кучайиб борди. Ушбу йўналишда биргина 1999 йилда 400 дан ортиқ илмий мақолалар халқаро миқёсда тан олинган нашриётларда чоп қилинди.

Инсоният олдидаги глобал экологик муаммоларнинг ечимларидан энг мақбул йўлларида бири экотуризмни ривожлантириш эканлигини хулоса қилган БМТ 2002 йилни «халқаро экотуризм» йили деб эълон қилди. Ҳозирга келиб экотуризм халқаро ҳамжамиятда сайёрамиз табиатини сақлаш ва муҳофаза қилишда қўтилган ва қўтилаётган натижаларни бермоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш, экология ва табиатдан оқилона фойдаланиш ишларида халқаро ҳамкорлигини келтиришни лозим.

Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг (БТТ) ва “Яшил дунё” экологик ташкилотининг самарали меҳнатлари туфайли “XXI асрда туризмнинг барқарор ривожланиши Концепцияси” (Agenda 21 for travel and tourism industry), Туризм ва саёҳатларнинг индустрияси учун XXI аср Кун тартиби», Концепциясининг “Ҳар томонлама ҳаракатлар Дастури”, “Атроф муҳит ва ривожланиш” (UNCED) дастури қабул қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси табиат муҳофазаси йўналишида ўзининг халқаро ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда халқаро ҳамкорлиги йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Бу ҳамкорлик мамлакатимизнинг миллий вазифалари ва истикболда ривожланиш масалалари билан ҳамохангдир. Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлимнинг сайёравий ўзгариб боришининг олдини олиш, озон қатлами бузилишининг олдини олиш, бетакрор табиий минтақаларнинг экологик мувозанатини сақлаб қолиш, табиат ресурсларидан замонавий технологиялар асосида фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликда фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида МДҲнинг Халқаро Экологик Кенгаши аъзосидир. Мамлакатимиз 1992 йилда БМТнинг Бразилия шаҳрида қабул қилинган “Атроф муҳит ва ривожланиш” декларациясини, Туризм ва саёҳатларнинг индустрияси учун XXI аср Кун тартиби» дастурини қабул қилди ва халқаро миқёсда қувватлади.

Ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикаси табиат муҳофазаси ва табиатдан фойдаланишда 50 дан зиёд халқаро шартномаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Бизнинг давлатимиз атроф муҳит ва табиат муҳофазасида тарихан муҳим бўлган қуйидаги халқаро ҳамкорликларнинг ташаббусқори ҳисобланади:

- Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена конвенцияси(1993 йил 18 май);
- Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреал баённомаси(1993 йил 18 май);
- Озон қатламини бузувчи Монреал баённомасига Лондон тузатмаси(1993 йил 1 май);
- Табиий муҳитга зарар келтирувчи ҳар қандай ҳарбий ва душманлик қилувчи фойдаланишни таъқиқ қилувчи Конвенция(1993 йил 26 май);
- БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича Конвенцияси(1993 йил 20 июн),Киота баённомаси(1999 йил);
- Қурғоқчилик ва қурғоқчилик давом этаётган давлатларда қурғоқчилик билан курашиш бўйича Конвенция(1995 йил 31 август);
- Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенция(1996 йил 6 май);
- Халқаро маданий ва табиий меъросларни сақлаш бўйича Конвенция (1995 йил 22 декбр);
- Бутунлай йўқотилиш хавфига тушган ёввойи флора ва фаунанинг халқаро савдосига қарши Конвенция(1997 йил 1 июл);
- Ёввойи қушлар миграцияси ва уларни муҳофаза қилиш бўйича Конвенция(1998 йил 1 май) ва бошқ..

2.3.Экотуризмнинг турлари

*Илмий экотуризм ва табиат тарихи экотуризми.*Ўтган асрнинг 80 йилларида экотуризмни ривожлантиришни биринчилардан бўлиб бошлаган АҚШ, Канада ва Европа давлатлари бўлди. Бу давлатлар хали экотуризмнинг илмий назарияси,тамоийллари, амалиёти ва турлари тўлиқ яратилмаганлигидан экотуризмни ўз давлатларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича номладилар²³;

- Юмшоқ туризм- Германияда;
- Юмшоқ туризм- Англияда;
- Тоғ туризми-Францияда;
- Табиат туризми-Россияда, АҚШда;
- Яшил туризм, Саргузашт туризми -Италияда;
- Қишлоқ туризми-Европа давлатларида;
- Экологик туризм ёки экотуризм-XX аср бошларидан АҚШ,Канада ва Европа давлатларида, Австралия, Малайзия, Япония ва бошқа мамлакатларда.

Келтирилган маълумотлардан кўринадики,1992 йилдаги Рио-де-Жанейро конференциясида эълон қилинган “Хақаро экотуризм йили”дан кейин туризм ривожланган давлатлар экотуризмни номлаш ҳақида ягона фикрга келишган.Шундай қилиб, асримизнинг бошланишидан жаҳондаги кўпчилик давлатлар табиат билан боғлиқ туризмни экологик туризм ёки

²³ .Александрова А.Ю.,География туризма. КНОРУС, Москва, 2010,592 стр

экотуризм деб номлашга ўтишди.Экотуризмнинг турлари ҳақида сўз юритилганда илмий адабиётлардаги таснифларни яхшилаб ўрганиб олишимиз лозим бўлади. Чунки, экотуризмнинг турларини таснифлашда албатда илмий-тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Иккинчидан, биз хали экотуризмни ташкил қилишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ҳам яхши ўзлаштириб олганимиз йўқ.

Хозирда экотуризмни қуйидаги 4 йўналишдаги турларга бўлишди²⁴;

1. Илмий экотуризм;
 2. Табиат тарихи экотуризми;
 3. Табиат кўриқхоналари ва резервациялари экотуризми;
 4. Саргузашт экотуризми:
- Узок ҳудудларга экотуристик саёҳат;
 - Велосипедда қисқа муддатли экотуристик саёҳат;
 - Мураккаб жойларга пиёда экотуристик саёҳат;
 - Жисмоний юклама(палаткалар,озик-овқатлар, асбоб-анжомлар) билан экотуристик саёҳат;
 - Махсус автомобилларда (ётиш, овқатланиш,) экотуристик саёҳат.

Илмий экотуризм асосан табиат кўриқхоналарида, миллий паркларда,биосфера кўриқхоналарида,табиат буюртмахоналарида амалга оширилади.Ўзбекистонда ҳам шундай. Бизнинг табиат кўриқхоналаримизда оммавий экотуризмда фойдаланишга хозиргача рухсат берилганича йўқ. Фақат илмий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Миллий боғларимиздан оммавий экотуризмда ва рекреацияда фойдаланиш мумкин ва фойдаланилмоқда.

Хозирда Зомин миллий боғи ва Чотқол-Угом миллий боғидан экотуристик мақсадларда фойдаланилмоқдамиз.Илмий экотуризмда туристлар ёки илмий ходимлар табиат кўриқхоналарида, миллий паркларда ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудларда табиатдаги жараёнларни, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини кузатадилар, илмий тажрибалар қўядилар ва ҳақозолар.

Табиат тарихи экотуризми ҳам деярли табиат кўриқхоналарига ва миллий паркларда амалга оширилади.Фақат илмий кузатишларни, табиат компонентларининг тарихи, келиб чиқиши, ҳайвон ва ўсимликлар оламининг тарихи, алоҳида турларнинг ареали, ўзгариши бўйича олиб борилади. Бундай кузатишларда махсус илмий-экспедиция маршрутлари ташкил қилинади. Экотуризмнинг бу тури Германияда жуда ҳам оммавийлашган.Шунинг учун ҳам бундай экогурларни экотуризмни ривожлантиришдаги немис модели деб ҳам аташади.

*Табиат кўриқхоналарига ва резервациялари экотуризми.Саргузашт экотуризми.*Жаҳонда кўплаб экотуристлар миллий паркларга, табиат кўриқхоналарига ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларга саёҳат қилишади.Улар бу жойлардаги ўзига хос бўлган табиий жараёнларни, ноёб биологик ресурсларни кузатадилар, томоша қиладилар. Масалан, Лотин

²⁴ ZalatanA. andA. R. Gaston. Soft Ecotourism: the Substitution Effect. TheTouristReview, 4, 1996.

америкасига келатган туристларнинг 60% и миллий парклар, кўриқхоналар ва резервацияларга келишади. Бу экотуристтик тур Австралияда жуда оммавийлашганлиги сабабли экотуризмни ривожлантиришдаги Австралия модели деб ҳам аташади.

Экотуризмнинг бу тури табиатда дам олиш ва ҳаракатланишда барча фаол саргузашт турларни ўз таркибига олади. Бу турлар куйидагилар ҳисобланади;- альпинизм, қоятошлар экотуризми, музларда юриш ва чиқиш, спелиотуризм, тоғ ва пиёда ҳаракатланиш экотуризми, сув экотуризми, чанги ва тоғ чанги экотуризми, дайвинг. Бу туризм турлари яқин вақтлардан бошлаб оммавийлаша бошлади ва туризмда экстремал туризм турлари деб ҳам атала бошланди.

Туризмнинг турларини таснифлашда қандайдир элементлар ва майда деталларга эътибор беришнинг ҳечам зарурати йўқ. Масалан, альпинизмни, спелиотуризмни ва тоғ чанги туризмларини спорт туризмнинг турларига киритмасдан -альпинизм туризми, спелиотуризм, тоғ чанги туризми деб туризмдаги алоҳида-алоҳида йўналишдаги турлар каби белгилаш мумкин. Масалан, экотуризмнинг турларига киритилган дайвингни(ҳеч қандай ёрдамчи асбоб-ускунасиз сувга шўнғиш) ҳозирда алоҳида дайвинг туризми дейишмоқда.Шу ўринда қайд қилиш лозимки, туризмдаги кўпчилик мутахассислар альпинизм, қоятошларга чиқиш, спелиотуризм, чанги ва тоғ чанги туризмни спорт туризмнинг турларига киритишади²⁵. АҚШ да бу турларнинг барчасини табиатга мўлжалланган туризм турлари деб таснифлашади²⁶.

Экотуризмнинг турлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар туризм ривожланган давлатларда ҳар хил ҳисобланади. АҚШ ва Канадада экотуризмнинг турларини унчалик майдалаштирмайди ва аксинча экотуризмнинг таърифи бўйича табиатга қилинган барча саёҳатларни экотуризм талабларида амалга оширади. Шунинг учун ҳам бу давлатлар ички ва ташқи экотуризмни ривожлантириш бўйича лидер давлатлардир.

Туризм соҳасида А.Ю. Александрова экотуризмнинг икки турини тан олади ва бошқа олимлар тавсифлаган экотуризм турларини экотуризмнинг турмаршрутлар бўйича мавзули турлари деб ҳисоблайди²⁷. Бизнингча, бу жуда тўғри хулоса ҳисобланади.

Юқорида келтирганимиздек, А.Ю. Александрова экотуризмнинг барча турларини жамлаб асосан икки асосий турга гуруҳлайди:

- 1.Кам ўзгартирилган ёки бузилмаган, ёввойи шароитдаги ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар чегарасидаги экотуризм.
- 2.Маданий ландшафтлар ёки маданийлаштирилган кенгликлар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар чегарасидан ташқаридаги экотуризм.

Бу гуруҳга агротуризм ва табиатга мўлжалланган барча экотурлар, шунингдек, ўта қофортли лайнерларда океан ва денгиз круизлари

²⁵.Храбовченко В.В. Экологический туризм. Финансы и статистика, Москва, 2004, 172 стр.

²⁶.Zalatan A., Gastom A.R., Soft Ecotourism* the Substitution Effect// The Tourist Review.1996,No 4

²⁷.Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КноПУС, 2010, 592 стр.

экотурлари киради. Ҳозирда бу экотурни “немис” ёки “ғарбий Европа модели” дейишади.

Экотуризмнинг турларини таснифлаш ҳозиргача давом этмокда. Илмий адабиётларни таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкинки, экотуризм табиат билан боғлиқ туристик фаолият бўлганлиги учун унинг турларини туристик мақсадлар бўйича, экотуристлик ҳаракатлар бўйича ҳам алаҳида-алоҳида турларга ажратиш мумкин. Масалан;

- ёввойи ёки маданийлашган табиатни экологик ўқув мақсадларида кузатиш ва ўрганиш экотурлари;
- табиат бағрида хиссий эстетик мақсадларда дам олиш экотурлари;
- табиий омиллардан фойдаланиб соғломлаштириш экотурлари;
- саргузашт ва спорт мақсадларидаги экотурлар.

Экотуристлик қизиқиш объектлари бўйича ҳам экотуризмни турларга бўлиш мумкин. Бу ҳолатларда туристик объектнинг номи экотуристлик мақсадни англатади. Масалан;

- ботаник, зоологик, табиий географик, геологик, ва шунга ўхшаш йўналишлардаги экотурлар;
- экологик-этнографик ва экологик-маданий экотурлар;
- агро-экологик экотурлар.

Экотуризм кучли ривожланган Европа давлатларида кўп ҳолларда кишлоқ туризмни агротуризм деб ҳам номлашади. Кишлоқ туризми кучли ривожланган Франция, Германия, Италия, Англия ва Австрияда агротуризмни кишлоқ туризми билан бирга қўшиб ривожлантиради. Баъзида агротуризмни экотуризмга қўшишади. Ҳар ҳолда бундай таснифлаш уларнинг ихтиёридаги масала. Бизнингча, агротуризм билан кишлоқ туризми туризм соҳасидаги алоҳида-алоҳида йўналишдаги турлар ҳисобланади. Бу ҳақда алоҳида мавзуда тўхталамиз.

Хулоса қилганимизда, экотуризмнинг турларини таснифлашда биз ўзимизга қулай бўлган таснифларни ишлаб чиқишимиз лозим ёки хорижий давлатларидагидек майдалашмасдан табиат бағрига ҳарқандай мақсадлардаги туристик фаолиятни экотуризм деб белгилашимиз тўғри бўлади.

Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришдаги дастлабки вақтларда ички экотуристлардан экотуризмнинг мақсади ва вазифалари, тамойиллари, талаблари бўйича экотуристлик турларни амалга оширишни талаб қилишимиз биз кутган натижаларни бермайди. Чунки, биз ҳозиргача табиат бағрига қилинган ёки қилинадиган сайр-саёҳатларни илгаригидаги “маёвка” деб тушунамиз ва бу саёҳатлар учун кам миқдордаги тўловларни ҳам ҳозирча тушунишимиз қийин бўлади. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида экотуризмнинг мақсади ва вазифаларини тушунтириш, тарғиб қилиш ишларини жадал равишида бошлашимиз лозим.

Энг муҳими шундан иборатки, экотуризм фақат табиат бағрига, табиий ландшафтларга (қисман ўзгартирилган табиий ландшафтларга) сайр-саёҳат эканлигини яхши билишимиз лозим. Шу ўринда саргузашт экотуризмни маҳаллий чегараларда ривожлантиришнинг катта имкониятлари

мавжуд. Масалан, кишлок жойлардаги мактаб ўқувчиларини яқин масофалардаги тоғлар табиатига экологик маршрутларни ташкил қилиш, табиат кўрикхоналари ва табиат буюртмахоналарига экологик маршрутлар, ватанимизнинг табиат минтақаларига палаткали усулда жойлаштириш хизматлари билан саргузашт туризмни ташкил қилиш ва ҳақозо.

Таянч сўзлар ва иборалар: “яшил дунё”, экологик инқироз, глобал инқироз, XXI-аср кун тартиби, конвенция, модел, агро-экологик, агро-дунё, саргузашт туризми, этнография, агротуризм.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Экотуризмнинг келиб чиқиши сабабларини белгиланг.

- А. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мувозанатдалиги.
- Б. Туризмнинг оммавий ва тартибсиз ҳолатларда ривожланиши.
- В. Мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиши.
- Г. Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, глобал экологик инқирозларнинг ҳалокатли ривожланиши. Табиий муҳитни ва табиат ресурсларини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолишда экотуризмни ривожлантириш.

2. Экотуризмнинг юзага келиши ва шаклланиши даврини аниқланг.

- А. XX асрнинг ўрталари.
- Б. XX асрнинг охири.
- В. XXI асрнинг бошланиши.
- Г. XX асрнинг сўнги чораги.

3. Глобал экологик инқироздан чиқишнинг энг мақбул йўллари аниқланг.

- А. Инсониятнинг бугунги ҳаёти ва келгуси авлодлар учун сайёрамизда сақланиб қолган табиий бойликларни муҳофаза қилишда илғор фикрли олимларнинг хулосалари бўйича глобал инқироздан чиқиш йўллари аниқланг.
- Б. Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганиб бориш.
- В. Туризмни ривожлантириш.
- Г. Экологик дастурлар ишлаб чиқиш.

4. БМТ қачон «халқаро экотуризм» йилини эълон қилди?

- А. 2002 йилда.
- Б. 1994 йилда.
- В. 2004 йилда.
- Г. 1998 йил

5. Экотуризмнинг тури нечта?

- А. 10 та.
- Б. 6 та.
- В. 4 та.
- Г. 8 та.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича савол ва топшириқлар:

- 1. Табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида презентацияли маърузани тайёрланг.
- 2. Экотуризмнинг келиб чиқиши ҳақида презентацияли маърузани тайёрланг.

- 3.Экологик инқироз билан экотуризмнинг боғлиқлиги ҳақида саволлар тайёрлаб келинг.
- 4.Экотуризмнинг асосий турлари бўйича маъруза тайёрланг.
- 5.“Маданий ландшафтлар ёки маданийлаштирилган кенгликлар ва алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар чегарасидан ташқаридаги экотуризм” мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
- 6.Экотуризмнинг шаклланиши босқичларини тушунтиринг.
- 7.БМТ қачон «халқаро экотуризм» йилини эълон қилди?
- 8.Ўзбекистоннинг халқаро экологик хавфсизликни сақлаш ҳақидаги фаолиятини айтиб беринг.
- 9.Резервацияларни тушунтиринг.
10. Агротуризмнинг экотуризмга боғланиши қандай?

3-Мавзу. Экотуризмнинг тамойиллари. Халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси

Режа:

- 3.1.Экотуризмнинг тамойиллари.Туристик фирманинг экологик менежменти.
- 3.2.Халқароэкотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти.
- 3.3.Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги муҳим тактик ва стратегик вазифалар.Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси.

3.1.Экотуризмнинг тамойиллари.Туристик фирманинг экологик менежменти.

Ишлаб чиқаришда ғоя ва назарияларнинг шаклланишида ишлатиладиган принцип сўзи асос, талаб, негиз маъноларини англатгани учун давлат тилида тамойил деб таржима қилинган. Экотуризмнинг тамойиллари ҳам экотуризм йўналишининг ривожланишидаги тартиб-меъёрларга асосланиши лозим. Яъни экотуризмнинг тамойиллари экотуризмнинг моҳиятини, мазмунини, мақсади ва вазифаларини ўзида акс эттириши керак.

Экотуризмнинг тамойилларини “Халқаро экотуризм ташкилоти” ишлаб чиққан. Бу тамойиллар жаҳондаги барча давлатларнинг раҳбарларига тарқатилган бўлиб, ҳар бир давлатлар экотуризмни ташкил қилганда ушбу тамойилларга амал қилиш талаб қилинади:

- 1.Экотуризм табиатга қаратилган ва табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган бўлиши.
- 2.Экотуризм экологик барқарор ривожланишга ва яшаш муҳитимизга келтирилаётган зиёнларни минималлаштиришга асосланган бўлиши.
- 3.Экотуризм экологик таълим ва маърифатга йўналтирилган бўлиб, табиат билан тенг ҳамкорликга асосланган бўлиши.
- 4.Экотуризм маҳаллий ижтимоий маданиятни сақлашга ва ёрдам беришга асосланган бўлиши.

5.Экотуризм фаолият кўрсатган ҳудудларнинг барқарор ривожланишини ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашига асосланган бўлиши керак.

Экотуризмнинг тамойилларини ўрганганимизда албатда туризмнинг бу муҳим соҳасини ривожлантириш осон кечмаслигини англаймиз. Бу тамойиллар асосида экотуризмни ривожлантиришда албатда давлатнинг экологик бошқарувига мурожаат қилинади. Чунки, экотуризмни юқорида қайд қилинган тамойиллар асосида ривожлантириш фақат давлат ташкилотларининг қувватлаши билангина амалга ошиши мумкин.

Кейинчалик туризм мутахассислари ва олимлари томонидан экотуризмнинг тамойиллари кенгайтирилди ва мукаммаллаштирилди²⁸:

1. Табиати яхши сақланган жойларга саёҳат.

2. Табиат ресурсларидан барқарор фойдаланиш, табиий, ижтимоий ва маданий биологик хилма-хилликни сақлаш.

3. Экотурда белгиланган тартиб- интизомга қатъий риоя қилиш.

5. Экотурларни табиат қонунлари асосида мукаммал ишлаб чиқиш.

6. Экотуризмни ҳудудларнинг иқтисодий ривожлантириш режалари билан бирлаштириш.

7. Маҳаллий аҳолини экотуризм ривожланишида қатнаштириш ва бу йўналишда уларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш.

8. Экотуризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Экотуризм бўйича мутахассислар таклиф қилган тамойиллар қаторида Т.К.Сергеевнинг таклиф қилган тамойиллари ҳам диққатга сазовор²⁹:

1. Рекреацияли табиий ҳудудларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш.

2. Экотуризм соҳасига тортилган (кўшилган) ҳудудларнинг иқтисодий барқарор ривожланишини ошириш.

3. Экотуристик фаолиятда қатнашувчиларнинг экотуристик маданиятини ошириш.

4. Рекреацияли ҳудудларнинг этнографик статусини (мақомини) сақлаш.

“Халқаро экотуризм ташкилоти” ўз навбатида экотурист учун қоида ҳам ишлаб чиқди³⁰:

1. Ер билан боғлиқлигини унутмаслик, ёддан чиқармаслик.

2. Табиатда фақат изларини қолдириш, табиатдан фақат расмларни олиб кетиш.

3. Борган ерида дунёни, халқлар маданиятини, географиясини англаш, билиш.

4. Маҳаллий аҳолини ҳурмат қилиш.

5. Ишлаб чиқарувчилардан атроф муҳитга хавф-хатар солувчи, келтирувчи маҳсулотларни сотиб олмаслик.

6. Фақат махсус солинган сўқмоқлардан юриш.

7. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини қувватлаш, ёрдам бериш.

²⁸ Дроздов А.В. Основы экологического туризма. М.; Гарларики, 2005, 271 с.

²⁹ Сергеева Т. К., Экологический туризм, Москва, Финансы статистика, 2004, 360 стр.

³⁰ Бабкин А.В. Специальные виды туризма, Ростов на Дону, Феникс, 2008, 252 с.

8. Имконият борича атроф муҳитни тоза сақловчи усуллардан фойдаланиш;

9. Табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотларни қувватлаш.

10. Экотуризм тамойиллари бўйича ишловчи туристик фирмалар билан саёхатга чиқиш.

Ушбу қоидалар бўйича кейинчалик экотуризмнинг куйидаги белгилари ҳам ишлаб чиқилди³¹;

- Экотурист ўзининг ҳар қандай саёхатида атроф муҳитни ўрганеди;
- Экотурист учун табиатга саёхат асосий мақсадлардан ҳисобланади;
- Экотуризмдан олинаётган даромадлар атроф муҳитни молиявий қувватлашга йўналтирилади;
- Экотурист ёввойи табиат ресурсларини тикловчи ёки сақловчи ҳамкорликга ва ҳаракатларга иштирок этади.

Экотуризмнинг тамойиллари, қоидаларива белгилари билан танишиб чикгандан кейин экотуризмни ривожлантиришдаги кўплаб тушунмовчилик ва ноаниқликлар маълум бўлади. Бу ноаниқликлар шулардан иборатки, жаҳондаги кўплаб давлатларда экотуризм талаблар даражасида бирданига ривож топмаётир. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, экотуризмнинг асосий объектлари алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар, миллий парклар ва табиат кўрикхоналари эканлиги ҳаммага маълум бўлган ҳолда, бу табиий ресурслар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Бу шароитда экотуризмни кучли ривожлантиришнинг имкониятлари чегараланиб қолади. Лекин, АҚШ, Канада, Австралия, Малайзия, Япония ва Европа, Африка давлатларида экотуризм йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Биз мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда юқорида қайд қилинган давлатларнинг тажрибаларини, экотуризмни ривожлантириш давлат дастурларини пухта ўрганишимиз лозим. Илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, туризм ривожланган шунингдек, экотуризм ривожланган давлатлар 10-15 йиллар давомида ички туризмни ривожлантирганлар, ўз халқларини туризмнинг барча соҳаларининг мазмуни ва моҳиятига тайёрлаганлар. Хусусан, экотуризмнинг мазмун-моҳиятини, тамойилларини ўргатганлар.

Шунинг учун ҳам экотуризм ривожланган давлатлар ўз миллий паркларидан ва табиат кўрикхоналардан экотуризмда фойдаланишга рухсат берганлар. Мамлакатимизда ҳозирга келиб миллий боғларимиздан экотуризмда фойдаланмоқдамиз, табиат кўрикхоналаридан экотуризмда фойдаланишга ҳозирча рухсат берилмаган.

Биз ҳам, мамлакатимизда аҳолининг экологик маданияти ва экологик билимларини оширишга, табиатни муҳофаза қилиш қонунларини яхши билишига ва ҳурмат қилишига, табиатни ва унинг ресурсларини муҳофаза қилиш дастурларига ихтиёрий ҳамкорлик қилиш ишларига тайёрлашимиз, экотуризмнинг тартиб қоидаларини, тамойилларини ўргатишимиз лозим

17. Дроздов А.В., Основы экологического туризма. Москва, Гардарика, 2005, 271 стр.

бўлади.Экотуризмнинг тамойилларини ўрганишдан шундай хулоса келиб чиқадики, экотуризмни ривожлантиришда давлатнинг экологик бошқарув сиёсатини, дастурини ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда.

Экотуризмнинг давлат бошқаруви. Туризмнинг экологик менежменти” ва «Экологик менежмент» бошқарувида фарқ йўқ, фарқ бўлмаслиги ҳам керак. Иккала йўналиш ҳам бир мақсадда ташкил қилинади ва бошқарилади. Ҳар қандай соҳадаги экологик бошқарувнинг асосида эса давлатнинг экология бошқарув ташкилотлари тизими қабул қилинади³².

Давлатнинг экология соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ҳар бири давлат парламенти ишлаб чиққан ва расмий жиҳатдан берган ваколатларга эга бўлади.«Туризмнинг экологик менежменти»да,«Экологик» менежментда ва айниқса экотуризмнинг ривожланишидаги тўскинликлар ва муаммолар ана шу бошқарув тизимига ўзгартиришлар ва қўшимча ваколатлар киритишни талаб қилмоқда.Масалан, экотуризмдаги асосий туристик ресурслар табиатимиз ҳудудларида бўлиб, бу ҳудудлар деярли муҳофаза қилинади ва ҳозирча экотуристларни қўйишга руҳсат берилмаган.

Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар эса Ўзбекистон Республикаси “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси” назоратида, сув хавзалари, сув омборлари Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув ҳўжалиги таъсарруфида, ўрмонларимиз ҳам ўз «Давлат қўмитаси» бошқарувида берилган. Бу ҳудудларга турист ҳам, ҳатто Республика фукарolari ҳам киритилмайди, қаттиқ режимдаги муҳофазага олинган.

Шунинг учун ҳам«Туризмнинг экологик менежменти» туризм соҳасидаги ҳозирги ривожланиш босқичида давлатнинг экологик бошқарув органлари ваколатлари чегарасида фаолият кўрсатиш, кейинги босқичларни режалаштиришда айниқса, экотуризмни ривожлантиришда экологик бошқарувни такомиллаштириш бўйича табиатни муҳофаза қилиш нуқтани назаридан тақлифлар–тавсиялар ишлаб чиқишга мажбур бўлади (2-Чизма).


Ҳар томонлама мажмуали маълумотларни, мулоҳозаларни, тақлифларни чуқур таҳлил қилиб таъкидламоқчимизки, «тавсияларимиз» республикамизда туризм ва туризмда экологик бошқарувнинг ташкилий тузилмаси–атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг экологик бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва ушбу соҳада ўз вазифаларини бажарувчи бири–бири билан боғланган турли экологик бошқарув идоралари ва бўғинларининг мажмуасидан ташкил топади.

Экологик бошқарувнинг у ёки бошқа вазифаларини бажариш учун муаяйн экологик идоралар,ташкилотлар тузилади. Экологик бошқарув идоралари тизими бошқарувининг умумдавлат тизими таркибига киради ва унинг экологик вазифаларини бажарувчи махсус ва мустақил тузилишли бўғини ҳисобланади. Бунда умумдавлат бошқарувидаги каби туризмда экологик бошқарувда ҳам қуйи идораларнинг юкори идораларга бўйсунуши

³²Жумаев Т. Ж., Ҳошимов З. Й. , Рузиев О. А., Экологик менежмент, Тошкент, 2004, 111 б.

ва улар ўртасида ўзаро алоқа экологик бошқарувнинг тузилмалари хусусиятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари



Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси

«Туризмнинг экологик менежменти»ни тузишда яна бир муҳим масалага эътибор бериш тўғри бўлади. Бу масаланинг моҳияти шундаки, туризмда, айниқса экотуризмни ривожлантиришдаги жиддий муаммо ларнинг бири-экологик ресурслардан фойдаланишда фойдаланувчининг экологик ресурсни асраб-авайлаш ҳақида жавобгарлик маъсулиятини ўз зиммасига олишдир.

Ўзбекистонда деярли барча табиий ресурслар давлат органлари ва асосий ҳудудлар «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси» таркибида туради. Экологик ресурсларнинг туризмдан муҳофаза чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаганлигидан «Давлат қўмитаси» бу ресурслардан туризмда фойдаланишга албатда рухсат бермайди. Масалан, Ўзбекистондаги барча табиат қўриқхоналари қарийиб 50 йилдан бери қаттиқ режимида муҳофаза қилиниб келмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида экотуризмни ривожлантириш Концепцияси»га кўра республикамиздаги барча табиат қўриқхоналари, миллий боғлар ва ноёб табиий ландшафтлардаги ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидан туризмда фойдаланишнинг жуда катта салоҳиятлари бор. Бу салоҳиятлар асосида экотуризмни жаҳон андозалари талабида ривожлантириш режалари тузилмоқда. Бу режаларда табиат қўриқхоналари ва табиат буюртмаҳоналари ҳам тез-тез тилга олинмоқда.

Бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, қўриқхонадан туризмда фойдаланишни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Чунки, туризм ниқоби остида табиатнинг ашаддий душманлари бўлган-браконьерлар фаолияти жуда кучайиб кетиши хавфи-хатари бор. Ватанимиз ҳудудлари бепоен бўлганлигидан браконьерлар (дайди овчилар) ни назорат қилиш «Давлат қўмиталари ёки Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам амалга ошириш қийинлашади. Туризмнинг экологик менежменти» кайд қилинган ҳолатлардаги мураккаб масалаларни «самарали» экологик бошқарув тизимини ишлаб чиқиш билангина ҳал қилиши мумкин.

Бу ҳолатда республикамизда туризмнинг экологик менежменти ўз таркибига: туризмда экологик назорат, туризм экологиясида давлат назорати, туризмда атроф-муҳит мониторинги, жамоат экологик назорати,

Давлат қўмиталари, ички ишлар вазирлиги ва «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси»нинг ўзаро ҳамкорлигида туризмда экологик бошқарувнинг илмий-амалий тизимларини ишлаб чиқиши зарур ва мақсадли бўлади.

Туристтик фирманинг экологик менежменти. Туристтик фирманинг экологик бошқаруви ҳақида ҳозиргача илмий тадқиқотлар ёки услубий кўрсатмалар нашр қилинмаган. Туристтик фирманинг экологик бошқаруви ҳақида мулоҳаза юритганда ўтган асрнинг 70 йилларида кучли ривожланган «Табиатни муҳофаза қилиш» фанининг ўша вақтдан то ҳозиргача бўлгандаврадаги экологик бошқарувини назарда тутсак тўғри бўлади. Лекин у вақтда ҳам яқин ўтган 20 йиллардан олдин ҳам «туристик фирма», «туристик ташкилот» йўқ эди. Саёҳат ташкилотлари бор эди.

Туристтик фирманинг экологик менежменти фирма бошқарув фаолиятининг атроф-муҳит билан бевосита ўзаро муносабатларининг турли шакллари, йўналишлари, томонларига боғлиқ бўлган тизим ҳисобланади. Бунда фирманинг экологик менежмент предмети бўлиб илгари «кўкаламзорлаштириш» шиори эмас, балки фирма ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматларининг экологик томонлари хизмат қилади. Фирманинг экологик бошқарувдаги асосий вазифаси туристларга кўрсатиладиган хизматлар (туристик маршрутда, транспортда, меҳмонхонада, овқатланишда, дам олиш ва ҳ.к.)ни экологиялаштириш.

Туристтик фирмалар ўзининг йиллик ёки кўп йиллик экологик дастурларини 2 та манбага асосланиб тузишлари мумкин:

1. Мажбурий манбалар–Ўзбекистон Республикасининг «Давлат экологик дастурлари», экологик қонунлар ва «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида.
2. Ихтиёрий ташаббус манбалари-туристик фирма офислари, ташкилотлари, меҳмонхоналарини, уларнинг ҳовлиларини экологиялаштиришда сунъийликдан–табиийликга ўтиш манбалари, тавсиялари асосида.

Мажбурий манбалар асосида экологик дастур тузган фирма Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонун талабларини сўзсиз бажарилиши юзасидан (атмосферани бўлғамаслик, чиқиндиларни зарарсизлантириш ёки махсус қабулхоналарга ўз вақтида топшириш, чиқинди сувларни зарарсизлантириш, туристик ресурс муҳофазасига хушёр бўлиш, офисларнинг ички ва ташқи тарафини экологиялаштириш ва ҳ.к.) мажбуриятлар қабул қилиши керак.

Лекин энг асосийси сунъийликдан–табиийликга шиори билан экологик дастур тузишни амалга ошириш лозим бўлади. Албатда таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда уйлардаги меҳмонхоналарни, офисларни ҳаттоки, институт ва университетларнинг қабулхоналаридан бошлаб аудиторларгача сунъий гул қўйиб чиқиш урф бўлди. Бу гулларни катта–катта маблағларга сотиб олиб, чанг бостириб уйларга, ўқув масканларига қўйишимизнинг ўзи экологик билим ва экологик маданиятимизнинг қай даражада абгор ҳолатга тушиб қолганлигини кўрсатади.

Шунинг учун ҳам, туристик фирмалар офислар олдини ёппасига бетонлаштириш, мрамар териб чиқиш (хорижда ўт экишади) ўрнига анвойи гуллар, нодир, хушманзара дарахтлар, буталар экишни, меҳмонхоналарни киришдан бошлаб ҳар бир хонада табиатни ҳис қилувчи объектлар бўлишини ўзининг экологик дастурида режалаштирилиши лозим бўлади.

Туристтик фирмалар, туристик ташкилотлар ёки меҳмонхоналарни экологиялаштириш, кўкаламзорлаштиришда чет эл айниқса, Европа давлатларининг тажрибаларини қўллаш мақсадли бўлади. Европа давлатларида қайд қилинган ташкилотларни экологиялаштириш ёки кўкаламзорлаштириш ишларини алоҳида фирмалар буюртма бўйича амалга оширадilar. Яъни ташкилотларнинг иш услубларига, иш фаолиятларига қараб ҳовлиларга экиладиган дарахтларни, гулларни, ахборот панноларини,

йўлакларни безашни, идораларни махсус дизайнда безашни, хатто гул тувакларни танлашни амалга оширадilar. Биз ҳам, ҳозирданок ушбу экологиялаштириш ва кўкаламзорлаштириш усулларива тадбирларини кўллашга ўтишимиз лозим бўлади.

3.2. Халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти

Экотуризм ривожланган ва экотуризмни ривожлантираётган давлатларнинг экотуризмни ривожлантириш концепцияларини умумлаштириб жаҳонда экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини куйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

1. Экотуризм ривожланган АҚШ ва Канада давлатларининг экотуризмни кучли амалиётга асосланганлиги, экотуризмнинг стратегик ва тактик режалари асосида ривожлантирилиши.
2. Экотуризм ривожланган Ғарбий Европа давлатлари экотуризмни кучли илмий назария ва амалиётга асосланганлиги, экотуризмнинг стратегик ва тактик режаларга асосланиб ривожлантирилиши.
3. Экотуризмни ривожлантиришда Австралия моделининг устиворликга эришиб бораётганлиги ва экотуризмни ривожлантириш давлатлар сиёсатига айланганлиги борилаётганлиги.
4. Экотуризмни ривожлантиришга киришаётган Осиё давлатларида экотуризмни ривожлантириш ўзининг дастлабки босқичида ва бу давлатларда экотуризмни ривожлантиришнинг концепцияси ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш суст кечаётганлиги.
5. Африка давлатларида экотуризм нотекис ривожланаётганлиги ва бу давлатлар ўзларида экотуризм ресурслари салоҳиятларига қараб ривожлантиришнинг Ғарбий Европа давлатлари экотуризмни дастурлари ва моделларини экотуризм амалиётида қўллаётганлигини келтириш мумкин.

Келтирилган ахборотлардан маълум бўладики, экотуризмни ривожлантиришга давлатлар ҳар хил қарашмоқда. Лекин энг муҳими, жаҳондаги давлатлар ўзларининг экотуризм ресурсларидан имконият борича экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишга киришиб бормоқдалар.

Иккинчидан, экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти экотуризм ривожланган давлатларда тобора такомиллашиб бориши кузатилмоқда³³. Бу такомиллашишлар экотуризмнинг тамойилларини мукамаллаштириш, экологик турларни экологиялаштириш, экотуризмнинг табиатни сақлаш ва табиий ресурсларни муҳофазаси қилиш ишларидаги ихтиёрий ҳамкорлигини, ташаббускорлигини кучайтиришдан иборат бўлиб бормоқда.

³³ Guidelines for Protected Area Management Categories. Gland IUCN Com. on Nat. Parks and Protected Areas Cambridge. UK. World Conservation Monitoring Centre, 1994. 212 p.

Туризм ривожланган давлатларда экотуризмнинг замонавий коцепцияси ва амалиётига ҳозирга келиб қуйидаги тартиблар билан такомиллаштирилди; яъни, экотурлар қуйидагиларга амал қилинганда экотуризм дастури дейилиши белгиланди³⁴;

- экотуристлар фойдаланадиган транспорт воситаси экотур талабларига тўлиқ жавоб бериши;
- туристларнинг озик- овқатлари экологик тоза ва фойдали бўлиши, бу озик-овқат хилларида маҳаллий озик-овқатлар ва мевалар бўлиши;
- экомаршрутларда юқори малакали гид-экскурсиячилар экотуристларни уларда қизиқиш ва ҳайратланиш ҳосил қилувчи табиий ландшафтларга бошлаши;
- экотурлар дастурига қуйидагилар- экологик ўқув сўқмоқларига бориш, табиатшунослик, ўлкашунослик музейларига билан таништириш, экотехнологик хўжаликларга бориш ва албатда маҳаллий экологик муаммолар билан танишиш мавзулари киритилиши;
- экотур маршрутларида ҳосил бўлган чикиндилар умумий чикиндилар уюмига ташлаб кетилмаслиги ва махсус қутиларда тўпланиб экотехнологик қайта ишлашга юборилиши;
- экотурларда ва экомаршрутларда дам олиш ва гулханлар ёқиш кўнгил ҳоҳлаган жойларда, дам олиш учун тўхташ жойларида эмас балки, махсус мослаштирилган, тайёрланган жойларда ташкил қилиниши ва ўтказилиши;
- экотурларда кўзикаринлар, мевалар, гуллар, шифобахш ўтлар ва табиий, ўзига хос, қизикарли кўринишларга эга бўлган нарсалар фақат рухсат берилган жойларда терилиши;
- экотуристлар тўхтайдиган отеллар, кемпинглар ёки бошқа хил жойлаштириш воситалари атроф табиий муҳитнинг табиий, экологик барқарор ривожланишига зарар келтирмаслиги, халақт бермаслиги;
- экотуристлар тўхтайдиган отеллар, кемпинглар ва бошқа жойлаштириш воситалари экологик тоза қурилиш материалларидан қурилиши;
- маҳаллий аҳолини экотуризмга ва унинг бизнесига, тадбиркорлигига жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни, маҳаллий анъанавий хўжалик шаклларини экотурлар орқали кучайтириш;
- экотуристларнинг маҳаллий—маданий анъаналарга ҳурмат билан қараши ва бу анъаналарнинг, урф-одатларнинг моҳиятига тушунишга ҳаракат қилиши;
- экотуристларнинг маҳаллий экологик муаммоларни ечишга ёрдам бериш имкониятларининг яратилиши;
- экотурдан олинадиган даромадлар тўлиқ маҳаллий бюджетга берилишининг таъминланиши.

Экотуризмни ривожлантиришга киришаётган давлатлар шу жумладан, Ўзбекистон ҳам экотуризмнинг ҳозирги замонавий талабларини бажаришга

³⁴ Дроздов А.В., Основы экологического туризма. Москва, Гардарики, 2005, 271 стр.

албатда тайёр эмаслар.Шунинг учун ҳам бу давлатлар экотуризмнинг замонавий концепцияси талабларини ўта каттик,муаммоли талаблар ўрнида қабул қилиб, экотуризмни оммавий туризмга қўшиб ривожлантиришмоқда.

Бу ҳолатнинг бош сабаби албатда,бу давлатлардаги аҳолининг экологик саводхонлиги ва экологик маданиятининг анча паст даражаларда эканлигидир.Шу билан бирга бу давлатлардаги аҳолининг табиат муҳофазасидаги тушунчалари ва давлатнинг табиатни саклаш ва муҳофаза қилиш қарорларига ва тадбирларига бефарқ қараши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экотуризмнинг мақсади ва вазифаларини тўғри тушунган ва англаган АҚШ, Канада, Австралия,Япония ва Европа давлатларида экотуризм жадал ривожланишга эга.

Халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти масалаларини ўрганар эканмиз биз биринчи навбатда,Ўзбекистон Республикаси“Экология ва атоф мухитнимуҳофаза қилишДавлат қўмитаси”нинг, “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришКонцепция”сидаги талабларни бажаришимиз керак.

3.3.Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги стратегик ва тактик вазифалар. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси.

*Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги стратегик вазифалар.*Экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти масалаларини ўрганар эканмиз, мамлакатимизда экотуризмнинг стратегик ва тактик вазифаларини Давлат миқёсида ишлаб чиқишимиз талаб қилинмоқда.Бизнинг фикр мулоҳазаларимиз,лойиҳаларимиз бўйича мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- Давлат миқёсида экотуризмни туризм соҳасидаги муҳим йўналиш деб қабул қилиш ва “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг Давлат дастури”ни қабул қилиш;
- Табиат муҳофазасида экотуризм манфаатларига ва табиат муҳофазасига мос бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш;
- “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Давлат дастури” асосида вилоятларда экотуризмни истиқболда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- “Халқаро экотуризм ташкилоти” ишлаб чикган экотуризмни барқарор ривожлантириш талабларини қабул қилиш;
- Экотуризм ривожланган давлатларнинг илғор тажрибалари замонавий технологияларини ўрганиш ва миллий экотуризмда жорий қилиш;
- Юқори малакали экотуризм мутахассисларини тайёрлашга киришиш.

*Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги тактик вазифалар.*Экотуризмни ривожлантиришдаги тактик вазифалар қисқа

муддатли, босқичма-босқич бажарилиши лозим бўлган режаларни ишлаб чиқиш бажариш орқали амалга оширилиши мақсадли бўлади.

Хулосаларимиз бўйича Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришдаги муҳим тактик вазифалар қуйидагилардан иборат;

- Мамалакатимизда экотуризм мутахассисларини тайёрлаш;
- Экотуризм бўйича ички ва ташқи туризм бозори учун рақобатбардош турмахсулотлар ва тур дастурлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон экотуризмни халқаро экотуризм бозорига ҳаракатини босқичма- босқич таъминлаб бориш;
- Экотуризмни ривожлантиришда ишончли баҳо сиёсатини шакллантириш ва жорий қилиш;
- Экотуризмни ривожлантиришда тадбиркорликни, ташаббускорликни давлат имтиёзлари асосида қўллаб-қувватлаш, ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- Экотуризмнинг мукамал ахборот рекламаларини яратиш ва туризм бозорига чиқариш;
- Аҳолида экологик билим ва экологик маданиятни шакллантириш учун экотуризм бўйича махсус, оммабоп рисоаларни, услубий кўрсатмаларни бепул тарқатиш, қисқа муддатли бепул ўқув курсларини ташкил қилиш.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришга киришган эканмиз, биринчи навбатда экотуризм ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганишимиз ва иккинчи навбатда экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти талабларини бажаришдан орқада қолмаслигимиз лозим.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришга киришган эканмиз, экотуризмнинг замонавий концепциясини жаҳонда экотуризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, тамойилларининг йилдан-йилга такомиллашиб, мукамаллашиб бориши деб тушунишимиз ва бу муҳим халқаро ҳужжатдаги талабларга амал қилишимиз, унинг талабларини бажаришимиз лозим бўлади.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси. XX-асрнинг иккинчи ярим йилликларидан бошланган илмий- техника ривожини табиат ва унинг ресурсларидан режасиз, аёвсиз фойдаланиш даврини бошлаб берди. Қудратли техника ер бағрининг 10 км чуқурлигича кириб борди. Халқаро бозордаги рақобат табиий ресурслардан қайта ишлаб махсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтирди. Сайёраимиз атмосферасининг заҳарли газлар билан ифлосланиши, унумдор ерларнинг кишлок хўжалиги фойдаланишидан тобора кўплаб майдонларда чиқарилиши, биологик ресурслардаги турларнинг ер юзидан йўқотилиши кучайиб бораётганлиги, дунё океанининг ифлосланиб бориши ўтган аср охирида халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб қўйди.

Ер юзидан инсоният ҳаётини сақлаб қолишнинг кўпдан-кўп йўллари изланди. Шу изланишлардан бири экотуризмни ташкил қилиш масалалари эди. Ҳозирги йилларгача ўтган муддатда экотуризмни ривожлантиришнинг

мақсади, вазифалари, моҳиятига кўп йиллик тортишувлардан кейин баҳо берилди. Экотуризмнинг тамойиллари белгиланди, шу билан бирга экотуризмни ривожлантиришнинг кўплаб методлари, амалиёти ва халқаро миқёсда тан олинган моделлари яратилди.

Табиат муҳофазасида ва инсонларда экологик онг ва маданиятни шакллантиришда экотуризмнинг муҳим ўрнини даставвал сезган давлатлар қайд қилинган методлар ва ҳақаро моделларни ҳеч иккиланмасдан қабул қилдилар ва ўз давлатларида экотуризмни жадал суратлар билан ривожлантириб бормоқдалар.

Сайёрамизда табиат бойликларининг табора кучайиб бораётган инқирози инсон жамиятининг умум ҳалокатини тезлаштиради деган хулоса ва исботларнинг жаҳон нашриётларида эълон қилинганига ҳам кўп йиллар бўлди. Инсоният фақат табиатни сақлаб қолгандагина бу ҳолатнинг олдини олиш мумкин. Инсоният ҳаётига оғир хавфларни солиши мумкин бўлган энг хатарли экологик муаммолар қуйидагилар:

1. Глобал иклимий ўзгаришлар;
2. Атмосферада озон қатламининг емирилиши;
3. Ўрмонларнинг қуриб бориши ва қирқилиши;
4. Сайёрамизда чўлланишнинг кучайиб бораётганлиги;
5. Дунё океанининг ифлосланиб бораётганлиги;
6. Биологик турларнинг йўқ қилиниши;
7. Ер унумдорлигининг пасайиши;
8. Экологик тоза озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг пасайиши;
9. Чучук сув захираларининг камайиб боаётганлиги.

Инсоният олдида турган сайёравий муаммоларни инсониятнинг ўзи бартараф этиши керак ва бартараф этишга мажбур. Шу нуктаи-назардан ҳам, экотуризмни ривожлантириш дунёдаги барча давлатларнинг давлат сиёсатига айланиб бораётганлигида ҳам тушуниш мумкин. БМТнинг конференцияси ва саммитларида 150 дан ортиқ халқаро табиат муҳофазаси билимларининг, кўрсатмаларининг қабул қилиниши натижасида экологик бошқарув миллий механизмларининг кўплаб зарурий элементлари яратилмоқда. Бу қарорлардаги энг муҳим тамойиллар:

- 1) ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳаларида экологик бошқарувни амалга ошириш таъминлансин;
- 2) ҳар бир давлатларда яшаётган халқларнинг экологик билими ва маданиятини шакллантириш экологик муаммоларни ҳал қилишдаги биринчи имкониятлар, кучлар эканлиги алоҳида таъкидлансин.

Ўтилган мавзуларда экотуризмнинг келиб чиқишида ва шаклланишида инсониятнинг ўз яшаш макони бўлган табиатни ғорат қилиб келиши натижалари эканлигини келтирган эдик ва бу фикр-мулоҳазалар бошқа мавзуларда ҳам кўплаб таъкидланди. Дунё туризмида экотуризм ҳам келиб чиққандан кейин мамлакатларда туризмдаги бу муҳим соҳани ривожлантиришнинг давлат дастурлари, стратегик режалари ишлаб чиқила

бошланди. Бу йўналишда ҳам иқтисодий ривожланган мамлакатлар биринчилардан бўлишди.

Янги соҳа эса албатда ўзининг ривожлантириш «Концепцияси»ни талаб қилади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бутунлай янги кириб келган соҳанинг ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш эса жуда катта илмий салоҳиятларни талаб қилади.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда ҳали жиддийроқ илмий мақолалар эълон қилинмаган бир шароитда «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси»ни Ўзбекистон Республикаси «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси» ва «Давлат Бионазорати» ташкилоти ишлаб чиқишди. Шу ўринда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини бошқарган, мамлакатимиз табиатини муҳофаза қилишда Республикамиздаги фидоийлардан бўлган *Б.Алихоновнинг* хизматлари алоҳида ҳурматга лойиқ.

«Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» 2007 йилда «Экология хабарномаси» журналининг 6-сонида эълон қилинди. Концепция Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари билан бошланади;

- «Гўзал географик ва табиий шароитлар Республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириши учун гоаят қўлайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши – йирик қўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда. Туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, янги меҳмонхоналар қурилди, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Республикада 168 та меҳмонхона ишлаб турибди. Бугунги кунда Ўзбекистон туризм бозорига 408 та оператор иш олиб бормоқда ва улар халқаро сайёҳлар учун кенг қўламли хизматларни тақлиф этишга тайёр»³⁵.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепциясининг таркибий қисмлари. Концепциянинг таркиби 2 қисмдан иборат; муқаддима, 1-қисм-«Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси»; иккинчи қисм-«Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши ва унинг яқин келажакдаги истикболлари» деб бош мавзулари белгиланган.

Биринчи қисм қуйидаги бўлимлардан ташкил топган;

- Масаланинг долзарблиги ва уни амалга оширишнинг умумий қоидалари;
- Экотуризмнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари;
- Экотуристлик фан, таълим, тарбия ва тарғибот;
- Экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари.

Концепциянинг «муқаддима»сида экотуризмнинг дунёда шаклланиши ва экотуризмни мамлакатимизда ривожлантиришнинг имкониятлари, бу

³⁵. «Халқ сўзи», Тошкент, 2007 йил 26 январ, № 19.

имкониятлар ва экотуризмнинг кучли салоҳиятларидан фойдаланишдаги муаммолар келтирилган. Ушбу концепцияда Ватанимизда экотуризмни босқичма-босқич ривожлантириш учун зарур бўлган экотуризмнинг салоҳияти, мақсади, масаланинг долзарблиги ва уни амалга оширишнинг умумий қоидалари; экотуризмнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари; экотуристлик фан, таълим, тарбия ва тарғибот; экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари мукамал ёритилган.

Ушбу ўқув қўлланманинг мавзуларида юқорида қайд қилинган масалалар, экотуризмни ривожлантиришдаги муаммолар, экотуризмнинг мақсади ва вазибалари, мамлакатимизнинг экотуристлик салоҳиятлари, экотуристлик объектлари ва экотуристлик ресурслар ҳақидаги маълумотлар манбалар бўйича батафсил ёзилган.

Иккинчи қисмда қуйидаги бўлимлар ёзилган:

- Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиши ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари;
- Экотуризмнинг Ўзбекистондаги салоҳияти ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари.

Иккинчи қисмнинг бўлимларида экотуризмнинг халқаро бозордаги ўрни, унинг ривожланиши тенденциялари, экотуризмнинг моҳияти, мазмуни ва экотуризмга халқаро ташкилотларнинг берган тарифлари, тавсифлари, халқаро экотуризм бозорида экотуризмдан катта даромадлар олаётган давлатлар, экотуризмнинг мақсадлари бўйича тармоқланиши, экотуризмнинг Ўзбекистондаги салоҳияти ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари ҳақида маълумотлар, ахборотлар келтирилган. Шунингдек, концепцияда Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофазадаги табиат ҳудудлари, миллий парклар, табиат қўриқхоналари, табиат буюртма хоналари ва табиий ёдгорликларнинг рўйхати, майдони, вазифаси ва ташкил қилинган йиллари жой олган.

Концепциянинг сўнги бўлимида экотуризмни ривожлантириш учун Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, миллий парк ва табиат қўриқхоналари сонини кўпайтириш, экотуризмнинг тегишли инфратузилмаларини яратиш, экотуризмни ривожлантиришда халқаро экотуризм бозори талабларига жавоб берадиган хизматларни тайёрлаш, экотуризмнинг замонавий моддий техника ва технологиялари заҳираларини яратиш учун амалга оширилаётган лойиҳавий йўналишлар белгиланган.

Мавзу охирида «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси»нинг хотимасидаги сўнги бандни келтирамиз; - «Сизнинг диққатингизга ҳавола этилган «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси»да кўрсатилган омиллар ва чора-тадбирлар ўз вақтида тўлатқис амалга оширилса, ишонимизки, ҳеч шубҳасиз яқин келажакда Ўзбекистон ҳам дунёда экотуризм тараққий этган мамлакатлар қаторида муносиб ўринни эгаллайди. Бу ишда кеч қолмаслик, ҳамда сусткашликка йўл қўймаслик ўта муҳим масаладир.

Таянч сўзлар ва иборалар: концепция, глобал экологик муаммолар, замонавий концепция, стратегия, тактика, экотехнология, малака, экологик тамойил, браконьер, мажмуа, кўмита, атроф муҳит мониторинги.

Маъзунни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Экотуризмнинг тамойилларини қайси ташкилот ишлаб чиқди?

- А. Бутунжаҳон туризм ташкилоти.
- Б. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти.
- В. ЮНЕСКО ташкилоти.
- Г. “Халқаро экотуризм ташкилоти”.

2. Туризмнинг тамойиллари нечта?

- А. 8 та.
- Б. 6 та.
- В. 4 та.
- Г. 10 та.

3. Ўзбекистонда миллий боғлардан экотуризмда фойдаланиш мумкинми?

- А. Фойдаланишга рухсат берилмаган.
- Б. Фойдаланиш мумкин.
- В. Фойдаланмоқдамиз.
- Г. Келгусида рухсат берилса керак.

4. Ўзбекистондаги табиат кўриқхоналаридан экотуризмда фойдаланиш мумкинми?

- А. Фойдаланишга рухсат берилмаган.
- Б. Фойдаланиш мумкин.
- В. Фойдаланмоқдамиз.
- Г. Келгусида рухсат берилса керак.

5. Экотуризмни ривожлантиришда қандай тадбирларни амалга оширишни таклиф қиласиз?

- А. “Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси” да “Экотуризм” бўлимини ташкил қилиш керак.
- Б. Университет ва институтлар олий маълумотли “Экотуризм” мутахассисларини тайёрлаш керак.
- В. “Экотуризм” бўйича махсус туристик фирмалар ташкил қилиш керак.
- Г. Мамлакат аҳолиси ўртасида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик саводхонликни ўрганишни ташкил қилиш керак.

Маъзунни ўзлаштириш бўйича савол ва топшириқлар:

- 1. Халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиётини қандай тушунишингиз ҳақида қисқача маъруза тайёрланг.
- 2. Экотуризм ривожланган АҚШ ва Канада давлатларининг экотуризми кучли амалиётга асосланганлиги, экотуризмнинг стратегик ва тактик режалари асосида ривожлантирилишини ўрганинг ва хулосаларингизни билдириг.
- 3. Экотуризм ривожланган Фарбий Европа давлатлари экотуризми кучли илмий назария ва амалиётга асосланган, экотуризм стратегик ва тактик режаларга асосланиб ривожлантирилишини ўрганинг ва хулосаларингизни билдириг.

4. «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» нима учун ишлаб чиқилди?
5. Глобал экологик муаммоларнинг экотуризмни ривожлантириш масалаларига қандай алоқаси бор?
6. Ўзбекистонда экотуризмни давлатимизнинг қайси ташкилоти бошқаради ва нима чун?
7. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда сизнинг ҳиссангиз қандай бўлиши керак?
8. Экотуризмнинг тамойиллари бўйича ўз фикрингизни билдириш.
9. «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» сизга қандай фикрлар ва кўшимчаларни кўшиш мумкин?
10. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг «Давлат дастури» ишлаб чиқилганми?

4-Мавзу. Экологик туризмни ривожлантиришнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти.

Режа:

- 4.1. Экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти.
- 4.2. Экотуризмда экологик билим ва маданиятнинг шаклланиши

4.1. Экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти.

Экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий аҳамияти. Ғарб мамлакатларида экотуризмга ижтимоий-иқтисодий соҳа жиҳатидан қаралади, чунки, чет элларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган экотуризм иқтисодий фойда келтирувчи ва табиатни муҳофаза қилувчи туризмнинг энг истикболли тармоқларидан ҳисобланади. Туризмнинг роли аниқланганда яна бир муҳим, асосий жиҳатларга эътибор бериш лозимки, туризм ижтимоий соҳанинг бир қисми бўлиб, унинг асосий фаолиятларида истеъмолчиларга истеъмол жараёнида моддий ва номоддий муҳитни яратиш учун хизматлар қилиш, дам олиш ва фаолият ишларини ўзгартириш, алмаштириш учун шароитлар яратиш, соғлиқни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳолининг экологик маълумоти ва экологик маданиятлиги даражаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоннинг бир йиллик вақти-8760 соат, умумлаштириб олсак-9000 соат. Бу кўрсаткич вақт ўтиши билан қуйидагича бўлинган;

а) 1850 йилда;

- 5000 соат иш вақти;
- 3000 соат уйку;
- 1000 соат ишдан бўш вақт.

б) 2000 йилда;

- 3000 соат иш вақти;
- 3000 соат уйку;

- 3000 соат ишдан бўш вақт.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, иш вақти тизимли равишда қисқариб боради, бўш вақт эса кўпайиб боради. Шунинг учун ҳам инсонда экологик-рекреация фаолиятининг ўсишига бўш вақтнинг кўпайиши сабаб бўлади³⁶. Бу бўш вақтдан самарали фойдаланиш ҳам инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳоатларини белгилайди.

Ҳозирги вақтда дам олишни ташкил қилиш, инсоннинг ҳаётий кучларини тиклаш, бўш вақтидан унимли, тўғри фойдаланишни кўплаб имкониятларини ҳам туризм соҳаси таъминламоқда. Шунингдек, туризм шахснинг ривожланишида, баркамоллигида, саёхатининг интеллектуал даражасини оширишда, инсоннинг жамиятда ўрнини аниқлашда, шахс сифатида тавсифини беришда муҳим аҳамият касб этади.

“Ижтимоий” сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида 5 та маънода берилган³⁷

1. Кишилиқ жамиятининг, унинг ҳаёти ва қонуниятларига оид фан.
2. Бирор ижтимоий табақа ёки синфга мансуб фан, йўналиш.
3. Кишиларнинг жамиятдаги фаолияти билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликга оид фан, йўналиш.
4. Жамиятнинг, омманинг сиёсий маданий ва бошқа эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда хизмат этиш билан боғланган фан ёки йўналиш.
5. Оммага, умумга тегишли, умумий, биргалиқда, кўпчилик кучи билан бажариладиган соҳа.

Ижтимоий сўзининг қайд қилинган изоҳларидан келиб чиқадиган маъно шундан иборатки, ижтимоий масалалар инсонларнинг ҳаёти ва ривожланиши қонуниятлари, жамиятдаги фаолиятини, ўрнини белгилашдаги хусусиятларидир. Бу ердаги умумийлик, боғланганлик сўзларида инсоният жамиятининг атроф-муҳит ва жамият қонуनларини ўз вақтида илғаб олиш ва ушбу қонунлар асосида яшаш тарзи тушунилмоқда.

Экологик муаммолар сайёравий тус олган ҳозирги вақтда экотуризмнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни қандай бўлмоғи керак?

Ана шу саволга жавоб ва исботлар ёзиш экотуризмнинг мезонларини белгилайди. Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини белгилашда айнан, ҳалқимизнинг биринчидан, табиат ва унинг бойликларига қизиқиши, муҳофаза қилиши иккинчидан, инсоннинг камол топишида табиатни англаш, жамият қонун-қоидаларини билиши унинг ҳаётидаги биринчи даражали эҳтиёжлари ҳисобланади.

Экотуризм “табиатни муҳофаза қилиш”, “экология”, “биология”, “табиатдан фойдаланиш иқтисоди”, “геология”, “география”, “батаника” ва бошқа табиий фанларнинг назарияси, асослари, табиий ва ижтимоий муносабатлардан, табиатдаги ўзаро муносабатлардан келиб чиқди. Шу

³⁶ Ердавлетов С. Р. География туризма: история, теория, методы, практика, Алматы, 2000, 336 с.

³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Москва, “Рус тили” нашриёти., 1981 й 316-б.

нуқтаи-назардан бу фанларнинг ҳар қандай фан таълими ва ҳар қандай соҳадаги ўрни деярли бир-бирига ўхшаш таърифни, тавсифни англатади.

Экотуризмнинг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрнини белгилаганда табиатнинг инсон-турист ҳаёти учун бўлган аҳамиятлари кўрсаткичларини келтириш лозим бўлади. Экотуризмнинг аҳамиятини туристнинг эҳтиёжларини қондириш жиҳатларига қараб маънавий, иқтисодий, соғломлаштириши, табиатни англаш, тарбиявий ва эстетик гуруҳларга бўлишимиз мумкин. Бу гуруҳларнинг тавфифи фақат турист учун эмас, умуминсоният ҳаётидаги табиатнинг ўрнини ҳам англатади.

Экотуризмнинг асл мақсадлари қайд қилинган хулосаларни ташкил қилади. Экотуризм ўзининг таърифини изоҳлашда биринчи навбатда табиат қўйнида бўлиб, унинг ресурсларига озор етказмасликни таъминлайди. Табиат ва унинг биологик хилма-хиллик ресурсларидан завқ-шавқ олган инсонда албатда, бу объектни асраш истаги пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам Бутун Жаҳон Туризм Ташкилотларининг-“табиий ҳудудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида экотуристлар фаолияти табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилади”-деган таърифни биринчи навбатда халқнинг ижтимоий ҳолатининг яхшиланишига қаратилган.

Экотуризмни ривозлантиришнинг иқтисодий аҳамияти.

Экотуризмнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрни эса экотуризмнинг буюк тамойилларидан келиб чиқиб, яъни экотуризмдан келадиган маблағ табиатни муҳофаза қилиш, ноёб биологик ресурслар, биологик хилма-хилликни сақлаб қолишга қаратилганлиги билан жуда муҳимдир. Яна ҳам муҳимроғи, экотуризм ресурси атрофидаги аҳолининг иш билан бандлигини ошириши, таъминлаши ҳисобланади. Экотуристик хизматлар кўрсатиш эса меҳнат қилишнинг энг енгил турларига кириши ҳам жуда муҳимдир.

Шунинг учун ҳам экотуризмнинг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги ўрнини қуйидагича белгилаш мумкин. Бу тамойиллар экотуризмнинг ижтимоий тамойилларига қўшилади ва экотуризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида истикболли йўналиш бўлишини исботлайди.³⁸

- Экотуризм маҳаллий меҳнат ресурсларини қўшимча, янги иш ўринлари билан таъминлашда ёрдам беради;
- Экотуризм табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги технологияларини жалб қилади;
- Экотуризм экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишни рағбатлантиради;
- Экотуризм табиат муҳофазасидаги инвестициялар киришини ахборотлайди ва экотуристик хизматлар сервисини такомиллаштиради;
- Экотуризм объектларида маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражаларини ўстиради;

³⁸ Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм. Самарқанд, 2010, 60 б.

- Экотуризм ва табиат муҳофазаси таълимини олишда мутахассисларда экотуристик билим ва экотуристик маданият билимларининг назарий ва амалий асосларини яратади;
- Экотуризм маҳаллий экотуристик маҳсулотлар хунармандчилигига йўл очади;
- Экотуризм табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий бошқарувни ривожлантиради ва маънавий, моддий жиҳатлар бўйича рағбатлантиради;
- Экотуризм халқлар ўртасида дўстона ҳамдўстлик алоқаларини юзага келтиради.

Алоҳида муҳофазадаги ҳудудларида экотуризмни ривожлантираётган хориж давлатлари яхши фойда олмақдалар ва аста-секинлик билан ўз аҳолисини ва хорижлик экотуристларни экотуризмнинг талабларини ўргатмоқдалар. Масалан, Коста-Рикадаги Монтеверди кўриқхонаси маҳаллий ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиш ҳисобига 50 минг доллар, экотуризмдан ҳар йили 650 минг доллар фойда олади. Кения миллий паркларидан ҳар йили 450 минг доллар, Эквадор “Галапагос” ороллари экотуризмидан 180 минг доллар даромад қилади.

Руанда экотуризмда ўз гориллаларини кўрсатиб (бир суткада ҳар бир гориллани 4 киши томоша қилиши мумкин, ундан ортигига рухсат берилмайди) ҳар йили 1 млн., бошқа экотуризмдан 3 млн. доллар фойда олади. Замбияда Луангва кўриқхонаси экотуризмдан 150 минг доллар даромад қилади. Кениядаги Амбосели кўриқхонаси битта шердан 27 минг доллар, битта филлар тўдасидан 61 минг доллар фойда олади.

Ўз мамлакатларида экотуризмни ривожлантириб яхши фойда олаётган Африка, Лотин Америкаси давлатларининг тараққиёт даражаларига қараб уларнинг экотуризмни яхши йўлга қўйганлигини ҳисобга олсак, бизнинг мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришдаги ҳолатимиз анча таассуфли ҳолдир. Биз ҳозирдан экотуризмда лидер давлатларнинг тажрибаларини, технологияларини, экотуризмни ташкил қилишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмларини, усулларини, экотуризмда бошқариш ва иш юритишни мукамал ўрганишимиз керак. Энг муҳими, экотуризмда экологик объект, ресурслардан олинadиган даромадлар тақсимотида маҳаллий аҳолининг улушларини (экотуристнинг кириш ва табиат бетакрорлигидан фойдалангандаги тўловлари) ҳуқуқий-меъёрлар асосида ҳал қилишимиздир.

4.2. Экотуризмда экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши.

Табиатнинг тобора заифланиб бориши ҳам экотуризмда табиатни асраб қолиш гоъяларининг кучини ошириб боради. Чунки қайд қилганимиздек, экотуризмнинг келиб чиқиши ҳам биринчи навбатда глобал экологик инкироз ҳолатларининг кучайиб бораётганлиги бўлди. Шу нуқтаи-назардан экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши экотуризмнинг ривожланишини таъминлайди. Инсонда экологик билим ва экологик

маданиятнинг шакилланишида табиат қонунларининг моҳиятини англаш, инсоннинг ўзи ҳам табиатнинг биологик тури эканлигини тушуниб олишидир. Табиат вайрон қилинганда ҳам яшайверади. Масалан, ўрмонлар кесилиб кетса, хаво, сув захарланса, ифлосланса, ҳайвонат дунёси кирилиб кетса ва ҳ.к.лар, лекин инсон табиатсиз яшай олмайди.

Инсонда инсоний фаолиятларнинг камол топишида табиатнинг тарбиявий аҳамияти дейилганда, соф табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий хислатларни уғотиши ва шакллантириши хусусиятлари тушунилади. Табиат кўйида тез-тез бўлиб туриш инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради. Экотуризм муҳлисларининг энг улуғ хислатлари ҳам, уларни табиат бағрига чорлаган хусусият ҳам, аслида ана шундан иборатдир. Инсон ўз уйи бўлган табиатга қанча кўп зарар етказар экан, унинг ўзи ҳам маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боради.

Табиатни асраб қолишдек оғир муаммони ечишда инсонни экологик саводхон, экологик маданиятли қилиб тарбиялашда ҳам экотуризмнинг аҳамияти бекиёсдир. Экотуризмнинг таърифини келтиришда халқаро экологик ташкилотлар, Бутунжаҳон туризм ташкилоти қайд қилган муҳим омилни хисобга олади ва табиатни асраб қолишда экотуризмни ривожлантиришни энг муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди.

Экологик саводхонлик ва экологик маданиятнинг асоси экологик онг ҳисобланади. Экологик онг табиатни асраб-авайлашда, унга онгли муносабатда бўлишида, ресурсларидан меъёрида фойдаланишда, табиат инкирозининг олдини олишда энг зарури, атроф-муҳитни доимо тоза сақлашда намоён бўлади. Инсонда экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришда қуйидаги тамойиллар маъносини ўрганиш, тушуниш ва амалиётда қўллаш тушунилади:

1. Табиатни—“Она ер” деб ардоқлаш.
2. Бизга маълум бўлган “Оламда” бирорта ҳам Ер сайёрасининг табиатига ўхшаш табиат ва ҳаёт шаклининг мавжудлиги аниқланмаганлиги.
3. Табиатнинг иқтисодий аҳамияти дейилганда, ундаги ресурслардан моддий манба сифатида фойдаланишни тушуниш.
4. Табиатнинг илмий аҳамияти дейилганда инсоннинг барча билимлари негизида табиатнинг жараёнлари асос бўлиши.
5. Табиатнинг соғломлаштириш аҳамияти деганда соф табиат бойликларининг ва шифо берувчи табиий модда ва жараёнларининг инсон саломат лигига ижобий таъсир этиши.
6. Табиатнинг тарбиявий аҳамияти деганда соф, ҳақиқий табиатнинг кишиларда олижаноблик, хушфеллик, ватанпарварлик, улуғворлик, мулойимлик каби ахлоқий хусусиятларини уйғотиш ва шакллантириш хусусиятлари тушунилади.
7. Табиатнинг эстетик аҳамияти дейилганда-инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, мусиқа, таъсирий санъат, қуй-наво хислари ва уларга бўлган эҳтиёжлар тушунилади.
8. Табиат-инсон-жамиyat яхлит, бир ягона тизимдир.

Кайд қилинган тамойиллардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш мақсадли бўлади ва муҳим аҳамият касб этади. Экологик тарбияланмаган киши табиатдан узоқлашиб, хиссиз бўлиб қолади. Бундай инсонлар гулларнинг чиройлилигини ҳис қилмасдан ўз уйига ясама гулларни келтиради, табиатдаги қушларнинг сайрашини ҳис қилмасдан ўз уйини қушларнинг портрети билан тўлдиришдан қаноатланишади. Шу тарика у табиатдан узоқлашиб маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб боради. Энг муҳими, инсониятнинг экологик онги дунё табиатини муҳофаза қилишдаги чоратadbирларини мунтазам амалга оширишда асосий ижрочи омил ҳисобланади.

Ҳаётда ҳам, ҳар қандай ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, экологик билим ва экологик маданиятнинг шаклланиши мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экологик билим ва экологик маданиятни шакллантиришни қуйидаги тизимда амалга оширишда тавсия қилинади³⁹:

1. Экологик таълим-сайёрамиз табиий бойликлари ва яқин фазога эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, инсониятнинг табиатдаги экологик жараёнлар билан узвий боғлиқлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш ва бошланғич ўқитиш.
2. Экологик маданият-ҳозирги ва келажак авлод ҳаётида экологик муаммолар жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини англаган давлатлар ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичи ва таркибий қисми.
3. Экологик тарғибот-табиий бойликларни максимал ҳолатда саклаб қолишни таъминловчи фактлар, қарашлар ва ғояларни оммавий ахборот воситалари (газета, радио, тв, журнал, маърузалар, интернет) орқали йиғиш ва кенг чегараларда тарқатиш.
4. Экологик ўқув-кишиларда экологик дунёқарашни шакллантирадиган ва табиатда инсонларнинг тутган ўрни ҳақидаги билимлар билан қуроллантирадиган, табиий тизимларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ҳар бир инсоннинг бахти саодатидаги аҳамиятини тушунтришга қаратилган экологик тарбия, таълим, маълумот ва тарғибот мажмуи.

Экологик ҳуқуқ, экологик саводхонлик ва экологик билим ҳар-бир ишлаб чиқариш ёки таълим соҳасига мослаштирилмайди балки, инсоннинг комил инсон бўлиб етишига даъват қилади. Экотуризмнинг ўрнини белгилаш да асосландики, инсоният олдидagi экологик инкирозни тўхтатиш ва бартараф қилишнинг энг самарали йўли умуминсониятда экологик ҳуқуқ, экологик тарбия ва экологик билимни шакллантиришдир. Экотуризмда экологик тарбия, экологик билим ва маданиятни шакллантиришда биринчи навбатда экологик бошқарув тизимини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Экологик бошқарув тизими туризмнинг соҳалари, тармоқлари бўйича ҳар-хил йўналишларда бўлиши мумкин. Лекин “Экология” фанининг предмети бу фanning янги тармоқлари йўналишлари юзага келганида ҳам ўзгармасдан қолиши маълум, ўзгариш мумкин ҳам эмас.

³⁹ Нигматов А. Н., Экология ҳуқуқи схемалар ва тушунчаларда. Тошкент, 1999, 147 б.

Таъкидлаш лозимки, экологик тарбия, экологик билим ва экологик маданият ишлаб чиқариш соҳаларига қараб ўзгармайди, балки экологик билимли, экологик маданиятли киши ўз билимлари ёрдамида ўзи ишлаётган соҳани экологиялаштиради. Шу ўринда ҳам мамлакатимизда экологик туризмни ривожлантириш мақсадли, истикболли йўналиш бўлиб қолиши инсонни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Экотуризмда ҳам ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам инсон экологик билим, экологик маданиятни ўрганиш учун экологик ҳуқуқ асосларини мукамал билиши лозим бўлади.

Туризмда экологик ҳуқуқ асосларини билишнинг мажбурийлиги шундаки, экотуризм фаолиятидагилар асосан “келиб-кетувчилар” бўлганлигидан турист ёки экотурист табиатимизда ёки кўриқхоналарда, бетакрор ландшафтларда бўлганида ва ўсимликлар олами анча камбағал бўлганида ҳам табиатни топтагани учун жазоланишини билиши керак.

Экология ҳуқуқи эса-жамият(кишилар) ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир доираси экологик ҳаракатларини тартибга солишнинг қуқуқий тамойиллари ва меъёрларини ўрганувчи таълимот ёки фан соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экология ҳуқуқининг мақсади-ҳозирги ва келажак авлод учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доирасидаги жамиятнинг экологик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳисобланади.

Экотуризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини белгилашда юқоридаги келтирилган маълумотлар, тадқиқотлар натижасида куйидаги умумлашган хулосалар келиб чиқади. Яъни экотуризм ривожланишида экотуризм фаолиятининг ижтимоий ҳаётидаги ўрни куйидагича изоҳланади:

1. Туристлар билимини, маданиятини, маънавиятини умуммаданий, табиий илмий, экологик билим ва экологик хавфсизлик билимлари билан табиатнинг ўзида бойитиш ва шакллантириш.

2. “Шаҳардаги” стресс-чарчоқ ҳолатдан чиқиш ва эҳтирос, ҳиссиётларни тиклаш, соғломлаштириш.

3. Туристларда нотаниш халқларнинг миллий яшаш тарзига, миллий урф-одатларига, маросимларига, ватанига дўстона меҳр-оқибатларини шакллантириш⁴⁰.

Таянч сўзлар ва иборалар: миллий ижтимоий-иқтисодий, техник даража, экологик рекреация, интеллектуал даража, экологик онг, экологик маданият, назарий ва амалий асослар.

Маъзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Табиатни асраб қолишда экотуризмни ривожлантириш энг муҳим омиллардан бири эканлиги ҳақида презентацияли маъруза тайёрланг.

2. Экологик билим ва экологик маданиятни шакллантириш тизимни тушунтириб беринг.

⁴⁰ Храбовченко В. В. Экологический туризм. Москва, “Финансы и статистика”, 2003, 172 стр.

3.Экотуризм халқлар ўртасида дўстона ҳамдўстлик алоқаларини юзага келтиради” мавзусида қисқача маъруза тайёрланг.

4.Экотуризм табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги технологияларини жалб қилади” мавзусида қисқача маъруза тайёрланг.

5.Шаҳардаги“стресс-чарчок” ҳолатдан чиқиш ва эҳтирос, ҳиссиётларни тиклаш, соғломлаштиришда экотуризмнинг аҳамиятини тушунтиринг.

6.Мамлакатими ҳаётида экотуризмнинг иқтисодий аҳамиятини белгиланг.

7. Мамлакатими ҳаётида экотуризмнинг ижтимоийаҳамиятини белгиланг.

8. Мамлакатими ҳаётида экотуризмнинг экологик аҳамиятини белгиланг.

5-Мавзу. Экологик туризмнинг ресурслари; миллий парклар, табиат кўриқхоналари, табиат буюртмахоналарива табиат ёдгорликлари

Режа:

5.1.Дунёда экотуризмнинг ресурслари.Миллий паркларнинг ташкил қилиниши.

5.2.Табиат кўриқхоналари,табиат буюртмахоналари ва табиат ёдгорликлари

5.1.Дунёда экотуризмнинг ресурслари.Миллий паркларнинг ташкил қилиниши

Экотуризмнинг моҳияти, мазмуни, тамойиллари,мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий ресурсларини куйидагича таснифлаш мумкин:

1.Инсоннинг хўжалик фаолияти тегмаган табиий ҳудудлар.

2.Инсоннинг хўжалик фаолияти қисман таъсир қилган аммо табиий экологик муҳит мувозанати сақланиб қолган табиий ҳудудлар.

3.Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсир қилмаган океанлар ва денгизлар акваторияси.

4.Инсоннинг хўжалик фаолияти қисман таъсир қилган аммо табиий экологик муҳит мувозанати сақланиб қолган океанлар ва денгизлар акваторияси.

5.Дунё давлатларидаги миллий парклар.

6.Дунё давлатларидаги табиат кўриқхоналари,биосфера кўриқхоналари, табиат резерватлари.

7.Дунё давлатларидаги экологик парваришхоналар(экологик,биологик питомниклар)ва табиат буюртмахоналари(заказниклар).

8.Дунё давлатларидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар.

9.Сайёрамизнинг табиат зоналари ва унинг табиий иқлим хусусиятларига эга бўлган ландшафтлари,флораси ва фаунаси.

10.Ўрмонлар ва унинг ландшафтлари,флораси ва фаунаси.

11.Дарёларнинг ҳавзалари ва уларнинг флораси ва фаунаси,шаршаралари.

12.Тоғлар, тоғ олди зоналари ва уларнинг табиий бойликлари,даралари,канъонлари,флора ва фаунаси.

13. Арид (курук иқлимли чўллар, ярим чўллар, сахролар) зоналар ва уларнинг ландшафтлари, флораси ва фаунаси.

14. Сув омборлари, уларнинг сохиллари, флораси ва фаунаси.

Юқорида қайд қилинганларнинг барчаси экотуризмнинг ресурслари ҳисобланади. Чунки, экотурист табиат ва унинг бойликларига қизиқиши, завқланиши, дам олиши ва томоша қилишини ўзи ҳал қилади.

Илмий адабиётларда ва экотуризмни дастлабки вақтларда ривожлантириш нуктаи-назаридан ҳозирда экотуризмнинг асосий ресурслари дунёнинг барча давлатларида қуйидагича белгиланган:

1. Дунё давлатларидаги миллий парклар.

2. Дунё давлатларидаги табиат қўриқхоналари, биосфера қўриқхоналари, табиат резерватлари.


3. Дунё давлатларидаги экологик парваришхоналар (экологик, биологик питомниклар) ва табиат буюртма хоналари (заказниклар).

4. Дунё давлатларидаги алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар.

Экотуризм ресурсларининг умумий рўйхатининг ҳар бир номланишига алоҳида-алоҳида тўхталиш ва изоҳ бериш мумкин. Лекин, уларнинг барчасини институт ва университет талаблари мактабларда, академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида ўқиб ўрганишган. Шунинг учун ҳам биз ҳозирча экотуризмнинг халқаро микёсда қабул қилинган асосий ресурсларини ўрганишимиз мумкин.

Дунёда биринчи миллий парк – Йеллоустон-1872 йили Канада давлатининг ташаббуси билан Америка Қўшма Штатларида ташкил қилинди. Чунки, Йеллоустон миллий паркининг бир хил табиий ландшафтларга эга бўлган ҳудудларининг катта қисми Канада давлати чегараларида жойлашган эди. Шимолий Америка қитъасининг Қояли тоғларида 1885 йилда 26 км. кв. майдонда Вуд Баффало миллий парки очилди. 1948 йилда “Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро Иттифоқи” (МСОП) ташкил қилинди.

Иттифоқнинг бош мақсади-хайвонот ва ўсимликлар дунёсининг ҳудудларини муҳофаза қилиш, табиат муҳофазаси бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш деб белгиланди. МСОП 1958 йилда БМТ га миллий паркларни ташкил қилиш ва уларнинг муаммоларини қуватлашни таклиф қилди. Натияжада, 1962 йилда БМТнинг “Миллий парклар бўйича халқаро конференцияси” ўтказилди. Бу конференцияга 70 та давлатларнинг вакиллари қатнаш



дилар.1972 йилда БМТ ва ЮНЕСКО,ЮНЕП аъзолари “Миллий парклар бўйича халқаро Иккинчи Конвенцияни” қабул қилди⁴¹.

Бу Конвенциянинг қарорлари бўйича дунёдаги барча миллий паркларда инсоннинг хўжалик фаолияти сезиларли “даражаларда” чегараланди ва ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини тўлиқ муҳофаза қилиш шарти қўйилиб (табiiй ландшафтлар ва бетакрор табiiй мажмуалар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига инсоннинг аралашуви қаттиян ман қилинади) қисман экологик туризмда фойдаланишга рухсат берилди.

Миллий парклар-Миллий парк тушунчаси,унинг вазифалари ва миллий парклардан туризм ва рекреацияда фойдаланиш бўйича биринчи-1933-йил Лондонда “Африка флора ва фаунасини муҳофаза қилиш Конвенцияси” да қабул қилинди.1940 йили Дехлида миллий паркларнинг ҳозирги таърифи берилди.

Миллий парклар миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган бетакрор табиатни ва табiiй ландшафт объектларини, экологик тизимларни муҳофаза қилиш ва илмiiй, рекреация,дам олиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган ва қўриқладиган ҳудудлар ҳисобланади. Миллий паркларнинг таркибий таърифлари қуйидаги тавсифлардан иборат:

- Инсон хўжалик фаолияти аралашмаган бир ёки бир неча экологик тизимлардан иборат бўлган табiiй мажмуалар йиғиндиси;
- Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси биохилма-хиллиги ўзининг турлитуман ва алоҳида этник хусусиятларга эгаллиги алоҳида илмiiй-амалий кизиқишга эканлигидан муҳофаза қилинади;
- Маҳаллий табiiй ландшафтлар фақат шу ҳудудларни эгаллаган бўлиб ўзининг бетакрор чиройига эга;
- Экологик, геоморфологик ва эстетик белгилари учун давлатнинг алоҳида муҳофазасидаги ҳудудларга айлантирилган;
- Миллий паркга илмiiй тадқиқотлар ва табиатни ўрганиш мақсаларида киришга рухсат берилади.
- Миллий парклардан(давлатларнинг қарори билан) дам олиш ва рекреация, туризм мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Дунёдаги давлатлар ўзларининг миллий паркларидан ҳар хил тартибда фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам дунёдаги миллий паркларнинг ташкилий, иқтисодий ва географик хусусиятларини билиб олиш зарур. Миллий парклар давлат ва хусусий мулк эгаллигига қарашли бўлиши ҳам мумкин.Бундан ташқари баъзи давлатларда миллий парклар халқаро ташкилотлар ихтиёрига ҳам берилади.Ҳозирги вақтга келиб миллий паркларнинг асосий қисми деярли давлат мулкига айлантирилган.

Миллий паркларнинг ташкил қилиниши.1933-йил Лондонда “Африка флора ва фаунасини муҳофаза қилиш Конвенцияси”нинг миллий парклар бўйича қабул қилган қароридан кейин давлатларда миллий паркларни ташкил

⁴¹.Mose Ingo. SanfterTourismusimNationalpark Hohe Tauern. Vechtaer Arbeitenzu rGeographie und Regionalwissenschaft, Band 6. Vechta, 1988,267 p.

килиш бир мунча жонланди.Айникса,Африка давлатларида XX асрда кўплаб миллий парклар ва табиат қўриқхоналари ташкил қилинди.Бу миллий парклар ва табиат қўриқхоналари ҳозирги кунгача бетакрор табиат музейлари сифатида инсониятга хизмат қилмоқда.

Африкадаги энг катта миллий парклар Заир давлатида ташкил қилинган; Salonga Upemba, Maiko, Virunga. Заирдаги Kafue миллий паркида дунёдаги каркидон ва бегемотларнинг энг кўп сонлари сақланади ва муҳофаза қилинади.

1949 йилда Зимбабведа Ywange миллий парки ташкил қилинди. Танзаниядаги Serengeti миллий парки ҳозиргача жаҳондаги энг қизиқарли ва машхур парклардан ҳисобланади. Кениянинг марказий қисмидаги Aberdare, Kruger миллий паркларида Африканинг 5 турдаги энг йирик ёввойи ҳайвонлари муҳофаза қилинади.

Япония давлати миллий парклар яратишга катта эътибор берадиган давлатлар қаторида туради. Бу давлатдаги энг машхури Фудзияма тоғидаги – Fuji Nakone Izu миллий паркидир. Ҳиндистонда ҳам кўплаб миллий парклар жаҳонга машхур, таниқли. Буларнинг энг машхурлари Ҳимолай тоғларининг олд қисмидаги-Corbet миллий парки ҳисобланади.Бу миллий паркда Ҳиндистон йўлбарси ва коплон(леопард)муҳофаза қилинади ва кўпайтирилади.

Шри Ланкада филлар, коплонлар ва кам учрайдиган ноёб қушлар муҳофаза қилинадиган GaI Oua миллий парки БМТ рўйхатида туради. Австралия энг кўп миллий парклари бор давлатлардан ҳисобланади. Бу давлатдаги Gagadu миллий паркида жаҳондаги энг кўп тимсоҳлар муҳофаза қилинади. Бу миллий паркда“Тимсоҳ”меҳмонхонаси жаҳонда тимсоҳ шаклида қурилган ягона меҳмонхона ҳисобланади.



Чилининг “Халқаро Пасхи ороли” миллий паркидаги афсонавий тош ҳайкаллар.

Янги Зеландияда Tongario, Egmont, Fiord Land миллий парклари таникли миллий парклардан ҳисобланади. Буюк Британия ҳам миллий парклар ва табиат кўриқхоналарини кўпайтирувчи давлатлардан ҳисобланади. Британиядаги энг йирик миллий парк Британия орлларидаги-Garíngot National Nature Reserve 26 минг га майдонни эгаллайди. Альп тоғларидаги энг катта миллий парклардан ҳисобланадиган Gran Paradiso Италия давлатининг ташаббуси билан ташкил қилинган.

Германияда 1969 йилда иккита Berchtesgaden, Bavarian Forest миллий парклари ўз фаолиятларини бошлади. Германияда 80 та миллий парклар, захирадаги миллий парклар ва табиат кўриқхоналари ташкил қилинган. Жанубий Америкада миллий парклар табиатни ўз табиий ҳолатида сақлаш ва муҳофаза қилиш учун ташкил қилинади. Шундай миллий парк Чарлз Дарвин тадқиқот ўтказган Галапагосс оролларида(Экватор давлати)ноёб сув тошбақаларини ва сувда яшовчи турларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишни бошлади.Чилидаги машхур ва мўжизавий Пасхи ороли халқаро микёсдаги миллий парк деб эълон қилинди.

Аргентинанинг Nehuel Huari миллий парки Анд тоғлари остонасидаги 800 минг га майдонни эгаллайди. Венесуэладаги Canaima миллий паркида дунёдаги энг баланд шаршара Angel Falls жойлашган.Миллий парклар ва табиат кўриқхоналари, алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларнинг кўпайиши экотуризмнинг ривожланишига асос солади.

Ҳозирда дунёда 1500 дан зиёд миллий парклар бор. Уларнинг энг йирик бўлган 260 таси БМТнинг рўйхатиغا олинган ⁴². Қайд қилинган маълумотлардан маълум бўладики, миллий парклар турли мақсадларда ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам, экотуризмни ривожлантиришда бу миллий паркларнинг ташкилий, иқтисодий ва географик хусусиятларини таҳлил қилиш талаб қилинади.

Дунёда миллий парклар ташкилий ва иқтисодий жиҳатларидан а)-давлат мулки; б)-хусусий ва в)-аралаш(давлат ва хусусий) мулк эгалигида фаолият кўрсатмоқдалар.Баъзи давлатлар ўз миллий паркларини халқаро ташкилотлар ихтиёрига беришади ва даромаднинг бир қисмини олишади.Ҳозирги вақтда кўплаб давлатлардаги хусусий ва аралаш мулкдаги миллий паркларни эгалари давлат мулки бошқарувига беришмоқда.Иккала ҳолатнинг ҳам келиб чиқиш сабаблари миллий парклар муҳофазасининг кийинлашиб бориши ҳисобланади.Африка мамлакатларида,Жанубий ва Жанубий- Шарқий Осиё мамлакатларида, Яқин Шарқ ва МДХ давлатларида, Лотин Америкасида миллий паркларни давлат ихтиёрига бериш кучайган.

Миллий паркларни давлатга сотиш ёки тўлик давлат ихтиёрига бериш Европа давлатларида ҳам устивор йўналишга эга (Германия,Ирландия, Болгария,Руминия,Чехия Республикаси ва Скандинавия давлатлари). Шимолий ва Жанубий Америка Давлатларида,Польша,Греция,Туркия, Покистон, Непал ва Алжирда миллий парклар хусусий ва давлат тасарруфида фаолият кўрсатади.

⁴² Бабкин А.В. Специальные виды туризма. Ростов на-Дону, Феникс, 2008, 252 с.

Гарбий Европа давлатларида, Францияда, Испания ва Буюк Британияда, Парагвай, Уругвай, Эквадорда миллий паркларнинг ярами хусусий ҳисобланади. Жанубий Кореяда 40% миллий парклар хусусийлаштирилган.

Миллий паркларнинг ташкилий ва бошқарув хусусиятлари ҳам дунё мамлакатларида турлича ҳисобланади. Миллий парклар дастлабки вақтларда ташкил қилинганда федерал агентликларга ва департаментлар бошқарувида бўлишган. Ривожланган, ўтиш даври иқтисоди ривожланишидаги давлатларда (90% давлатлар) миллий парклар бошқаруви пастдан–юқорига–вертикал ташкилий бошқарувида (Швеция, Италия, Нидерландия, Европанинг кўплаб давлатлари).

АҚШ, Канада, Франция, Австралия ва ЖАР давлатларида хусусий миллий парклар кўплигидан тенг ҳуқуқли-горизонтал ташкилий бошқарув ҳуқумрон. Лекин, бошқарувнинг барча хилма-хиллиги ёки миллий парклардаги турли мулкчилик шаклидан қатъий назар миллий парклардаги табиат муҳофазаси албатда давлат органлари ихтиёрида ҳисобланади.

Мамлакатимизда миллий парклар, табиат қўриқхоналари, биосфера қўриқхоналари, табиат буюртма хоналари ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ташкил қилиш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш» давлат қўмитаси ихтиёрига берилган. Сўнги йилларда миллий парклар пулдор, табиат муҳофазасини қувватлайдиган халқаро ташкилотлар, тижорий банклар, машҳур ёзувчилар, санъаткорлар ва бошқалардан тушадаган маблағлар ҳисобидан ҳам фаолият кўрсатишмоқда.

Дунёнинг миллий парклари экотуризм ресурслари мавзусида яна бир муҳим экотуристтик ресурслар ҳақида маълумотларни келтириш мумкин. Экотуризм муҳлислари табиат ва унинг ресурсларига қизиқанглигидан баъзида оддий Америка кўршапалагини кўриш ёки кузатиш ва расмга олиш учун Австралиялик Америкага китъасига борса, Америкалик кенгурини кўриш ва расмга олиш учун Австралияга келишади. Энг муҳими, экотуризмнинг талаби кондирилади. Шунинг учун ҳам экотуристтик ресурслари бор давлатлар барча имкониятларини ишга солиб ўзларида экотуризмни ривожлантиришга киришганлар. Канада миллий парклардан 240 млн. доллар. АҚШ миллий парклардан йилига ўртача 370 млн доллар даромад олишмоқда. Энг муҳими, экотуристтик объект қанчалик жозибадор, бетакрор бўлмасин ушбу объект ишлатилганда экотуризм ривожланади. Дунёда 1959 йилда 39 мамлакатда 200 та миллий парк, 1982 йилда 1000 та ва ҳозирда 1500 та миллий парклар фаолият кўрсатмоқда⁴³.

5.2. Табиат қўриқхоналари, табиат буюртма хоналари ва табиат ёдгорликлари

Давлат табиат қўриқхонаси–ноёб ва ўзига хос экотизимларни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва алоҳида турларни, ўсимликлар ва ҳайвонот

⁴³ Mose Ingo. Sanfter Tourismus im Nationalpark Hohe Tauern. Vechtaer Arbeitenzu rGeographie und Regionalwissenschaft, Band 6. Vechta, 1988, 267 p.

дунёсининг генетик фондини, табиатдаги табиий жараёнлар ва ходисаларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва ўрганиш, экологик-маърифий тадбирлар илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардир.

Давлат табиат қўриқхонасининг мақоми қўйдаги талаблардан иборат ҳисобланади:

- Табиий мажмуаларни тўлиғича муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш;
- Доимий экологик мониторингни ташкил қилиш;
- Илмий тадқиқот ишларини бажариш;
- Экологик-маърифий ишларни ўтказиш;
- Ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот турларининг генофондини сақлаш ва муҳофаза қилиш, кўпайтириш.

Давлат табиат қўриқхоналари кўп ҳолларда битта ноёб ўсимлик ёки ҳайвон турини қўриқлаш учун ҳам ташкил қилинади. Бу ҳолда ҳам қўриқхона ҳудудларидаги барча экологик тизимлар ва улардаги биологик хилма-хиллик бир хил режимда муҳофаза қилинади. Масалан, Ўзбекистонда “Зарафшон табиат қўриқхонаси” эндемик бўлган Зарафшон тустовугини, “Нурота табиат қўриқхонаси ёввойи қўй архарларни қўриқхонанинг бутун экологик тизимлари билан муҳофаза қилади.

Давлат табиат қўриқхоналари алоҳида ўсимлик ёки алоҳида ноёб, эндемик бўлган ҳайвон турини муҳофаза қилишга (Бадай-тўқай биосфера қўриқхонаси) ҳам ихтисослаштирилиши мумкин. Масалан, ботаника табиат қўриқхоналари (халқаро “Қизил китоб” ва “Ўзбекистон “Қизил китоб” ига киритилган эндемик бўлган ноёб ўсимликлар, геоморфологик ёки геологик қўриқхоналар (Китоб геологик қўриқхонаси).

Биосфера қўриқхоналари- Биосфера қўриқхоналари атамаси 1976 йил ЮНЕСКО йиғилишида шакллантирилди. Ўша вақтда 8 мамлакатда 59 та биосфера қўриқхоналари ташкил қилинганлиги рўйхатдан ўтказилди. 1983 йилда “Биосферали ҳудудлар” бўйича халқаро конгресс “биосферали ҳудудларни ривожлантириш” режасини ишлаб чиқди. Биосфера қўриқхоналари халқаро миқёсдаги мақомга (статусга) эга бўлган давлат табиат қўриқхоналари ҳисобланади. Муҳофаза режими давлат табиат қўриқхоналаридагидек. Дунёда ҳозирга келиб 350 та биосфера қўриқхоналари ташкил қилинди⁴⁴.

Биосфера қўриқхоналарининг халқаро қўриқхоналарга айлантериши халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг ва халқаро “Қизил китоб”нинг ташаббуси билан амалга оширилади. Чунки бу табиат қўриқхоналарида муҳофаза қилинаётган ўсимлик ёки ўсимликлар тури, ҳайвон ёки ҳайвонлар тури эндемик бўлиб дунёнинг бошқа ҳудудларида яшамайди ва сони жуда камайиб кетган, табиатда батамом қирилиб кетиши мумкин. Иккинчидан, давлатларнинг табиат қўриқхоналарида муҳофаза қилинадиган баъзи бир ҳайвон ёки парранданинг халқаро “Қизил китоб”га

⁴⁴ Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н., Рекреационная география. Саратовский государственный технический университет, 2005, 503 стр.

киритилиши ҳам ушбу кўриқхонани халқаро биосфера кўриқхоналари тизимига киритилишининг асосларидан бири ҳисобланади.

Ватанимизда Қорақалпоғистон Республикасида, Қуйи Амударё қайирларида дунёнинг бошқа ҳудудларида яшамайдиган, ватанимиз табиати учун эндемик бўлган-Бухоро бугўсини кўпайтирадиган ва муҳофаза қиладиган олдинги “Бадай-тўқай табиат кўриқхонаси” Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти (МСОП) ва Халқаро “Қизил китоб” ташаббуси билан “Бадай-тўқай биосфера кўриқхонаси”га айлантирилди. Ҳозирда бу биосфера кўриқхонаси “Бадай-тўқай халқаро резервати”га айлантирилган. Ватанимиздаги иккинчи биосфера табиат кўриқхонаси жаҳонда санокли сонлари колган қор барсини сақлаётган ва муҳофаза қилаётган “Чотқол давлат биосфера кўриқхонаси” ҳисобланади.

Давлат табиат буюртма хонаси (заказник)- табиат мажмуаларини ёки битта ва бир неча ўсимлик ва ҳайвон турини ёки турларини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш мақсадларида давлат томонидан кўриқланадиган табиий ҳудудлардир. Табиат буюртма хоналари (рус тилидаги заказник атамаси кўпроқ оммавийлашган) асосан маълум бир муддатларда фаолият кўрсатиш учун ташкил қилинади.

Янги ерларни маданийлаштиришда, саноат микёсидаги фойдали қазилмаларнинг топилиши ва тартибсиз, режасиз антропоген босимнинг кучайиши натижасида ўша ердаги табиий ландшафтлар ва ундаги ўсимликлар ва ҳайвонларнинг қирилиб кетиши юзага чиқади. Бундай ҳолатларда давлат бу жойларни давлат табиат буюртма хонасига айлантиради. Баъзи ҳолларда табиатдаги битта ноёб турнинг сони камайиб кетиб бутунлай йўқотилиши вазиятлари келиб чиқганда ҳам ўша тур номи билан табиат давлат буюртма хонаси ташкил қилинади. Мамлакатимизда 10 та табиат буюртма хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Табиатнинг музейлари ва ҳайкаллари ҳозирги вақтда нима сабабдан табиат музейлари ва ҳайкаллари анча унутилганлиги ёдга келади. Биринчидан, бу музей ва ҳайкалларнинг жамланма номи ҳақида. Табиатнинг ўзи ясаган ноёб рельеф, тош ҳайкаллари, алоҳида диққатга сазовор жойлари ҳозиргача рус тилида “неживая природа” дейилади. Ўзбек тилига ўгирсак “жонсиз табиат” бўлади.

Бу сўзлар табиатнинг ноёб гўшалари, булоқ, даралар, дарахтлар, геоморфологик ҳайкаллар ҳақида ёзилганда ҳам ишлатилапти. Фикримизча “жонсиз, нотирик”, “ўлик табиат” сўзларини табиат ўзи яратган мўжиза музейларга нисбатан ишлатиш ҳар ҳолда нотўғридек туйилади. Аниғи айтилса, биринчидан, жуда совук сўзлар, иккинчидан, биз сўз юритаётган табиат бурчаклари табиатнинг энг сўлим, ҳайвонотга бой, соя-салқин жойларию, булоқлари, мўжизавий ғорлари ҳақида. Тош ёки геоморфологик рельеф шаклларига келсак, уларни ҳам табиатнинг ўзи минг, балки миллион йиллардаги фаолияти натижасида яратган. Учинчидан, диққат қилсак бу жойларни табиатнинг бошқа қисмидан ажралиб турган, табиатнинг ичидаги музейлари десак хато бўлмас.

Табиат музейлари 1 дан то 10-15 гектар ерларни, ҳатто 5-6 м² ерни ҳам эгаллаши мумкин. Лекин, бу ерда энг муҳими, табиатдаги ана шу кичик жойлар ҳам эволюциянинг кенг ривожига ёки атроф-муҳитнинг ривожига ҳақида жуда муҳим маълумотларни бериши мумкин. Шу билан бирга бу ерда ҳаракатсиз, жонсиз геотизмларни табиат музейлари билан аралаштирмаслик лозим. Масалан В.И.Вернадский сўзи билан айтганда биосферада сайёрамизнинг бутун тирик организмлари яшагани учун-тирик табиат, литосфера, гидросфера ва атмосфера нотирик табиат.

Табиат музейлари ўзининг алоҳида диққатга торттиши, эстетик завқ бериши, лол қолдириши билан умумий кўринишдан ажралиб туради. Табиат музейлари дам олиш, саёҳатга чиқиш ёки спорт иншоатлари, парклар қуришда ишлатилиб келинмоқда, улар илмий-тадқиқот лабораториялари ҳамдир. Республикамиз тоғларидаги қадимий расмларни бунга мисол қилиш мумкин. Бундай жойларни А. Гумбольд "Табиат эсдаликлари, ҳайкаллари" деб ҳам атаган.

Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар (2-жадвал) - миллий парклар, давлат табиат кўриқхоналари, давлат табиат буюртма хоналари, миллий ва халқ боғлари ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимига кирилади. Шунинг учун ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг таърифи миллий парклар ва давлат табиат кўриқхоналарининг таърифига тенглаштирилган. Хорижий давлатларда алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлардан чегараланган тартибларда туризмга, рекреацияга руҳсат берилган. Халқаро ташкилотларнинг маълумотлари бўйича дунёда алоҳида муҳофаза қилинадиган барча хил табиий ҳудудларнинг сони 10 мингдан ошади.

2-Жадвал

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари.

МЭТХ тоифаси	Тоифа бўлими	Муҳофаза қамрайдиган даража	Мақсади
1. Давлат кўриқхоналари	Ажратилмайди	Экотизим	Фан ва мониторинг учун типик экотизимларни ўзгаришсиз сақлаб қолиш
2. Давлат буюртма хоналари	Ажратилмайди	Экотизим	Табиий ҳолда сақлаш учун муҳофаза қилиш.
3. Табиий боғлар	1. Миллий боғлар 2. Маҳаллий табиий боғлар	Экотизим	Табиий ҳолда сақлаш, муҳофаза қилиш ва чекланган ҳолда фойдаланиш
4. Табиат ёдгорликлари	Ажратилмайди	Ноёб объектлар	Ноёб объектни ўзгаришсиз сақаб қолиш
5. Алоҳида табиий объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш	1. Буюртма хоналар 2. Табиий питомниклар 3. Балиқ хўжалиги зоналари	Алоҳида турлар ва улар яшайдиган	Турларнинг муҳитини сақлаш ва тиклаш Турларни сақлаш ва кўпайтириш

иш ва тиклаш учун ҳудудлар		мухит	Сув организмларини сақлаш ва тиклаш
6.Муҳофаза этиладиган ландшафтлар	1.Курорт зоналари 2.Рекреацион зоналар 3.Сув муҳофаза зоналари 4.Соҳилбўйи полосалари 5.Сув объектларини санитар муҳофаза қилиш зоналари 6.Ерусти ва Ерости сувлари шаклланиши зоналари	Алоҳида ландшафтлар ва уларнинг қисмлари	Ландшафтларни соғломлаштириш мақсадида тикла Ландшафтларни тиклаш ва сақлаш Сув,соҳилбўйи ландшафтларини сувни муҳофаза қилиш мақсадида сақлаш
7.Алоҳида табиий ресурсларни бошқариш учун ҳудудлар	1.Ўрмон хўжаликлари 2.Овчилик хўжаликлари	Алоҳида ресурслар	Ўрмон ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш Овчилик ресурсларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш
7.Давлат биосфера резерватлари	Ажратилмайди	Барча ландшафт ва биологик хилма-хиллик	Худуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун биологик хилма-хилликни сақлаш ва барқарор фойдаланиш

Ҳозирда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» бўлими томонидан «Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш» бўлими билан биргаликда 100 ёш ва ундан катта дарaxтларни ҳисобга олиш ва уларга «Давлат табиат ёдгорлиги» макomini бериш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмиталаридан келган ахборотни жамлаш ва умумлаштириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур маълумотлар асосида умумлаштирилган жадвал тузилди ва барча дарaxтлар ҳисобга олинди.

Кейинчалик,Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари билан «Чирчиқ, Охангарон, Сурхондарё, Чимён-Овул ерости чуқук сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар макomini бериш тўғрисида», Зарафшон дарёси, Ош-Араван, Норин, Катоб-Шахрисабз ерости чуқук сувлари манбаларининг шаклланиш зоналарига алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар макomini бериш тўғрисида»ги, шунингдек, Қашқадарё вилоятидаги Қашқадарё; Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги Чирчиқ; Сурхондарё вилоятидаги Сурхондарё; Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятидаги Зарафшон;Андижон ва Наманган вилоятидаги Қорадарё; Сурхондарё,Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидаги Амударё;Андижон, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларидаги Сирдарё дарёлари сувни муҳофаза

қилиш зоналари ва соҳилбўйи полосасини белгилаш ҳақидаги низомлар тасдиқланди⁴⁵.

Экологик парваришхоналар(Питомниклар)-экологик парваришхоналар халқаро “Қизил китоб” рўйхатиға тушган, бутунлай йўқотилиш арафа сига келган ноёб хайвон турларини саклаб қолиш ва кўпайтириш учун махсус табиий шароитларда ва махсус режимда давлатлар томонидан ва табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилотлари томонидан ташкил қилинади.

Мамлакатимизда Бухоро вилоятида халқаро “Жайрон” парваришхонаси ва Тошкент вилоятида “Сайхун табиат хўжалиғи” парваришхона мақомиға тенглаштирилган ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро талаблар даражасида фаолият кўрсатмоқда. 1976 йилда республикада биринчи марта Бухоро вилоятида 5145 га майдонда жайронларни боқиш бўйича ихтисослаштирилган питомник ташкил қилинди. 1989 йилда питомник ноёб хайвон турларини кўпайтириш бўйича республика илмий-ишлаб чиқариш маркази - «Жайрон» экомарказиға айлантирилди ва Давлат табиатқўмитаси таркибиға қўшилди.

«Жайрон» экомаркази ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги хайвон турларини саклаб қолиш ва кўпайтиришға ихтисослашган жажон миқёсида ўзига хос бўлган объект ҳисобланади. 1977 йилда ташкил этилганида экомарказ «Бухоро жайронларни кўпайтиришға ихтисослашган питомник» деб номланарди ва унда 42 та жайрон, 4 та қулон ва сайғоқлар боқиларди. Кейинчалик унда халқаро ва миллий Қизил китобларға киритилган хонгул (Бухоро бугуси), гепард, йўрға-тувалоқ ҳам боқилди. Питомникнинг олдиға жайронларни кўпайтириш, улар биологиясини ўрганиш ва популяцияси ресурсларидан оқилона фойдаланиш вазиғаси қўйилди.

Кейинчалик ижобий натиғалар олинганидан кейин питомник бошқа ноёб турлар-қулон, Пржевальский оти, йўрға-тувалоқни кўпайтириш билан шуғулланди, бу ерда сайғоқлар подаси ҳам бор эди. Фаолиятини кенгайтириш ва хайвонларни кўпайтириш соҳасидаги муваффақиятлари туғайли 26.12.98 йилда Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан питомник «Жайрон» экомарказиға айлантирилди.

Экомарказ майдони 7153 га бўлиб, шундан 5145га браконьерлар ва йиртқичлардан химояланиш учун металл тўсик билан тўсилган. Питомникда тутқунлик шароитида хайвонларни ўрганиш билан зарурат туғилганида хайвонлар болаларини қўлда овқатлантириш имконини берадиган вольерлар тизими қурилган. Ҳозирги пайтда 2007 йилдаги ҳисобға кўра жайронлар миқдори 549 бош, Пржевальский отлари 35 бошғача, Ўзбекистон табиатида йўқолиб кетган қулонлар 55 бошғача етган.

Жайронни вольерда кўпайтириш соҳасидаги ишлар энг муваффақиятли кетмоқда. Экоцентр фаолият юритган вақт давомида тутқунликда кўпайтирилган хайвонларнинг 30 та авлодини олишға муваффақ бўлинди. Бунда хайвонот боғлари ва хусусий коллекцияларға 200 дан ортиқ жайрон, 5 та Пржевальский оти сотилган, 822 бош жайрон тарқатилган, овчилик

⁴⁵. Миллий матбуза маълумотлари. 110-150 б.

маҳсулоти(жайрон) 128 бошни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда унинг майдони 7,1минг га гача кенгайтирилди.

Унинг ҳудудида Ўзбекистон“Қизил китоб”и ва МСОП “Қизил китоб”ига киритилган жайрон,Пржевальский оти, кулон,йўрға тувалоқ ва бошқа ҳайвонлар яшайди.«Жайрон» экомарказида Бухоро кўйини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.Ёввойи ҳайвонлар сонининг сўнги ҳисобига кўра, Экомарказ ҳудудида 549 та жайрон, 55 та кулон,35 та Пржевальский оти,9 та Бухоро кўйи ва битта морхўр мавжуд. 2007 йил апрель ва август ойларидаМосква ҳайвонот боғи ва Тожикистон миллий боғига тегишли равишда 15 тадан жайрон юборилган.

«Сайхун» табиат хўжалиги бўйича 2007 йилда инкубаторга 360 та ёввойи ўрдак тухуми кўйилган ва шундан 200 та ўрдак боласи очилган, табиий йўл билан 5та ғоз ва 45 та цесарка олинган, кўлда 400 кг маданий балиқ турлари етиштирилган.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлар иккита хусусий питомник ташкил қилди:Бу Ўзбекистонда кўрикланадиган ҳайвонлар ёки ўсимлик турини хусусий мулкга беришда дастлабки истикболли йўналишдир.

1.Бухоро вилоятида (Пешку тумани) йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Birds Breeding» МЧЖ питомниги (2007 й.);

2.Навоий вилоятида (Кармана) йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича «Emirates Centre for Conservation of Houbara» МЧЖ питомниги (2008 й.).

Таянч сўзлар ва иборалар:миллий парк, флора, фауна, конвенция, эндемик,резерват,экомарказ,питомник,табиат ҳайкаллари,коллекциялар, миллий боғ,МСОП,табиат музейи,китъа,бетакроп.

Мавзунинг ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1.Миллий паркларнинг тўғри таърифини белгиланг.

А.Табиат мажмуаларини ёки битта ва бир неча ўсимлик ва ҳайвон турини ёки турларини муҳофаза қилиш мақсадларида давлат томонидан кўрикланадиган табиий ҳудудлар.

Б.Ноёб ва ўзига хос экосистемаларни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва алоҳида турларни, табиатдаги табиий жараёнлар ва ҳодисаларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва ўрганиш, экологик–маърифий тадбирлар илмий-тадқиқотлар ўтказиш мақсадида давлат томонидан муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар.

В.Халқаро миқёсдаги мақомга(статусга) эга бўлган давлат табиат кўриқхоналари.

Г.Миллий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган бетакроп табиатни ва табиий ландшафт объектларини, экологик тизимларни муҳофаза қилиш ва илмий, рекреация,дам олиш,маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган ва кўрикланадиган ҳудудлар.

2.Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг таърифини тўғри белгиланг.

А.Табиатнинг музейлари ва ҳайкаллари.

Б.Табиат кўриқхоналари.

В.Миллий парклар.

Г. Миллий парклар, давлат табиат қўриқхоналари, давлат табиат буюртма хоналари, миллий ва халқ боғлари ҳам алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимига киради.

3. Дунёда нечта миллий парк бор?

А. 1000 та.

Б. 1200 та.

В. 1500 та.

Г. 2000 та.

4. Дунёда нечта биосфера қўриқхоналари бор?

А. 100 та.

Б. 150 та.

В. 250 та.

Г. 350 та.

5. Ўзбекистонда нечта биосфера қўриқхоналари бор?

А. 2 та.

Б. 5 та.

В. 10 та.

Г. 12 та.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича топшириқлар:

1. “Миллий парклар экотуризм ресурслари”ни тушунтиринг.

2. “Давлат табиат қўриқхоналари”ни тушунтиринг.

3. “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар”ни тушунтиринг.

4. “Табиатнинг музейлари ва ҳайкаллари” тушунтиринг.

5. “Биосфера қўриқхоналари”ни тушунтиринг.

6. Экологик парваришхоналарни тушунтиринг.

7. Экотуризмда табиат қўриқхоналаридан фойдаланиш мумкинми?

8. Экотуризмда табиат буюртма хоналаридан фойдаланиш мумкинми?

9. Экотуризмда биосфера қўриқхоналаридан фойдаланиш мумкинми?

10. Экотуризмда экологик парваришхоналардан фойдаланиш мумкинми?

6-Мавзу. Дунёда миллий паркларнинг халқаро моделлари. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда халқаро миллий парк моделларини қўллаш йўллари

Режа:

6.1. Экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари.

6.2. Экотуризмни ривожлантиришда халқаро моделлардан фойдаланиш ва қўллаш йўллари.

6.1. Экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари.

Жаҳонда экотуризмни ривожлантиришда ягона, ҳар бир давлатларнинг табиий иқлим шароитига, улардаги туризм ресурсларидан фойдаланишда

тўғридан-тўғри мос келадиган, қулай бўлган моделлар ёки усуллар ҳозиргача ишлаб чиқилган эмас. Лекин, экотуризмни ривожлантиришда миллий парклардан ва давлат табиий қўриқхоналаридан фойдаланиш масалалари яхши тадқиқ қилинган⁴⁶,⁴⁷. Шу нуқтаи-назардан миллий парклар модели тушунчасига, мазмун ва моҳиятига тўхталиш зарурати бор. Чунки, экотуризмни ривожлантиришда миллий парклар стандарт, эталон вазифасини ўтамоқда. Ҳозирги вақтда экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришда миллий парклардан фойдаланишнинг 6 та модели бор. Бу моделларнинг алоҳида– алоҳида модел сифатида ажратилиши ўзига хос хусусиятларига асосланган:

1. Америка модели.
2. Европа модели.
3. Парк резерват модели.
4. Осиё модели.
5. Австралия модели.
6. Бавария ўрмонлари миллий парки- Европа-2 модели

1. Америка миллий парклари моделида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг жуда катталиги, бетакрор табиати, экотизимларнинг кўплиги билан хусусиятланади. Масалан, Гренландия миллий парки–70 млн. га Африкадаги Марказий Калахари парки–5,2 млн.га, Америка Қўшма Штатлари даги Аляска миллий парки -7,3 млн.га, Канада давлатидаги Вуд-Баффало– 4,4 млн.га, Мўғилистон давлатидаги Гоби миллий парки-5 млн.га, Россиядаги Колима миллий парки 3 млн.га.

Бу моделда миллий парк ташкил қилишни биринчи бўлиб Америка Қўшма штатлари бошлаган. АҚШ ҳукумати 1872 йилда ҳозирда дунёга машҳур Йеллоустон миллий паркини ташкил қилди. АҚШ ва Канада давлатлари бу моделда фойдаланишда инсоннинг хўжалик фаолияти кучайиб бораётган бўлса ҳам ўз ҳудудлари чегарасида миллий паркларнинг майдонларини тобора кенгайтириб бормокдалар. Ҳозиргача Канада давлати миллий парклар ҳудудларини 12% га кенгайтди. Бу миллий парклар давлат тасарруфида, баъзи ҳолларда йирик корпорацияларга ижарага берилади, лекин миллий паркнинг табиати муҳофазаси назорат қилиш ҳукукини давлат ўзида сақлаб қолади.

Бу моделдаги миллий паркларни молиялаштириш жуда баланд. Миллий паркларни сақлаш учун давлат ҳам, федерал штатлар ҳам маблағ ажратади. Бунга қўшимча бўлиб хусусий мулкдорлар ҳам маблағ қўшишади (миллий парклардаги рекреация хизматларининг ярми хусусий секторда). Шунинг учун ҳам Шимолий Америка моделидаги миллий парклар дунёдаги энг бой миллий парклардир. Миллий паркни ривожлантиришда Америка Қўшма Штатлари ва Канада ҳукумати ўзаро тенг шартнома асосида ҳамкорлик қилишадилар, миллий паркдан дам олиш ва экотуризмда фойдаланишнинг замонавий, янги технологияларини яратадилар.

⁴⁶ Бишоп К., Грин М., Филлипс А. Модели национальных парков. Н.Новгород, Изд-во Центра охраны дикой природы, 2000, 278 с.

⁴⁷ Franklin P., Metzler J., Pitcher D. et al. USA: National Parks. Museums. N.Y.: DK Travel. 2004. 294 p.

Халқаро экотуризм ривожда Америка моделнинг кўплаб давлатларда ишлатилаётганлиги бу моделнинг жаҳонда биринчи мартаба мамлакат аҳолисининг дам олишини ва рекреацияга бўлган эҳтиёжини қондириш эди. Энг муҳими, Америка давлати маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашнинг, ҳар бир ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ни режалаштиришни жаҳондаги бошқа давлатларга қараганда жуда эрта англаган ва бошлаган эди.

Иккинчидан, Америка Қўшма Штатлари ва Канада давлатларининг майдонларининг катталиги, бу ҳудудларда аҳолининг кенг тарқалганлиги, овчиликнинг жуда кучайиб бораётганлиги ва табиатни ва табиат ресурсларини муҳофаза қилиш халқаро миқёсда кучайиб бораётганлиги ҳам бу иккала давлатнинг ўзаро ҳамкорликда жаҳонда биринчилардан бўлиб миллий паркларни ташкил қилиш ва улардан дам олиш, табиатни муҳофаза қилишда экотуризмни ривожлантиришнинг зарурлигини ўз вақтида тушуниб етгани эди.




Диаграмма 1. *Экотуризмни ривожлантиришда халқаро Америка модели*

Учинчидан, табиий ресурслари тобора камайиб бораётган, атроф муҳитнинг ифлосланиши кучайиб бораётган Европа давлатларида табиатни ва унинг ресурсларини келажак авлодларга сақаб қолиш шиори олимлар ва аҳоли томонидан давлатлар ҳокимиятларининг олдига қаттиқ ривинишда қўйила бошланган эдилар. Шул нуқтаи-назардан Европа давлатларининг олимлари, экологлари кун тартибидаги бу муҳим масалани ечишнинг илмий амалий

томонларини тадқиқ қилишга киришган эдилар. Натижада глобал муаммолардан бири бўлган табиатни ва унинг ресурсларини сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказишда халқаро миқёсда экотуризмни ривожлантиришнинг давлат дастурлари ишлаб чиқиладиган бўшланди. Бу дастурларни амалга оширишда экотуризмни ривожлантиришнинг моделларини ишлаб чиқиш ўша вақтдаги давр талаби эди.

Шу тарихга сайёрамиз табиатини сақлашда сайёравий усул-экотуризмни ривожлантиришнинг АҚШ, Европа моделлари юзага келди. Дастлабки вақтларда бу моделлар бўйича миллий парклардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланиш масалаларига анча ишончсизлик билан қарашлар ҳатто, бу моделларни танқид қилувчи халқаро ташкилотлар ҳам топилди. Бу танқидларнинг асосида миллий паркларда сайёр овчилик кучайиб кетади, алоҳида муҳофазадаги ҳудудларнинг экологик тизимларини муҳофаза қилиш қийинлашади деган исботлар ҳам бор эди.

Лекин, цивилизация тараққиёти инсониятнинг дам олишини ҳам биринчи ўринларга чиқариши натижасида ва сайёрамиз табиатини оқилона режаларда сақлаб қолишнинг энг устивор йўналишлари айнан табиат бағрида дам олиш ва унинг сақланиб қолишига ёрдам бериш ҳам халқаро экологик муаммоларда устивор масалаларга айланган эди. Шулу нуктага назардан АҚШ ва Европа миллий экологик моделдан фойдаланишни кўплаб давлатлар тезда қабул қилишди.

2. Европа модели. Биринчи Европа миллий парки 1909- йилда Швецияда ташкил топган. Бу моделнинг ўзига хос афзалликлари Буюк Британияда ишлаб чиқилди. Бу моделда ишлаш фарбий Европа ва Японияда ташкил қилинди ва тобора ривожланиб бормоқда.

Этибор қилинган-биринчи Европа миллий парки Швецияда ташкил қилинди. Буюк Британияда амалий жиҳатлардан ишлаб чиқилди. Европа ва Японияда синаб қўрилди ва муваффақият билан ишламоқда. Экотуризмни ривожлантиришда давлатларнинг ҳамкорлигидан намуна олишимиз керак.

Бу моделнинг асосий хусусиятлари миллий паркларнинг ҳудудлари кичиклиги ва аҳолининг экологик билим ва маданият юқори даражадалиги билан фарқланади. Бу моделни молиялаштириш давлат томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам транспорт, йўл коммуникациялари ва экотуризм инфратузилмалари жуда юқори даражаларда ташкил қилинган.

Европа моделидаги миллий паркларнинг яна бир хусусияти шундаки, деярли 50 % миллий парклар хусусий секторда. Миллий паркларнинг энг катта шиори-мамлакат аҳолисининг соғлигини тиклаш ва дам олиш шароитларини яратиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ички экотуристлар оқими жуда катта, лекин ташки экотуризм оқими ҳам катта микдорларни ташкил қилади.

Европа давлатларидаги миллий паркларнинг ташкил қилиниши мухитини ва шароитини ҳисобга олсак, дастлаб шундай омилга эътибор бериш керакки, Европаликлар ижтимоий- иқтисодий тараққиётда бошқа халқларга нисбатан анча олдинга чиқиб олган халқлардир. Уларнинг аҳоли энг зич жойлашган материкда яшаётганлиги илмий-техника ривожланиб

бораётганлиги учун ҳам иккинчидан, бу давлатларда яшаётган халкларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва маданиятининг жуда юқори бўлганлиги ҳам ўз давлатлари раҳбарияти олдига табиат муҳофазасини дадил қўйганлиги, ўзларининг ҳам глобал экологик муаммоларнинг тобора кучайиб бораётганлиги ўз вақтида тушуниб олганликлари эди.



Диаграмма 2. Экотуризмни ривожлантиришда халқаро Европа модели

Европа давлатлари ўз давлатлари табиати ва табиий ресурсларини сақлаб қолишда ва экологик туризм ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилишди. Чунки, Европа давлатлари бири-бири билан чегарадош давлатлар ҳисобланади ва Европа қитъаси табиати табиий географик минтакаларни ташкил қилганлигидан бу давлатларнинг чегараларига бўсинмайди. Шунинг учун ҳам бу давлатлар экологик тизимларни биргаликда ва ўзаро ҳамкорликда муҳофаза қилишадилар. Шулар нуктаи назардан ҳам бу давлатлар экотуризмни ривожлантиришда ҳеч иккиланмасдан АҚШ ва Европа экологик моделларига янги технологиялар киритишиб амалиётда қўллай бошладилар.

3. Парк резерват-моделининг ривожланиш концепцияси бутунлай бошқача—бу миллий паркларни молиялаштириш давлат ҳисобидан эмас балки, аксинча давлатни қувватлашдир. Бу миллий паркларнинг фаолият

кўрсатишдаги бош принципи- ўз кучига ишониш, ғояси- ўзини-ўзи таъминлашдир. Бу модел XX аср ўрталарида шаклланди ва ҳозирда ривожланаётган давлатларда кенг ёйилиб бормоқда.

Миллий паркга кириш баҳоси жуда паст ва шунинг учун ҳам ички ва ташқи туристлар жуда кўп ташрифлар қилишмоқда. Резерват парк моделидаги энг муҳим омил Европаликларнинг экологик онг ва экологик маданиятининг жуда юқори бўлганлиги билан белгиланади. Бу миллий парк тизимининг ишлашида жуда катта маъно бор. Яъни Европаликлар “ўз уйингни ўзинг покиза тут” шиорини оммавий равишда қабул қилганликларига кўплаб ўн йилликлар ўтди. Европаликлар нинг ўзаро ҳамкорликда мустаҳкам , биродарликда эканлигини жаҳондаги халқлар тарих сабоқларидан жуда яхши билишади.




Диаграмма 3. Экотуризмни ривожлантиришида халқаро парк-резерват модели

Иккинчидан, Европада яшайтган халқлар ҳаётнинг ҳар қандай муаммоларини биргалашмасдан ҳал қилиб бўлмаслигини ҳам жуда яхши билишади.

Учинчидан, парк резерват тизимини ташкил қилиш йўли билангина замонавий саноати кучли ривожланган Европанинг ҳозирги табиатини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказиш мумкинлигини улар анча эрта англадилар.

Туртинчидан, табиат ва унинг ресурсларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишнинг йўллари биринчилардан бўлиб тадқиқ қилганлар ҳам Европаликлар ҳисобланади. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, Европаликлар оиласида экологик маданиятни ўқиш –ўргатиш мактабгача тарбия таълимига киритилган.

Бешинчидан, Европа давлатларидаги мактабларда, бошланғич таълимда “Ўлкашунослик”, “Табиатшунослик”, “Табиатга экскурсия” фанларини ўқитиш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жуда кучайтирилган. Европаликлар инсонда табиатга меҳр ва уни асраш-авайлаш ҳис-туйғуларини болаликдан ўрганадилар.

4.Осиё модели ҳозирги вақтда шаклланиш босқичида. Бу моделдаги миллий паркларнинг фаолият кўрсатиш асосан давлат тасарруфида.Осиё давлатлари ўз ички туризмида ҳам халқаро миқёсда ривожланиб бораётган, табиат муҳофазасида ва маҳаллий аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим истикболли йўналишларни таъминлайдиган экотуризмни ривожлантиришда миллий парклар ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан фойдаланиш тизимини яратишга ёки тадқиқ қилишга жиддий қришган эмас.




Диаграмма 4. Экотуризмни ривожлантиришда халқаро Осиё модели

Экотуризмни ривожлантиришдаги Осиё модели юқорида қайд қилганимиздек, эндигина ривожланиш йўлида. Осиёдаги давлатлардан Ҳиндистон, Тайланд, Жанубий Корея, Малайзия, Хитой ва Япония давлатлари

кўп йиллардан бери экотуризмни ривожлантириб бораётган давлатлар каторига киради.

Илмий адабиётларда Осиё давлатларида миллий парклар ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан экотуризмни ривожлантиришга киришмаётган лигининг сабаблари ҳам тадқиқ қилинмаганлиги қайд этилмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Лекин, сўнги йилларда алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан экотуризмда фойдаланиш аста-секинлик билан ва ўта ҳушёрлик билан олдинга силжий бошлади.

Бу йўналишда БМТнинг ватанимиздаги ваколатхонасининг халқаро ГЭФ лойиҳаси асосида Бадайтўқай давлат кўриқхонаси халқаро биосфера резерватига айлантирилди. Ҳозирда бу резерватда халқаро ҳамкорликда олимлар резерватнинг тараққиёти бўйича илмий тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Бу биосфера резерватидан ҳақаро ЭКОНЕТ тизимида экотуризмни ривожлантириш бошланди. Чунки биосфера резерватида маҳаллий аҳоли ҳам яшайди. Бу аҳоли экотуристларга экотуристтик хизматларни кўрсата бошлади.

5. Австралия модели. Илмий адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, Австралия экотуризмни унинг тамойилларига асосланиб ташкил қилган ва жаҳонда экотуризмни илмий-амалий қоидаларига асосан ривожлантираётган лидер давлат ҳисобланади. Бу давлат экотуризмни ўз давлатининг ҳудудларида ташкил қилганда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқади ва ҳудуднинг табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганади.

Энг муҳими шундаки, экотуризмни ташкил қилишда маҳаллий абориген аҳолининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳисобга олинади ва экотуристтик хизматларни амалга ошириш тўлиқ уларга топширилади. Иккинчидан, мамлакатдаги штатлар маъмуриятининг тақлиф ва тавсияларини ҳам тўлиқ ҳисобга олади. Мамлакатдаги табиатшунос, эколог ва биолог олимлар халтали ҳайвонлар юрти бўлган Австралияга молиявий жиҳатдан имкониятларга эга бўлган туристларнинг келишини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар экотуристтик маҳсулотларни турли-туман мавзуларда тайёрлашади⁴⁸. Ҳозирда ҳақаро туризмда Австралиянинг 9 мавзудаги экотуристтик маршрутлари жуда оммавийлашган ва катта экотуристтик оқимларни ҳосил қилган халқаро экотуристтик маршрутлари муваффақият билан ишламоқда⁴⁹.

Австралия моделининг муваффақият билан ишлаётганлигининг энг муҳим омилларидан бири шундаки, барча ҳудудларда ташкил қилинаётган экотуристтик хизматларга фақат ўша ҳудуднинг маҳаллий аҳолиси хизматлар кўрсатади. Бу усулда ишлаш маҳаллий аҳолининг иш билан таъминланишини ҳал қилади ва маҳаллий қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишга ёрдам беради.

⁴⁸. Александрова А. Ю. География туризма. КНОРус, Москва, 2010, 590 с.

⁴⁹. Забелина Н. М. Национальный парк. Москва, Мысл, 2010, 210 с.



Диаграмма 5. Экотуризмни ривожлантиришда халқаро Австралия модели

Халқаро экотуризм бозорида энг оммавийлашган 10 та экотуристик маршрут рейтинг бүйича Австралия сўнги ўн йилликда биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Австралияда экологик туризм билан 9 та миллий компания шуғулланади. Биргина “Australian Eco Adventures” миллий экотуризм компаниясининг 75 та турмаҳсулоти (экотуристик маршрути) халқаро экотуризм бозорида сотилади.

Бу компаниянинг китларни кузатиш ва томоша қилиш экотурини халқаро экотуристлар навбат кутиб олишади. Австралия кенгуриси бүйича 3 та миллий экотуристик компаниялар ҳам фақат халқаро экотуристларни кутиб олишга ихтисослашган.

6.Бавария ўрмонлари миллий парки(Европа-2 модели).Бавария ўрмонлари миллий паркни кўпинча экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро Европа-2 модели деб ҳам номлашади. Бу миллий паркнинг ташкил қилиниши тизими ҳам экотуризмни ривожлантиришда бутунлай янгича усулларни қўллашдан бошланди.




Диаграмма 6.Экотуризмни ривожлантиришда халқаро Бавария ўрмонлари миллий парки модели

Экотуризмни ташкил қилишда ва миллий парклар, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан экологик туризмда фойдаланишда асосан давлат ташаббускор бўлган бўлса Бавария ўрмонлари миллий паркни маҳаллий ҳукумат ташкил қилди ва асосий шир табиат ва унинг ресурсларини муҳофаза қилишда давлатга ёрдам бериш тизимини ишлаб чиқди.

Юқорида келтирилган Европа-2 моделининг асосий кўрсаткичларидан ҳам бу тизимнинг барча иш юритиш ҳолатларини тезда англаб олиш мумкин ва кичик майдонларда ҳам, алоҳида муҳофазадаги ҳудудларда ҳам, табиий ресурсларни муҳофаза қилишда ҳам экологик туризмни ривожлантиришда ҳам Бавария ўрмонлари миллий моделини муваффақият билан қўллаш мумкин бўлади.

Европа мамлакатларининг майдонлари Америка ва Канада ёки Африка давлатларидагидек катта ҳудудларни эгаллаган миллий парклари йўқ бўлсада Европа халқларининг ҳам сиёсий ҳам экологик маданияти нинг юқори бўлганлиги ғоятда зич жойлашган давлатлар ўз давлатлари ҳудудларида сақлашиб қолган табиатни муҳофаза қилишда экотуризмни ривожлантириш йўллари усталик билан топдилар. Яқин вақтларгача миллий парклар бири-биридан ажралган ҳолда, ахборотсиз ёки ўзаро ҳамкорликсиз ишлар эди.

Лекин экологик муаммоларнинг сайёравий чеагараларда кучайиши, муаммоларнинг ечимини топиш қийинлашиб бораётганлиги, молиялаш тиришнинг оғирлашиб бораётганлиги дунёдаги миллий паркларни ягона тармоқга бирлаштиришни талаб қилди.1993 йилда ландшафт биохилма-хиллиги ва турларни сақлаш бўйича «Панъевропа стратегияси»жаҳонда биринчи экологик тармоқ–ЭКОНЕТнинг тузилганлигини эълон қилди.


6.2. Экотуризмни ривожлантиришда халқаромиллий парк моделлари қўллаш йўллари

ЭКОНЕТтизимдаги давлатлар ҳозирги келиб алоҳида кўрикланадиган ҳудудларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишнинг қуйидаги технологиясини ишлаб чиқди(3-Чизма).Эконет тизими ҳозирга келиб нафақат Европа давлатларида балки, бутун жаҳондаги давлатларнинг алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларининг экологик мувозанатини сақлашда экотуризмни жадал ривожлантириш мақсадларида оммавий равишда қўлла нилмоқда. Чунки, олимларнинг хулосаларига кўра алоҳида муҳофазадаги ҳудудларни экологик билимли ва экологик онгли кишилар давлат назоратига қараганда яхшироқ муҳофаза қиладилар.

Фикримизча қайд қилинган усул–ЭКОНЕТ миллий парклар ва кўриқхоналардан экотуризмда фойдаланишда жуда қўл келади ва қулай. Ҳозирда мамлакатимизда ЭКОНЕТ тизимида давлат табиат кўриқхоналари дан фойдаланиш Бадай-тўқай халқаро биосфера резерватида синаб кўрил моқда. Бу биосфера резерватининг кўриқхона ядросидаги Бухоро буғулари табиий биологик хилма-хиллик ресурслари табиий ландшафтлари билан каттиқ режимда муҳофаза қилинади,инсоннинг ҳар қандай фаолияти чеклан ган. Фақат илмий тадқиқотлар ўтказилишига рухсат берилади(1-Кўриқхона ядроси).

Иккинчи(2-буфер ҳимоя минтақаси) муҳофаза зонасида ҳам каттиқ кўриқлаш режимида, инсоннинг ҳар қандай фаолияти чекланган,фақат илмий тадқиқотларга рухсат берилади. Чунки бу зонага асосий муҳофазадаги (кўриқхона ядросидаги) ҳайвонлар ўтиши мумкин. Шуниндек, кўриқхонадаги бошқа ҳайвонлар ҳам ўтиши мумкин.

Учинчи(3-иктисодий минтақа) зонада Бадай-тўқай халқаро биосфера резерватида маҳаллий аҳолининг кичик кишлоклари ёки аолхида уйлари ҳам жойлашган. Бу аҳоли асосан кўриқхона муҳофазасига жалб қилинган. Шунингдек, ушбу аҳолининг хўжалик фаолиятига ҳам шахсий чорвасини ҳам яшаш жойи атрофларида боқишга ҳам рухсат берилган.



3-Чизма. Миллий парк, табиат қўриқхоналари ва биологик резерватларда табиат муҳофазасини ташкил қилиши ва экотуризмда фойдаланиш тизими (ЭКОНЕТ).

1. Биосфера резерватлари, қўриқхоналар, миллий паркларнинг асосий муҳофазадаги ҳудудлари ёки ядроси.
2. Экологик коридорлар (қўриқланадиган объектлар ва ядро ўртасидан турлар миграцияси ўтадиган минтақалари).
3. Буфер минтақалар (фойдаланишдан олинмаган, хўжалик фаолияти ва табиатдан рационал фойдаланишга рухсат берилган бўлиб табиатни тиклаш шароитлари ҳам яратилган).

Биосфера резерватидаги ўрмонларни кесиш, белгиланган жойдан бошқа жойларда ерни қўшиб олиш ёки ўзлаштириш, фойдаланишга рухсат берилмайди. Туризмда, рекреацияда фойдаланишга қисман рухсат берилган. Келгусида Бадай-тўқай биосфера резерватидаги истикболлий бундай тажрибани бошқа қўриқхоналаримизда ҳам қўллаш истикболлари мавжуд.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини амалга оширишда экотуризмни ривожлантиришда халқаро моделларни Ўзбекистон шароитида қўллашдаги тадқиқотларнинг натижаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги истикболлий йўналишларни белгилаш мумкин:

1. Экотуризмни ватанимизда ривожлантиришда биринчи навбатда экотуризмни ривожлантиришда халқаро моделларнинг тавсиф ва тарифларини, бу моделларнинг мақсади ва вазифаларини, моделлар бўйича амалга ошириладиган ишларни батафсил ўрганиш талааб қилинади.

2. Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда халқаро экологик моделларни қўллаш объеклари муфассал ўрганилиши лозим бўлади.

3. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва табиат кўриқхоналари, миллий боғлардан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг ҳуқуқий ва меъерий ҳужжатларини давлат миқёсида ишлаб чиқиш талаб қилинади.

4. Экотуризмни ривожлантиришда мамлакатимизнинг экотуристлик ресурслари ва объектлари халқаро ва ички туризм бўйича даражаларга бўлиниши, бу объектларнинг экотуризмда фойдаланиш имкониятлари ўрганилади.

5. Экотуризмни ривожлантиришдаги энг муҳим масалалардан бири-экологик туризм ресурслари маданий марказлардан анча узок масофаларда жойлашганлиги сабабли бу масканларда туристик инфратузилмаларнинг ташкил этилмаганлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биринчи навбатдаги вазибалардан бири-алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар, давлат табиат кўриқхоналари ва миллий боғларимизда экотуристларга инфратузилма тизимини ва хизматларини ташкил қилишимиз экотуризмни ривожлантиришдаги биринчи масала ҳисобланади.

6. Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш долзарб масала лардан эканлиги ва бу истиқболли йўналишда экотуризмни ривожлантиришнинг халқаро моделларини қўллашнинг рекламаларини ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ва ички туризм бозорларига чиқариш кутилган натижаларни беради.

7. Экотуризмни ривожлантиришда яна бир муҳим масалалардан бири шундан иборатки, туризм бошқарувида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг вилоятлардаги минтақавий бўлимларида, экскурсия саёҳат бюроларида «Экотуризмни ташкил қилиш ва бошқариш тизими»ни ташкил қилиш тузилмалари шакллантирилиши зарур бўлади.

8. Истиқболда экотуризмни ривожлантиришдаги яна бир долзарб масалалардан бири-барча вилоятларимизда аҳолининг қизиқишини, тadbиркорлигини ва ташаббускорлигини ташкил қилиш, аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатдорлигини таъминловчи имтиёзли давлат қарорларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

9. Экотуризмни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолардан бири бўлган яна бир масала шундан иборатки, экотуризмни ҳаракатга келтирувчи ихтисослашган махсус туристик фирмалар ёки туристик ташкилотлар ҳанузгача ташкил қилинмапти. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча вилоятларида экотуризмни ташкил қилувчи ва экотуристлик хизматларни кўрсатувчи туристик фирмалар ташкил қилиш экотуризмни ривожлантиришда шу куннинг вазибаларидан ҳисобланади.

10. Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда руҳсат берилган экотуризм ресурсларига туристик маршрутлар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш ва бу туристик маршрутларнинг рекламасини халқаро ва ички туризм бозорига чиқариш.

11. Мамлакатимизда халқаро ва ички экотуризмни ривожлантириш ишларини жадаллаштириш. Бу йўналишда халқаро экотуризм ва ички экотуризмни ривожлантиришга ихтисослашган туристик фирмаларни ташкил қилиш.

12. Қишлоқларимизда экотуризмни қишлоқ туризми, рекреация туризми, зиёрат туризми ва спорт туризмлари билан боғланган ҳолда, мажмуали ташкил қилиш.

Таянч сўзлар ва иборалар: ЭКОНЕТ, экологик моделлар, туристик инфратузилма, ихтисослашиш, экологик коридор, буфер минтақа, ядро, ихтисодий минтақа.

Маъзунни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Ҳозирда экотуризмнинг нечта халқаро модели бор?

- А. 2 та.
- Б. 4 та.
- В. 6 та.
- Г. 8 та.

2. Экотуризмнинг биринчи халқаро модели қаерда ишлаб чиқилган?

- А. АҚШда.
- Б. Канадада.
- В. Австралияда.
- Г. Германияда.

3. Экотуризмнинг халқаро Европа модели қайси давлатда ишлаб чиқилган?

- А. Германияда.
- Б. Швецияда.
- В. Японияда.
- Г. Англияда.

4. ЭКОНЕТдан фойдаланиш неча тизмдан иборат?

- А. 2 тизмдан.
- Б. 3 тизмдан.
- В. 4 тизмдан.
- Г. 5 тизмдан.

Маъзунни ўзлаштириш бўйича топшириқлар:

1. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро Америка моделини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

2. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро Австралия моделини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

3. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро парк резерват моделини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

4. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро Осие моделини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

5. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро Европа моделини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.

6. Резерватлардан экотуризмда фойдаланиш бўйича қайси моделни қўллаш мумкин?

7. Миллий паркларимиздан экотуризмда фойдаланиш бўйича қайси моделни қўллаш мумкин?

8. Қўриқхоналаримиздан экотуризмда фойдаланиш бўйича қайси моделни қўллаш мумкин?

9. Табиат буюртма хоналаримиздан экотуризмда фойдаланиш бўйича қайси моделни қўллаш мумкин?

10. Экологик парвариш хоналардан экотуризмда фойдаланиш бўйича қайси моделни қўллаш мумкин?

7-Мавзу. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмидан фойдаланиш йўллари.

Режа:

7.1. Қишлоқ туризми ҳақида тушунча, қишлоқ туризмнинг мақсади ва вазифалари. Қишлоқ туризмнинг ресурслари. Мамлакатимизда миллий туризмни самарали ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг ўрни.

7.2. Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари ва улардан фойдаланиш йўллари.

7.3. Қишлоқ туризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг замонавий рекламаларини яратиш.

7.1. Қишлоқ туризмнинг мақсади ва вазифалари. Миллий туризмни самарали ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг ўрни

XX асрнинг иккинчи ярмида атроф-муҳитни тоза сақлаб қолиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, сайёравий муаммоларга айланиб кетганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга инсониятнинг тарихий, маданий меъросини сақлаш ҳам сайёравий чегараларда кун тартибига чиқди. Ушбу долзарб муаммолар натижасида жаҳонда қишлоқ туризми ўзининг ривожланиш босқичини бошлади.^{50, 51, 52}

Мамлакатимизда ҳам, айниқса қишлоқ жойларимиздаги мавжуд туристик ресурслардан туризм фаолиятида кенг фойдаланган ҳолда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда катта самаралар бериши исботсиз жараён. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг 2009 йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилиши қишлоқ туризмни ривожлантиришда катта имкониятларни яритиб берди.

Ҳозирги кунда ҳукуратимиз қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш ва бу омил орқали аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга катта эътибор бермоқда. Бу йўналишда қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб унинг салоҳиятли имкониятлари ҳам бор. Бу имкониятлар қуйидагилардан иборат;

- қишлоқ жойларда жойлашиш ва овқатланишнинг шаҳардагига нисбатан 2-2,5 мартаба арзонлиги;
- қишлоқ жойларининг экологик жиҳатдан тозаллиги;

⁵⁰ Tourism. Development and Growth: the challenge of sustainability. London. 1998. 246 p.

⁵¹ Rural Tourism: Working for the Countryside. London. Countryside Agency. 2000. 151 p.

⁵² Биржаков М.Б., Новикова О.А., Исторические предпосылки деревенского туризма. Туристические фирмы, 2002, № 28.

- экологик тоза озиқ-овкат турларининг мавжудлиги;
- халқимизнинг қадимий миллий меъросининг сақланиб қолганлиги;
- жозибадор туристик ресурслар, миллий белгилар, хусусиятга бой бўлган хизмат турларининг кўплиги ва ранг-баранглиги ва бошқ;
- миллий меърос маҳсулотлари ишлаб чиқишнинг сақланиб қолганлиги (миллий хунармандчилик, устачилик маҳсулотлари ва бошқа...).

Иккинчидан, қишлоқларимизда туризмнинг куйидаги турларининг ресурслари ҳам мавжудлиги:

- *тарихий– археологик туризм ресурслари*–тарихий обидалар, тарихий жойлар, археологик қолдиқлар, топилмалар;
- *этнографик туризм ресурслари*–анаънавий маҳаллий ҳаёт тарзи, миллий фольклор, урф-одатлар, маданият, турли маросимлар, миллий ўйинлар;
- *қишлоқ хўжалик–агротуризм ресурслари*–қишлоқ боғлари, дехқончилик, маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, полизчилик, қишлоқнинг ўзига хос кўриниши ва қурилиши;
- *диний–диёрат туризми ресурслари*–муқаддас қадамжолар, азиз-авлиёларнинг қабрлари, шифобахш булоқлар, турли диний маросимлар;
- *экотуризм ресурслари*–қишлоқ жойларнинг ватанимизнинг барча табиий–географик минтақаларида (тоғ, тоғ олди, чўл, адир, сув хавзалари) жойлашганлиги;
- *рекреация ва соғломлаштириш туризм ресурслари*– пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар, минерал сувлар, бетакрор гўшалар, булоқлар, ўрмонлар, тўқайзорлар, шаршаралар, дарё соҳиллари;
- *қишлоқ фермерлари иш тартиби ва ҳаёт тарзи*–қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сақлаш, ем-ҳашак тайёрлаш маҳсулотлар етиштириш ва сотиш.

Ибодуллаев Н.⁵³ Ўзбекистоннинг қишлоқларида туристик ресурслар ва туристик салоҳиятнинг жуда катта захиралари борлигини қайд қилган (3-жадвал). Жадвал маълумотларидан маълум бўладики, қишлоқ жойларда туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятлари мавжуд. Шу сабабли, сўнги йилларда қишлоқ туризми дунёнинг кўплаб мамлакатларда жадал риваيدا ривожланмоқда.

Қишлоқ туризмни ташкил қилишда юқорида қайд қилинган туризм турларининг барча ресурслари мажмуали, бириккан ҳолда ишлайди ва ҳар қандай туристни кўпроқ муддатларга ушлаб қолади. Шунинг учун ҳам Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантиришга ўтган асрнинг 60 йилларидан жадал киришди.

Ҳозирга келиб, Европа давлатларида қишлоқ туризмидаги туристларнинг оқими 60 млн. туристни ташкил қилмоқда. Франция, Германия, Англия, Италия давлатларида қишлоқ туризми хизматларини ишлаб чиқарувчи 10 минглаб туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар муваффақият билан

⁵³ .Ибодуллаев Н., Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари, Самарқанд, 2008, 144 б.

ишлашмоқда. Биз ҳам мамлакатимизда қишлоқ туризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифаларини тадқиқ қилишга эндигина киришяпмиз.

Жаҳонда қишлоқ туризмга ҳар бир давлатлар ўзларидаги имконият ларига қараб ҳар хил мазмунда қарамоқда. Масалан, Англияда аҳолиси 7000 кишилиқ қишлоқларни қишлоқ туризмни ривожлантириш режасига киритишади, Австрияда бу сонлик аҳолиси бўлган қишлоқларни шаҳар туризмни ривожлантириш режаларига қўшишади. Шунингдек, қишлоқ туризмни, агротуризмни Россиялик олимлар экотуризмнинг тармоғи деб билишади. Европа давлатларида аксинча агротуризм-деҳқончилик билан боғлиқ туризм, экотуризм эса табиат бағрида бўлиш ва уни муҳофаза қилишга қўмаклашиш деб белгиланган.

Ватанимизда қишлоқ жойлардаги ресурслардан туристик мақсадларда фойдаланишни мажмуали ташкил қилиш қулайлигини ҳисобга олиб юқорида келтирилган туризм турларини жамлаган ҳолда қишлоқ туризми деб атасак, бу туризмни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш анча осон кечади. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмни ташкил қилишдаги муаммоларни ўрганишдан олдин, даставвал қишлоқ туризмнинг моҳиятини, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишимиз лозим бўлади.

Жаҳондаги қўплаб давлатларда «Қишлоқ жойлардаги туризм» атамаси ҳам бор ва улар қишлоқлардаги туризм ресурсларга боғлиқ ҳолда туристик инфратузилмаларни яратадилар. Бу ҳолат уларда қишлоқ туризмнинг жуда ривожланганлигини ва айрим-айрим йўналишларни ҳосил қилганлигини кўрсатади. Биз учун энг муҳими, қишлоқ туризмни ривожлантириш мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш асослари эканлигини англаб олишимиздир. Маълумки, ички туризм Бутунжаҳон туризм ташкилотининг таснифи бўйича бир мамлакат аҳолисининг ўз давлати ҳудудларидаги туристик фаолияти деб белгиланган.

Қишлоқлардаги туристик ресурслар ички туризмнинг асосий объект лари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам АҚШ, Канада, Англия, Франция, Германия, Испания каби давлатлар дастлаб (ўтган асрнинг 70-йилларидан) ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар, бутун аҳолини янги ижтимоий- иқтисодий соҳага-туризм жараёнларига кўп йиллар давомида тайёрлаганлар. Шу тариқа туризмдаги тадбиркорлик айниқса қишлоқ туризмидаги тадбиркорлик кучайиб кетган. Лекин афсуски, биз ҳозиргача ички туризмни ҳам халқаро туризмни ҳам тарихий обидалари бор шаҳарларга саёҳат деб тушуномқдамиз.

3-Жадвал

Ўзбекистонда қишлоқ жойларининг туристик салоҳияти.

№	Туризм турлари	Туристик ресурслар	Фойдаланиш имкониятлари
1	Тарихий археологик туризм	Тарихий обидалар, археологик қазилмалар	Ўрга

2	Этнографик туризм	Аънавиймаҳаллийхаётгарзи, миллийфолклор, хўжаликфаолиятиусуллари, турлимаросимлар	Юқори
3	Қишлоқ хўжалик - агротуризм	Қишлоқ боғлари,маданий ландшафтлар ва қишлоқ хўжалик ишлари, қишлоқларнинг ўзига хос кўринишлари	Ўрта
4	Танишув саёхати	Курслар ва семинарлар (музыка, касб-хунар, табиий соғломлаштириш манбаалари ва бошқалар)	Ўрта
5	Диний-зиёрат туризми	Муқаддас қадамжолар, черков, масжид ва бошқа зиёрат жойлари, турли диний маросимлар	Юқори
6	Экологик туризм	Қишлоқларнинг табиий географик минтақаларда (тоғ, тоғ олди, адир, чўл, сув ҳавзалари ва бошқалар) жойлашганлиги	Юқори
7	Соғломлаштириш туризми	Минерал сув манбаалари, пансионатлар, соғломлаштириш марказлари, курортлар	Юқори
8	Рекреация туризми	Бетакрор жойлар, даралар, булоқлар, ўрмонлар,дарё бўйлари ва бошқалар	Юқори

Республикамызда қишлоқ туризмни ривожлантириш зарурлигининг энг асосий, долзарб яна бир масаласини—шаҳар аҳолисининг қишлоқлар да дам олишини ташкил қилиш деб тушуноғимиз лозим. Қайд қилганимиз дек, дунёда қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали ички туризмни сўнгра халқаро туризмни ривожлантирган ва жаҳон туризмида «лидер» ўринларни эгаллаб келаётган АҚШ, Канада, Франция, Англия, Германия, Италия, Австралия ва Испания давлатлари жаҳон туризмидаги ҳозирги мавқеъларига дастлаб қишлоқ туризмни ривожлантириш орқали эришдилар.

Ғарбий Европанинг барча давлатлари ҳам қишлоқ туризмни жадал ривожлантиришмоқда. Шарқий Европа давлатлари кўп йиллар собиқ советлар таъсирида бўлганлигидан қишлоқ туризмни ишлаб чиқиш дастурларини тузаолмадилар.

Шундай қилиб Республикамызда қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг моҳияти—қишлоқларимизга ички ва халқаро туристларни жалб қилиш асосида қишлоқларимиздаги ободончиликни кучайтириш, қишлоқларимиз аҳолисини халқаро ҳамдўстлик жараёнларига кўшиш ва қишлоқларимизни халқаро миқёсда дунёга кўрсатиш ҳисобланади.Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг мақсади—қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини кўшимча имкониятлар асосида ошириш, қишлоқ аҳолиси маҳсулотларининг кўпроқ сотилишини таъминлашдир.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаси—қишлоқларда туризмни ривожлантириш тадбиркорлигини ташкил қилиш асосида қишлоқ туризми хизматлари ва сервисни, қишлоқ туризми инфратузилмаларини яратишдан иборатдир деб белгиласак тўғри бўлади.

Энди, тан олишимиз лозимки, қишлоқ туризмни ривожлантириш мавзусида республикаимизда ҳали жиддий илмий-тадқиқотларнинг бошланмаганлигини ҳисобга олиб, халқаро технологиялар ва дастурларни ўрганишимиз зарур бўлади. Қишлоқ туризмни ривожлантиришда албатда Европа Иттифоқининг «Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг стратегик режалари»ни ўрганишимиз лозим. Бу стратегик режага асосан қишлоқ туризмни ривожлантириш дастурига қуйидагилар киритилган. Биз учун бу дастур анча муҳим бўлиши мумкин;

- қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини такомиллаштириш;
- салоҳиятли туристларга ва ривожланаётган тармоқларнинг ахборот бюроларига қишлоқ туризми ҳақидаги барча маълумотларни, ахборотларни бепул етказиб бериш;
- дастурда қатнашувчи деҳқон хўжалиқларини манзили бўйича молиявий қувватлаш;
- қишлоқ инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича мақсадли маблағлар ажратиш;
- қишлоқ туризми корхоналарини хусусийлаштиришда давлатнинг фоидали қатнашувини таъминлаш;
- қишлоқ жойларининг ҳолати мониторингини доимий ўтказиб бориш;
- фермерларни дотациялаш ва имтиёзли солиқлар белгилашда рағбатлантириш сиёсатини қўллаш;
- лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларни излаш;

Умумий қилиб олганда Европа давтларида қишлоқ туризмни ривожлантиришдан 3 та сиёсий ҳолатни ташкил қилиш ва 3 та манфаатни ҳосил қилиш ҳал қилинмоқда.

1. Қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш асосида қишлоқ иқтисодиётини кўтариш, қишлоқда ишлаб чиқариш ва савдо-сотикни кучайтириш;

2. Шаҳарликларнинг мақсадли дам олишини ташкил қилиш орқали шаҳарликларнинг маблағларини қишлоқга йўналтириш;

3. Солиқ тизими орқали давлат хазинасига қўшимча маблағларни тушириш ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш (туризм инфратузилмалари, транспорт коммуникациялари, меҳмонхоналар, овқатлантириш корхоналари, спорт иншоотлари ва бошқ...).

Европадаги мамлакатлардаги қишлоқ туризмидаги туристик талаб ва тақлифларнинг ўсиши истиқболларини таҳлил қилганимиздан маълум бўладики, бу давлатлардаги 30 % шаҳар аҳолиси айнан қишлоқларда дам олиш ҳам киши маҳсулотларни ғамлаш орқали қишлоқ туризмни кучли ривожлантиришнинг мақсадли йўналиш эканлигидан далolat беради. Қишлоқ туризмни ривожлантиришда жаҳоннинг кўплаб давлатлари Европа моделларидан, дастурларидан, стратегик режаларидан нусха олмақдалар. Чунки, ҳозирда қишлоқ туризми факат Европа давлатларида барқарор ривожланмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда халқаро моделлар, тан олинган технологиялар ва стратегик режаларни қўллаш масаласини таҳлил қилганимизда шундай хулоса келиб чиқадики, ушбу моделлар, технологиялар ва стратегик режаларда бирон бир қойил қиладиган ёки хайратга тушадиган томонлари йўқ. Бу технологиялар ва стратегик режаларда белгиланган жараёнлар ва воқеъликлар, ташкилий жиҳатларни ҳеч қийналмасдан ташкил қилишимиз ҳам, бажаришимиз ҳам мумкин.

Бу соҳада энг муҳими ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар яратадиган ушбу муҳим соҳани ташкил қилиш ва ривожлантириш режалари, дастурларини ишлаб чиқиш жараёнларини бошлашимиз керак. Европа давлатларининг қишлоқ туризми ўтган асримизнинг давомида ҳозирги тараққиётга эришган. Қишлоқ туризмини ташкил қилишда 1970-йилларда дастлаб Франциянинг «Туризм ва қишлоқ жойларни ривожлантириш агентлиги», Австрияда–Австрия фермерлик туризми ассоцияси», 1990 йилда Европа Иттифоқининг- «Қишлоқ жойларни мажмуали ривожлантириш Умум Европа «Лидер» дастури» ташкилотлари муваққият билан ишлаб келмоқда.

Демак, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда биринчи навбатда «Ўзбекистонда туризми ривожлантириш давлат қўмитаси» миллий компанияси таркибиде «Қишлоқ туризмини ривожлантириш» бўлимини ташкил қилишимиз зарур. Бу бўлим қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қўйидаги ишларни амалга ошириши мақсадли йўналиш бўлади:

- қишлоқлардаги туристик ресурсларнинг рўйхатини олиш, улардан ички ва халқаро туризмда фойдаланиш даражалари, тавсифларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ туризмида атроф муҳитни муҳофаза қилишда экотуризми ривожлантириш дастурларини яратиш;
- қишлоқларда етиштирилаётган ва ишлаб ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларнинг сифатини кўтариш ва истеъмолчини таклиф қилиш;
- қишлоқ туризмида маркетингни ташкил қилиш ва талаб-таклиф-истеъмолчи тизимидаги ишларнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қишлоқ туризмининг инфратузилмаларини яратиш усулларини ишлаб чиқиш ва қишлоқ туризми инфратузилмаларини яратиш.

Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини ишлаб чиқиш ҳозирча анча мураккаб ҳисобланади. Чунки, қайд қилганимиздек, бу соҳада кенг қўламли тадқиқотлар бошланганича йўқ. Лекин, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ватанимизда туризми ривожлантириш тўғрисидаги фармонлари ва қарорлари асосида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик дастурини дастлаб лойиҳа вариантларда ишлаб чиқишни бошлашимиз лозим бўлади.

Мамлакатимизда биринчи навбатда қишлоқ туризмини ривожлантиришда давлат дастури ишлаб чиқиши талаб қилинади, иккинчи

талаб эса стратегик режа яратишдир. Қишлоқ туризмини ривожлантириш режаси, давлат дастури, бошқарув таркиби, молиялаш тизими, қишлоқлардаги имкониятлар, қишлоқлардаги туристик ресурслар, қишлоқ аҳолисининг қишлоқларга туристларнинг ташрифи ҳақидаги муносабатлари, қишлоқ ижтимоий-иқтисодий ҳаётига таъсири, қишлоқ табиий ресурсларига таъсири ҳақида давлат оммавий нашрларида республикамизнинг олимлари, мутахассислари, ижтимоий-иқтисодий соҳалар мутахассислари доимо илмий оммабоп мақолалар билан чиқишлари мақсадли бўлади. Иккинчидан, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш масалалари, муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида енгил ўқиладиган ва енгил тушуниладиган ўқув-услубий қўлланмалар чоп қилиб қишлоқлар аҳолисига бепул тарақатилиши кутиладиган натижаларни беради.

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш нақадар фойдалилиги ва ҳозирги эркин бозор ижтимоий-иқтисодий ислохатларининг бажарилишида давлатимизнинг иқтисодий сиёсатига мос келиши куйидаги таҳлиллардан ҳам тушуниб олиш мумкин. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқларимиздаги мавжуд ишсизликни ечиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишни кўпайтириш ва сифатини ошириш, қишлоқларнинг иқтисодини кўтариш, савдони ташкил қилиш, миллий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, халқаро ҳамдўстликни кучайтириш каби муҳим масалаларда катта ютуқларга эришишимиз мумкин.

Иккинчидан, шаҳарларимизда яшаётган аҳолининг дам олишини ташкил қилиш, шаҳарликларни қишлоқлар билан боғлаш, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қишқи мавсумга ғамлаб олиши шароитларини яратиш, айниқса шаҳарлик болаларнинг қишлоқларда хордик чиқаришини, табиат бағрида бўлиб табиатни англашни, экологик онг, экологик маданиятни шакллантиришимиз табиатга меҳр уйғотишимиз осонлашади.

Учинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантиришда солиқ тушумларининг кўпайишини таъминлаш ва ушбу маблағлар асосида қишлоқ жойларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Тўртинчидан, қишлоқ туризмини ривожлантириш асосида қишлоқ табиатини муҳофаза қилиш, тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, муқаддас зиёратгоҳларни обод қилиш ва кўкаламзорлаштириш, улардан халқимизнинг эркин фойдаланишини таъминлаш масалалари ҳал бўлади.

Бешинчидан, жаҳон халқлари қишлоқларимизда сакланиб қолинган ва мустақиллигимиз туфайли тобора сайқалланиб бораётган миллий меъросимиз, миллий санаътимиз ва маданиятимиз билан яқиндан танишади. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган фармон ва қарорлари, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», «Обод турмуш йили» давлат дастурларидаги режаларнинг амалга ошиши кучаяди.

Мамлакатимизда миллий туризмини самарали ривожлантиришда қишлоқ туризмининг ўрни. Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш

муаммоларини ўрганишдан олдин, давтавал кишлок туризмнинг мохиятини халқаро микёсадаги мақсади ва вазибаларини яхшилаб ўрганишимиз лозим бўлади. Чунки, табиат билан боғлиқ туризм турлари кўп ҳолларда бир-бири билан боғлиқ ҳолда ёки кўшилиб кетади ёки битта экологик туризмни ташкил килади ва экотуризм деб аталади.

Александрова А.Ю. дунёдаги кўп давлатлар кишлок туризмни экологик туризмнинг бир тармоғига кўшишни ёзади ва куйидаги маълумотларни келтиради⁵⁴:

1. Юмшок (Sanfter tourimus – немсча; Soft Tourism- инглизча);
2. Тоғ, Табиат, шунингдекёввойтабиат (Mountain, Nature or Wildernestourism);
3. Яшил, Сағузашт, Кишлоқтуризми (Green, Adventure, Agro Tourism);
4. ЭкологиктуризмёкиЭкотуризм (Ekologikal Tourism or Ekotourism).

Келтирилганмаълумотларбўйичакишлоқтуризмэкотуризмнингбиртармоғ игатўғрикелмоқда. Шунингдек,

кишлоқтуризмни кўп давлатларда агротуризм деб ҳам аташади.

Францияда, Буюк Британияда, Германияда, Италияда кишлоқтуризми, Австрия, Руминия, Австралиядакотуризм, АҚШ,

Канада ва Африка давлатларидакотуризм ва ҳоказо. Шунингчун ҳам кишлоқтуризмнинг мохиятини кўп давлатларда ҳархил тушунишади.

Шу билан бирга эътибор бериш керакки,

дунё давлатларида туризмдаги атамалар ҳозиргача бир систематикага тўширилган эмас. Агар диққат қилсак туризм турларининг номларини ҳам турлича тушунишим измумкин. Лекин бутур литушунини шарга аниқлик киритиш талаб қилинмоқда. Ма салан, кишлоқ билан боғлиқ туризм кишлоқ туризм деб аталади ва “Кишлоқ жойлардаги туризм” эса бутунлай бошқа маъно билдиради.

Шунингдек, агротуризм кишлоқ жойлардаги деҳқончиликни билдиради. Агар бу кишлоқ туризмнинг ўрнига “Кишлоқ жойлардаги туризм” десак кўп жиҳатлар маълум бўлади. Чунки кишлоқ туризмнинг ичида агротуризм ҳам бор. Халқаро адабиётларда ҳам шундай чалкашликлар бор бўлсада, бу ҳозирча “Агротуризмни” ҳам “Кишлоқ жойлардаги туризмни” ҳам бирга кўшиб “Кишлоқ туризми” деб атасак тўғри бўлади.

Кишлоқ туризми ривожлана боргани сари албатта унинг соҳалари ёки йўналишлари (агротуризм) алоҳида тармоқларга ажралиб кетади. Чунки, кишлоқ туризми туризмдаги кўп давлат турларни ўзида қамраб олган. Масалан, Экотуризмнинг асосий ресурслари кишлоқларда жойлашган, лекин биз унга саёҳатни экотуризм деб атаймиз, деҳқончиликка қизиқишни эса агротуризм деймиз. Кишлоқ туризмнинг мохиятига баҳо бермаганлигимиз, мазмунига тушунмаганлигимизнинг бош сабаби кишлоқ туризми тадқиқотларини бошламаганимиз ҳисобланади. Худди шунингдек, кишлоқ туризмнинг ички туризм асоси эканлигини ҳам ҳозиргача англаб етганимиз йўқ.

⁵⁴ Александрова А.Ю., География туризма, Москва, КноРус, 2010, 590 с.

Маълумки, ички туризм Бутунжаҳон Туризм Ташкилотининг таснифи бўйича—бир мамлакат аҳолисининг ўз давлати ҳудудларидаги туристик фаолият деб белгиланган. Қишлоқ туризми эса ички туризмнинг асосий объектларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, туризм ривожланган давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар, аҳолини туризм жараёнларига тайёрлаганлар. Шу тариқа турмушдаги, айниқса қишлоқ турмушидаги тадбиркорлик кучайиб кетган. Энди қишлоқ туризмни ривожлантириш ички туризмнинг ривожланишига қайта асос, таянч бўлишини ортиқча исботлаб ўтиришга изох йўқ. Лекин, ташкил қилинмаганлигидан ички туризмни тарихий обидалари бор шаҳарларга саёҳат деб тушунмоқдамиз.

Республикамызда қишлоқ туризмни ривожлантиришни мамлакатимиздаги шаҳар аҳолисининг қишлоқларда дам олиши деб тушунмоғимиз керак. Ана шу тушунча билангина Ўзбекистон қишлоқ туризмни ривожлантиришимиз мумкин. Бундай ҳулосага келишга асос албатта туризм ва қишлоқ туризми жуда кучли ривожланган Европадаги қишлоқ туризмни географиясини ўрганиб чиқишимиз бўлди. Хатто Европада ҳам қишлоқ туризмнинг ривожланишига собиқ иттифокнинг катта салбий таъсири бор: Шимолий Европа қишлоқ туризми, Марказий Европа қишлоқ туризми, Жанубий Европа қишлоқ туризми ва Шарқий Европа қишлоқ туризми.

Марказий Европа қишлоқ туризмнинг бешиги ҳисобланади. Франция, Буюк Британия, Германия—бу учала мамлакат Европада биринчилардан бўлиб қишлоқ туризмни ривожлантиришга киришган давлатлар ҳисобланади. Франция давлатининг қишлоқ туризми мамлакат шарқида ва жанубида кучли ривожланган, ғарбида кучсизроқ ривожланган. Бу ҳолатнинг асосий сабаби Франциялик тадбиркорларнинг қишлоқларнинг табиий иқлим хусусиятларини ҳисобга олганлигидандир. Шарқда қишлоқ туризми ривожланганининг асосий сабаби бу жойларда тоғ тизимларининг қўплиги ҳисобланади (Франция Алпи, Вогеза тоғлари, Юра тоғлари) ва Швейцария, Италия, Германия, Белгия ва Люксембург давлатлари билан чегарадошлигидир. Бу давлатлардан Францияга қишлоқ туризми туристик оқим анча кучли ҳисобланади.

Франциянинг жануби эса пляж-чўмилиш зоналари билан машхурдир ва виночилик районлари ҳам айнан жанубий районларида. Шарқда иқлим хусусиятларининг ноқулайлиги учун қишлоқ туризми кучсиз ривожланган. Лекин, давлат ушбу районлар учун ҳам қишлоқ туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб берган. Бу стратегик режа бўйича шарқдаги қишлоқ туризми давлат маблағлари томонидан кучли равишда қўллаб қувватланади.

Германияда ҳам қишлоқ туризми бир текис эмас. Бу мамлакатда қишлоқ туризми бой районларда кучли ривожланган. Чунки Германия давлати ҳам, мамлакатдаги бой районлар ҳам қишлоқ туризмни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратади. Собиқ Германия демократик республикаси ҳудудларида ҳам қишлоқ туризми ғарбдаги ҳамшаҳарлари тажрибалари ҳисобига аста-секинлик билан ривожланиб бормоқда.

Буюк Британияда кишлоқ туризми асосан жанубда яхши ривожланган. Бунинг асосий сабаблари катта шаҳарлар ва пойтахтнинг жанубда жойлашганлиги билан изоҳланади. Иккинчи сабаб жанубдаги кишлоқларда қадимги маданият қолдиқларининг йўқлигидир. Британия давлати ҳам қайси районларидаги кишлоқларда туристик оқимни ташкил қилиш имкониятлари кўп бўлса ўша районларга енгил фоизли кредитларни кўп ажратадилар.

Шимолий Европа давлатларидаги кишлоқ туризми қаттиқ табиий иқлим шароитларига мослашган. Дания давлатининг кишлоқ туризми Европа давлатлари учун эъталон ҳисобланади. Шимолий Европа давлатларидаги кишлоқ туризми киш мавсумларида шаҳарликларнинг кишлоқларга келиб чанги спорти билан дам олишига асосланган.

7.2. Кишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлар ва улардан фойдаланиш йўллари

Кишлоқ туризмни ривожлантиришда жаҳоннинг кўплаб давлатлари Европа моделидан, дастурларидан, стратегик режаларидан нусха олмоқдалар. Чунки, ҳозирда кишлоқ туризми фақат Европа давлатларида мукамал, барқарор ривожланмоқда. Бундай ютуқларнинг бош сабаби шундаки, Европа давлатлари кишлоқ туризмни ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни, ҳамдўстликни яхши йўлга қўйганлар. Европа ҳамкорлиги натижасида 1990-йилда кишлоқ туризмни ривожлантириш мақсадида “Умумевропа “Лидер” дастурини” ишлаб чиқдилар.

Дастурнинг лойиҳалари “Европа Иттифоқи” фондидан лойиҳалаштиради. Дастур лойиҳалари бўйича Европадаги давлатларнинг 2000 та регионларида кишлоқ туризми мақсадли стратегик режа бўйича ривожлантиради. Ҳозирга келиб маълумки, Европа давлатлари кишлоқ туризмни ривожлантириш ва ундан даромадлар олиш бўйича жаҳондаги мамлакатлар ичида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Ҳозирга келиб Европа давлатларининг кишлоқ туризмни ривожлантириш дастурларини жаҳондаги кўплаб давлатлар кишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари деб қабул қилмоқдалар. Чунки, бу дастурлар кишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини кўтаришда, кишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлашда жуда устивор имкониятларни яратиши маълум бўлди. Қуйида ана шу моделлардан намуналар келтирамыз⁵⁵:

Кишлоқ туризмни ривожлантиришнинг Буюк Британия модели:

1. Кишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- келгусида кишлоқ хўжалик ерларининг олиб қўйилиши хавфи;
- кишлоқ жойларда қадим маданият жойларининг борлиги.

2. Асосий вазифалар:

- фермерлик туризмни ривожлантириш;

⁵⁵. Kirstges T. Sanfter Tourismus. R. Oldenbourg Verlag, Munchen - Wien, 1992, 234 p.

- кишлок туризмни ривожлантиришда нотекисликни йўқотиш.

3. Асосий инструментлар:

- кишлок туризмни ривожлантириш дастурини кредитлаш, дотациялаш;
- туристик ташкилотларнинг фермерлар манфаатини ҳимоя қилиши.

4. Молиялаштириш манбалари:

- давлат ва хусусий инвесторлар.

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр ихтисослаштиришнинг алтернатив йўналиши

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Франция модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- ноқулай ва кам маҳсулдор ерларнинг борлиги;
- кишлок туризмнинг билиш, спорт ва даволаш туризмлари билан қўшилиш имкониятларининг борлиги.

2. Асосий вазифалар:

- кишлок туризмни ривожлантириш даражаларида ҳудудий фарқларни йўқотиш;
- астрономия ва виночилик туризмларини ривожлантириш.

3. Асосий инструментлар:

- шимолий-ғарбий департаментлар туристик маҳсулотларини ҳаракатга келтириш;
- фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини яқка тартибда қувватлаш.

4. Молиялаштириш манбалари:

- давлат ва хусусий инвесторлар.

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр ихтисослаштиришнинг алтернатив йўналиши.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Германия модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- алоҳида федерал вилоятларнинг ижтимоий-иқтисобий ривожлантириш даражасидаги фарқлар (юқори, ўрта, паст);
- кишлок туризмнинг билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиш имкониятлари.

2. Асосий вазифалар:

- воқеалар, ҳодисалар туризмлари базасида кишлок ва фермерлик туризмларини ривожлантириш.

3. Асосий инструментлар:

- фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини яқка тартибда қувватлаш;
- туристик маҳсулотларни паст ривожланган вилоятларга йўналтириш.

4. Молиялаштириш манбалари:

- фермерларнинг ўзи;
- хусусий инвесторлар ва давлат (кам миқдорда).

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- ривожланган вилоятларга қўшимча ихтисослик;

- собиқ ГДРнинг паст ривожланган вилоятларида аграр ихтисослаштириш альтернативаси.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Италия модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- жанубдаги аграр районларнинг депрессив ҳолати;
- қишлоқ туризмнинг чўмилиш-пляж, спорт ва даволаниш туризмлари билан кўшилиши имкониятларининг борлиги;

2. Асосий вазифалар:

- фермерлик ва гастрономия туризмларини ривожлантириш;

3. Асосий инструментлар:

- коттежлар қурилиши ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш;
- қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинсияларга йўналтириш;

4. Молиялаштириш манбалари:

- давлат ва хусусий инвесторлар.

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр ихтисослаштиришнинг алтернативаси.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Испания модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- жанубдаги аграр районларнинг ривождаги сустрлик;
- қишлоқ туризмнинг чўмилиш-пляж, билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан кўшилиши имкониятларининг борлиги.

2. Асосий вазифалар:

- болалар лагери тармоқларини ривожлантириш;
- қадимий тош қалъалар базасида меҳмонхоналар тизимини яратиш;
- гастрономия туризмни ривожлантириш.

3. Асосий инструментлар:

- коттежлар ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш;
- қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинсияларга йўналтириш;

4. Молиялаштириш манбалари:

- давлат ва хусусий инвесторлар.

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр ихтисослаштиришнинг алтернативаси.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Австрия модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- қишлоқ туризмнинг билиш, спорт, даволаниш туризмлари билан кўшилиши имкониятларининг борлиги.

2. Асосий вазифалар:

- фермерлар туризмни ривожлантириш;
- қишлоқ ва фермерлар даромадини ошириш.

3. Асосий инструментлар:

- қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича ихтисослашган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- солиқлар қарздорлигини пасайтириш.

4. Молиялаштириш манбалари:

- фермерларнинг ўзлари ва хусусий инвесторлар.

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр районларни кўшимча йўналишларга ихтисослаштириш.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда Полша ва Руминия модели:

1. Қишлоқ туризмни ривожлантиришга асослар:

- аграр районларнинг депрессив ҳолати;
- қишлоқ жойлардаги бой рекреация ва экологик туризм ресурсларининг салоҳияти.

2. Асосий вазифалар:

- жойлаштириш воситаларини такомиллаштириш;
- қишлоқ жойларда инфратузилмаларни ривожлантириш;
- деҳқоннинг тадбиркорлик маданиятини ошириш;
- қишлоқ туристик маҳсулотларини ҳаракатлантириш.

3. Асосий инструментлар:

- қишлоқ туризмни ривожлантирувчи деҳқон хўжалигини кредитлаш;
- деҳқонларни Европа стандартлари бўйича хизмат кўрсатишга ўқитиш;
- қишлоқ жойларда транспорт тармоқларини яхшилаш.

4. Молиялаштириш манбалари:

- давлат (асосий маблағлар).

5. Қишлоқ туризмнинг аҳамияти:

- аграр ихтисослаштиришнинг алтернативаси.

Қайд қилинган моделларнинг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, Европа давлатларининг қишлоқ туризмни ривожлантиришда ягона дастурга, ўзаро ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш дастурига эга эканлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича Европа давлатлари жаҳонда лидер ўринларда бормоқда. Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларининг халқаро миқёсда тан олинган моделларининг таркибини ва ишлаш тамойилларини кўриб чиқишимиздан маълум бўладики, бу моделларни ҳеч иккиланмасдан ўзимизда қўллашимиз мумкин. Мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда халқаро моделларни қўлаш масаласини таҳлил қилганимизда шу натижа келиб чиқадики, ушбу моделларда бирон-бир қойил қоладиган ёки ҳайратга тушадиган томонлари йўқ.

Энг муҳими шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмни ривожлантиришда қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ҳолатини кўтаришнинг давлат дастурларини тузишган. Бу дастурлар қишлоқларни мажмуали ривожлантириш режаларига асосланган бўлиб қишлоқ туризмни ривожлантириш замирида қишлоқлар аҳолисини иш билан таъминлаш, қишлоқларда ишлаб чиқаришни кучайтириш, шаҳар аҳолисини қишлоқларга дам олиш мақсадларида йўналтириш масалалари ҳал қилинмоқда.

Моделларда келтирилган жараёнлар ва воқеъликлар, ташкилий жиҳатларни ҳеч қийналмасдан ташкил қилишимиз ҳам мумкин, амалга оширишимиз ҳам мумкин. Фақат бир нарсага эътибор беришимиз зарурки,

мамлакатимиз аҳолиси туризмнинг тартиб-қоидалари ва жараёнлардан мутлақо ҳабарсиз ҳолда.Туризм тўғрисида қишлоқларимизда ҳеч қандай ташвиқот ёки таништирув ишлари амалга оширилмасдан келинмоқда. Туризм ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганганимизда маълум бўлдики,бу давлатлар дастлаб ўз давлатларида ички туризмни ривожлантирганлар. Шу сабабли, бу давлатлардаги кўплаб оилалар туризм соҳасига оила бюджетидан маблағлар ажратишадилар.

Энди, мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда халқаро моделларни қўллашга келсак вилоятдаги қишлоқларимизнинг туристик ресурслар имкониятларини ҳисобга олиб моделларни жорий қилсак бўлади.Фикримизча халқаро моделлар ҳам анна шу усулга асосланган.Энг муҳими, халқаро моделларнинг қандайдир ишни ёки муаммони енгиллаштирадиган жиҳатлари йўқ.Биз қишлоқларимизда юқорида қайд қилинган моделлардан ҳам мукамалроқ моделларни ишлаб чиқишимиз имкониятларидан фойдаланишимиз керак.

Ҳозиргача дастлабки даврда қишлоқларимизда Британия моделини ишлатсак бўлади.Лекин қайд қилиш лозимки, бу моделдаги туристларни жойлаштириш усуллари бир мунча қулайроқ.Яъни туристларни уйларга жойлаштиришда қишлоқ уйларини ижарага бериш.Кейинчалик қишлоқларимиз аҳолиси туризм жараёнини тушуниб, унинг даромадли соҳа эканлигини билиб олганидан кейин туристлар учун алоҳида уйлар ёки қишлоқ меҳмонхоналарини қуриш ёки бошқа инфратузилмалар яратиш ўз-ўзидан бошланиб кетиши аниқ жараён ҳисобланади.

Қишлоқларимизда туризмни ривожлантирганимизда Италия модели ҳам қўл келиши мумкин.Бу моделининг афзалликлари шундан иборатки, италянлар туристларни қишлоқларда жойлаштиришга кўпам эътибор беришмайди.Улар ҳар бир вилоятлардаги қишлоқларнинг туристик имкониятлари ва фойдаланиш учун деярли ихтисослашган туристик инфра тузилмалар яратишади.

Биз қишлоқ туризмни ривожлантириш учун дастлаб давлат аҳамиятига молик бўлган“қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг стратегик ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишимиз керак.Чунки, ҳозиргача қишлоқ туризмни ривожлантириш ҳақида катта кичик ҳажмдаги тадқиқотларни ҳам бошлаганимиз йўқ.Масалан, Франция давлатида 1971-йилдан “Туризм ва қишлоқ жойлари” ассоциацияси,Англияда“Туризм ва қишлоқларни ривожлантириш” агентлиги 2000-йилдан,Австрияда 1991-йилдан “Австрия фермерлик туризми ассоциацияси” мувафакқият билан ишлаб келмоқда.Бу ташкилотларнинг иш услубини ўрганганимизда улар биринчи навбатда “туризмнинг қишлоқларга юриши” дастурини амалга оширганлар ва бу дастурни босқичма-босқич амалга ошириб келмоқдалар.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилганимизда мамлакатимизда қишлоқ туризмни ривожлантиришда биринчи навбатда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси таркибида“Қишлоқ туризмни ривожлантириш” бўлимини ташкил қилишимиз лозим бўлади.Бундан кейин«Ўзбектуризм МК»нинг вилоятлардаги бўлимлари ҳам, вилоят ҳокимликлари ва туман

хокимликлари ўз таркибларида қишлоқ туризмни ривожлантириш бўйича туристик штатлар очиб қишлоқ туризмни ривожлантиришда мақсадли йўналиш бўлади. Бу бўлимлар ва туристик штатлар қишлоқ туризмни ривожлантириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириши зарур:

- 1.Туризмда талаб ва таклифлар мувозанатини такомиллаштириш.
- 2.Худудлар даражасида қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг чикимсиз, камомадсиз ҳолатига эришиш.
- 3.Қишлоқ туристик маҳсулотининг сифатини кўтариш.
- 4.Қишлоқ ландшафтларни муҳофаза қилиш.
- 5.Туристик фирмаларга ходимлар тайёрлаш сифатини яхшилаш.
- 6.Қишлоқ туризми ҳамма учун имкониятли бўлиши шароитларини яхшилаш.
- 7.Қишлоқ атроф муҳитини яхшилаш.
- 8.Қишлоқ туризмдан келган даромадни қишлоқ аҳолиси ўртасида тенг тақсимлаш.
- 9.Хар бир фермер хўжалигининг қишлоқ туризми билан шуғулланиш шароитларини яратиш.
- 10.Қишлоқ туризмни ғаройиб миллий маҳсулот ўрнида кўриш.
- 11.Қишлоқ туризмада маркетингни ташкил қилиш ва талаб-таклиф-истеъмолчи тизимида иштирокнинг стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7.3.Қишлоқтуризмнинг замонавий рекламаларини яратиш.

Қишлоқ туризмни ривожлантиришда биринчи навбатдаги вазифалар албатда жойлаштириш воситалари ҳисобланади. Лекин қишлоқларда қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги дастлабки тадбиркорликда бу масалани тезда ҳал қилса бўлади. Қишлоқ туризмни ривожлантирган Европа давлатлари дастлабки вақтда ҳам туристларни жойлаштиришда ижара усулини таклиф қилган. Тадбиркорлик кучайгандан кейин алоҳида-алоҳида уйлар, коттежлар қуриш рақобат натижасида бошланиб кетади.Лекин қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги дастлабки тадбирлар қишлоқ жойлардаги энг жозибали ва қизиқарли туристик ресурсларга туристик маршрутлар ишлаб чиқишдан бошланмоғи керак.

Шундай қилиб,қишлоқ туризмни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири қишлоқларимизда туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ҳисобланади.Чунки туристик оқим ҳамма вақт туристик маршрут ва унинг рекламасидан кейин ҳосил бўла бошлайди. Қишлоқларга туристик маршрут ишлаб чиқиш ҳам қишлоқ туризмни ривожлантиришдаги энг қулай имкониятлар ҳисобланади.Чунки, қишлоқларда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг имкониятлари ҳам кўп, мавзулари ҳам кўп ва туристик ресурсларнинг турли-туманлиги ва деярли барча туризм турларини қамраб олганлиги билан салоҳиятлидир.Қишлоқ туризмни ривожлантиришда туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқичларини ривожлантириш мумкин:

1. Қишлоқларда табиатни ўрганиш-экологик туризм маршрутлари.
2. Қишлоқларда маданий мейросни ўрганиш маршрутлари-этнографик туризм маршрутлари.
3. Қишлоқлардаги тарихий ва археологик обидаларни ўрганиш маршрутлари тарихий-маданий туризм маршрутлари.
4. Қишлоқлардаги зиёратгоҳлар, диний-зиёрат маршрутлари.
5. Қишлоқлардаги деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ўрганиш-агротуризм маршрутлари.
6. Қишлоқларда халқ миллий ўйинларини ўрганиш-миллий-маънавий-маданий туризм маршрутлари.
7. Қишлоқларда миллий маданият ва миллий фольклорни ўрганиш-маданий туризм маршрутлари.
8. Қишлоқларда фермерлар ҳаётини ўрганиш агротуризм маршрутлари.

Қайд қилганимиздек, кўплаб туризм турлари турмаршрутлар ишлаб чиқиш мавзулари бир хил бўлганлигидан уларнинг кенг қамровли фаолияти анча чегараланган ёки бир ёки икки мавзуда бўлади. Қишлоқ туризмнинг маршрутлари турли мавзуларда эканлиги ва туристик объектларнинг химахиллиги, жозибadorлиги учун ҳам жуда қизиқарлидир. Биргина қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзини ўрганиш ёки томоша қилиш бўйича куйидаги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш мумкин:

1. Қишлоқ билан танишув маршрути (аҳолиси, тили, ҳудудлари, табиати, деҳқончилиги, чорвачилиги, асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, келиб чиқиши ва бошқалар).
2. Қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзи (урф-одатлари, байрамлари, маросимлари, уй-рўзгор тутишлари, уй жихозлари, меҳмон кутиш, оиладаги муносабатлар, тўйлар, миллий таъомлар тайёрлаш усуллари, дам олиши ва бошқалар).

Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг яна бир имкониятлари шундан иборатки, қишлоқларимизда турли мавзуларда экскурсияларни ташкил қилишдир. Қишлоқларда экскурсияларнинг қизиқарлилиги шундаки, экскурсиялар бир-объектдан бутунлай бошқа мавзудаги объектга йўл-йўлакай ўтилади. Агар қишлоқларда туристларга хизматлар кўрсатишни кунлик экскурсиялар асосида ташкил қилсак туристларга анча қулайликлар яратилиши мумкин. Чунки, қишлоқларда узоқ масофали туристик маршрутлар қишлоқдаги дастлабки тунаш жойларига қайтиб келишида анча толиктириб қўяди.

Иккинчидан, қишлоқ туризмида туристик маршрут ёки туристик экскурсия ишлаб чиқилганда ва амалда ўтказилганда тушки овқатланиш хизматларини албатта далада ташкил қилиш керак. Чунки, дала шароитида чой қайнатиш, дала шароитида овқат тайёрлаш туристлар учун ҳаддан ташқари ва таъассуротли бўлиши табиийдир.

Қишлоқ туризмида туристик маршрутлар ишлаб чиқилганда бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа ўтишда йўлларда учраган, далаларда ишлаётган ёки чорва молларини боқайётганлар билан туристларни учраштириш

дастурлари, улар билан суҳбатлаштириш дастурлари албатта туристик бўлишини таъминлайди.Қишлоқ туризмни ривожлантиришда туристик маршрутларни реклама қилиш ушбу туризм турини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.Қишлоқ туризми маршрутлари реклама қилинганда бошқа туризм рекламаларидан мазмуни ва тузилиши бўйича ўзига хос усуллар ва ёндошишлар қўлланилади.Масалан, бу рекламаларда дастлаб қишлоқнинг манзили ва бу қишлоқ атрофидаги туристик ресурслар, инфратузилмалар ва туристик хизматлар қисқача изоҳлар, роликлар билан ифодаланади.Қишлоқ туризмнинг рекламаси қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1.Қишлоқнинг манзили.
- 2.Қишлоқ ва унинг атрофларидаги туристик ресурсларнинг рўйхатлари.
- 3.Қишлоқдаги туристик инфратузилмалар ҳақидаги маълумотлар.
- 4.Транспорт хизматлари.
- 5.Жойлаштириш хизматлари.
- 6.Овқатлантириш хизматлари.
- 7.Гид экскурсия хизматлари.
- 8.Кўнгил очар ўйинлар хизматлари.
- 9.Қишлоққа етиб бориш маршрути.

Бундай рекламаларнинг тўлиқ ахборотли бўлиши туристларнинг қишлоққа эркин етиб боришини таъминлайди.

*Таянч сўзлар ва иборалар:*альтернатива,салоҳиятли имкониятлар, фольклор,туристик инфратузилма,гид экскурсия хизматлари,инструмент, қишлоқ жойлардаги туризм,замонавий реклама.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1.Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг моделлари нечта?

- А.7 та.
- Б.8 та.
- В.5 та.
- Г.10 та.

2.Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг моҳиятини аниқланг?

- А.Қишлоқларимизга ички ва халқаро туристларни жалб қилиш асосида қишлоқларимиздаги ободончиликни кучайтириш, қишлоқларимиз аҳолисини халқаро ҳамдўстлик жараёнларига қўшиш ва қишлоқларимизни халқаро миқёсда дунёга кўрсатиш ҳисобланади.
- Б.Қишлоқ аҳолисини экотуризмга тортиш.
- В.Қишлоқларни ривожлантириш.
- Г.Агротуризмни ривожлантириш.

3.Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг мақсадини аниқланг?

- А.Қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини қўшимча имкониятлар асосида ошириш, қишлоқ аҳолиси маҳсулотларининг кўпроқ сотилишини таъминлашдир.
- Б.Агротуризмни ривожлантириш.
- В.Қишлоқларда экотуризмни ташкил қилиш.
- Г.Қишлоқларда туризмни ташкил қилиш.

4. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг вазифасини аниқланг?

А. Қишлоқларда туризмини ривожлантириш тадбиркорлигини ташкил қилиш асосида қишлоқ туризми хизматлари ва сервисни, қишлоқ туризми инфратузилмаларини яратишдан иборат.

Б. Агротуризмни ривожлантириш.

В. Қишлоқларда экотуризмни ташкил қилиш.

Г. Қишлоқларда туризмни ташкил қилиш.

5. Қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича “Уммевропа Лидер дастури” қачон ишлаб чиқилди?

А. 1990 йилда.

Б. 1995 йилда.

В. 2000 йилда

Г. 2005 йилда

Мавзуни ўзлаштириш бўйича топшириқлар:

1. Ўзбекистоннинг қишлоқларини ўрганинг ва гапириб беринг.

2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мақсади, вазифаларини ўрганинг ва гапириб беринг.

3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа давлатларининг тажрибаларини ўрганинг ва гапириб беринг.

4. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда хориж давлатларининг халқаро моделларни ўрганинг ва гапириб беринг.

5. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда «УмумЕвропа Лидер дастури»ни ўрганинг ва гапириб беринг.

6. ЭКОНЕТ нима?

7. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантириш учун нималар қилишимиз керак?

8. Экотуризмни ривожлантиришда қишлоқ туризмнинг аҳамияти қандай?

9. Мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилганми?

10. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?

8- Мавзу. Экологик туризм ривожланган хориж давлатларининг тажрибалари

Режа:

8.1. Дунё мамлакатларидаги экотуризм.

8.1. Дунё мамлакатларидаги экотуризм.

Жаҳон туризмида жадаллик билан ривожланиб бораётган экотуризмда Европаликлар Африка, Осиё, Жанубий Американинг инсон қадами тегмаган табиий ландшафтлари томон оқиб бормоқда. Экотуризм географиясида Лаос, Кения, Танзания, Эквадор, Коста-Рика, Непал, Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африка Республикаси етакчилик қилмоқда.

Алоҳида кўриқланадиган ҳудудлардаги экотуризмдан (АҚШ долларига) фойда олмоқдалар:

1. Ақш 14,2 млрд.

2. Австралия-3,5 млрд. австралия доллари.

3. Кения-450 млн.

4. Россия-11,7 млн. фойда олмоқдалар.

АҚШ даги Йеллоустон миллий паркидаги гейзерлар водийсига ҳар йили 2 млн. турист келмоқда. Камчаткадаги Кроноцкий кўриқхонасидаги Гейзерларга эса- 3000 турист келмоқда

Экотуризмнинг дунёда жуда оммавийлашган давлатлари лотин америкасидаги Коста-Рика, Аргентина, Эквадор, Бразилия ва Перу ҳисобланади. Осиёда экотуризмнинг лидерлари Ҳиндистон ва Непал, ва албатда экотуризмда тенгсиз давлатлар Австралия ва Янги Зеландиядир. Европанинг шимолий давлатлари Исландия, Норвегия ва Финландияда экотуризм кучли ривожланган. Марказий Европа давлатларида экотуризм асосан табиат кўриқхоналарида жадал ривожланмоқда. Россиянинг Тоғли Олтой, Камчатка, Байкал, Карелия ва ўрмонзорларида ҳам экотуризм ва кишлоқ туризми жадал ривожланмоқда.

Канада. Канадада миллий парклари ташкил қилиш 1885 йилда-ташкил қилинган Банф миллий паркидан бошланди. 1990 йилларнинг ўрталарида канада давлатида 37 та йирик миллий парклар ташкил қилинган эди. Бу миллий паркларга ҳозиргача 15 млн. экотурист ташриф килди. Канаданинг барча провинцияларида табиий резерватлар ташкил қилинган. Бу резерватларнинг вазифалари ноёб, сонлари тобора камайиб бораётган биологик турларни муҳофаза қилиш ва кўпайтиришдан иборат. Шунингдек, Канада миллий табиий резерватларнинг кўплиги жихатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди, бу миллий табиий резерватларнинг сони 1000 та. Жаҳон миқёсида миллий парклардаги табиий экотизимларни сақлаб қолиш ва муҳофза қилишда лидер давлатлардан ҳисобланган Канада давлатида 5 та денгиз табиий кўриқхоналари ҳам ташкил қилинган.

Америка Қўшма Штатлари. АҚШ пиллий парклар, табиий кўриқхоналар ва табиий резервациялар сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди (иккинчи ўринда Канада давлати). АҚШда 300 та миллий парк табиат кўриқхоналари ва резервациялар ташкил қилинган ва шундан 14 таси ЮНЕСКОнинг “Жаҳон халқлари миллий меъроси” рўйхатига киритилган (Рангел-Сент-Элайас, Хавайи-Волкейнос, Глейшер, Глейшер-Бей, Гранд-Каньон, Грейт-Смокинг-Маунтинс, Йеллоустонский Йосемитский, Карлсбадские пещеры, Мамонтова пещера, Меса-Верде, Олимпик, Редвуд, Эверглейдс) ва битта миллий тарихий парк-Чако.



*Йеллоустон миллий паркида
Америка бизонлари*



Йосемит миллий парки табиати

АҚШ ўз табиати ва табиий ресурсларини биринчилардан бўлиб муҳофаза қилишни ва улардан ўз аҳолисининг рекреациясини ташкил қилган давлат ҳисобланади. Ҳар йили АҚШ миллий парклари ва табиат қўриқхоналарига 300 млн. турист ташриф қилишади. Дунёдаги биринчи миллий парк Йеллоустон ҳам 1872 йилда АҚШда ташкил қилинган эди. Бу миллий паркга қар йили 3 млн. турист ташриф қилишади. Дунёда бир вақтлар кирилиб, охириги сонлари қолган Америка бизонларининг сони тикланиб Ҳозирда Йеллоустонда 4 минг бош бизон яшайди.

Аргентина. Бу давлат ўз табиатининг ҳаддан ташқари ранг-баранг, бетакрор табиий экотизимлари- жунгли ўрмонлари ва чўллари, музликлари, жаҳода машҳур шаршаралари, тоғлари, ҳали инсон қадами етмаган табиий экотизимлари, миллий парклари ва табиат қўриқхоналари билан экотуризмнинг хилма-хил ресурслари бўйича жаҳонда энг олдинги ўринларни эгаллайди.

Коста-Рика. Бу давлат латин америкасида кўп йиллардан бери экотуризмда лидерлик қилиб келмоқда. Бу давлатда экотуризмнинг биринчи ишқибозлари ўтган асрнинг 90-йилларидан пайдо бўла бошлади. Коста-Риканинг экотуризмдаги лидерлигининг бош сабаблари шундан иборатки, кўшни давлатлар ўзларининг иқтисодийтини тиклаш учун жунгли ўрмонларини кесиб сота бошлаганда бу давлат ўз худудларидаги жунгли ўрмонларини қаттиқ муҳофазага олди. Бу ўрмонларда Жанубий Американинг кўплаб давлатларида йўқолиб кетган ҳайвонлар ва ўсимликлар сақланиб қолди, бу жойларда экотуризм инфратузилмаларини ташкил қилиб жаҳон миқёсида экотуризм йўналишини мақсадли равишда, режали ривожлантириб борди. Миллий парklar ва табиат қўриқхоналари сонини кўпайтирди. Бу давлатда экотуристар отилиб турган вулканларни, бахайбат денгиз тошбакасини, беҳисоб шаршараларни, такрорланмас табиий ландшафтларни кўриши мумкин.

Бразилия. Бу давлат биринчи навбатда дунёнинг энг катта дарёси Амазонка ва унинг бетакрор табиати, дунёнинг бирор жойида учрамайдиган флора ва фаунаси, миллий парklarининг кўплиги билан машҳур ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунёдаги 7 мўжизадан бири ҳисобланадиган Исо пайгамбарга кўйилган ҳайкалнинг пойига гул қўйиш ва сифиниш учун ҳар йили

миллионлаб турист лар келишади. Дунёдаги энг катта шаршаралар рўйхатида турган-Игуасу шаршарасига ҳар йили миллионлаб экотуристлар ташриф қилишади. Бразилия туризм индустриясида экотуризм етакчи йўналишни ҳосил қилган.

Эквадор. Тинч океани қирғоқларида жойлашган, иқтисодида экотуризм асосий соҳани ташкил қилган ва экотуризмда лидер давлатлардан ҳисобланади. Бу давлат дунё экотуристларига баланд тоғлардаги миллий паркларини таклиф қилади. Энг муҳими, миллий парклар ва табиат қўриқхоналарида экотуристлик сўкмоқлар, дам олиш инфратузилмалари яратилган.

Дунёнинг машҳур олими Чарлз Дарвин тажрибалар ўтказган Галапагос оролини реклама қилиши натижасида ҳар йили бу орлнинг ўзига миллионлаб туристлар келишади. Бу давлатда халқаро дайвинг туризми, улкан сув тошбақаларини кўрсатиш мукамал ҳолатларда ташкил қилинган. Экотуристларга дарёлардан олтин ювиб олиш ҳам таклиф қилинади ва кўплаб экотуристлар бу давлатда ойлаб қолиб кетишади.

Перу. Худудларидаги тропик ўрмонлари экотизимлари ва бу ўрмонлардаги ноёб биологик ресурслари билан машҳур. Перунинг халқаро туризм ва халқаро экотуризмдаги энг машҳур ресурси бу қадимий Мачу-Пикчу шаҳридир. Ҳозирда бу қадимий тош шаҳар дунёнинг 7 мўъжизаси рўйхатига киритилган. Наска чўлида чизилган қадимий улкан расмлар ҳозиргача инсониятни ҳайратга солиб келмоқда.

Непал. Дунёдаги кичик бу давлатнинг довуғи бутун жаҳонда машҳур ва бу давлатни дунёдаги тоғларнинг пойтахти жойлашган деб тарифлашади. Дунёдаги энг баланд тоғ Эверест ҳам шу давлатда. Қоятошларга чикувчилар, рафтинг ва балиқ экосафари жаҳон микёсида ривожланган. Миллий паркларига махсус сўкмоқлар, вақтинчалик дам олиш инфратузилмалари халқаро экотуризм талаблари асосида ташкил қилинган. Шу билан бирга бу давлат тоғ-алпинизмидаги фожиаи ҳалокатлар бўйича ҳам олдинги ўринларда туради.

Ҳиндистон. Дунё экотуризмда лидерликга даво қилаётган, бетакрор табиий экотизимларга эга давлат. Миллий парклари дунёда машҳур ва уларнинг деярли барчаси ҳақида экофильмлар яратилган. Бу экофильмларни сотишдан ҳам яхши фойда олади. Дунё микёси даги экотуристлар асосан Ҳиндистон йўлбарси ва Ҳиндистон филини кўришга, океан қирғоқларида денгиз тошбақаларини кўришга келишади. Халқаро экотуризмни шундай мукамал ташкил қилганки, экотуристлар кўпинча Ҳиндистоннинг тош ибодатхоналарининг томошаси билан ўз муддатларини узайтиришганини ҳам билмай қоладилар.

Хитой. Хитой халқ республикаси. Ўрмон қўриқхоналари ва ўрмон паркларининг сони бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Хитойда 1757 та ўрмон қўриқхоналари, 1658 та ўрмон парклари бор. Шулардан 6 та ўрмон қўриқхоналари ва ўрмон парклари ЮНЕСКОнинг жаҳон халқларининг миллий меъроси рўйхатига киритилган.

Хэйлунцзян провинциясидаги «Қадимги кратерли ўрмон» дунё микёсида қадимги ҳолатдаги ўрмон мақомини олган. Цинхай провинциясининг жанубида 2000 йилда ташкил қилинган «Санцзянюянь» миллий парки дунёда машҳур. Айнан шу ердан дунёдаги энг катта дарёлар бўлган Хуанхе, Ланканг ва Чанг дарёлари бошланади. Миллий паркда 1000 тур ўсимликлар, 74 тур хайвонлар, 174 тур қушлар, 48 тур рептилиялар муҳофаза қилинади.

Финландия. Шимолий иқлимли давлатлар орасида экотуризмни ривожлантиришнинг барча имкониятлари мавжуд деган хулосани олган давлат. Минглаб кўллари, дунёдаги энг қалин ўрмонлари, денгиз соҳиллари йил давомида халқаро экотуристларни чорлайди. Шимолий шафақни кўриш ва томоша қилиш учунгина ҳар йили юз минглаб халқаро экотуристлар келишади. Қорбобонинг ватани Финландия ва қорбобо туғилган жой-Лапландиянинг ўзига йил давомида миллионлаб халқаро туристлар ташриф буюришади. 30 та миллий парки бор. Экологларнинг хулосаларига кўра уларнинг кўплари ҳали ўрганилмаган.

Исландия. Энг шимоладаги бу давлат вулканлар ва гейзерлар, фьордлар ва айсберглар, оролар ва кичик, шинам уйли чиройли қишлоқлари билан дунёга машҳур. Қайд қилинган туризм ресурслари, тақорланмас шимолий табиий ландшафтлари, саноксиз кўллари ва музликлар қояларидан тушувчи тақорланмас шаршараларини кўриш учун дунёнинг барча қитъаларидан экотуристлар йил давомида ташриф қилишади. Бу ерда дунёдаги энг катта Хаукадалур гейзерлар водийсида 250 та гейзерлар доимий равишда отилиб туради. Юз минглаб экотуристлар шимолий шафақни ва шимолий денгизларнинг хайвонларини, баландлиги 900 метрли музлик калпоғиникўриш учунгина келишади.

Австралия. Илмий адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, Австралия экотуризмни унинг тамойилларига асосланиб ташкил қилган ва жаҳонда экотуризмни илмий-амалий қондаларига асосан ривожлантираётган лидер давлат ҳисобланади. Бу давлат экотуризмни ўз давлатининг ҳудудларида ташкил қилганда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқади ва ҳудуднинг табиий ресурсларини ҳисобга олган ҳолда экотуризмни ривожлантириш имкониятларини ўрганади.

Халқаро экотуризм бозорида энг оммавийлашган 10 та экотуристик маршрут рейтингига бўйича Австралия сўнги ўн йилликда биринчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Австралияда экологик туризм билан 9 та миллий компания шуғулланади. Биргина “Australian Eco Adventures” миллий экотуризм компаниясининг 75 та турмаҳсулоти (экотуристик маршрути) халқаро экотуризм бозорида сотилади. Австралияда 55 та миллий парк бор. Шулардан 10 таси ЮНЕСКОнинг жаҳон халқлари миллий меъроси рўйхатига киритилган. Катта Риф ва Австралия кенгурилари бугун дунё билади.

Янги Зеландия. Кичик давлатнинг табиати, айниқса улкан папоротниклар, киви қушлари, улкан калтакесақлар дунёда фақат шу

давлатнинг худудларида сақланиб қолган. 14 та миллий парkning 5таси ЮНЕСКО нинг жаҳон халқлари миллий меъроси рўйхатиға киритилган. Дайвинг, қоятошларға чиқувчилар, “робинзонлар”нинг дунё бўйича энг кўп сонлилари бу давлатға ташриф буюришади.

Россия. Дунёда майдони жихатидан ҳам, турли табиий минтақаларнинг жойлашганлиги, экотуризмни ривожлантиришнинг барча имкониятлари мавжуд бўлган қудратли давлат. Россияда 100 та давлат табиат қўриқхонаси, 35 та миллий парк, давлат аҳамиятидаги 68 та табиат буюртмаҳоналари, 2976 та худудий аҳамиятға эға бўлган табиат буюртмаҳоналари, 31 та худудий аҳамиятдаги миллий парклари бор. Буларнинг майдони- 67,8 млн. га ни ташкил қилади. Шунингдек, Россияда 1024 та табиат ёдгорликлари бор. Бу экотуризм ресурслари ҳар қандай экотуризмнинг талаб ва эhtiёжларини қондиради.

Африка. Қора китға номини олган Африка ҳар-хил табиий-иқлимий географик минтақалар жойлашган, ўзининг бетакрор табиати ва ёввойи ҳайвонот дунёсида турларнинг ва бу турларнинг сонларининг ҳам кўплиги жихатидан қитғалар орасида тенги йўқ ҳисобланади. Сайёрамиздаги энг кўп 335 та миллий парк Африкада жойлашган. Бу миллий паркларда 1100 тур сут эмизувчилар, 100 000 тур ҳашаротлар, 2 600 тур қушлар, 3 000 тур баликлар муҳофазаға олинган. Африкада 100 лаб қўриқхоналар, Буюртмаҳоналар ва табиий резервациялар ишлаб турибди.

Таянч сўзлар ва иборалар: миллий парк, резервация, робинзонлар, экотуризм кампанияси, бизон, ҳайвонлар миграцияси, гейзерлар, шимол шафағи, қорбобонинг ватани, муз, шаршара, лава.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. АҚШдаги миллий паркларни санаб беринг.
2. Африка давлатларидаги экотуризмни гапириб беринг.
3. Қорбобонинг ватанидаги экотуризмни тушунтириб беринг.
4. АҚШ, Канада ва Австралия давлатларини нима учун экотуризмда лидер давлатлар дейишади?
5. Исландия давлатини нима учун “Гейзерлар ватани” дейишади?
6. Канада давлати нима учун экотуризмда лидер давлатлардан ҳисобланади?
7. Африка давлатларида экотуризм яхши ривожланиб бораётганлигининг сабаби нимада?
8. Ички экотуризм қайси давлатларда яхши ривожланган?
9. Ташқи экотуризм қайси давлатларда яхши ривожланмоқда?
10. Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланиш ҳолатларини тушунтиринг.

9-Мавзу. Ўзбекистонда экотуризмнинг ресурслари. Табиат минтақалари. Ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси

Режа:

9.1.Ўзбекистоннинг табиий географик минтақаларидаги экотизимлар - экотуризм ресурслари.

9.2.Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами экотуризм ресурслари.

9.3.Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси экотуризм ресурслари.

9.1.Ўзбекистоннинг табиий географик минтақаларидаги экотизимлар - экотуризм ресурслари.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда экологик ресурслардан фойдаланиш имкониятларини ўрганишда биз биринчи навбатда мамлакатимиздаги миллий парклар, давлат табиат қўриқхоналари ва алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар(давлат табиат буюртма хоналари-заказниклар), халқаро миқёсдаги«Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»идаги ноёб ҳайвонлар турлари, ўсимликлар турларини ва бетакроп табиий ландшафтларни,ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидаги эндемик турларни(эндемик-факат туб жой шаронтида яшайди ва ўсади)рўйхатга олишимиз ва уларнинг таъриф,тавсифларини тайёрлашимиз керак.

Шунингдек,ҳозирги ахборотларимиздан маълумки, ҳозиргача ватанимизга келиб кетаётган халқаро туристлар Орол денгизи қолдиқларига,Қуйнамударё соҳилларига,тоғларимиздаги қадимий шакллар ва расмларга, минг йиллик дарахтларга(чинорлар,арчалар ва бошқ...) ва рекреацион булоқлар, шаршараларга кизикмоқдалар.Мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда қайд қилинган экологик ресурсларни алоҳида-алоҳида рўйхатга олганимизда халқаро туристларни кизиктирувчи қуйидаги экологик ресурслар гуруҳлари ташкил топади⁵⁶:

- Ўзбекистон Республикасининг давлат қўриқхоналари ва миллий парклари экотуризм ресурслари;
- Халқаро «Қизил китоб» ва Ўзбекистон «Қизил китоб»идаги ноёб ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари;
- Ўзбекистондаги эндемик ҳавонлар ва ўсимликлар турлари;
- Орол денгизи қолдиқлари Қуйнамударё соҳили, тўқайзорлар, уларнинг ўсимликлар ва ҳайвонот олами;
- Тоғларимиздаги қадимий шакллар,расмлар;
- Минг йиллик дарахтлар ва табиат ҳайқаллари, табиат ёдгорликлари;
- Рекреацион табиий ландшафтлар,шифобахш булоқлар, шаршаралар;
- Ўзбекистондаги табиий географик минтақалар(чўллар, адирлар, тоғ олди, тоғлар, баланд тоғлар);
- Сув ҳавзалари(дарёлар, кўллар,сув омборлари);
- Тўрт фасли иқлим мавсумлари;

⁵⁶ Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм,Самарқанд,2010,60 б.

- Археологик топилмалар, геологик кўринишлар;
- Овчилик майдонларининг мавжудлиги;
- Табиий географик минтақаларда жойлашган қишлоқларимиз табиати;
- Ўзбекистоннинг алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлари.

Юқорида келтирилган экологик ресурслар халқро туризм экспертлари таъкидлагандек, Ўзбекистон туризм ресурсларининг турли – туманлиги, ранг-баранглиги ва жозибадорлиги бўйича дунё мамлакатларидаги кучли 10 талик ресурслари рўйхатига киради. Бу экотуристтик ресурсларнинг таъриф ва таснифлари ушбу ўқув кўлланманинг мавзуларида берилмоқда. Ҳозирда экотуризм ресурсларига геоморфологик, гидрологик ва органик ресурсларни кўшиш ҳам тавсия қилинди⁵⁷.

Лекин, «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концецияси»да таъкидланганидек, амалда Ўзбекистон экотуризмни ривожлантиришда юқорида келтирилган улкан экологик ресурслардан, экологик салоҳиятлардан ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш тизимлари, омиллари муқамал ишлаб чиқилмаганлиги натижасида мамлакатимизда туристларни қабул қилиш салоҳиятига нисбатан амалдаги уларнинг келиб-қетиши уч барава қамдир.


Республикаимизда экотуризмни ривожлантиришнинг асоси бўлган экологик ресурсларнинг бир қисми мазкур ишнинг кириш қисмида келтирилди. Ўзбекистоннинг бутун ҳудудлари денгиз сатҳидан белгиланганда бири-бирдан табиий экологик жиҳатдан фарқланувчи 5 та вертикал минтақаларга бўлинади. Бу минтақаларнинг иклими, ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами ҳам турли-туман. Шунингдек, чет эллик туристларни қизиқтирувчи 4 та фасл ҳам экотуризмнинг муҳим ресурслари ҳисобланади. Бу экологик туризм ресурсларига 11 та йирик дарёларимиз ва 55 та сув омборлари ҳавзаларини ҳам қўшиш мумкин.

1. Чўллар минтақаси денгиз сатҳидан 400-500 метр баландликдаги жойларни ўз ичига олади ва Ўзбекистон республикаси ҳудудларининг 70 % ини ишғол қилади, ўсимликлари – 498 тур. Шулардан 64 тури шифобахш ўсимликлар, 273 тури чорва моллари учун озуқавий хусусиятларга эга бўлган ўсимлик турлари ҳисобланади. Бу минтақаларнинг ўсимликлари қурғоқчил иқлимга мослашган ва асосан шўрхок ва қумли тупроқларда яхши ривожланади. Қуруқ иқлимли бу чўлларнинг ҳам экологик типлари хилма-хил бўлиб гипсли чўл, қумли чўл ва кўчиб юрувчи қумли – барханли чўллар кўплаб экотуристларни ўзига жалб қилиши мумкин.

Чунки ҳар хил экологик типли чўл ҳудудларида ушбу ҳудудларга мослашган ўсимликлар қоплами ва ҳайвонот дунёси таркиб топган. Айниқса, флорамизда эндемик турларнинг кўплиги халқро микёсда туристик оқимларнинг кучайишига қизиқишни ҳосил қилади. Чўллардаги ҳайвонот оламидаги турлар (жайрон, сайғоқ, Қизилқум эчкиэмари, қалтақесаклар, «Қизил китоб»даги йўрға тувалоқ, тасқара, чўл бургутлари, миққий, кирғий,

⁵⁷ Низамов А., Аманбаева З., Сафарова И., Ўзбекистоннинг экотуристтик ресурслари ва йўналишлари. Тошкент, Фан ва технология, 2014. 104 б.

корабовур, чўл каптари ва бошқ..) нафақат хорижий балки, ички экотуризмда ҳам қизиқарли экотуристтик объект ҳисобланади.



Чўлларимизда экотуризм инфратузилмалари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг чўллари қуйидагилар: Қизилқум, Устюрт чўли, Ўрта чўл, Қарнобчўл, Конимехчўл, Муборак чўл, Қарши чўли, Мирзачўл,

Марказий Фарғона чўллари, Каттақум ва Сандикли чўллари. Булардан ташқари 1.9 млн. гектарли ўсимликсиз кўчма барханли қум худудлари ҳам бор. Барханли қумликларда араб мамлакатлари экотуристларни туяда сайр қилиш турларига таклиф қилишади. Бундай экотурларнинг Европаликлар учун жуда қизиқарли бўлишини араб туроператорлари жуда яхши билишади. Бизнинг чўлларимизнинг қумликларида кам шундай экотуристтик имкониятлар бор.

2. Тўқайзорлар минтақаси. Республикаимизнинг Сирдарё, Амударё, Зарафшон, Чирчик, Охангарон каби дарёлари соҳилларида тўқайлар алоҳида минтақалар ҳолида учрайди. Тўқайлар ўзига хос табиат ландшафтлари бўлиб, сийрак, зах ўрмон ва чакалакзорлардан иборат. Тўқайлар турли ҳайвонлар яшаши учун муайян шароитга эга. Тўқайлар экотуризмнинг энг қизиқарли ресурсларидир. Ўзининг бетакрор табиатига ва бой биологик хилма-хилликга эга бўлган тўқайзорларимизга собиқ иттифок даврида ўнганмас даражаларда зарар келтирилди. Тўқайзорларнинг ўрмонлари кесилиб, чексиз пахта далаларига айлантирилди. Бебаҳо бойлигимиз бўлган 300 минг га тўқайзорлардан ҳозирга келиб 30 минг гектари сақланиб қолган. Бу майдонлар давлат муҳофазасига олинган ва уларнинг ўсимликлари, ҳайвонот олами муҳофаза қилинади ва кўпайтирилмоқда

3. Адир минтақаси океан сатҳидан 1000-1200 метрдан 2700-2800 метргача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Баландликга кўтарилган сари ҳаво ҳарорати пасайиб ёғинлар миқдори орта боради. Ватанимиз табиатидаги адирлар минтақасида нафақат экологик туризмни балки, қишлоқ туризмни, агротуризмни ривожлантириш имкониятлари бор. Чунки, адир минтақаси асосан мамлакатимиздаги тоғ олди минтақалари ҳисобланиб бу минтақанинг асосий қисми суғориладиган ерлар бўлганлигидан қишлоқлар зич жойлашган ва деҳқончилик кучли ривожланган. Адирлар минтақасидаги

бахорикор ерлардаги ўзига хос бўлган деҳқончилик(ғаллачилик, лалми нўхат,зигир,қовун,тарвуз етиштириш) нафақат хорижий туристларни балки, шаҳарларда яшаётган аҳолини ҳам қизиқтириши мумкин. Бундай имкониятларни экотуризм операторлари яхши билишлари талаб қилинади.

4. Тоғлар минтақаси. Тоғларда ёз салкинрок, чўлдагига нисбатан қисқарок бўлади. Тоғларимизда -1048 тур ўсимликлар ўсади. Шифобахш, доривор ўсимликларга бой минтақа. Океан сатҳидан 1400 метрдан 2500 метргача баландликда арча дарахти ўсади. Арча ёғочи мустаҳкам, қимматбаҳо дарахт бўлиб, узок умр кўради.Табиатдаги биологик ресурслар- ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси экотуризмда энг оммавийлашган ресурс ва объектлардан ҳисобланади.

Арчазорлар–шифобахш оромгоҳлардир.Арчазорлардан экотуризмнинг энг оммавий масканларига айлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, адир минтақасининг ҳайвонот олами тўқайзорлар фаунаси билан кўп ҳолларда бу икки минтақа бири-бири билан чегарадош бўлганлигидан аралаш ҳолда яшашади. Бу имкониятлардан экотуризмда ҳам, экосафари маршрутларидан ҳам фойдаланиш имкониятлари келиб чиқади.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароитлари Марказий Осиё континентал иқлим шароитларидан таркиб топганлиги учун ҳам ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар оламининг турли –туман ва ранг-баранглигини ҳосил қилган.

5. Баланд тоғ минтақаси денгиз сатҳидан 2700-2800 метрдан баландда жойлашган бўлиб бу минтақанинг майдонлари унча катта эмас. Минтақадаги совуқ ва нам иқлим шароитида оч қўнғир ва ўтлоқ тупроқлар ҳосил бўлади. Баланд тоғ минтақалари субальп ва альп ўтлоқларидан иборат. Айрим, қуёшга тескари ёнбағирларида йил бўйи қор ва музликлар сақланиши мумкин. Баланд тоғ минтақасида ва бу табиий минтақанинг бошланиши гараларида айниқса, Зомин миллий парки ҳудудларида экотуристтик тоғ –чанғи спорт туризмни ривожлантиришнинг жуда катта имкониятилари бор.

Экотуризмнинг экосафари (ов ва балиқ овлаш) ресурслари ҳам ғоят биологик хилма-хилликка эга. Биргина овладиган балиқларнинг 83 тури дарёларимиз ва сув ҳавзаларимизда кўпайтирилиб муҳофаза қилинмоқда. Шулардан 18 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. Овчилик мавсумида сув ҳавзаларимизда ички ва ташқи турист овчиларни тақлиф қилишнинг катта имкониятлари бор.Шунингдек,ватанимизда овчилик қушларининг ов қилиш даражадаги сонларига етишганлиги ва овчилик ҳудудларининг мавжудлиги ҳамда овчиликка руҳсат берилганлиги ҳам экотуризмда экосафари маршрутларини ишлаб чиқиш ва халқаро эктуризм, ички экотуризм бозорига чиқаришнинг катта имкониятлари бор.

Илмий ахборотлардан маълум бўладики, ватанимизга келиб-кетаётган ҳар 100 туристнинг 50-60 таси мамлакатимизнинг табиатига ва ундаги биологик хилма-хилликка қизиқишмоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги алоҳида муҳофазадаги табиат кўрикхоналарига ва улардаги флора ва фаунага қизиқиш кучли.Шул нуқтаи -назардан ҳам мавжуд экотуристтик ресурслардан


айниқса алоҳида муҳофазадаги экологик ҳудудлардан экотуристик мақсадларда фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишимиз лозим бўлади.

9.2. Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами экотуризм ресурслари.


Республикамизнинг экотуризм салоҳиятини ҳисобга олганимизда экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий ресурслари-4 фазлли табиат мавсумлари ва бу иқлим шароитларига ва ўзининг экологик тизимларига эга бўлган 5 та табиий ландшафт био-хилма хилликларида эндемик(фақат Ўзбекистон табиатида) турларнинг мавжудлигидир. Ўзбекистоннинг экотуризмдаги ресурслар салоҳиятига алоҳида тўхталганимизда қуйидаги экотуризм манбаларини келтириш, тавсифлаш масалага равшанлик киритади.

Ўзбекистон 38 млн. гектарга эга бўлган овчилик-балиқчилик ер майдон ларига эга, улардан 1 млн. гектарини сув фонди ташкил этади. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юрувчилар ва 83 тур балиқларга эга. Булардан Ўзбекистон Республикаси «Қизил китобига» ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академияси Ботаника институти маълумотлари бўйича, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4148 тур ўсимликлар мавжуд. Шулардан, 3000 турлари олий, ёввойи ўсувчи ўсимликлар, улардан 9 % и эндемиклардир. Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар таркибида 2164 км² ни ташкил қилган 9та давлат кўрикхонаси, 6061 км² ни ташкил этган 4 та миллий боғ ва ноёб турларга қирувчи ҳайвон ларни кўпайтириш республика марказий-«Жайрон» экомаркази, 12186 км² майдонни ташкил этган 10 та давлат буюртмахоналари мавжуд.



Экотуризм марказидаги қушлар



Экотуризмнинг экосафари (ов ва балиқ овлаш) ресурслари ҳам ғоят биологик хилма-хилликга эга. Биргина овладиган балиқларнинг 83 тури дарёларимиз ва сув ҳавзаларимизда кўпайтирилиб муҳофаза қилинмоқда. Шулардан 18 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб» ига киритилган. Овчилик мавсумида сув ҳавзаларимизда ички ва ташқи турист овчиларни таклиф қилишнинг катта имкониятлари бор.

Ҳозирга келиб «Нурота» давлат табиат қўриқхонасида қарийиб ярим асрдан бери кўриқланиб келинаётган ёввойи кўйлар-архарлар сон жиҳатдан кўпайиши ҳисобига қўриқхона чегараларидан чиқиб қадимий ареаллари Қизилкумнинг қолдиқ тоғлари томон силжиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу жойлардан экотуристлик мақсадларда фойдаланиш бу ёввойи кўйларнинг аста-секинлик билан одамлар кўзига ўрганишини ташкил қилиб бориш экотуризмни ташкил қилишни осонлаштириб боради. Кейинги йилларда «Нурота» давлат табиат қўриқхонасидан экотуризмни ривожлантиришда мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туристларга жойлаштириш, овқатлантириш ва дам олиш хизматларини маҳаллий аҳоли кўрсатмоқда.

Вилоятдаги туризм мутахассислари ва туризм тадбиркорларининг ёрдами билан маҳаллий аҳоли ўз уйлари халқаро ва ички туристлар эҳтиёжларига, талабларига мослаштирмоқдалар. Ҳозирча бу қўриқхонага ҳар йили 100 дан зиёд хорижий туристлар келиб кетишмоқда.

Истиқболда «Нурота» давлат табиат қўриқхонасида маҳаллий аҳоли ёрдами билан замонавий туристик инфратузилмалар барпо этиш, хизматлар сифатини яхшилаш режалари ишлаб чиқилмоқда. Қизилкум эчкемари эса халқаро «Қизил китоб»га киритилган бўлиб ватанимиз табиатидаги бу ноёб судралувчи яшаётган жойларга ҳам экотуристлик маршрутлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Қизилкум эчкемари одамларга бошқа судралувчиларга караганда анча осон ўрганadi. Иккинчидан, ҳақаро «Қизил китоб»даги ҳайвонлар ва паррандалар халқаро экотуристларнинг энг ашаддий мухлисларини ўзига жалб қилади.

9.3. Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси экотуризм ресурслари.

Экотуризмнинг экологик билимни шакллантиришда ва табиат муҳофазасидаги ўрни, талабаларга ўсимликлар ҳақида маълумотлар бериш нуктаи-назаридан ўсимликлар оламига бироз кенгрок тўхталиш зарурати бор. Ўсимликлар-Ердаги ҳаёт манбаи. Ҳақиқатдан ҳам инсоннинг яшаши учун Ерни атмосфера кислороди билан таъминлайдиган ўсимликлар карбонат ангидрид ютиб атмосферани тозалаб туради. Фотосинтез жараёнида ўсимликлардаги яшил хлорофил пигменти куёш нурларини ютиб оддий углевод-узум ишқорини синтез қилади. Бу жараёнда куёш энергияси- кимёвий моддалар энергиясига айланади.

Ўсимлик инсоннинг озик-овқати ва кийими, доривор моддалар, кимёвий хом-ашё, қурилиш материаллари. Инсон учун ҳосилдор навлар яратиш манбаи. Ўсимликлар хавони фитонцидлар-зарарли вирус ва бактерияларни ўлдирувчи учувчан моддалар билан тулдиради. Ўсимлик иқлим шароит ларини ҳосил қилади. Ўсимлик ҳайвонат оламини озуқа билан таъминлайди. Умуман ўсимликларнинг муҳим аҳамиятларини санаш жуда қийин, фотосинтез жараёнида ўсимликлар ҳар йили 100 млрд. т органик моддалар ва 150 млрд. т эркин кислород чиқаради.

Ер юзида ҳаммаси бўлиб 265000 тур ўсимлик бор. Шулардан 92%и курукликда 8%исувларда ўсувчи усимликлардир. Ўсимликлар турларининг 50%и гулли ўсимликлар, 27%и замбурғлар, қолганлари мох ва лишайниклар. Курукликдаги ўсимликлар тузилишига қараб 6 гуруҳга ажратилади. Дарахтлар, буталар, ярим буталар, ўт ўсимликлар, мохлар, лишайниклар.

Ҳозирги вақтда сайёраимиздаги маданийлаштирилган ўсимликлар инсониятнинг ёввойи ўсимликлардан фойдаланишдаги минглаб йиллардаги фаолияти натижасидир. Ўсимликларни маданийлаштиришда Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиё жуда катта ҳисса қўшди. Бу минтақада 7822 тур ўсимликлар маданийлаштирилди, Европада- 1312, Африкада-500, Америка китъсида 2117 тур ўсимликлар маданийлаштирилган. Инсоният ҳозирда 30 минг тур ўсимликдан фойдаланади, шундан энг кўп ўсимликлар. Инсон 250 тур ўсимликдан хом ашё олади. Бу ўсимликлар бутун дунёда экиладиган экин майдонларининг 82% ини ташкил қилади.

Ўсимликлар ҳақида айтиладиган, ёзиладиган ҳамма фикрлар ўрмонга, ўрмон бойликларига таалуклидир. Инсон фаолиятида ўрмон маҳсулотлари ишлатилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ. Биргина ёғочдан ҳозир 2 минг хил маҳсулот олинмоқда. Ўрмон дарахтларининг дориворлиги ҳам бекиёс. Масалан, пихта дарахти дезинтерия, қарағай-сил, арча-нафас олувчи органларни захарловчи вирусларни ўлдиради. Ўрмонларда касаллик кўзгатувчи микроорганизмлар шаҳар хавосига нисбатан 70-80 маротаба кам бўлади. Арчанинг карбонат ангидрид ютиш қобилияти-100%, кенг баргли ўсимликларнинг 120%-450%, теракники-700%дир.

Бир гектардаги 60 ёшли карагай ўрмонлари 1 йилда 10 т кислород, 40 ёшли эман дарахти 14т кислород чиқаради. Бир гектар ердаги терак дарахти вегетация давомида 340 кг чанг ютади. Бир га. арғувонзорлардан 900 кг, 1 га ўрмон малиназорларидан 270 кг асал олиш мумкин.

Ўсимликларнинг дориворлик хусусиятлари ҳақида буюк бобомиз Ибн Синонинг– “Доривор лик хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ,ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йўқ” деган сўзларни ёд олишимиз керак. Тиббиётнинг отаси бўлган Гиппократ-200 хилга яқин доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар қолдирган.Бобокалонимиз Ибн Сино-900 хил ўсимлик лардан фойдаланиш йўллари ҳақида асарлар битган.

Ер юзида ўрмонларнинг умумий майдони 4100 млн.га атрофида,яъни курукликнинг-31% ини ташкил қилади.Ёғоч миқдори-140 млрд м³. Ўрмонлар аҳоли жон бошига:Канадада-24га,Финляндияда-5га,Россияда-4,2га, Швеция да -3 га, Норвегияда-2,2 га, АҚШда- 1,6 га, Европа давлатларида - 0,1-04га ва Ўзбекистонда- 0,04га тўғри келади.Инсон илмий техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги вақтда ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиши зарур. Биргина ўрмонларнинг 1-сувни меъёрлаштириш ва сув сақлаш;2- тупрокни муҳофазаловчи ва 3-иклим ҳосил қилувчи ролининг ўзигина яшаш фаолиятимизнинг мезонини ташкил қилади.

Кейинги 100 минг йил ичида 2/3 қисм ўрмонзорлар йўқ қилинган. Охириги 2000 йил ичида 0,5 млрд га ўрмонлар ўрнида чўллар ҳосил бўлган. Кейинги 100 йил ичида Америкада-540 минг га ўрмон кесилган,жаҳон бўйича 67 млн га ўрмон йўқ қилинган.АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси натижасида 1,5 млн. гектар тропик ўрмонлар ҳайвонат дунёси бидан йўқ қилинган. Ҳозиргача Вьетнамликлар 180 минг гектарини асл холига келтиришди.Агар ўрмонлардан ҳозиргидек фойдаланилса 70-80 йилдан кейин тропик ўрмонлари батамом тугатилади. Олимларнинг ҳисобига кўра олий тур ўсимликлардан 3 минг тури йўқотилиш арафасида.Бутун дунё бўйича 40 минг тур ўсимликнинг бутунлай йўқолиб кетиши хавфи юзага келган.

Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари - 4148 тур ўсимликлардан иборат. Шулардан 390тури эндемик тур ҳисобланади,577тур шифобахш ўсимлик лардир,115тури илмий табобатда ишлатилади,47тури халқаро давлатлар фармокалогиясига киритилган. Ўзбекистон ўрмонлари асосан тоғ, тоғ олди, воҳалардаги дарёлар қайирларидаги тўхайзорларда ва қисман чўлларда жойлашган. Чўлларимизда -498 тур, адирларимизда -638 тур, тоғ ва баланд тоғларимизда-1048 тур ўсимликлар ўсади.

Флорамиздаги 1500 тур ўсимлик чорва учун озуқавийлик хусусиятига эга. Шундан 550 турини чорва моллари аъло даражада ейишади,180 тури дастурхонимиздаги озиқ-овқатимизда,20 тури зараворчиликда, 400 тури ошловчи,150 тури турли бўёқчиликда ишлатилади. Бу Ўзбекистонда ўсимликдунёсининг турлари бойлигини кўрсатади.Бирок, ўсимлик дунёсини

сақлаб қолишга масъулиятсиз муносабатда бўлиш ва ундан нооқилона фойдаланиш, унинг камбағаллашишига олиб келади⁵⁸.

Ўзбекистоннинг қуйидаги ўсимликлари халқаро "Қизил китобга киритилган ва каттиқ муҳофаза қилинади. Улар қуйидагилар: тоғ пиёз, омонқара, балқурай, коврак, сумбул, товсагиз, тахмоқ ковар, етмак, хурмо, қизил лола, таргил лола, чинор, анор. Ўзбекистонда 301 тур ўсимликнинг йўқолиб кетиши хавфи бор. Масалан, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига 163 турдаги ўсимликлар, 1999 йил-да 301 тури, 2006 йилда эса 305 тури киритилди. Ўсимликларнинг кўпчилик турлари ёввойи ўсади, бу ўсимликлардан жадал суръатларда хом ашё тайёрлаш ёки манзарали турларини оммавий тўплаш ва тайёрлаш (лола, саллагул, қуёнлаб, ширач, ровоч) сабабли "Қизил китоб"га тушиб қолди.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларга доривор ва озиқ хом ашёни сифатида эҳтиёж катта. 1992 йилгача доривор ва озуқабоп ёввойи ўсимликларини тайёрлаш билан бир неча давлат ташкилотлари, кўшма корхоналар ва жисмоний шахслар шуғулланган эдилар. Тайёрлаш ҳажми чекланмаган эди. Йиғиб олиш ҳажмлари ресурсларни тежаш ва ўсимлик дунёсида экологик тенгликни сақлашни кўзда тутадиган илмий асослар билан таъминланмаган.

Доривор ва озуқа хом ашёсини тайёрлаш ҳажмини ихтиёрий белгилаш қизилмия, андиз, зирк бутаси, сарикчой, чирмовукгул, эфедра каби ва бошқа ўсимлик турлари захиралари кескин камайишига сабаб бўлди. Ўсимлик хом ашёсининг асосий тайёрловчиси - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси қошидаги «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобланади.

Ўрмонлар. Республика барча ўрмонлари ягона давлат ўрмон фондини ташкил этади, у давлат аҳамиятидаги ҳамда ўрмон хўжалиги ташкилотлари тасарруфидаги ўрмонлардан иборат. Ўрмонларнинг жуда кичик қисми бошқа идора ва юридик шахслар томонидан фойдаланилади. Ўзбекистон ўрмонлари майдонлари ўзининг табиий таркиби, махсулдорлиги ва бажарадиган вазифаси билан бири-биридан катта фарк қилади.

Шунинг учун, улар тоғ дарё ёқалари ва водий ўрмонларига табиий ҳудуд бўйича ажратилган. XX аср бошларидан Ўзбекистон ўрмонлари майдони 4-5 баравар қискарди. Қишлоқ хўжалиги далаларига айлантирилган қайир ўрмонлари (тўқайлар) айниқса катъий антропоген таъсирга учради. Бундай ҳаракатлар сабабли Амударё соҳил бўйидаги тўқайларнинг майдони 150 минг га дан (1928 йилда) 22-24 минг га гача (1993 йилда) қискарди. Республика давлат ўрмон фондининг сўнгги ҳисоби ерлар тўлиқ инвентари заҳияси билан бирга 1988 йилда ўтказилди. Мазкур ҳисоб маълумотларига қараганда Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ихтиёридаги давлат ўрмон фонди ерлари 4994 минг га ни, ўрмон билан қопланган майдон эса 1788 минг га ни ташкил қилган.

⁵⁸ Махмудов М.М., Юсупов С., Ю. Ҳайитбоев Р., ва бошқ., Қорқўлчилик яйловлари ва улардан самарали фойдаланишга онд амалий қўлланма. ИКАРДА, ИФАД, УЗКЧЭИТИ. Самарқанд, 2001, 51 б.

Бошқа идора ва юридик шахслар ихтиёридаги ўрмон билан қопланган майдон тахминан 500 минг га бўлган. Ўзбекистоннинг ўрмон билан қопланган ери умумий ер майдонининг 5,1 фоизини ташкил қилган. 1.01.91 йилдаги ҳисоботта мувофиқ давлат ўрмон фонди 5467 минг га, ўрмон билан қопланган майдон эса 1819 минг га га тенг бўлган. Бошқа юридик шахсларга тегишли ўрмон билан қопланган майдон 546 минг га ни ташкил қилган. Ўзбекистоннинг ўрмон билан қопланган ери умумий ер майдонининг 6,2 фоизини ташкил қилган.

Мамлакатимиздаги ўсимликлар оламидаги эндемиклар ҳатто кўшни давлатлар ўсимликлар катламида ҳам учрамаслиги табиатимиздаги ўзига хос ноёб ҳодисадир. Экотуризмни ривожлантиришда бу имкониятдан фойдаланишимиз лозим. Бунинг учун эса бу эндемик ўсимликларнинг биологик ва хўжалик хусусиятларини, халқ хўжалигида фойдаланиш усулларини ва уларнинг ўсиши ареалларини яхши ўрганишимиз ва экотуризмда фойдаланиш хариталарини ишлаб чиқишимиз лозим бўлади. Ушбу харитага асосланиб экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишимиз ва бу экотуристик маршрутларнинг рекламасини ички ва ташқи экотуристик бозорга чиқариш ҳам ватанимизда экотуризмни ривожлантиришда катта имкониятларни яратади.

Таянч сўзлар ва иборалар: арид, чўллар, адирлар, вертикал пояс, субальп, альп, ички экотуризм бозори, овчилик ресурслари, экосафари маршрутлари, биоресурс, харита, фонд,

Мавзу бўйича тест саволлари:

1. Ўзбекистонда неча табиат қўриқхоналари бор?
А. 6 та
Б. 7 та
В. 8 та
Г. 9 та
2. Ўзбекистонда неча табиат буюртма хоналари бор?
А. 7 та
Б. 8 та
В. 9 та
Г. 10 та
3. Ўзбекистонда неча тур ўсимликлар ўсади?
А. 3148 тур
Б. 4148 тур
В. 5148 тур
Г. 6148 тур
4. Ўзбекистонда неча экологик парвариш хоналари бор?
А. 1 та
Б. 2 та
В. 3 та
Г. 4 та
5. Халқаро “Қизил китоб”га Ўзбекистоннинг неча ҳайвонлари киритилган?

- А. 6 та
- Б. 8 та
- В. 10 та
- Г. 12 та

Мавзуну ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Ўзбекистонда неча тур ўсимликлар ўсади?
2. Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ига қайси ўсимликлар киритилган?
3. Ўзбекистоннинг “Қизил китоб”ига қайси хайвонлар киритилган?
4. Халқаро “Қизил китоб”га Ўзбекистоннинг қайси хайвонлари киритилган?
5. Эндемик хайвонлар ва ўсимликлар нима учун хорижлик экотуристларни қизиқтиради?
6. Ўзбекистоннинг табиат минтақалари экотуризм ресурслари мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
7. Ўзбекистоннинг ўсимликлар олами мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
8. Ўзбекистоннинг хайвонот дунёси мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
9. Ўзбекистоннинг шаршаралари мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
10. Ўзбекистоннинг экотуризм ресурслари мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.

10-Мавзу. Ўзбекистонда экотуризм ресурслари. Миллий парклар, табиат қўриқхоналари, табиат буюртмахоналари, ва табиат ёдгорликлари.

Режа:

- 10.1. Ўзбекистоннинг миллий парклари.
- 10.2. Ўзбекистоннинг табиат қўриқхоналари.
- 10.3. Ўзбекистоннинг табиат буюртмахоналари.
- 10.4. Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари.

10.1. Ўзбекистоннинг миллий парклари.

Ўзбекистонда миллий паркларни халқ боғи, давлат миллий табиат парки деб аташмоқда. Бу номланишлар жаҳондаги миллий парклардаги табиат муҳофазаси ва миллий парклардаги биологик хилма-хилликни сақлашнинг устувор томонларини ўрганиш даврларида берилган эди (ўтган асрнинг 70 йиллари). Олдинги мавзулардаги маълумотлардан маълум бўлдики, миллий паркларни фақат Германияда (қисман) ва бизнинг мамлакатимизда боғ дейишсади.

Биз мевали дарахтзорларни боғ деймиз. Миллий парклар ҳақидаги халқаро илмий-амалий тадқиқотларда ҳамкорлик қилиш ишларида бу атамалар биров тушунмовчиликлар келтириб чиқаради. Чунки, халқаро

миқёсда миллий паркларнинг белгиланган низоми ва мақоми бир хил талабларда бўлиб бу талабларни ҳамма давлатлар қабул қилишган. Иккинчидан, биздаги халқ боғи ва давлат миллий табиат паркининг низом ва мақомлари(статуси) жаҳондаги миллий паркларнинг низоми ва мақомидаги кўплаб бандларнинг талабларига жавоб бераолмайди.

Шундай ҳолатлар миллий паркларни ривожлантириш ва улардан экологик туризм ва рекреацияда фойдаланиш бўйича Россия ва Германиялик экологик туризм экспертлари ўртасидаги илмий конференцияда юз берган эди. Германиялик мутахассислар миллий парклардан экотуризм, рекреация ва дам олишнинг имкониятлари бўйича Байкал кўли экотуризмни ривожлантиришнинг бир неча лойиҳаларини таклиф қилди(лойиҳа бажарилишига Германия маблағ ажратиши керак). Россиялик мутахассислар эса «эта у нас запрещено, нельзя-бу бизда ман қилинган, мумкин эмас» дейишдан нарига ўта олишмади. Натижада лойиҳа амалга ошмади.

Келтирилган мулоҳазалар бўйича биз ҳам миллий боғларимизни халқаро миқёсдаги атама билан миллий парклар деб номлашга ўтишимизни талаб қилаёпти. Чунки, илмий адабиётларда ва илмий оммабоп манбаларда кўпинча халқ боғи эмас миллий парк атамаси кўпроқ ишлатилмоқда. Ўзбекистонда чоп қилинаётган мақолалар ва адабиётларда миллий парклар турлича номланмоқда. Фикримизча, мутахассислар ва олимлар бу ҳақда ягона хулосага келишлари лозим.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб 4 та миллий паркларимиз бор; 1. Зомин миллий парки; 2. Угом-Чотқол миллий парки; 3. Оқтепа миллий парки. 4. Сармишсой миллий парки

Зомин миллий парки. Туркистон тизма тоғларининг худудларидаги Қизилмозорсой, Кўлсой, Супа, Чортанги, Шариллоқ, Қашқасой, Ўркли сойлари бу тоғларнинг энг хилма-хил табиий арчазор ўрмонлари билан қопланган. Шунинг учун ҳам бу арча ўрмонлари ва унинг ноёб ҳайвон оламини муҳофаза қилиш учун Марказий Осиёда ва Ўзбекистонда биринчи Зомин (илгариги номи Ғўралас) давлат табиат кўриқхонаси 1960 йилда ташкил қилинган эди. Кўриқхонанинг умумий майдони 26800 гектарни ташкил қилади, шундан 22135 гектари арчазор ўрмонлари билан қопланган.



Зомин миллий паркидаги дам олиш ва соғломлаштириш санаторияси, миллий парктаги арчазорлар.

Зомин миллий парки Жиззах вилояти, Зомин туманидаги Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси теграларида бетакарор тоғ-арчазор ўрмонларини саклаш, муҳофаза қилиш ва рекреацияли мақсадларда ўзлаштириш учун 1976 йилнинг 8-сентябрида очилди. Миллий парк кўриқхона табиатида муҳофазани кўчайтириш шу билан бирга аҳолининг дам олиш масканларини яратиш мақсадида кўриқхона чегараларида худудларининг бир қисмида Зомин миллий боғи ташкил қилинди. Бу миллий боғ маъмурий жиҳатдан Жиззах вилоятининг Зомин тумани худудида Помир-Олой тоғ тизмасига кирувчи Туркистон тоғ тизмасининг Ғарбий қисмида, Молғузар тоғининг ғарбий ён бағрида жойлашган бўлиб, унинг майдони 24110 гектарни ташкил этади. Шундан, ўрмонли ерлар-16783 га, тўлиқ ўрмон билан қопланган ерлар-12130 га.

Миллий парkning дунё миқёсида такрорланмас бўлган бойлиги шифобахш арча ўрмонларидир. Арчазорлар табиий-иқлимий ўсиш шароитлари ва географик вертикал пояслар(кават)бўйича куйидагича жойлашган;

- Денгиз сатҳидан 1700-2300 метр баландликда- зарафшон арчаси;
- Денгиз сатҳидан 2300-2500 метр баландликда яримшарсимон арча;
- Денгиз сатҳидан 2500-3300 метр баландликда Туркистон арчаси.

Миллий парк кўриқхона чегарасида ва теграларида бўлганлиги учун унинг табиати ва табиий иқлим шароитларида алоҳида белгили ўзгаришлар, хусусиятлар учрамайди. Фақат геоморфологик рельеф тузилишида тоғ массивларининг жойлашишларида, ўсимликлар қопламнинг қалинлиги ёки сийрақлигида ва ҳайвонот оламининг яшаш ареалларида бироз фарқлинишлар учрайди.

Кўриқхонада ва Миллий табиат боғида ғоят ноёб ва хилма-хил ҳайвонот дунёси яшайди. Бу табиатда қушларнинг 134 та тури, сут эмизувчиларнинг 37 та тури, судралиб юрувчиларнинг 37 та тури рўйхатга олинган. Кўриқхонадаги туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, сибир эчкиси Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. «Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи» ва ЮНЕСКО нинг «Қизил китоб»ига, Туркистон силовсини, оқ тирноқли айиқ, соқолли бургут, бургут, кирғий ва қора лайлак киритилган.

Миллий паркда ўсимликлар олами ҳам ниҳоятда бой ва биологик хилма-хилликка эга ҳисобланади. Бу худудларда 59 оилга мансуб, 312 туркумга кирувчи 660 тур гулловчи юксак ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг 13 тури Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоб»ига киритилган. Шундан 48 тури эндемиклар(фақат шу худудларда ўсади) ҳисобланади, 400 тури фойдали ўсимликлардир(доривор, шифобахш ўсимликлар—119 тур, ем-ҳашак—88 тур, манзарали—57 тур, ошловчи—49 тур, озуқабоп—42 тур, захарли—35 тур, буёқбоп—10 тур, эфир мойли—14 тур, елим берувчи—3 тур, ёғли—3 тур, зирavor—5 тур).

Сингзор дарёсининг ирмоқларидан бири—Кўксойнинг ўрта қисмида оҳақтошлар орасидаги ғаройиб бир дарани маҳаллий аҳоли «Чортанги» деб

атайди. Бу дарада сув хайкираб оқиб, сайроқи кушлар каби ҳар хил овозлар чиқаради. Шунинг учун ҳам бу «Сайровчи дара» номини ҳам олган. Бу дара оҳактош ётқизиклари орасидан 2 км масофага чўзилган. Бундай тор ва чуқур даралар, Қашқасув, Ғўралашсойларда ҳам мавжуд.

Ғўралашсойнинг ўнг ён бағридаги катта арчали қисмида минг йиллар давомида нураш натижасида палахша тошлар турли шаклларга афсонавий аждарҳо, йўлбарс ва бошқа кўринишларга эга бўлганлигидан туристларни хайратга солади. Худди шундай табиат хайкаллари Қизил этаксойдаги «Қирққиз» дир (маҳаллий аҳолининг атамаси). Баланд ҳолатдаги қизил конгломерат ва қумнинг экологик тарихий даврда емирилиши натижасида Мисрдаги сфинксларни эслатувчи қирқта ўзига хос кўринишлардаги табиат хайкаллари ҳосил бўлган. Ушбу табиат яратган мўжизаларни туристлар томоша қилиш бишлан бирга шифобахш арчазорлар ҳавосидан баҳраманд бўладилар.

Уғом-Чотқол миллий парки. Уғом-Чотқол давлат табиат миллий парки 1990 йилда Тошкент вилояти ҳудудларида, Ғарбий Тянь-Шан тоғ тизмаларидаги 574,6 минг га майдонда ташкил қилинди. Ўрмон билан қопланган ерлар-56,4 минг га, яйлов ва пичанзорлар-177,3 минг га, суғориладиган ерлар-1,61 минг га, қояли ва ўсимликсиз яланғоч тоғ ёнбағирлари-329,4 минг га.

Миллий парк бу ерда жойлашган ва яшаётган ердан фойдаланувчилар ва ер эгаларининг хўжалик фаолиятларини тартиблаштириш, бетакрор табиий экотизимларни сақлаш, муҳофаза қилиш ва рекреацияли фойдаланиш мақсадларида ташкил қилинган.

Миллий паркнинг ҳудудлари қуйидаги фаолиятлар зонасига бўлинган;

- Агропаркли зона-59,1 минг га;
- Фаол рекреацияли зона-30,7 минг га;
- Мувофиқлаштириладиган рекреацияли зона-13,6 минг га;
- Қўриқхона зонаси-35,8 минг га;
- Қўриқхона тартиб шароитларига тенглаштирилган зона-109,1 минг га;
- Табиий ландшафтлар зонаси-326,1 минг га;
- Миллий парк ҳудудларида ўрмон хўжалигининг 322,6 минг га ва 620 га маданий ўрмонлар майдони рўйхатга олинган.

Уғом-Чотқол миллий паркнинг асосий қисми Чирчиқ дарёси ҳавзасида ги алоҳида-алоҳида табиий географик ландшафт мажмуаларини ҳосил қилувчи тоғлар экотизимларидан иборат. Табиий география ландшафт шунослиги қонуниятлари бўйича миллий парк ҳудудлари табиати қуйидаги табиий-географик мажмуаларга бўлинади;

- Пскемнинг бутун воҳа қисмини эгаллаган ва ўртача баланд тоғларнинг ён бағирлари, қуйи қисми билан боғланган ёввойи олмасор ва сийрак ўрмонли дарё террасаларидаги табиий ландшафтлар. Тоғ ён бағридаги грек ёнғоқли қолдиқ ўрмонлар экотизими;

- Қизил Нур тоғ массивидан ғарбдаги кучли парчаланган ўртача баландликдаги тоғларнинг куйи қисмидаги бугдойикли эфемероидли тоғлар ландшафтлари;
- Денгиз сатҳидан 1200-1400 метрдан то 2000-2500 метрлардаги Угом, Пскем, Кўксув ва Чотқол тоғлари ён бағирларида ривожланган арчазорлар билан кучли парчаланган ўртача баландликдаги тоғ ён бағирлари ландшафтлари;
- Кўксув, Пскем ва Угом сув айирғичларининг баланд қисмларини эгаллаган типчакли, паст бўйли альп ўтлоқлари билан баланд тоғ ландшафтлари. Бу майдонлар текислик кўринишидаги кенгликлардан иборат бўлиб субальп ва альп поясларида (3500 м) жойлашган;

Ғарбий Тянь-Шаннинг ўсимликлар олами миллий парkning бетакрор бойлиги бўлиб турларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан хайратланарли даражадаги ўсимлик турларидан иборат. Миллий паркта 2200 тур ўсимликлар ўсади, уларнинг 2150 тури ёпиқ уруғлилардир. Баланд тоғларга кўтарилган куйидаги сари куйидаги 5 та ўсимлик пояслари учрайди;



Тоғ барси(қор қоплони)Миллий парк табиати

- Денгиз сатҳидан 700-1200 метрлар баландликда- эфемер- эфемероидли минтака;
- Денгиз сатҳидан 1200-1500 метрлар баландликда-барг ташловчи ёғочсимон-бутали ўсимликлар қатлами;
- Денгиз сатҳидан 1500- 2300 метрлар баландликда-арчазорлар;
- Денгиз сатҳидан 2300-2800 метрлар баландликда-тоғ даштларининг ёстиксимон тиканли ўсимликлар қатлами;
- Денгиз сатҳидан 2800 метрлар баландликда-альп ўтлоқзорлари қатламлари ландшафтлари жойлашган.

Миллий парkning ўсимликлар қатламидаги турлардан 650 тури табобатда, халқ табобатида, 400 тури озиқ-овқат маҳсулотлари ва зираворлар сифатида ишлатилади. Миллий парк Ғарбий Тянь-Шаннинг Ўзбекистон қисмини эгаллаган бўлиб хайвонот олами куйидаги 280 турдан иборат;

- Сут эмизувчилар-44 тур;
- Қушлар-200 тур;

- Рептилиялар- 16 тур;
- Амфибиялар-2 тур;
- Балиқлар- 20 тур.

Миллийпаркхудоудларида

«Қизилкитоб»гакиритилганМензбирсуғури(кундуз)
нингасосийпопуляцияларияшайди.

Оқ тепа миллий парки(Оқтепа табиат боғи).Сурхондарё вилояти ноёб ҳайвонот ваноботот дунёсини тиклаш ва кўпайтириш ҳамда Ўзбекистон ва чет эл экотуризм саёхатчиларини ёввойи табиат билан таништириш, дам олиш, ов ва балиқ овлаш масканини яратиш мақсадида 2005 йил 9 март куни Ўзбекистон Республикаси Давлат бионазорати нозирлиги қошидаги Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани,Термиз шахридан 30 км шимолий-шарқда, жами 1034 гектар майдонни ташкил этган Оқ тепа сув омборининг атрофида жойлашган «Оқ тепа» табиат боғи ташкил этилди.

Ушбу маскан миграция қилувчи қушлар, ёввойи ўрдақлар ва сув қушларининг вақтинча дам олиб, тўхтаб ўтувчи ҳамда кўпгина қушларнинг қишлаб қолиш маконига айланган ҳудуддир. Ҳозирги кунда Оқ тепа миллий паркида ўрмонзорлар, саксауулзорлар барпо этиш, табиий тўқайзорлар ҳамда Марказий Осиёда қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ўсимликлар ва ҳайвонлар турини (Бухоро бугуси,Бухоро қўйи,жайрон ва морхўр) тиклаш ва кўпайтириш йўналишида кенг кўламли ишлар бошланди.

Сармишсой миллий парки.Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.1997 йилдаги қарори билан маҳаллий даражада ташкил қилинди. Ҳудуд сахро пасттоғликларини, уларнинг флора ва фаунасини муҳофаза қилади. Бу ерда қоятошларга чизилган 3000 дан ортиқ қадимий расмлар-петроглифлар мавжуд.



Сармишсой қоятошларидаги қадимий расмлар

Бу жаҳон миқёсида ҳам жуда ноёб ҳисобланади ва турли мамлакат лардан олимлар ва туристларда катта қизиқишлар уйғотади. Миллий боғнинг майдони 5000 га ва Навоий вилоятининг экология ва атроф муҳит муҳофазаси давлат кўмитаси назоратида.

10.2.Ўзбекистоннинг табиат кўриқхоналари.

Табиат кўриқхонаси-майдони ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан қаттиқ режимда кўриқланади.Ўзига хос, бетакроп табиат ландшафтлари, ноёб, йўқолиб бораётган ҳайвонот турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш мақсадида давлат томонидан ташкил қилинади.Кўриқхоналарда инсон фаолияти тақиқланади. Фақат илмий – тадқиқот ишларини ўтказишга рухсат берилган.Ўзбекистоннинг давлат кўриқхоналари–муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг энг қатъий тартибли тури бўлиб,муайян ўсимлик,ҳайвон турлари ва экотизимларни ҳимоялаш учун ташкил қилинган, доимий амал қиладиган муҳофаза этиладиган зоналар ҳисобланади.Кўриқхоналарда ҳар қандай хўжалик фаолияти тақиқланган(назорат этиладиган илмий тадқиқотлар бундан мустасно).

Кўриқхоналар Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи(IUCN) муҳофаза этиладиган зоналари таснифининг I тоифасига тўғри келади. Республика кўриқхоналарида «Қизил китоб»га кирган кўплаб ҳайвон турлари:хонгул,морхўр,Северцов кўйи,кўк суғур,Туркистон силовсини,йирик йирткич кушлар,ҳашаротлар муҳофаза қилинади.

Жаҳондаги давлатларнинг деярли барчасида табиат кўриқхоналари ташкил қилинган бўлиб турлар миқдори камайиб бораётган ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини давлат муҳофазасига олган. Бу турларнинг халқаро миқёсда камайиб бораётганлари «Халқаро қизил» китобга давлат миқёсида камайиб бораётганлари ҳар бир давлатда ташкил қилинган «Қизил китоб»га киритилган. Яна бири муҳим омилни қайд қилиш лозимки, турлари йўқолиб бораётган хавон ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш бўйича давлат кўриқхонаси ташкил қилишдан бошқа усулни бирон бир давлат кашф қилган эмас.

Ўзбекистон республикасида ҳам ҳозирга келиб 3 та миллий парк,9 та давлат табиат кўриқхонаси ва 10 та давлат буюртмаси(заказник) ташкил қилинган⁵⁹.Бу кўриқхоналар ватанимизда экотуризмни ривожлантиришда асосий экотуристтик объектлар ҳисобланади.Ўзбекистон Республикасида куйидаги кўриқхоналар мавжуд:Чотқол; Бадай-тўқай; Ҳисор; Зомин; Зарафшон;Қизилқум;Нурота;Сурхон;Китоб(4-жадвал).Жадвал маълумотларидан маълум бўладики,Ўзбекистонда табиат кўриқхоналари мамлакатимиз нинг барча табиат минтақаларида жойлашган. Бундай қулай салоҳият, шароитдан экотуризмни ривожлантиришда самарали фойдаланиш имкониятларни табиатнинг ўзи бизга яратиб берган. Давлат табиат кўриқхоналаримиздан на фақат халқаро туризмда балки ички туризмда ҳам фойдаланиш масалаларини ҳал қилишимиз лозим.

Афсуски, ҳозиргача бу кўриқхоналарнинг табиати ва уларда муҳофаза қилинаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини ватандошларимизнинг бармоқ билан санарли миқдордаги илмий мутахассислари, олимларигина билишади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришда халқаро

⁵⁹ Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси атласи,Тошкент,2007

ЭКОНОТ таклиф қилган энг қулай моделлардан фойдаланиш муаммоларини тезликда ҳал қилишими лозим бўлади.

1. Чотқол биосфера қўриқхонаси⁶⁰ 1947 йилда ташкил қилинган. Угом-Чотқол табиий миллий боғи таркибига кириб, Тошкентдан шарқда ва Ангрендан шимолда жойлашган. Умумий майдони 35724 га, шундан ўрмонлар 6586 га, далалар 7047 га, ховузлар 81 га ни ташкил қилади. Қўриқхона Тошкент вилояти ҳудудига Чотқол тизмасининг ғарбий қисмида жойлашган. Қўриқхонанинг мақсади Ғарбий Тянь-Шаннинг тоғли экотизимларини сақлаш ва атроф муҳит ҳолатининг экологик мониторингини иборат.

Чотқол қўриқхонаси флораси 1168 турга эга бўлиб, минтақа учун хосдир. Бу ерда Қўриқхона учун эндем бўлган 6 тур ўсади. Қўриқхона ўсимликларининг 28 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Бу ерда 44 турдаги сут эмизувчи, 230 дан ортиқ турдаги қуш, 16 турдаги рептилия ва 2 турдаги сувда ва қуруқликда яшовчи, 3 мингдан ортиқ турдаги умуртқасизлар яшайди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига бир турдаги илон, 10 турдаги қуш ва уч турдаги сут эмизувчи кирган. ТМХР «Қизил китоб»ига йўқолиб кетиш хавфи остидаги илвирс, кўк суғур, ўрмон соняси, кўршапалаклар–кичик ва катта такабурунлар ва учрангли туншапалак қушлардан: тасқара, қуйқа қора қаптар, окканот қизилиштон киритилган.

4-Жадвал

Ўзбекистон Республикасининг давлат табиат қўриқхоналари.

Қўриқхоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1. Чотқол тоғ-ўрмон-биосфера қўриқхонаси	Тоғ ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш. Қор қоплони муҳофазаси.	35200
2. Ҳисор қўриқхонаси	Тоғ-ўрмон ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни ўрганиш ва муҳофаза қилиш.	80986,0
3. Нурота тоғ-ёнгоқ ўрмонлари қўриқхонаси	Тоғ-ёнгоқзор ўрмонлари ландшафтлари, Грек ёнгогининг табиий популяциялари, ёввойи архарларнинг табиий популяциялари муҳофазаси.	21137,5
4. Сурхон қўриқхонаси	Тоғ-ўрмон ландшафтлари. Бурама шохли эчкининг табиий популяциялари (Морхўр), табиий арчазорлар муҳофазаси.	23802,38
5. Бадай-тўқай биосфера резервати	Тўқайзорлар ландшафти. Халқаро Қизил китобдаги Бухоро бугусининг табиий популяцияси, тўқайзорлар ўрмонларининг муҳофазаси.	6462,1
6. Зарафшон қўриқхонаси	Тўқай ландшафтлари. Қирғовулнинг табиий популяциялари ва чаканда бутасининг муҳофазаси.	2552,0
7. Қизилқум қўриқхонаси	Тўқай-қум ландшафтлари. Бухоро бугусининг табиий популяциялари.	10311,06
8. Зомин	Тоғ-арча ландшафтлари. Арча ўрмонлари ва	26848,6

⁶⁰ Миллий маъруза малумотлари. 110-120. б.

кўриқхонаси	унинг ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш.	
9.Китоб геологик кўриқхонаси	Тоғлар.Палеонтологик- страграфик объектларнинг муҳофазаси. Халқаро меридианнинг ватанимиздан ўтиши белгиси қўйилган.	5378,0

Кўриқхона худудий маъмурий орган–Тошкент вилояти ҳокимиятига бўйсунди.ЮНЕСКО МАБ дастури Халқаро Мувофиқлаштирув кенгаши нинг 9-қурултойида унга биосфера мақоми берилди. 1993 йилда белгиланган тартибда халқаро бисофера резерватлари тармогига киритилган, лекин унинг талабларига жавоб бермайди.Мақомини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Кўриқхона муҳофаза этиладиган худуд мақомида табиий муҳитнинг бир қисми, кенг тарқалган ёки ноёб ландшафт шакллари ёки ўсимлик ва ҳайвонлар генетик ресурсларини сақлаш жойлари сифатида табиатни муҳофаза қилиш, илм-фан ва экологик таълим учун катта аҳамиятга эга бўлган табиий комплекслар (ер, ер ости бойликлари, сув, флора ва фауна)ни муҳофаза қилишга хизмат қилиб келмоқда.

2.Ҳисор давлат кўриқхонаси Қашқадарё вилоятида Ҳисор тизмасининг гарбий ёнбағрида денгиз сатҳидан 1750 м дан 4349 м гача баландликда жойлашган.1983 йилда икки давлат кўриқхонаси–Қизилсув ва Мироки кўриқхоналарининг бирлашиши натижасида ташкил қилинган. Ҳозирги пайтда бу Ўзбекистондаги энг катта кўриқхонадир.Умумий майдони 80986 га ни ташкил қилади.

Кўриқхонада ўрмон, дала экотизимлари ажралган;ўрмон билан қопланмаган майдони 56678,1 га; яйловлар мавжуд; дарё ва қўлларга 171 га тўғри келади;ботқоқликлар 511 га; қияликлар ва тоғ ёнбағридаги тўқилмалар 31819 га ни ташкил қилади; йўллар, шудгор ва қамишзор далалар мавжуд. Кўриқхонанинг асосий ўрмон ҳосил қилувчи ўсимликлари зарафшон ва ярим шарсимон арчалар ҳисобланади.Умуман олганда муҳофаза этиладиган худуддаги ўсимликлар Марказий Осиё тоғлари учун одатий бўлиб, унинг катта қисми тор эндем ўсимликларидир.Баъзи ҳисобларга қараганда томирли ўсимлик турларининг умумий миқдори 800-900дан кам эмас. Мураккабгулдошлар,дуккакдиллар,бутгулдошлар донлилар, соябонлилар лабгулдошлар турлари кўплаб учрайди.




МорхўрТоғ қўйи

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ноёб турлардан кўриқхона ҳудудида 32 турдан кам бўлмаган томирли ўсимлик тури ўсади. Кўриқхонанинг хайвонот олами бой, турли-туман ва тоғли ўрмонларга хос бўлган деярли барча турларни камраб олади. Кўриқхонада 2 турдаги балик, 19 турдаги амфибия ва рептилия, 103 турдаги уяли қушлар, 28 турдаги турэмизувчи яшайди.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига октирноқ айиқ, илвирс, туркистон силовсини, эрон кундузи, қушлардан: бургут, болтаютар, итолғи, кумой, кичик бургут киритилган. Қизилсуй майдонидаги Осмонталаш чўққиси энг юқори нукта—денгиз сатҳидан 4000 м дан баланд, айнан шу ерда сибирь кўзиси, илвирс, улар ва қизил суғур яшайди. Судралиб юривчилардан сувилон, чипорилон, қалқонтумшук, кўлвор, туркистон ағамаси ва бошқалар учрайди.

Тожикистон билан чегарада кўриқхонанинг энг йирик дарёларидан бири Оксув ҳавзасида энг юқори чўққили Ўқилон участкаси жойлашган. Унинг баландлиги денгиз сатҳидан 2500 дан 4300 м гача оралиқда. Бу участкада Ўзбекистондаги энг йирик Северцов музлиги мавжуд. Ҳисор давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси тизимига киради ва Давлат биологик назорати томонидан бошқарилади.

4. Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси жануби-ғарбида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Нурота тизмасининг марказий қисмида жойлашган. 1975 йилда ташкил қилинган. Кўриқхона майдони 17752 га, шундан 2529 га ўрмон билан қопланган. Ёнғоқнинг кадрли турларини сақлаб қолиш ва Северцов кўйининг ноёб популяциясини химоялаш кўриқхонанинг асосий мақсади ҳисобланади.



Кўриқхонадаги архарлар

Помир-Олой тоғ тизими ва Қизилқум чўлининг оралиғида жойлашган кўриқхонада тоғли, чўлли ва бореал турлар, шунингдек кўп миқдорда эндемикларни ўз ичига олган ўзига хос флора шаклланди. Асосий муҳофаза

қилиш объектлари эндемиклар, реликт ва ноёб ўсимликлар ва ўсимлик ҳамжамятлари ҳисобланади.

Кўриқхона флораси 600 дан ортик (27 эндемик) турни камраб олган. Авваллари Нурота тизмаси арча ўрмонлари билан қопланганди, лекин улар ўтган асрадаёқ кесиб ташланган. Кўриқхонада атиги 30 га яқин арча қолган. Кўриқхона фаунаси 183 турдан иборат, шундан 13 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган.

Нурота давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади. Кўриқхонанинг Осафсойида қадимги қоятошларга чизилган қадимий расмлар сақланиб қолган. Мужрумсойда эса 1000 ёшли арчалар бор. Ухум, Синтобсой, Устун қишлоқларида ҳам Александр Македонский номи билан боғланиб қолган жойлар, 1000 ёшли дарахтлар давлат муҳофазаси рўйхатида олинган.

4. Сурхон давлат кўриқхонаси Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, иккита мустақил ҳудуд: Орол-Пайғамбар ва Кўхитонгтоғ тизмаси шарқиё ёнбағридан ташкил топган. Умумий майдони 3092 га бўлган Орол-Пайғамбар ҳудуди Халқаро Қизил китоб ва Ўзбекистон Қизил китобига кирган Бухоро бугуси (хонгул) ва яйлов, тўқай экотизимларини сақлаб қолиш мақсадида 1971 йилдаёқ кўриқхона сифатида ташкил топганди.

1987 йилда Кўхитонг давлат кўриқхонаси Орол-Пайғамбар кўриқхонаси билан бирлаштирилди ва умумий майдони 24554 га бўлган Сурхон давлат кўриқхонасига қайта ташкил қилинди. Кўриқхонанинг Кўхитонг ҳудуди тоғ-ўрмон экотизим сифатида тавсифланади. Унинг ҳудуди Помир-Олой тоғ тизими Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида денгиз сатҳидан 1500 дан 3157 м гача баландликда жойлашган. Кўриқхона ҳудуди кўп сонли майда сойлардан таркиб топган яхши ривожланган гидрографик тизимни таъминлайдиган доимий ва муваққат оқадиган кўплаб сув оқимларига эга. Ҳозирги пайтда Кўхитонда 269 тур ва 55 оилга мансуб 578 ўсимликлар рўйхатга олинган, шундан 23 турдаги ўсимлик тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»ига киритилган.

Ерусти (ўрмон, дала, адир) ўсимликлари билан банд майдон 16620 га (67,7%), тошли ёнбағир, тўқилма, қияликлар билан банд майдон 7839 га (31,9%). Ўрмонлар 9288 га ёки ҳудуднинг 37,8 фоизини ташкил қилади. Асосий ўрмон ҳосил қиладиган ўсимлик зарафшон арчаси ҳисобланади. Кўриқхонада умуртқасизлар кўп миқдорда ва хилма-хил турларда тақдим қилинган, лекин мутахассислар йўқлиги туфайли ҳалигача ўрганилмаган. Ҳозирги пайтда Кўхитонгда 1 турдаги балиқ, 2 турдаги амфибия, 26 турдаги рептилия, 74 турдаги қуш ва 23 турдаги сутэмизувчи аниқланган. Сурхон давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

5.«Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси 1971 йил октябрь ойида тўқай ландшафтини ва унинг ҳайвонот оламини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудида олтинчи ва Қорақалпоғистонда биринчи кўриқхона сифатида ташкил топган. Кўриқхона Куйиамударёнинг ўнг соҳил тўқайзорларида ватанимиз ҳайвонот оламида эндемик бўлган халқаро «Қизил китоб»даги Бухоро буғусини сақлаб қолиш, муҳофаза қилш ва кўпайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудларида ташкил қилинган. Кўриқхонада 91 тур қушлар яшайди шулардан 18 тури қишлоқчи қушлар ҳисобланади. 1975 йилда кўриқхонага 4 бош Бухоро буғуси келтирилган эди, ҳозирда уларнинг сони 350 бошдан ошди. Кўриқхона БМТ нинг Ўзбекистондаги тараққиёт лойиҳаси бўйича халқаро биосфера резерватига айлантирилган.



Бухоро буғуси

Майдони 6462 га, хусусан, ўрмон билан қопланган ери 3975 га. Беруний ва Кегайли туманлари ҳудудида Амударё паст оқимида жойлашган. Тўқай чангалзорлари майдоннинг 70 фоизини эгаллайди. Ҳайвонот олами 91 турдан ортик қуш, 15 турдаги сутэмизувчи ва 15 турдаги балиқни ўз ичига олади. «Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси ТМХР Қизил китоби, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоб»и, СИТЕС II Иловасига киритилган Бухоро буғусини (хонгулни) иқлимлаштириш билан шуғулланади. «Бадай-тўқай» давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимида кирди ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

6.Зарафшон давлат кўриқхонаси 1975 йилда ташкил этилган, Самарқанд вилоятида жойлашган. Унинг ҳудуди Чўпонота чўккиларидан бошланади ва тор тизма бўлиб Зарафшон дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб 47 км га чўзилган. Ўрмон ерининг кенглиги 300 дан 1500 м гача. Кўриқхона майдони 2352га, шундан 680га ўрмон билан қопланган. Кўриқхона ватанимизнинг энг

чиройли, ноёб ов куши бўлган- Зарфшон тустовугини, шифобахш бута ўсимлиги -чакандани ва даё соҳилидаги тўқайзор ўрмонларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадларида ташкил қилинган.

Кўриқхонани ташкил қилишдан мақсад йўқолиб бораётган чиройли Зарафшон қирғовулини, кимматли доривор бутаси—чаканда (облепиха), тўқай чангалзорини тиклаш ва сақлаш, илмий тадқиқотлар олиб боришдан иборат. Кўриқхонанинг нисбатан кичик ҳудудида қарийб 300 турдаги ўсимлик ўсади. Кўриқхонада 59 турдаги доривор ва 23 турдаги техник ўсимлик аниқланган.



Зарафшон тустовуги Чаканда ўсимлиги

Кўриқхонанинг фаунаси 359 тур билан тақдим қилинган, шундан амфибиялар—2, судралиб юривчилар — 8, қушлар—206, сутэмизувчилар—24 турни ташкил қилади. Ноёб ва йўқолиб кетаётган турлар 32 та. 1995 йилдан бери Зарафшон давлат кўриқхонасида хонгулни кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. 1996 йилда Зарафшон давлат кўриқхонасига «Бадай-тўқай» кўриқхонасидан 6 бош Бухоро буғуси келтирилган. Ҳозирги пайтда кўриқхона ҳудудида юз бошдан зиёд хонгул яшайди. Зарафшон давлат кўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Кўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.

7. Қизилқум давлат кўриқхонаси 1971 йилда ташкил топган, Бухоро вилоятида жойлашган. Кўриқхона майдони 10311 га ни ташкил қилади, шундан 5144 га ўрмон билан қопланган, 6964 га қумли зонада ва 3177 га Амуёдарё бўйида жойлашган.

Кўриқхона ҳудудида 250 турдаги ҳайвон мавжуд, шундан 10 дан ортик тури ТМХР Қизил китоби ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган; 160 турдаги ўсимлик учрайди, шундан 2 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига кирган. Бухоро буғуси алоҳида эътиборга молик, унинг сони 1991 йилдан бери 200 бошгача кўпайди.

Қизилқум давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади. Ҳозирда сони 5 мингдан ошган Амударё тустовуғи ҳам асосий муҳофазадаги қушлардан ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудларида ҳозирда жайрон ҳам кўпайтирилмоқда.



Бухоро бугуси Жайронлар

8.Зомин давлат қўриқхонаси 1960 йилда ташкил этилган, Жиззах вилоятининг Зомин ва Бахмал туманларида 26840 га майдонда жойлашган, шундан 11322 га ўрмон билан қопланган. Денгиз сатҳидан 1760-3500 м баландликдаги тоғ-арча экотизимлари муҳофаза қилинади, 700 дан ортиқ турдаги ўсимлик мавжуд, шундан Зарафшон, ярим шарсимон ва туркистон арчалари ўрмон ҳосил қилади. Бу қўриқхона теғраларида ва чегара ҳудудларида Зомин миллий парки жойлашганлиги ва миллий парк ҳақидаги маълумотлар келтирилганлиги учун қўриқхона табиати ҳақида тўхталишнинг зарурати йўқ.

Экотуристларни жалб қиладиган объектлари сўлим табиати, арчазор ўрмонлари ва турли-туман ҳайвонот олами ҳисобланади. Қўриқхонада «Қизил китоб»даги оқ тирноқли айиқ, сибир тоғ эчкиси, туркистон силовсини ва қора лайлак асосий муҳофазада ҳисобланади. Қўриқхона ҳудудида ҳайвонлар 152 тур билан тақдим қилинган, шундан 16 тури Халқаро «Қизил китоб» ва Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган. Зомин давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси тизимига киради ҳамда Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик хўжаликлари бошқармаси томонидан бошқарилади.



Оқ тирноқли қўнғир айиқ Тасқара

9. Китоб давлат қўриқхонаси 1979 йилда 3938 га майдонда ташкил топган. Китоб-Шахрисабз водийси қулай сайёҳлик имкониятлари жиҳатидан ватанимизнинг ноёб, бетакрор ўлкаларидан ҳисобланади. Ҳисор ва Эрафшон тоғлари ўртасидаги хушманзара гўшалар экотуризмни ривожлантиришнинг манзиллари бўлиб хизмат қилади. Қўриқхона Қашқадарё вилоятида Зарафшон тизмасининг жануби-ғарбий тармоқларида жойлашган, баландлиги 1300 дан 2650 м гача оралиқда. Қўриқхона худудида 168 турдаги ҳайвон мавжуд (қушлар—128, сутэмизувчилар—21, судралиб юрувчилар—14, балиқла—3 турдан иборат) билан тақдим қилинган, шундан 10 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган, 800 турдаги ўсимлик ўсади, шундан 23 тури Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га кирган.

Қўриқхона худудидаги Обисафид, Хўжақўрғон, Занзилбан, Новабак, Қўшнова, Қизиллолма, Жаршафи даралари қўриқхона худудини чуқур кесиб, тақрорланмас мазараларни ҳосил қилади. Қўриқхонадаги Занзилбан сойининг кесмаси Қуйи Девон даври Эм яруси қуйи чегарасининг дунё бўйича стратиграфик эталон-стандарти ҳисобланади. Китоб давлат қўриқхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига бўйсунди, Китоб геология экспедицияси томонидан бошқарилади. Бу қўриқхонанинг халқаро микёсдаги ахамияти шундан иборатки, қўриқхона худудида халқаро меридианнинг ўтганлиги ҳақида халқаро белги қўйилган. Бу имкониятни реклама қилиб халқаро экотуристларни қўриқхонага қизиқтириш мумкин.

Республика қўриқхоналари афсуски ягона тизимни ташкил қилмай, тўртта турли идорага бўйсунди. Давлат табиатқўмитаси ихтиёрида 1 та—Ҳисор; Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ўрмон хўжалиги бош бошқармасида 6 та—Бадай-тўқай, Зомин, Зарафшон, Қизилқум, Нурота, Сурхон; Давлат геологияқўмитаси ихтиёрида 1 та—Китоб; Тошкент вилояти ҳокимиятида 1 та—Чотқол қўриқхоналари мавжуд. Чотқол биосфера қўриқхонаси 2000 йилда хавфсизлик нуктаи-назаридан Тошкент вилояти ҳокимиятига берилди.

10.3. Ўзбекистоннинг табиат буюртмаҳоналари.

Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришда яна бир салоҳиятли экотуристтик объектларнинг бири-табиат Буюртмаҳоналари ҳисобланади ⁶¹. Ватанимизда турлари камайиб кетаётган ўсимликлар, ҳайвонлар ва табиий ландшафтларни маълум бир муддатларда муҳофаза қилувчи 10 та табиат буюртмаҳоналари(Заказниклари)бор(5-Жадвал).

5 -Жадвал

Ўзбекистон Республикасининг табиат Буюртмаҳоналари

Буюртмаҳоналар	Ихтисослашуви	Майдони, га
1. Арнасой буюртмаҳонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишловчи қушларнинг муҳофазаси.	63300,0
2. Денгизқўл буюртмаҳонаси	Сув ҳавзаси табиати, Қушлар ва қишловчи қушларнинг муҳофазаси.	50000,0
3. Қорақир буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Жайрон ва қишловчи қушларнинг муҳофазаси.	30000,0
4. Қарнобқўл буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабовур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	40000,0
5. Қўшрабод буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Тувалоқ, қорабовур ва жайронларни ва уларнинг яшаш жойлари муҳофазаси.	16500,0
6. Нуробод буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Саксауулзорлар, тувалоқ ва қобрани муҳофаза қилиш.	29000,0
7. Оқтоғ буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Барча табиий мажмуаларни муҳофаза қилиш.	2500,0
8. Сайғачи буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари. Сайғокларни муҳофаза қилиш.	1000000,0
9. Судочье буюртмаҳонаси	Сув ҳавзалари табиати. Балиқлар ва кўчиб ўтувчи қушларни муҳофаза қилиш.	50000,0
10. Муборак буюртмаҳонаси	Қўл ландшафтлари табиати биохилмаҳиллиги ва асосан йўрға- тувалоқ ни саклаш, муҳофаза қилиш ва кўпайтириш.	219534

Бу буюртмаҳоналарлар мамлакатимиз ҳудудларининг барча табиий ландшафтлари мажмуаларини қамраб олган бўлиб флора ва фаунаимиздаги кўплаб ноёб биологик хилма-хилликни, табиий ландшафтларни, сув ҳавзаларини ва уларда муҳофаза қилинаётган ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсини, ватанимизда қишлаб кетадиган қушларни муҳофаза қилади Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритадиган 10 та буюртмаҳона мавжуд.

1. «Денгизқўл» давлат орнитологик буюртмаҳонаси ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1973 йилдаги 530-сонли қарори билан ташкил қилинган, фаолияти муддати Бухоро вилояти ижрокўмининг 26.06.90 йилдаги 157-11-сонли қарори билан (муддатсизга)узайтирилди. Буюртмаҳона майдони 50

⁶¹ Ғуломов Р. ва бошқ. Туркистон табиий географияси. Тошкент, «Ўқитувчи», 2000. 191 б.

минг га.Ташкил қилишдан мақсад–учиб ўтадиган сувда сузувчи қушларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, қишлаш ерларини, яшаш мухитини сақлаб қолишдир.Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат қўмитаси ихтиёрида. Буюртмахонани муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.Муҳофаза доимий эмас, оператив рейдлар орқали юритилади.

2.«Қорақир» давлат буюртмахонаси Бухоро вилояти ижрокўмининг 25.01.92 й.даги 15-1-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахонанинг муддати чекланмаган.Майдони 30 минг га.Ташкил қилишнинг мақсад–учиб ўтадиган қушлар ва бошқа ҳайвонларни, улар яшаш ва кўпайиш ерларини муҳофаза қилишдан иборат.Давлат табиат қўмитаси,Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.Буюртмахона ҳудудини муҳофаза қилиш давлат табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

3.Арнасой орнитологик буюртмахонаси Жиззах вилояти Фориш туманидаги Тузкон кўлида ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 9.09.83 йилдаги 521-сонли қарори билан ташкил қилинган. Буюртмахона майдони 63,3 минг га. Буюртмахона муддати чекланмаган.Ташкил қилишдан мақсад–учиб ўтадиган ва уя қурадиган қушларни муҳофаза қилишдир. Буюртмахонани Давтабиатқўм–Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Давлат биологик назоратнинг Арнасой инспекциялари муҳофаза қилади.

4.«Сайгачи» давлат буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 й.даги 311/42-сонли қарори билан ташкил қилинган.Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 й.даги 33/1-сонли қарори билан буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди. Буюртмахона майдони 1 млн. га. Буюртмахона сайғоқлар СITES II ва улар яшаш жойлари–миграция йўллари, қишлаш ва кўпайиш ерлари, шунингдек, бошқа, биринчи навбатда,“Қизил китоб”га киритилган ҳайвонлар – тувалоқ, йўрға-тувалоқ қабиларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил қилинган. Қорақалпоғистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсунди.

5.«Судочье» давлат орнитологик буюртмахонаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29.11.91 йилдаги 311/42-сонли қарорига мувофиқ ташкил қилинган.Қорақалпоғистон Республикаси Муйноқ туманида жойлашган.Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 11.02.2001 йилдаги 33/1-сонли қарорига мувофиқ буюртмахона тартибининг амал қилиш муддати 2020 йилгача узайтирилди.

Буюртмахона майдони 50 минг га.Орнитологик буюртмахонасини ташкил қилишдан мақсади–Амударё соҳилбўйидаги сув-ботқоқлик жойлари биологик комплексини сақлаб қолиш,учиб ўтадиган қушларни,улар кўпайиши ва дам олиши жойларини муҳофаза қилишдан иборат.Ҳар йили кўлда юз минглаб сувда сузувчи ва сув яқинида яшайдиган қушлар дам олади ва кўпайишади.Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига бўйсунди.

6.«Муборак» давлат буюртмахонаси Қашқадарё вилояти ҳокимиятининг 5.12.98 йилдаги Х-344/12-сонли қарори билан ташкил қилинган(муддати чекланмаган).Буюртмахона майдони ўзгартирилган–219534 га.Ташкил қилиш мақсади–йўрға-тувалок,унинг яшаш жойлари ва бошқа ёввойи ҳайвонлар яшаш жойларини сақлаб қолишдан иборат.Давлат табиат қўмитаси–Қашқадарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

7.«Оқтоғ» давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган).Навоий вилояти Нурота туманидаги Оқтоғ тизмасида жойлашган.Буюртмахона майдони 15420 га.Ташкил қилиш мақсади- «Оқтоғ» тоғли мавзеси табиий комплексини сақлаб қолиш. Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

8.«Қарнабчўл»давлат буюртмахонаси Навоий вилояти ҳокимиятининг 9.07.98 йилдаги Ф-90-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 25 минг га. Ташкил қилишдан мақсад–биринчи навбатда,йўрға-тувалок ва унинг яшаш жойлари, шунингдек,бутун Қарнабчўл биологик комплексини сақлаб қолиш. Буюртмахона йўрға-тувалок кўплаб учиб ўтадиган йўлда жойлашган. Давлат табиатқўмитаси–Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

9.«Қўшрабод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 16 минг га.Ташкил қилишдан мақсад–Қизил китобга киритилган ҳайвонлар–йирткич қушлар,Нурота кўрикхонасидан буюртмахона ҳудудига кирадиган Северцов кўйини (*Ovis ammon severtzovi*) муҳофаза қилишдир.Давлат табиатқўмитаси–Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

10.«Нуробод» давлат буюртмахонаси Самарқанд вилояти ижроқўмининг 8.07.92 йилдаги 86-к-сонли қарори билан ташкил қилинган (муддати чекланмаган). Буюртмахона майдони 40 минг га. Ташкил қилишдан мақсад–ёввойи ҳайвонлар, жумладан, йўрға-тувалок ва унинг яшаш жойлари, бутун табиий чўл комплексини муҳофаза қилишдир.Давлат табиатқўмитаси-Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ихтиёрида.

Қайд қилинган табиат кўрикхоналарига, буюртмахоналарига турмаршрут орқали бориш ҳам экотуристлар учун зерикарли бўлмайди аксинча, табиат ландшафтлари,табиий минтақалар ўзгариб бурганидан экотуристлар кўз ўнгида хилма-хил ўсимликлар дунёси ва ҳайвонот олами ҳам ўзгариб боради. Экотуризмни ривожлантириш дастурларини режалаштириш ва тайёрлашда биринчи навбатда,мамлакатимизда ички экотуризмни ривожлантиришга катта эътибор беришимиз лозим бўлади.Чунки, давлат табиат кўрикхоналарига туристларнинг,табиатга кизикувчиларнинг қўйилмаслиги натижасида аҳолининг,талабаларнинг, мактаб ўқувчиларининг кўрикхоналаримиз ҳақидаги билимлари жуда кам.Шунинг учун ҳам халқаро экотуризм ривожланган давлатларнинг айниқса экотуризм ривожланган Европа давлатларининг бой тажрибаларини кўрикхоналаримизда қўллаш вақти келди. Бунинг учун биринчи навбатда

ватанимизда алоҳида муҳофазадаги ҳудудлардан экотуристик мақсадларда фойдаланишнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқишимиз лозим.

Экотуризм ишқибозларини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин;

- Табиий ландшафт мажмуаларига қизиқувчи экотуристлар;
- Фақат сут эмизувчи ёввойи ҳайвонларга қизиқувчи экотуристлар;
- Фақат қушлар ҳаётига қизиқувчи экотуристлар;
- Фақат қалтақесакларга қизиқувчи экотуристлар;
- Фақат ўсимликларга қизиқувчи экотуристлар;
- Сув ҳавзалари табиатига қизиқувчи экотуристлар;
- Ўрмонлар табиатига қизиқувчи экотуристлар;
- Сафарига қизиқувчи экотуристлар.
- Шаршараларга қизиқувчи экотуристлар;
- Ғорларга қизиқувчи экотуристлар;
- Очиқ геологик ётқизикларга қизиқувчи экотуристлар;
- Табиий жараёнларга қизиқувчи экотуристлар.
- Қишлоқваовулларжойлашганерларга қизиқувчи экотуристлар.

Экотуризмни мамлакатимизда ташкил қилишда экотуристларнинг бу қизиқишларини диққат-эътиборга олишимиз керак. Чунки маълум бир табиий объект ёки табиий компонент ёки биологик хилма-хилликга қизиққан экотурист экотуризм маршрутларида ўзи жуда қизиққан биологик ресурслар объектини кўрса, қузатса, томоша қилса табиийки унинг хурсандчилиги экомаршрутдан қониқиш жуда юқори натижани беради.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасидаги давлат табиат кўриқхоналарида, табиат буюртмахоналарида, миллий паркларида сақланаётган, муҳофаза қилинаётган ва кўпайтириляётган, ноёблиги бўйича эндемик бўлган ва халқаромиқийёсдаги халқаро «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонот ва ўсимликлар турларини ҳам экотуризмда фойдаланиш учун табиат кўриқхоналарининг экотуристик рекламасига киритиш экотуристларни табиат кўриқхоналарига жалб қилишда мақсадли йўналишлардан бўлади деб ҳисоблаймиз. Чунки, халқаро «Қизил китоб»нинг довуруғи, ўзига чорловчи кучи, шуҳрати ҳақиқатдан ҳам халқаро масштабларда ўлчанмоқда. Иккинчидан, биздаги халқаро «Қизил китоб»даги ҳайвонлар дунёнинг кўпжа давлатларида кирилиб, абадий йўқ бўлиб кетган.

10.4. Ўзбекистоннинг табиат ёдгорликлари.

Табиат ҳайкаллари келиб чиқиши жиҳатидан жуда хилма-хил бўлмасин, уларнинг ҳар бирида табиат жараёнларининг излари қолган бўлади. Уларнинг ҳолати, тузилишига қараб ана шу жой табиатидаги муаммоларни ечиш тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин. Ўзбекистоннинг табиат музейларининг рўйхатга олинганлари 400 та. Буларнинг кўпчилигини "ботаника музейлари" ташкил қилади. Бу музейлардан 75 тасига "паспорт" берилган, яъни давлат томонидан қайд қилинган ва алоҳида муҳофаза қилинади.

Давлат табиий ёдгорликлари (Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофазат этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни 26-моддасига мувофиқ Давлат табиий ёдгорликлари III тоифадаги МЭТХга киради):

Варданзи табиат ёдгорлиги Навоий вилояти ҳокимиятининг 21.04.97 йилдаги К-113-сонли қарорига мувофиқ тузилган (собиқ иттифок даврида кўриқхона мақомига эга бўлган), майдони 320 га ни ташкил қилади.

«Мингбулоқ» табиат ёдгорлиги Наманган вилояти ҳокимиятининг 28.12.91 йилдаги 164/14-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

«Чуст» табиат ёдгорлиги Ўрта Осиё ўсимликларни ҳимоялаш ИТИ ташаббуси билан Наманган вилояти ҳокимиятининг 19.08.90 йилдаги 65/5-сонли қарорига мувофиқ (шунингдек, Наманган вилояти Чуст тумани Халқ депутатлари кенгашининг 1990 йил 30 августдаги П-5/12-сонли қарорига) мувофиқ тузилган, майдони 1000 га ни ташкил қилади.

«Ёзёвон» табиат ёдгорлиги Фарғона вилояти ҳокимиятининг 23.05.94 йилдаги 164-сонли қарорига мувофиқ тузилган, майдони 1842 га ни ташкил қилади.

«Марказий Фарғона» табиат ёдгорлиги Фарғона вилояти Халқ депутатлари кенгаши Охунбобоев тумани ижроия кўмитасининг 1986 йил 2 августдаги қарорига мувофиқ «Солижонобод» хўжалиги ерларида тузилган, майдони 142,5 га ни ташкил қилади.

«Янгибозор» табиат ёдгорлиги Хоразм вилояти Янгибозор тумани ҳокимиятининг (10.05.03 йилдаги 738-сонли, 4.02.04 йилдаги 819-сонли, 7.08.04 йилдаги 853-сонли, 17.04.04 йилдаги 1155-сонли) қарорларига мувофиқ тузилган. Майдони ўзгариб турган ва тегишли равишда 136 га, 113,2 га, 120 га, 121 га ни ташкил қилган, ҳозирги пайтда 490,3 га.

Таянч сўзлар ва иборалар: кўриқхона, буюртмахона, ўсимлик тури, ҳайвонот тури, эндемик, қизил китоб, геологик ётқизиклар, орнитология.

Мавзуни ўзлаштириш бўйича тест саволлари:

1. Ўзбекистонда нечта миллий парк бор?

А.4 та.

Б.6 та.

В.8 та.

Г.2 та.

2. Ўзбекистонда нечта табиат кўриқхонаси бор?

А.4 та.

Б.6 та.

В.8 та.

Г.9 та.

3. Ўзбекистонда нечта табиат буюртмахоналари бор?

А.6 та.

Б.8 та.

В.10 та.

Г.12 та.

4.Ўзбекистонда халқаро биологик резерват мақомига эга бўлган кўриқхонани аниқланг.

А.Зомин тоғ-ўрмон кўриқхонаси.

Б.Китоб кўриқхонаси.

В.Зарафшон кўриқхонаси.

Г.Бадай-тўкай кўриқхонаси.

5. Ўзбекистонда халқаро биосфера кўриқхонаси мақомига эга бўлган кўриқхонани аниқланг.

А.Зомин кўриқхонаси.

Б.Чотқол кўриқхонаси.

В.Ҳисор кўриқхонаси.

Г.Зарафшон кўриқхонаси.

Мавзунинг ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1.Нима учун миллий парк дейилади?

2.Нима учун табиат буюртмахонаси дейилади?

3.Нима учун табиат ёдгорликлари дейилади?

4.Нима учун биосфера кўриқхонаси дейилади?

5.Ўзбекистоннинг миллий парклари ҳақида гапириб беринг.

6.Ўзбекистоннинг табиат кўриқхоналари ҳақида гапириб беринг.

7.Ўзбекистоннинг биосфера кўриқхоналари ҳақида гапириб беринг.

8.Ўзбекистоннинг буюртмахоналари ҳақида гапириб беринг.

11-Мавзу. Орол денгизи ҳавзаси экологик туризм ресурслари.

Режа:

11.1.Орол денгизи ва Қуйямударё ҳавзасидаги экологик ҳолат.

11.2.Орол денгизи ҳавзасида экотуризмни ривожлантириш йўллари.

11.1.Орол денгизи ва Қуйямударё ҳавзасидаги экологик ҳолат.

Орол денгизи - Марказий Осиёнинг Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсик ва Оролбўйи Қорақуми каби йирик чўллари бирлашган худудидаги ноёб денгиз. Катталиги жиҳатдан Каспий, Юқори кўл (Шимолий Америка) ва Викториядан (Африка) кейин тўртинчи ўринда турган денгиз эди. Ўтмишдаги аёвсиз урушлар, Амударёнинг чап қирғоғидаги дамбаларнинг бузилиб туриши натижасида Орол сатҳи то 10 метргача пасайиб турган. Амударё эски ўзани оркали Сарикамиш чўкмасига оққан. Лекин халқ хамиша Амударё сувини Оролга йўллаган.

Орол бу сўзнинг маъноси-"Орол"-сув ҳавзалари ўртасидаги куруклик, Денгиз, денгиз тўсатдан-орол,гайриоддий туюлади. Балким, денгизнинг номланишида, унинг тақдирида бора-бора тупроқда айланиши ёзилганмикин..? Нима бўлса ҳам Оролнинг ҳолати ҳозирча шу томонга ривожланиб бормоқда.

Орол муаммоси XX аср бошларида юзага чиқа бошлади. Бу вақтда тадқиқотчилар суғориладиган ерларнинг тобора кенгаётганлиги, Оролни тўйинтирадиган сувларнинг олиб қўйилиши, натижада денгиз сатҳи пасайишини исботлаб бердилар. Лекин улар бу пасайишнинг экологик оқибатларини кўрсатиб беролмади.


Ўтган асрнинг 6- йилларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёда суғориладиган ерларни кескин кенгайтириш режалари тузилаётган пайтда олимлар яна Оролни тадқиқ қила бошлади. Худди шудаврда таниқли мутахассислар гидрологлар, гидротехник ларнинг башоратлари матбуотда эълон қилинганди. Бу маълумотлар бўйича Амударё ва Сирдарё сувларини суғоришга олишда Оролнинг пасайиши табиий-муҳитга зарар келтирмайди. Улар ҳатто Оролнинг қуриши, унинг ўрнида суғорма дехкончиликнинг ривожланишни тезлаштиради каби хиёнаткорона фикрларни, хулосаларни ҳам билдиришади.

Орол денгизининг қуриган соҳилида Америкалик космонавтлар коинотда олган суратлар қўйилган (-Расмлар). Ўта маъсулиятсизик, табиатга ва Марказий Осиё халқларига нисбатан хиёнаткорликга асосланган бундай илмий хулосалар Орол денгизининг тақдирини ҳал қила бошлаган эди, 70 йиллардан Орол сатҳи ҳалокатли даражада пасая бошлади^{62, 63}.

Орол муаммоси, унинг атрофидаги чўлланиш биргина бизда эмас бутун Марказий Осиёда жиддий экологик ҳавфни тоборо кучайтирмоқда. Орол бўйини экологик инкироз худуди деб атаса тўғри бўлади. Экологик инкироз минтақасида 3 млн. аҳоли яшайди.

Оролнинг қуриб қолган қисми тузли чанг бўронлари ўлкасига айланди. Суғориш ерларга минерал ўғитларни назоратсиз солиш оқибатида Орол ҳавзасида тўпланиб қолган 75 млн. тонна захарли моддалар шамолда кўтарилиб бутун Орол бўйига сочилмоқда.

Кейинги 20 йилда аҳоли орасида ўлим табиийга нисбатан 2 марта ошди. Кейинги 15 йилда Қизил ўрда ва Чимкент вшнотларида 36 марта юкумли




Орол денгизининг 1960 ва 1970 йиллардаги ҳолати.

⁶². Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш, 1-қисм, Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 238 б.

⁶³. Акрамов З., Рафиков А., Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря, Тошкент, «Меҳнат»-1990, 141, б.



Орол денгизининг 1990 ва 2000 йиллардаги ҳолати.



Орол денгизининг ҳозирги ҳолати



касалликлар таркалди. Орол бўйида тиф, вирусли гепатит билан касалланиш кўпайди. Сил, рак билан касалланиш сезиларли даражада ошди. Оролни катта Орол ва кичик Оролга бўлувчи денгиз ости сув айирғичи юзага чиқди, денгиз 2 га бўлинди. Катта Оролга сув берувчи Сирдарё ҳозир кичик Оролга куйилмоқда. Бир йилда 40 минг тоннагача овланадиган баликлар шўр сувда яшайолмай бутунлай йўқолди. Сувиинг шўрлигидан Оролбўйи чорвасининг сув таъминоти тамоман издан чиқди. Сувдан бўшаган жойлар майдони-5 миллион гектар. Бу ерлар ҳаётсиз, оппоқ туз билан копланган, майдон каттармоқда. Орол бўйида шўр—чангли бўронлар кучаймоқда. Қайд қилинганларни таҳлил қилсак келажакда бизни нималар кутаётганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Оролнинг машҳур тадқиқотчиси бўлган академик А.С.Берг 20 аср бошларида ёзган "Орол денгизи" китобида-денгизнинг қуриши натижасида тузлар Помирғача боради, бу ҳалокатдир" деганди. Башорат тўғри чиқди. Ҳалокат бошланди.

Оролнинг ҳозирги сатҳи йиллик оқим суви 30-35 км³ бўлгандагина сақланиб туради, бу Оролнинг ҳозирги юзасидан бир йилда буғланиб кетадиган сув миқдори. Баъзи бир олимларнинг тавсиясига кўра суғориш

ва далаларни шўрдан ювишдаги сувларни Оролга оқизиш керак. Бу ҳолда 10 км³ сувни тўплаш мумкин. Ҳозирда бу сувларнинг бир қисми коллектор каналлар билан Сарикамишга оқизилапти. Агар бу лойиҳа амалга ошса келажакда Оролнинг аҳолини тасаввур қилиш жуда қийин. Чунки Сарикамишда тузлар концентрацияси Оролга нисбатан 5 баравар кўп.



Орол денгизини эслатиб турувчи кемалар



Иккинчидан, узоқдаги 5км³ оқова суви Оролгача минглаб километр масофадан ўтиши керак. Бу сувнинг қанчаси сингиб кетади. Бу номалум. Марказий Осиёдаги энг катта Қорақум канали сувининг 18-47% и тупроқга сингиб кетади. Канал ва Ашхабод атрофининг ботқоқларга айланишнинг сабаби шу. Мутахассисларнинг ҳисобича Сирдарё ва Амударё хавзаларида суғоришга 35-40 км³ сув сарф бўлади. Бу икки дарё сувининг ярми, чўлнинг хар ҳил сой ва пастликларига то 10 км³ гача коллектор-дренж сувлари оқизилапти, 5км³ сув республикадаги сув омборларидан бугланиб кетади. Энди келтирилган таклифларнинг энг паст микдорини олсак 45 км³ сув қаёққадир оқмоқда, лекин Оролга эмас.

Орол денгизи суви ўз тарихида баъзида пасайган, кўтарилган, йўқолган. Илмий жиҳатдан тасдиқланиши бўйича 100 асрда 9 маротаба бу цикллр қайтарилган. Лекин, афсуски, ҳозиргача Орол табиатининг бу қонуни ҳисобга олинмай келинмоқда. Ер қобиғи ҳаракатда. Коинотдан олинган суратлар бўйича Оролнинг бутун хавзаси шу усулда "нафас" олмоқда. Баъзи бир қисмлари йил давомида 7мм эгилса, бошқа қисмлари минимал тезликда кўтарилапти.

Ҳосил бўлган ёриқлардан сув кетаяпти. Оққан сув ер ости намларини сувга айлантормоқда. Фаргона водийси, Мирзачўл каби йирик ҳудудлар шундай сувлар таъсирида ботқоқликларга, сув ҳавзаларига айланиши мумкинлиги аллақачон исботланган 2007 йилга келиб Орол денгизи сатҳи 29 метрга пасайди, акватория майдони 5,8 баравар камайди, сув ҳажми 1064 дан 80 км³гача ва ундан ортиқ пасайди, сув шўрлиги ғарбий қисмда 110-112 г/л, шарқийчуқурликда эса 280 г/лга етди.

Денгиз соҳилдан 120-125 км га узоқлашди ва орқасида собиқ денгиз тубида 45 минг км² дан ортиқ тузли чўл қолдирди. Доимо шамол эсадиган ва циклон тўфонлари бўладиган Оролнинг қуриган тубидан ҳар йили 75 млн. тонна қум, шунингдек, 65 млн. тонна юпқа дисперсион чангва туз кўтарилади, бу яйловлар маҳсулдорлиги ва экиладиган экинлар ҳосилдорлигини пасайишига олиб келди.

Амударё ва Сирдарё пастларидаги суғориладиган ерларга ҳар йили 100 млн. тонна туз ва қум тушади. Балиқчилик ва овчилик хўжалиқларига улкан иқтисодий зарар етказилди. Ўсиб бораётган сув танқислиги ва унинг сифати ёмонлашиши тупроқ ва ўсимлик қоплами таназзулига учраши, флора ва фаунадаги кескин ўзгаришлар, ондатрачилик, балиқчилик, балиқни қайта ишлаш тармоғининг инқирозини келтириб чиқарди: 23 турдаги ёввойи ўсадиган ўсимликлар йўқолди. Боялиш, кандим, эфедра, мятлик каби турлар умуман йўқолиш арафасида турибди.

Баъзи жойларда ўтсимон ўсимликлар умуман йўқ бўлди, сизот тупроқлари шўрланганлигининг кескин ортгани туфайли дарахт-бутасимон турлар бир йиллик шўралар билан алмашди; кўллар сув қатлами 100 минг га дан 45-50 мингга гача; қамишзорлар 1200 минг га. дан 15-20 минг га. гача, тўқайлар 300 минг га. дан 25 минг га. гача; поймадаги табиий яйловлар 348 минг га. дан 125 минг га. гача қисқарди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 498 турдаги умуртқали ҳайвонлар: жумладан, сутэмизувчилар—68, қушлар—307 (шундан, ин, уя қурадиганлари—141, қишлоқчилари—20, учиб ўтадиганлари—46), судралиб юрувчилар—33, амфибиялар—2, балиқлар—49 тури рўйхатга олинган. Амударё ўзанида 2005-2006 йилларда 23 турдаги судралиб юрувчи, 186 турдаги қуш қайд қилинган, шундан судралиб юрувчиларнинг барча турлари ва қушларнинг 15 тури “Қизил китоб”га киритилган.

Орол инқирози оқибатлари Устюрт платоси биохилма-хиллигининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Сўнги йилларда минтақада атиги 35 турдаги сутэмизувчи рўйхатдан ўтди, шундан 4 тури: жайрон, манул, хинд асалхўри ва қорақулоқ “Қизил китоб”га киритилган. Сўнги вақтгача Амударё ўзанида минглаб тўнғиз, ўн минглаб сайғоқ, юз минглаб ондатра ва ундан кўп сувда сузувчи қушлар яшарди. Бирок денгиз тубининг қуриб бориши, кўллар йўқолиши ёввойи ҳайвонлар сони қисқаришига сабаб бўлди, ғозларнинг оммавий дам олишга тўхташ жойлари Бухоро вилояти ҳавзаларига кўчди.

Устюрт сайғоқлар популяцияси 10 баравардан ортиқ қисқарди. 1979 йилга келиб денгиз кемачилиги тўхтатилди, 1984 йилда эса денгиз овчилик аҳамиятини тўлиқ йўқотди. Яқин ўтмишда йилига ўртача 25-27 минг тонна

қимматли балиқ турлари овланар, 2 млн. донагача ондатра мўйнаси тайёрланар эди, балиқ консерваларини ишлаб чиқариш ўртача 18-20 млн. шартли банкани ташкил этган.

11.2. Орол денгизи хавзасида экотуризмни ривожлантириш йўллари.

Экологик барқарор ривожланиш экологик муаммоларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга кучли таъсир этиши, бу таъсирларни ижобий ҳал қилишдаги табиат ресурслари фойдасини кўзлаб амалий ҳамкорлик қилишни талаб қилади. Бу ечим мамлакатимизнинг барча минтақаларида туризмнинг замонавий истиқболли йўналишларидан бири экотуризмни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

«Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари, - деган эди Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов—сайёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишига ва сайёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади». Ҳақиқатда ҳам ушбу соҳани ривожлантиришнинг катта имкониятлари мамлакатимизда мавжуд⁶⁴.

Орол денгизи ва Орол денгизи бўйи инқирозли экологик ҳудудларнинг ҳозирги ҳолатига қизиқувчи туристларнинг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу экологик вазият танг ҳудудларга 2007 ва 2008 йилларда 64-68 чет эл давлатларидан хорижий туристлар келган бўлса, 2009 йилда 81 та хорижий давлатлардан туристлар келиб кетишди. Орол денгизи акваториясига асосан Европа давлатларидан экотуристлар кўплаб келишмоқда. Европаликларнинг Орол денгизига қизиқиши сабабларини яхшилаб таҳлил қилишимиз ва бу йўналишни кучатиришимиз лозим.

Энди ўз ўрнида экологик вазият танг Орол бўйи ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш масалаларини қандай ҳал қилиш мумкин деган савол туғилиши табиий. Орол денгизи бўйлари ва умуман экологик вазият танг бўлган қуйи Амударё ҳудудларида экотуризмни ривожлантиришнинг муҳим аҳамияти қуйидаги натижалар бериши билан муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд қилиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир табиий-географик мажмуа бетақроп экотуризм имкониятларига эга, яъни ўзига хос ҳудудий хусусиятларга эга. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан экотуризмни тарихий туризм билан бирга олиб бориш, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасидаги қадимий қалъалар ва Хива шаҳрига ташриф қилган хорижий сайёҳчиларига табиат ва инсон «маҳсули»ни кўрсатишдир;
- хориж олимлари ва тадқиқотчиларини мазкур ҳудудга жалб қилиш, уларнинг илмий тадқиқотлари натижалари ва хулосаларини давлат миқёсида муҳокама қилиш ва бу асосда белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали муаммоларни енгиллаштириш;

⁶⁴ Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари». Т.: Ўзбекистон, 1998, 384 б.

- маҳаллий саёҳатчилар шу жумладан, мактаблар,лицейлар,коллеж, университетлар талабаларига Орол денгизининг қуриб қолган қисмини кўрсатиш,бу ерларга сайёҳатлар қилиш орқали вояга етаётган баркамол авлодни собик иттифоқ маъмурий буйруқбозлик тизимининг экологик муҳитни сақлаш соҳасидаги бугунги ҳалокатли оқибатларини кўрсатиш.

Орол денгизи бўйи ҳудудлари экологик вазият танг инкирозли экотуризм ҳудудлари бўлганлиги учун ҳам бу ҳудудларда пайдо бўлган экологик инкироз ҳолати асосий экотуризм объекти ҳисобланади. Экотуризм маршрутлари бир вақтнинг ўзида Орол денгизининг қуриган ва бу қирғоқчилик таъсирида утрган ҳудудларни камраб олиши зарур бўлади.

Бу экотуризм ҳудудларига туристлар ва сайёҳатчиларни, тадқиқотчиларни жалб қилишнинг қуйидаги йўллари тавсия қилинади:

- халқаро экология билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш учун Ўзбекистоннигмукаммал халқаро экологик туризм дастурини ишлаб чиқиш;
- Орол денгизи бўйи ҳудудлардаги экотуристтик салоҳиятни интернет ахборот тизимларига ижтимоий-иктисодий,табiiий ва маданий ландшафтлар ҳақида тасвирий лавҳа ва ахборотларни бериш;
- ички экотуризмни ривожлантириш учун оммавий ахборотлар воситаларида, телевиденияда ҳужжатли кўрсатувлар бериш;
- Хоразм вилояти ва Қорқалпоғистон Республикасига тарихий туризм саёҳатини ташкил қилган ва ташрифи қутилаётган туристларга Орол денгизга бўйи экотуризм ҳудудлари бўйича қўшимча турмаршрутларни киритиш.

Орол денгизи бўйи ҳудудларида экотуризмни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор беришда биринчи навбатда бу ҳудудларда экотуризмни халқаро туризмда ҳам ва ички туризмда ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини аниқлаб олиш талаб қилинади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- Хоразм вилояти ва Қорқалпоғистон Республикасида экотуризмни минтақавий туризм соҳасида давлат аҳамиятига молик муҳим йўналиш деб қабул қилиш;
- Мазкур табiiий ҳудудларни экологик тоза сақлашга асосланган минтақавий экотуризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Орол денгизи бўйида экотуризмни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини амалга ошириш учун эса қуйидаги тактик вазифаларни бажаришга тўғри келади:

- минтақада табиат муҳофазасида экотуризм манфаатларига мос бўлган вилоят ва республика ҳукумати қарорларини қабул қилиш;
- минтақадаги коллеж ва университетларда экотуризм бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- экотуризм бўйича халқаро ва ички утризм даражаларига мосланган турмахсулотлар ишлаб чиқиш;

- Орол денгизи бўйидаги экологик инкирозли вазиятни ҳисобга олиб экотуризмда ишонарли баҳо сиёсатини ишлаб чиқиш;
- алоҳида муҳофазадаги давлат ҳудудларидаги маҳаллий ҳокимиятларга давлат ёрдамини кўрсатиш, дастлабки босқичларда туризм ва экотуризмдаги хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- экотуризмнинг мукамал ахборот ресурсларини, экотуризм маршрутларини, экотуризм экскурсияларини ишлаб туризм бозорига чиқариш.

Орол денгизи бўйи ҳудудида экотуризмни ривожлантиришнинг стратегик ва тактик вазифаларини бажаришдаги дастлабки ишлар бу ҳудуддаги барча экотуризм объектларининг мукамал рўйхатини тузиб чиқиш ва уларнинг мукамал таърифи, тавсифи, моҳиятларини тайёрлаш ҳисобланмоғи керак. Бу вазифани бажариш минтақадаги университетлар ва туризм коллежи зиммаларига юклатилиши мақсадли ва натижали бўлади.

Орол денгизи бўйи, Қуйиамударё ва Хоразм вилоятларида экотуризмни ривожлантиришда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳокимиятининг «Туризмни ривожлантириш дастурлари» ишлаб чиқилган. Навбатдаги биринчи даражали вазифамиз Республикамиздаги барча вилоятлар ўзларининг «Туризмни ривожлантириш дастурлари»га Орол денгизи бўйи, Қуйиамударё ва Хоразм вилоятларида экотуризмни ривожлантириш режаларини қўшиши лозим. Чунки, мамлакатимиз аҳолисида Орол денгизи бўйидаги экологик-иқтисодий ҳолатларнинг аниқ тавсифлари унчалик ҳам тўлиқ эмас ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ватанимизда Орол денгизи бўйида яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини қўллаб-қувватлаш учун экотуризм марафонларини ўтказиш, табиатсевар тадбиркорларни жалб қилиш, иқтисодий жиҳатдан кучли корхоналар, ташкилотларни жалб қилиш ишларини ташкил қилишимиз ватанимиз табиатини асраш-авайлашдаги салоҳиятли ишларимиздан бўлиши шубҳасиздир.

Таянч сўзлар ва иборалар: Орол денгизи инкирози, коинот, фазо, шўр, космонавт, сизот, гидрология, ирригация, циклон, дисперсион чанг, кумли тўзон, судралиб юрувчи, кемалар кабристони.

Мавзунинг ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Орол денгизининг қуриб бориши сабабларини айтиб беринг.
2. Орол денгизидан балиқ овлаш қандай даражаларда бўлган?
3. Орол денгизи ҳақида презентацияли маъруза тайёрланг ва амалий
4. Орол денгизини қутқариш ҳақидаги лойиҳаларни ўрганинг ва ўз фикрларингизни амалий дарсларда гапириб беринг.
5. Орол денгизи ҳақидаги халқаро «Нукус декларацияси»ни ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
6. Орол денгизи экотуризм ресурслари мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
7. Орол денгизининг кемалари мавзусида презентацияли маъруза тайёрланг.
8. Орол денгизи акваториясидан экотуризмда қандай фойдаланиш мумкин?

12-Мавзу. Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари экологик туризм ресурслари

Режа:

12.1.Экотуризм гид-бошловчисига сув ҳақида умумий маълумотлар.Ўзбекистоннинг сув ресурслари.

12.Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан экотуризмда фойдаланиш.

12.1.Экотуризм гид-бошловчиси учун сув ҳақида умумий маълумотлар.Ўзбекистоннинг сув ресурслари.

Сув ҳаёт манбаидир. Чучук сув ресурслари гидросфера умумий сув ҳажмининг атига 2,8 % ини ташкил этади. Бунинг устига чучук сувнинг асосий қисми ер шарининг чекка, фойдаланиш қийин бўлган Антарктида, Арктика, Гренландия ва дунёнинг баланд тоғлари бағридаги кўплаб қор ва музликларда тўпланган. Ер юзасининг 70% майдони сув билан қопланган.Куриқликнинг ҳам 3% майдони дарё ва кўллардан иборат. Антарктида ва Гренландиянинг 16 млн. км² майдони муз билан қопланган.

Академик А.А. Карпинский сўзи билан айтганда сув ҳаётини яратувчи тирик қон. Машхур геохимик А.Е. Ферсман таъбирича сув ернинг энг муҳим минерали, бу минералсиз ерда ҳаёт йўқ.Биз ўрганаётган фанда сув ҳақида унинг муҳим ресурс эканлиги масалаларига ва сув ресурсларидан экотуризмда фойдаланишнинг умум-назарий қисмларига бу ресурснинг моҳиятига тухталамиз. Дунёда сув тенг миқдорда айланма ҳаракатга эга. Океанлардаги сув 2600 йилда тўлиқ айланиб чиқади (йиллик буғланиш 450 минг км³ га тенг). Атмосферадаги 13-15 минг км³ сув ўрта ҳисобда 9 кунда янгиланиб туради. Дарёлар суви 12-15 кунда янгиланади. Сувнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамиятини баҳолаш жуда қийин. Чунки инсон ҳаётида сув ишлатилмайдиган соҳанинг ўзи йўқ.

I.Сувнинг инсон ҳаётидаги ўрни:

- Жаҳонда ифлос сувдан истеъмол қилиш натижасида ҳар йили 5 млн. киши вафот этади;
- 500 минг иши оғир дардга чалинади;
- Ҳозиргача инсоният дунёга океанига жами 20 млрд. т. чиқинди ташлаган, бу эса дунё океанининг ҳар 1 км² майдонига 17 тонна чиқинди ташланди дейилгандир;
- Ҳозирда дунё океанига ҳар йили 1,2 млрд. тонна чиқинди ташланмоқда, шундан 10,0 минг тоннаси нефтдир;
- Дунё бўйича ҳар 6 кишидан бири сувга зор, жаҳонда ҳар 15 сонидан 1 бола ифлосланган сувдан заҳарланиб вафот этади;
- 1,1 млрд. киши тоза сувга муҳтож, 2,4 млрд. киши тозаланмаган сувни истеъмол қилади.

II.Гидросфера – ернинг сув қобиғи таркиби куйидагича:

- Атмосферадаги сувлар – 0,001%;
- Ер ости сувлари – 3,12%;

- Музликлар ва қорликлар сувлари – 1,8%;
- Қуруқликдаги сувлар – 6,0%;
- Океан сувлари – 90%;
- Шўр сувлар – 97,2%;
- Чучук сувлар – 2,8.

III. Сув сарфига мисоллар:

- 1 кг ўсимлик массаси ҳосил бўлиш учун 150 м³ дан 1000 м³ гача сув сарф бўлади;
- 1 га маккажўхори етилгунча 3 минг литр сув бугланади;
- 1 т пахта етиштириш учун 10000 т, 1 т шоли олиш учун 4000 т сув керак;
- Саноатда ҳам сув жуда кўп аб исроф бўлади: 1 т мис олиш учун 500 м³, 1 т синтетик тола олишда 2100- 3500 м³, 1 т никел ишлаб чиқаришда 4000 м³ сув талаб қилинади;
- Ўтган асрда ҳар бир шаҳарлик аҳолига 35-40 литр сув сарфланган эди. Ҳозирда 300 л. Сарфланмоқда;

IV. Ўзбекистонда оқар сувларнинг сарфи:

- 90% суғоришга;
- 8% саноатга;
- 1% коммуналга;
- 1% балик хўжалигида фойдаланилади.
- Кучли ёмғирда (1мм.) ҳар 1м² ерга 2кг. сув, 1 гектарга 10 тонна сув тушади;
- Ҳар бир киши бир кунда 1л. сувни тежаса бу Ўзбекистон бўйича 26 млн. л. сув тежалади дегани. Бу сув бир кишига 70 йилга етади;
- Республикамизда 20-30% ичимлик суви очиқ кранлардан исроф бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг сув ресурслари. Урта Осиё, аниқроғи, Орол денгизи ҳавзаси дарёлари ва уларнинг сув ресурслари географик жойлашиши ҳамда гидрологик хусусиятларига кўра ягона табиий тизимни ташкил қилади. Шу туфайли уларни маъмурий, яъни айрим давлатлар сарҳадлари микёсида ўрганиш анча мураккабдир. Айни пайтда, бу сув ресурсларидан шу ҳудудда жойлашган алоҳида давлатнинг маълум мақсадга йўналтирилган манфаатлари йўлида устивор ҳолда фойдаланиш ҳам қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқаради (6-Жадвал).

Дарёларнинг бир давлат чегарасидан иккинчи бир давлат чегарасига оқиб ўтиши жуда кўп ҳолатларда ушбу давлатлар ўртасида доимий келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг ички сув ресурсларига қисқача тўхталдик. Мавзунинг кўйилишига қараб мамлакатимизнинг сув ресурсларидан туризмда фойдаланиш масалаларини туризмдаги тадбиркор ўзининг имкониятлари ва ҳулосалари бўйича дарёдан, кўлдан ёки булоқлардан фойдаланиши мумкин.

6-Жадвал

Марказий Осиё давлатларида сувнинг тақсимланиши

Давлатлар	Сирдарё ва Амударёларнинг ҳавзаси		Жами	
	Сирдарё	Амударё	Км ³	%
Қозоғистон	15,3	0,0	15,3	13,8
Қирғизистон	4,9	0,4	5,3	4,8
Тожикистон	3,7	9,5	13,2	11,9
Туркменистон	00	22,0	22,0	19,8
Ўзбекистон	22,5	29,6	55,1	49,7
Жами	49,9	61,5	110,9	100

Ўзбекистоннинг сув омборлари. Ҳозирги вақтда республикада 55 сув омбори ишлаб турибди. Уларнинг тўлиқ лойиҳа ҳажми 18,8 км³, фойдалиси – 14,8 км³ дан иборат. Энг йириклари: Туямўйин, Чорвоқ, Тудақўл, Каттакўрғон сув омборлари ҳисобланади. Улар дарё сув оқимларини, қутилмаган кучли ёғингарчиликдан ҳосил бўлган сувларни йил давомида бошқариб туриш, экинларни суғориш даврида фойдаланиш, фавқулодда сув тошқинларини олдини олиш учун қурилган. Республиканинг сув омборлари билан боғлиқ муаммолар анча тўпланиб қолган. Вақт ўтиши билан бу муаммолар ўз ечимини топиб боради.

Ўзбекистоннинг дарёлари. Республикада ҳаммаси бўлиб 17 мингдан кўпроқ табиий очиқ сув оқимлари ҳисобланган. Амударё ҳавзасида улар 9,9, Сирдарё ҳавзасида – 4,9 ва бу икки дарё оралиғида – 2,9. Лекин, булар асосан катта бўлмаган сойлар, сув оқимининг узунлиги 10 км дан кам, асосан Амударё ва Сирдарё оралиғида улар қарийиб бутун йил давомида қуриб ётган дарёлар, сув оқимининг узунлиги ҳар йили ҳам 10 км етиб бормади.

7- Жадвал

Ўзбекистоннинг энг муҳим сув омборлари

Сув омборлари	Қайси дарёда қурилган	Ишга тушган йили	Майдони, км ²	Сув сигими ³	Энг чуқур жойи, м
Туямўйин	Амударё	1976	630	7800	40
Чорвоқ	Чирчиқ	1969	40	2000	162
Каттакўрғон	Зарафшон	1941	83,5	1080	28
Жанубий Сурхон	Сурхондарё	1962	65	800	27
Анджон	Қорадарё	1978	60	1750	115
Чимкўрғон	Қашқадарё	1963	49,2	6500	30
Қуйимозор	Зарафшон	1959	16,2	260	40
Пачкамар	Ғузордарё	1970	13,8	280	62
Каркидон	Исфайрамсой	1963	9,2	218	23
Учқизил	Сурхондарё	1962	10	160	40
Толимаржон	Қарши маг. к.	1964	22,3	941	40
Косонсой	Косонсой	1955	5,5	165	57
Туябўғиз	Оҳангарон	1960	18,5	250	31,5
Оҳангарон	Оҳангарон	-	-	100	66

Ўзбекистоннинг қўллари. Ўзбекистонда қўллар сони 500 дан сал кўпроқ. Бу асосан кичик сув ҳавзалари, майдони 1 км² камроқ. Майдони 10 км² дан кўпроқ қўллар – 32та. Ўзбекистонда энг катта қўллар тизими – бу Айдар-Арнасой, майдони 3600 км², ҳажми эса 42 км², ҳамма сув омборлари захирасидан устин туради

Ўзбекистонда ер ости сувлари. Ўзбекистон худудида 95 ерости сувлари конлари маълум. Уларнинг умумий захираси 75580 минг м³/сут миқдориди баҳоланади, регионал фойдаланиш захираси – 63986 тыс. м³/сут, барқарор фойдаланиш захираси – 23578 минг м³/сут. Чучук сув ресурслари асосан Фарғона водийсида – 34,5 %, Тошкент вилоятида – 25,7 %, Самарқандда – 18 %, Сурхондарёда – 9 %, Қашқадарёда – 5,5 % тўпланган. Қолган вилоятларда умумий чучук сув ресурслари 7 % ни ташкил этади.

Ўзбекистонда қайтим сувларколлектор-завурлар оқими ва ташланган сувлар ҳисобига шаклланади. Сув ресурсларини ташкил қилишдан уларнинг ҳиссаси юқори ва шунинг билан бирга жиддий ифлослаштириш манбаси ҳисобланади. 1990-1999 й. даврида республика миқёсида қайтим сувлар йиғиндисини ўртача ҳажми йилига 28 дан 33,5 км³ ўзгарган.

Бу қайтган сув оқими ҳажмидан 13,5-15,5 км³ яқини Сирдарё ҳавзасида ва 16-19 км³ яқини Амударё ҳавзасида шаклланган.

- Қайтим сувларни катта ҳажми (50-51%) дарёларга, қолган қисми, 33% га яқини па-стликларга оқиб тушади, шундан 16% қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун қайта ишлатилади.
- Қайтим сувларини пастликларга ташланиши натижасида кўпгина ирригацион-ташландиқ қўллар ҳосил бўлган. Энг йириклари – Арнасой, Айдарқўл, Денгизқўл, Соленое, Судочи, Жилтирбас ва бошқалар.

Океанлар сувларининг ифлосланиши:



Тинч океани Шимолий муз океани



Атлантика океани



Ҳинд океани

Ушбу расмлар XXI- асрнинг Буюк сайёҳлари Тур Хейердал ва Жак Ив Кустоларнинг БМТга дунё океанларининг ҳозирги ҳолатлари ҳақидаги ҳисоботларидан олинди

Ушбу кўллардан кишлоқ хўжалигида унумли фойдаланиш масалалари давлат миқёсида кўриб чиқилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан ҳам ушбу кўллар ҳозирча кўплаб мураккаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Энг жиддий муаммо Айдаркўл-Арносой тизими кўллари билан боғлиқ бўлиб, сувнинг йилдан-йилга кўпайиб бориши натижасида ҳозирга келиб 600 минг га ерлар сув остида қолди. Экологик жиҳатдан яна ҳам жиддийроқ муаммо шундан иборатки, бу кўллар тизимининг пастки қатламларида жуда катта туз конлари жойлашган.

12.2. Ўзбекистоннинг сув ресурсларидан экотуризмда фойдаланиш.

Ҳозирда бозор муносабатлари Ўзбекистон Республикаси туризми олдига анча мураккаб, кескин шартларни келтириб чиқарди. Туризм тизимини тубдан қайта ташкил қилиш, туризмни бошқаришнинг марказлаштирилган механизмларидан фарқ қилувчи амалий иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш заруратлари келиб чиқди. Янги иқтисодий механизмлар Ўзбекистонда туризмни худудлар бўйича бир текис ривожлантириш, барча туристик ресурслардан фойдаланиш имкониятларини излашни талаб қилмоқда. Айниқса, экотуризм ва рекреация туризмларини жадал ривожлантириш кун тартибига қўйилмоқда.

Қайд қилинган долзарб муаммоларнинг ечимини топишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони асос бўлади, мамлакатимизда туризмни, халқаро туризмни ривожлантиришда туб бурилиш ни, янги босқичнинг заминини, истиқболли ислоҳатларнинг шароитларини яратди. Президент фармонида⁶⁵:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861

–“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланишида:

–*зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, доволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, шибилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмни, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш,*

–*ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш”;*

–*Республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг талаблари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектиларини ривожлантириш; белгиланган.*

Фармон туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодийнинг стратегик сектори мақомини бериш, уни мамлакат иқтисодийтини барқарор ўстиришнинг, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда туризм ролини кучайтиришнинг кудратли воситасига айлантиришга қаратилгандир.

Фармонга асосланган ҳолда аҳолининг дам олиш шароитларини ташкил қилишда Ўзбекистоннинг сув ҳавзаларидан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш туризмни ижтимоий-иқтисодий мақсадларда ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, ҳозиргача мамлакатимизнинг сув ҳавзаларидан туризмда фойдаланиш масалалари илмий-амалий жиҳатлардан тадқиқ қилинмаяпти. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари давлат муҳофазасида турганлиги ҳисобланади.

Ҳозирга келиб инсоннинг дам олишида сув ресурсларидан фойдаланиш энг олдинги ўринларга чиқмоқда. Назарий жиҳатлардан қаралганда экотуризм ва рекреацияни ташкил қилишда мамлакатимиздаги сув омборлари энг қулай туристик ресурслардан ҳисобланади. Лекин қайд қилганимиздек, сув омборлари давлат муҳофазасида эканлигидан, бу сув омборларидан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш анча мураккаб бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб қилади. Лекин шу ҳолатни ҳам келтириш лозимки, сув омборлари атрофларида яшаётган аҳоли ёзнинг хароратли кунларида ушбу сув омборлари соҳилларида дам олмоқда.

Бизнинг биринчи ўриндаги вазифамиз ўз ватанимизнинг аҳолиси учун бу сув омборларидан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш масалаларини кўтаришимиз ва бу масалаларнинг ечимларини ҳал қилишимиз ҳисобланади. Бунинг учун эса албатда сув омборлари маъмуриятлари билан ушбу масалаларни ўрганиш, дастлабки вақтларда сув омборлари соҳилларида ўз аҳолимизнинг дам олишларини ташкил қилишнинг ҳаётий заруратини тушуниш ва ташкил қилишни бошлашимиз керак.

Сув омборларида экотуризм ва рекреацияни ташкил қилишнинг биринчи имкониятлари бу-ўрганилаётган сув омборларига ва дарёларга экотуристлик-рекреация маршрутларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларидан маълум бўлдики, мамлакатимизда ҳозиргача бу масала туризмда эътибордан четда қолмоқда.

Лекин аҳолининг сув ҳавзаларида ёзнинг катта ҳароратли кунларида дам олишга талаблари йилдан-йилга ошиб боришини ҳисобга олсак, албатда бу сув ҳавзаларидаги сув ресурсларидан экотуризм ва рекреацияда фойдаланиш муаммоларини ўрганишимиз ва бу муаммоларнинг ечимларини топишимиз лозим:

1. Сув ҳавзалари ва сув омборларидан экотуризм-рекреацияда фойдаланишда, экотуризмни ва рекреация туризмларини ривожлантиришда фойдаланишдаги чекловлар борлиги аниқланди.

2. Экотуризм-рекреацияда сув ресурсларидан туризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

3. Мамлакатимизнинг сув ҳавзалари ва сув омборларидан экотуризм ва рекреация туризмларини ривожлантиришда тадбиркорлик, ташаббускорлик, туризм бизнеси, ижтимоий-иқтисодий ўсиш, маҳаллий меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлиши, маҳаллий ва давлат бюджетига валюта ва миллий валютанинг кириб келишдаги таълим-тарғибот, қизқитириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ишларининг қониқарсиз ҳолатда.

4. Экотуризм ва рекреация туризмда сув ресурсларининг туризмда фойдаланиш жиҳатидан рўйхатга олинмаганлиги, таъриф-тавсифлари яратилмаган.

5. Экотуризм ва рекреацияда сув маконларига туристик маршрут ва туристик экскурсия маршрутларининг ишлаб чиқилмаганлиги, реклама қилинмаган.

6. Экотуризм ва рекреация туризмдаги сув объектларида туристларга хизматлар кўрсатиш инфратузилмаларини яратишнинг қониқарсиз ҳолатда.

7. Экотуризм ва рекреация туризмларини сув ҳавзаларида ривожлантиришда ички ва халқаро талаблардаги рекламаларнинг туризм бозорига ишлаб чиқилмаган.

8. Аҳоли учун экотуризм ва рекреацияда сув ҳавзаларига туризм маршрутлари, экскурсиялари, рекреацияни ташкил қилишда бошқарувнинг(туристик ташкилотлар, туристик фирмалар, тадбиркорлик фаолиятлари) ташкил қилинмаган.

Сув ҳавзаларида экотуризм ва рекреацияни ривожлантиришдаги вазибалар:

1. Экотуризм ва рекреация туризмда сув ҳавзалари ресурсларини белгилаш, георафик харитасини ишлаб чиқиш, ҳар бир ресурслар ва объектларнинг тариф-тавсифларини яратиш.

2. Экотуризм ва рекреация туризмда сув ресурсларидан туризмда фойдаланиш даражалари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

3. Экотуризм ва рекреация туризмларини сув ҳавзаларида ривожлантиришда таълим-тарғибот, кизиштириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш дастурларини ишлаб чиқиш.

4. Сув ҳавзаларида аҳолининг дам олиши шароитларини рекреация объектларида ташкил қилиш дастурларини ишлаб чиқиш.

5. Экотуризм ва рекреация туризмида сув ҳавзалари объектларида туристик экскурсия хизматларини кўрсатиш инфратузилмаларини яратишга киришиш.

6. Экотуризм ва рекреация туризмида сув ҳавзаларига мажмуали туристик маршрутларини, туристик экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш, реклама қилиш.

7. Сув ҳавзаларидан туризмда фойдаланиш бўйича туристик фирмалар, туристик ташкилотлар ташкил қилишнинг иқтисодий-ижтимоий самарали эканлигини асослаш.

Таянч сўзлар ва иборалар: сув ҳавзалари, сув ресурслари, чучук сувлар, грунт сувлари, атмосфера сувлари, қайтим сувлар, ҳарорат, сув сарфи.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. сув ресурсларини тушунтиринг.
2. Ўзбекистоннинг сув ресурсларини тарифланг.
3. Ўзбекистонда нечта дарёлар бор?
4. Ўзбекистондаги кўллارни гапириб беринг.
5. Ўзбекистонда сув сарфини тушунтиринг.
6. сиз яшаб турган ердаги сув ресурсларини гапириб беринг.
7. сувдан замонавий усулларда қандай фойдаланиш керак?
8. сув ҳавзаларида рекреацияни қандай ташкил қилиш керак?
9. сув ҳавзаларига туристик маршрутлар яратишда нималарга эътибор бериш керак?
10. сув ҳавзаларидаги рекреацияда хавфсизлик чора-тадбирлари қандай ишлаб чиқилади?.

13-Мавзу. Ўзбекистонни экотуристик районлаштириш масалалари. Ўзбекистоннинг экотуристик районлари

Режа:

13.1. Туризм географияси тушунчаси. Туризм географиясининг методологияси ва методлари.

13.2. Ўзбекистон туризмининг районлаштиришда туризм географиясининг долзарб вазифалари.

13.3. Ўзбекистоннинг экотуристик районлари. Экотуристик районларида экотуризмни ривожлантиришдаги вазифалар.

13.1. Туризм географияси тушунчаси. Туризм географиясининг методологияси ва методлари

Хозирда республикада туризмнинг соҳаларини, турларини, ривожла нишини, уларнинг ички ва халқаро туризмдаги ўрнини белгилаш, география

сини аниқлаш ва туризмда фойдаланиш даражаларини ишлаб чиқиш юзага чиқмоқда. Шу ўринда мамлақатимизда туризм географиясини тадқиқ қилиш туризмдаги долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Туризм географияси хақида ҳозирча дастлабки тадқиқотлар натижалари эълон қилинди холос^{66, 67, 68}. Ушбу тадқиқотлар ҳам мамлақатимизнинг вилоятларидаги туризм ресурсларидан фойдаланиш йўналишида амалга оширилди. Ўзбекистондаги туризм таълимида туризм географияси фанининг ҳозиргача ўқитилмаётганлининг, ташкил топмаганининг албатта объектив сабаблари бор.

Биринчидан, туризм соҳаси мамлақатимиз хаётида эндигина шаклланиб келаётган бутунлай янги ижтимоий–иқтисодий соҳа бўлиб бораётганлигидан туризм ривожланиши билан боғлиқ барча илмий ва ишлаб чиқариш соҳаларини, йўналишларини барданига қамраб олиб бўлмайди.

Иккинчидан, ўз–ўзидан маълумки, бу фан бўйича хали республикаимизда туризм географиясининг мутахассислари йўқ. Шунинг учун ҳам, биз туризм географиясининг методологияси, методлари ва минтақаланиши мавзусида ушбу фаннинг ўрганиш объекти, предмети ва бу фаннинг шаклланиши, мақсади ва вазифалари, методологияси ва методлари, туризм ривожланиши даги ўрни хақида дастлабки тадқиқотларнинг тахлилий натижаларини келти рамиз.

Хар қандай фаннинг бошланиши иккита муҳим саволдан бошланади: 1) нимадан ва 2) қайси усул ва услубиятлардан фойдаланиб ўрганилади?. Фанлар эса бири – биридан ўз олдига қўйилган вазифалар, тадқиқотларнинг усуллари ва атроф муҳитни билиш услубиятларини тадқиқ қилиш билангина фаркланади. Хар бир фан воқеъликнинг маълум бир чегараларини ўрганади. Бу чегараларнинг аниқлиги эса дунёда ушбу фан хақидаги аниқ маълумотларга асосланади.

Туризм географияси ўзининг махсус тадқиқот объекти ва предметига эга бўлган фан сифатида шаклланмоқда. Россиялик таниқли географ В.С. Преображенский⁶⁹ туризм географиясини ижтимоий–иқтисодий география фанларининг ўхшаш йўналиши-ижтимоий ва иқтисодий географиянинг муҳим тармоғи деб атади. Шу нуқтаи-назардан туризм географиясининг маъносини, моҳиятини тушуниш бу фаннинг асоси бўлган ижтимоий–иқтисодий географиянинг тадқиқот объектини ва предметини аниқлашдан бошланмоғи лозим. Лекин, бу масала қарийиб 200 йилдан буён яъни М. В. Ломоносов фанга иқтисодий география атамасини киритганидан буён ҳозиргача мунозарали, тортишувли бўлиб келмоқда.

Ижтимоий географиянинг (жамоавий) билиш предмети ҳудудий жамоавий тизим ҳисобланади. Ҳудудий жамоавий тизим эса жамиятнинг


⁶⁶ Солиев А., Усманов М., Туризм географияси. Самарқанд, 2005. 131 б.

⁶⁷ Ибодуллаев Н., Фан номозоди олиш учун ёзилган дисс. автореф. Самарқанд, 2011, 22 б.

⁶⁸ Матякубов У., Фан номозоди олиш учун ёзилган дисс. автореф. Самарқанд, 2011, 24 б.


⁶⁹ Преображенский В.С. Физико-географические аспекты и проблемы организации отдыха. Географические проблемы организации туризма и отдыха. Выпуск 1. М. Центральное рекламно-информационное бюро «Турист». 1975. -28 с.

интеграллаштирилган (бир максадга бирлаштирилган), жамият ҳаётини вақтинча ташкиллаштирган ҳудудий қайта ишлаб чиқаришига асосланади.



- 1 – меҳнат
- 2 – бўш вақт
- 3 – рекреация
- 4 – туризм
- 5 – туризм географиясининг объекти

4-Чизма. Вақт ўтказишда ижтимоий ва биологик тушунчаларнинг ўзаро нисбати⁷⁰.



5- Чизма. Бўш вақт, рекреация ва туризмнинг ўзаро нисбатлари

Ижтимоий географиянинг, яъни жамият географиясининг тадқиқот объекти ва предметини аниқлангандан кейин унинг таъриф ва тавсифини

⁷⁰Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КНОРус, 590 с.

куйдагича бериш мумкин–„Иктисодий ва ижтимоий” (жамоавий) география аниқ табиий муҳитда жамиятнинг худудий ташкилланишини ўрганади⁷¹. Жамият географиясининг кўплаб тармоқлари табиий география, сиёсий география ва бошқалар жамият ҳаётининг ўзига хос соҳаларини ўрганади. Бу фанларнинг ўз мақсади ва вазифалардан келиб чиққан хусусий ўрганиш объектлари ва предметлари бор.

Туризм географиясининг предмет жиҳатдан мавжудлиги унинг рекреация географияси билан ўзвий боғлиқлигини келтириб чиқаради.

Туризм географиясининг чегараларини белгилаш, унинг тадқиқот объекти ва предметини аниқлашда туризмни рекреация билан ажратилган ҳолда таҳлил қилган маъқул. Шунингдек, бўш (бекор) вақт, ишдан холи вақт ва дам олиш, тиним, ором олиш (отдых) нинг ўзаро муносабатларини ҳам аниқлаш талаб қилинади. Чунки, бу атамалардан рекреация ва туризм жараёнларини ўрганишда кўплаб фойдаланилади.

Туризмнинг ижтимоий–иқтисодий моҳияти унинг чегарасизлиги, катта оқимдалиги ва ахамияти–туризмдаги – „дам олиш”, „бўш вақт”, „рекреация”, „туризм”ларнинг биргаликдаги ёки алоҳида–алоҳида харакатланишларини англатади. Бу катнишишлардаги туристик фаолиятларда рекреация деярли сезилмайди. „Дам олиш”, „бўш вақт”, „рекреация” ва „туризм” тушунчаларини чегаралаш туризм географиясининг бош масаласи, тадқиқот объект ва предметини аниқлашни енгиллаштиради (4-Чизма).

Лекин, ҳамма вақт ҳам туристик фаолият рекреация ҳисобланмаганидек, рекреация фаолият ҳам ҳамма вақт туристик фаолият бўлаолмайди. Масалан, Бутунжаҳон туризм ташкилоти съездларга, илмий конференцияларга, ишлаб чиқариш йиғилишларига, кўргазмаларга, симпозиумларга қатнашишни хизмат сафари билан боғлиқ ишчанлик туризм деб баҳолаган. Худди шундай фикрларни, яъни туризм, бўш вақт, иш, жиддий дам олиш ва рекреациянинг бир-бири билан бирга аралашган ҳолда туризмни ҳосил қилиши ва бирга жамланган ҳолда келиши инглиз географлари С.М. Холл ва С.Ж. Пейжларнинг⁷² тадқиқотларида ҳам келтирилган (5-чизма).

Туризм географияси туризмдаги одамларнинг ҳар хил фаолиятларини ўрганади. Бу фаолиятлар эса маълум вақтда ва маълум макон, манзилда амалга оширилади. Бу фаолият туризмда туристик худуд ва туристик вақт деб аталади. Шунинг учун ҳам туризм географияси назариясининг асосчиларидан бири С. Р. Ердавлатов⁷³ рекреация худудлар ва туристик худудларнинг бири–бирига тўғри келишини ўз вақтида эътироф этганди. Юқорида қайд қилинган дам олиш турлари мажмуали ҳолда юзага чиқади ёки бир-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Айниқса саёҳат вақтида бир-бири билан боғлиқ ҳолда бирданига ёки кетма-кетликда амалга оширилади.

География, ижтимоий ва иқтисод, ишлаб чиқаришларнинг илмий тадқиқотларида рекреация, рекреация фаолияти, рекреация жараёни

⁷¹ Александрова А.Ю. География туризма, Москва, КНОРус, 2010, 590 с.

⁷² Hall C.M. Page S.J. The Geography of Tourism and Recreation Environment and Space. London-N.Y. Routledge. 1999. 256 p.

⁷³ Ердавлатов С.Р., География туризма, Алматы, 2000, 232 с.

(рекреация мухити) атамалари кўп ишлатилади. Бу сўзлар меҳнат қилиш хусусиятлари ўзгарганда, жисмоний жиҳатдан энг яхши дам-тинчлик эмас фаолиятнинг ўзгариши деб тушинилганда алохида-алохида маъноларга эга бўлади. Огир жисмоний меҳнатдан кейин қувватни тиклаш, тикланиш учун дам олиш асосан яшаш жойида амалга оширилиб келинади, ҳозир ҳам шундай. Аста-секинлик билан суткалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик меҳнат қилишнинг тўпланиб бориши натижасида инсон ўзини-ўзи авайлаши нуктаи назаридан дам олишни тобора самаралироқ ўтказишни ҳоҳлайдиган ва бу “самарали ўтказиш” учун моддий-иқтисодий шароитлар яратилганидан кейин санатория, курортларни танлай бошлайди.

Шунинг учун ҳам туризм тушунчаси рекреация тушунчасига нисбатан ҳам анча тор маънони, тор доирани ҳосил қилади. Демак, инсоннинг барча фаолияти бўш вақт давомида амалга оширилганлигидан “дам олиш” ёки “дам” туризм, рекреация, экскурсия машғулотларидан иборат бўлиб, бу машғулотлар билан уйда ҳам, уйдан бошқа жойда ҳам шуғулланиш мумкин. “Рекреацияда” инсон албатта ўз уйдан рекреация маконига бориши керак.

Бу бориш ўзида туризм ва экскурсияни бирлаштиради. Туризм эса дам олиш тури, аниқроғи туризм рекреациянинг бир қисми. Экскурсия ҳам дам олиш, ҳам рекреация + туризм.

Шундан маълумки, рекреация географияси аҳоли рекреацион фаолиятининг ҳудудий ташкилланишини ўрғанади. Туризм географиясининг тадқиқот предмети эса инсонлар туристик фаолиятининг ҳудудий ташкилланиши ҳисобланади. Қайд қилинган таҳлиллардан шундай хулосага келиш мумкинки, туризм географияси ижтимоий-иқтисодий (жамоавий) географиянинг муҳим тармоғи, таркибий қисми бўлиб, инсонларнинг

Туризм, мутахассисларининг фикрича, туризм географиясининг энг муҳим вазифалардан бири ҳудудларнинг туризмга яроқлилиги ва туризм тизимини ҳудудий ва минтақавий лойиҳалаштиришидир⁷⁴. Туризм географиясининг назарий асосларини яратган “туризм географиясининг халқаро моделлари” ўтган асрнинг 1970-1980 йилларида яратила бошланди. Бу моделларнинг муаллифлари Канада, АҚШ ва Европа мамлакатларининг олимлари ҳисобланишади⁷⁵.

Ҳозирги вақтда туризм географиясининг барча моделларини қуйидаги тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Туристтик саёҳатларнинг кўчиши модели.
2. Бориш ва келиш модели.
3. Таркибли модел
4. Туризмнинг ривожланиш модели


Бу маршрутнинг қулайлиги шундан иборатки, туризм географиясини ташкил қилишда туристларнинг кўп ҳолларда асосан узоқ маршрутларда чарчаши ва зерикашининг олдини олади ва туристик марказнинг оммавий лашувиға сабабчи бўлиб, янги туристик минтақалар ташкил қилишда кўпроқ

⁷⁴ Александрова А. Ю. География туризма. Москва, КНОРус, 590 с.

⁷⁵ Haggett P. Models, paradigms, and the new geography. In: R.J. Chorley, P. Haggett (eds). Models in geography. London: Methuen, 1967.-p. 19-42.

қўлаш мумкин. Дастлабки вақтларда чех олими П. Мариотнинг⁷⁶ “саёҳатлар маршрути” туризмда жуда оммавийлашган ва у биринчилардан бўлиб туристларни улар ҳоҳлаган туристик ресурсларга олиб бориш ва дастлабки жойига қайтариш маршрутларида “дам олиш маршрутларини” ташкил қилишни таклиф қилди.

Туристтик саёҳатларнинг кўчиш модели (кенглик) ҳам туризм географиясини ташкил қилишда, ҳозирги туризмни ташкил қилишда муваффақият билан ишламоқда. Бу моделнинг асосчиси Америкалик географ С.К. Кэмпбелл ҳисобланади⁷⁷. Туризм географиясини ташкил қилишда бу моделнинг қулайлиги шундан иборатки, туристик марказдаги қўллаб туристик гуруҳларни марказ атрофидаги рекреация марказларига ва марказга яқин бўлган шаҳарларга тақсимлаш мумкин. Бунинг учун туристик марказ хилма-хил рекреацион хизматларга эга бўлган рекреация марказларини яратиши лозим бўлади (6-чизма).



- - Туристтик оқимларни тўпловчи шаҳар
- - Туристтик оқимларни тўпловчи шаҳар
- - Бошқа шаҳарлар
- - Рекреацион марказлар
- - Дам олиш жойлари
- - Саёҳатчиларнинг маршрутлари
- - дам олувчи саёҳатчиларнинг маршрутлари
- - дам олувчиларнинг маршрутлари

6- Чизма. С.К. Кэмпбеллнинг “саёҳатларнинг кенглиги модели”

⁷⁶ Александрова А.Ю. бўйича келтирилди. География туризма. Москва, КНОРус, 590 с.

⁷⁷ Александрова А.Ю. бўйича келтирилди. География туризма. Москва, КНОРус, 590 с.

Туризм географиясининг юқорида қайд қилинган моделларидан мамлакатимизда туризм марказларини ташкил қилишда муваффақият билан қўллаш мумкин. Ватанимизнинг ҳудудлари кенглиги, табиий географик минтақаларнинг ва табиий вертикал минтақаларнинг мавжудлиги, иқлим хусусиятлари билан боғлиқ йил мавсумларининг ўзгариши, бетакрор биологик хилма-хилликдан экотуризмни ривожлантиришда халқаро экотуристтик маршрутларни қўллашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишимизнинг вақти келди. Биз ҳалигача экотуризмни ривожлантиришда бирон-бир миллий моделни яратмаган эканмиз, вақт муддатлари нуктаи-назардан бу моделлардан фойдаланишимиз керак.

Туризм географиясининг тадқиқот методлари ҳозирга келиб асосан Европа мамлакатларида, АҚШ ва Францияда такомиллашиб бормоқда. Россия давлатида ҳам туризм географиясининг кўплаб тадқиқот методлари яратилган бўлиб ҳозирги вақтда жаҳонда туризмни ва туристик марказларни ташкил қилишда энг кўп ишлатиладиганлари қуйидаги методлар ҳисобланади:

1. **Баҳолаш методи.** Бу методнинг талаблари қуйидагилардан иборат:

- туристик объектни баҳолаш (табиий мажмуаларни, уларнинг компонентларини ва хусусиятларини баҳолаш);
- баҳолашнинг субъектини ажратиш (туризмнинг тури, рекреацион машғулотларнинг цикли, дам олувчиларнинг даражалари, фойдаланиш юқламаларини баҳолаш);
- баҳолашнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш;
- баҳолаш балларини ишлаб чиқиш.

2. **Табий биологик баҳолаш.** Бу баҳолаш методида иқлим шароитларининг инсонга таъсир даражалари, табиий иқлим шароитларнинг қулай ва ноқулайликлари ўрганилади. Айниқса, инсон организмнинг иқлим ўзгаришларига ёки доимийликка мос келиши юзасидан кўп йиллик тадқиқотлар олиб борилади. Табиатдаги бир ёки бир нечта ресурснинг шифобахшлиги, соғломлаштириш хусусиятлари аниқланади. Соғломлаштириш марказлари ва курортлар яратишда туризм географиясининг ушбу методи кўпроқ қўлланилади.

3. **Рухий эстетик метод.** Бу методда табиатдаги бетакрор кўринишлар ландшафтлар (тоғ даралари, қўллар, булоқлар, табиат музейлари ва хайкаллари, ноёб хайвонлар турлари ва б...) туристларни кизиқтириши ўрганилади.

4. **Технологик баҳолаш методи.** Туризм географиясининг бу методида янги ташкил қилинадиган туристик марказларни ташкил қилишда биринчидан, ушбу жойлардан туристик мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги ёки имкониятлари иккинчидан, ушбу жойлардан технологик жиҳатдан фойдаланиш даражалари ўрганилади.

5. **Ижтимоий сўров методи.** Туризм географиясининг бу усулида янги туристик марказларни ташкил қилишда оммавий ахборот воситалари, телерадио эшиттиришлар орқали аҳоли орасида сўров аниқталари тарқатилади, жавоблар таҳлил қилиниб хулосалар ишлаб чиқилади.

6. Хариталаш методи. Туризм географиясининг энг замонавий методларидан хисобланиб, асосан икки хил йўналишда ривожланмоқда:

- туристлар ва экскурсантларга реклама, харакатланиш ва фойдаланиш хариталарини ишлаб беради;
- мамлакатда, унинг ҳудудларида туризм индустриясини ривожлантириш хариталарини ишлаб беради. Бу хариталардан фойдаланиб туристик манзилларни ташкил қилиш мумкин.

Туризм географиясининг қайд қилинган методларидан янги туристик ҳудудларни ва марказларни ташкил қилиш учун:

- табиий ресурсларнинг салоҳияти;
- аҳоли ва ижтимоий соҳалар;
- меҳнат ресурслари ва меҳнат тақсимооти;
- ҳудудлардан иқтисоди ва ҳўжалик жихатдан фойдаланиш;
- ҳудудларнинг туристик рекреацион салоҳиятларини тадқиқ қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

13.2. Ўзбекистон туризмни районлаштиришда туризм географиясининг долзарб вазифалари.

Туризмда минтақаланишнинг, районлаштиришнинг кўп жихатларини ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида мамлакат туризмни ривожлантириш учун албатта туризм географиясини мукамал ўрганишимиз зарур бўлади. Чунки, туризм географиясининг методлари давлатда туризмни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини ишлаб чиқишда ишлатилади, туристик районларни ва уларнинг туристик сизимларини аниқлайди, туристик талаб ва туристик оқимнинг географиясини башоратлайди, иқтисодиётда туризм соҳасининг самарали фаолият кўрсатишдаги кўплаб муоммоларнинг ечимини ишлаб чиқади, туристик ҳудудларнинг туризмдаги даражаларни белгилайди, туризмни ташкил қилиш муаммоларини ечиб беради.

Иккинчидан, ҳар қандай соҳа ўзининг ривожланишида тўғри районлаштирини талаб қилади. Айнан районлаштириш ишлаб чиқаришда ҳам ҳудудий ёки маъмурий бўлинишда ҳам истқболда ривожлантириш режаларини тузишни осонлаштиради. Талабаларнинг районлаштириш бўйича тушунчаларини ва билимларини ошириш ва экотуристтик районлаштиришда туризмни географиясининг аҳамиятини билиб олиш учун мамлакатимизда туризмни районлаштиришнинг ҳозирги ҳолатларига тўхталамиз.

Чунки, туризм ривожланган Европа давлатлари, АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Малайзия, Австралия ва бошқа давлатлар ўз давлати ҳудудларини туристик–географик жихатдан районларга ажратиб ривожлантирмоқда. Мамлакат ҳудудларини туризмни ривожлантириш жихатларидан районлаштириш истқболда асоосий йўналишлардан бўлиши кутилаётган экотуризмни ривожлантириш районларини белгилашни ёки экотуризм ресурсларининг географик жойланишини районлаштиришни осонлаштиради.

Бу талабларни амалга ошириш учун ҳам туризм географиясининг туризмни районлаштириш масалаларини ўрганиш лозим.

Қачонки, миллий туризм географиясининг назарияси ва методологиясини, туризмда туристик-географик тадқиқотларнинг методологиясини (баҳолаш, сўров, таснифлаш, типологик, хариталаш) ва туризм тадқиқотларида замонавий илмий туризм географияси концепциясини ишлаб чиққани мизда мамлакат туризмни географик минтақаланиш, районлаштирилишининг имкониятлари яратилади.

Туризм географиясида жаҳонни туризм минтақаларига бўлишда қандайдир усул ёки услубиятлари қўлланилган эмас ва бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳам санокли микдорни ташкил қилмоқда. Туризм географиясида сайёрамиз китъаларини давлатлар бўйича бўлиш қабул қилинган. Шунинг учун ҳам туризм географиясининг халқаро минтақаланиши ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш талаб қилинади. Чунки, мамлакатимизда туризм географиясининг талаблари бўйича туризмни ва янги туристик ҳудудларни ташкиллаштиришда туризмнинг географик минтақаланиш усуллари билан танишиш зарурияти келиб чиқади.

Туризм географиясининг халқаро минтақаланишда Е.А.Окладников⁷⁸ жаҳонни қуйидаги 8 та регионга бўлади.

1. Европа региони:

- 1.1. Шимолий Европа туризми ва туристик ресурслари (Дания, Франция, Швеция).
- 1.2. Шарқий Европа туризми ва туристик ресурслари (Венгрия, Чехия). Марказий Европа туризми ва туристик ресурслари (Германия)
- 1.3. Ғарбий Европа туризми ва туристик ресурслари (Белгия, Англия, Люксембург, Нидерландия, Ирландия).
- 1.4. Жанубий Европа туризми ва туристик ресурслари (Греция, Италия, Испания, Канар ороллари)

2. Ўрта ер денгиз региони:

- 2.1. Ўрта ер денгизи мамлакатлари туризми ва туристик ресурслари (Кипр, Исроил, Туркия)

3. Шимолий Америка региони:

- 3.1. Шимолий Америка давлатлари туризми ва туристик ресурслари (АҚШ, Мексика, Канада)

4. Лотин Америкаси региони:

- 4.1. Лотин Америкаси давлатлари туризми ва туристик ресурслари (Бразилия, Венесуэла, Колумбия)

5. Австралия–Океани региони:

- 5.1. Австралия–Океания региони туризми ва туристик ресурслари (Австрия, Гавайи ороллари)

6. Осиё региони:

⁷⁸ Окладников Е.А., Международнй туризм. География туристских ресурсов мира. Москва, Омега-Л, 2002.-381 с.

6.1. Осиё шарқидаги мамлакатлар туризми ва туристик ресурслари (Хитой, Ҳиндистон, Япония)

7. Жанубий Осиё региони:

7.1. Жанубий Осиё региони туризми ва туристик ресурслари (Индонезия, Сингапур, Тайланд)

8. Африка региони:

8.1. Африка давлатлари туризми ва туристик ресурслари (Жазоир, Миср Араб Республикаси, Марокаш, Тунис, Жанубий Африка Республикаси).

Окладников А. Е. жаҳон туризмни регионларга бўлишда таҳлил объекти килиб (асос килиб) географик жойлашишни, табиий шароитини (иклим, ўсимликлар ва ҳайвонот олами), этник маданий ва тарихий маданий ресурсларини (архитектура обидалари, ўзига хос анъанавий маданияти, музейлари, маданий марказлари), туризм индустриясининг моддий-техник ресурсларини, регионнинг ижтимоий-иқтисодий ва замонавий экологик ҳолатига баҳони, экологик ижтимоий-иқтисодий башоратларни асос килиб олади.

Лукьянова Н.С.⁷⁹ ҳам дунё туризмни қуйидаги 5 та туристик-рекреацион макрорегионга бўлади:

- Европа туристик макрорегиони (43 та давлат)
- Осиё туристик макрорегиони (45 та давлат)
- Шимолий Америка туристик макрорегиони (3 та давлат)
- Марказий ва Жанубий Америка туристик макрорегиони (31 та давлат)
- Африка туристик макрорегиони (53 та давлат)

Шунингдек, Россия халқаро туризм академияси 1996 йилда Россия давлат туризмни ҳам 4 та туристик рекреацион минтақага бўлади:

- Россиянинг Шимолий Европа туристик минтақаси
- Марказий Россия туристик минтақаси
- Жанубий Россия туристик минтақаси
- Сибир ва Узоқ Шарқ туристик минтақаси

Туризм кучли ривожланган давлатлардан Америка Қўшма Штатлар ўз ҳудудларини 4 та туристик макрорайонга (Шимолий-Шарқ, Жанубий, Ўрта Ғарб, Ғарб) ва 13та туристик районга (Мегаполис, Янкиленд, Жанубий Атлантика, Флорида, Галф, Қўлбўйи, Марказий текисликлар, Буюк текисликлар, Ички Ғарб, Шимолий Ғарб, Аляска, Калифорния, Гавайи) бўлишган.

Дунёда туризм жуда кучли ривожланган Франция давлати ҳам ўз ҳудудларини 8 та асосий ва 22 та кичик туристик районларга бўлган Париж туристик райони.

- Шимолий туристик райони.
- Ғарбий туристик райони.
- Шарқий туристик райони.
- Альп туристик райони.

⁷⁹ Лукьянова Н.С., География туризма. М.: 2010, 110 с.

- Жанубий–Ғарбий туристик райони.
- Ғарбий туристик райони.
- Ўрта ер денгизи туристик райони.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти дунё туризмини 6 та қуйдаги макрорегионларга бўлади:

1. Европа туристик макрорегиони (Ғарбий,Шимолий,Жанубий, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари,Собиқ СССР нинг барча республикалари,Исронл,Кипр,Туркия)
2. Америка туристик макрорегиони (Шимолий,Жанубий,Марказий Америка давлатлари,ороллардаги давлатлар,Кариб ҳавзаси худудлардаги давлатлар)
3. Осиё–Тинч океани туристик макрорегиони (Шарқий ва Жанубий–Шарқий Осиё давлатлари, Австралия ва Океания)
4. Африка туристик макрорегиони (Миср араб республикаси ва Ливиядан ташқари барча Африка давлатлари)
5. Жанубий Осиё туристик микрорегиони (Жанубий Осиёнинг барча давлатлари)
6. Яқин Шарқ туристик макрорегиони (Ғарбий ва Жанубий – Ғарбий Осиё давлатлари, Миср Араб Республикаси, Ливия).

Хозирда республикада туризм географиясини ўрганиш тадқиқотларига бағишланган илмий ишлар вилоят чегараларида амалга оширилмоқда^{80, 81}. Бу тадқиқотчилар ўз тадқиқотлари чегаралари маълум бир вилоятнинг маъмурий худудлари доирасида бўлсада, ушбу маъмурий вилоят номига минтақа сўзини қўшиб (масалан Самарканд минтақаси мисолида,Хоразм минтақаси мисолида ва хоказо) ишлатмоқдалар. Маълумки, республикада вилоятлар номланишда хозиргача минтақа сўзини ишлатилиши илмий жиҳатдан асосланган ҳам эмас.Албатта, бу ҳолат географик жиҳатдан жиддий хато ҳисобланади ва бунга Республиканинг географлари ўз вақтида фикрларни айтиши зарур бўлиб колмоқда.

Хозирча туризм географиясини районлаштиришда вилоятларнинг маъмурий бўлиниши, вилоят худудларидаги туристик салоҳият, туристик ресурслардан фойдаланиш ва вилоятларда туризмни ташкил қилиш ва ривожлан тиришда вилоятларнинг маъмурий бўлинишини ҳисобга олиш тўғри бўлиши мумкин.

Қайд қилинган таҳлиллардан маълум бўладики,Ўзбекистон Респуб ликаси туризмида туристик географик минтақаланиш масалаларини ўрганиш га илмий–амалий жиҳатдан киришилган эмас. Бу ҳолатнинг асосий сабаби албатта,—туризм соҳасида етакчи мутахассисларнинг йўқлиги, юкорида қайд қилганимиздек,туризм соҳасида эндигина мутахассислар тайёрлашгакириш ганимиз ва туризм соҳаси хали жуда ёш янги соҳа бўлиб шаклланаётганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.Иккинчидан, мамлакатимиз туризми шаҳарларда

⁸⁰ Солиев А.С.,Усмонов М.Р.,Туризм географияси,Самарканд,2005,-131 б.

⁸¹Усмонов М.Р.,Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари (Самарканд вилояти мисолида),г.ф.и. дисс.авторреферати.Тошкент ЎзМУ,2003-25 б.

ва вилоятлар бўйича шаклланиб бораётгани учун минтакалардан эмас, республикамизнинг вилоятлар бўйича маъмурий - ҳудудий бўлинишидаги номланишидан фойдаланиш ҳозирча тўғрироқ бўлади.

13.3. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик районлари. Экотуристик районларида экотуризмни ривожлантиришдаги вазифалар.

Ўзбекистон Республикасининг экотуристик районлари ва бу районларнинг экотуристик тавсифини А.Нигматов ва Н. Т. Шомуратовалар яратдилар.^{82, 83} Харитага мувофиқ бутун мамлакатимиз ҳудуди XIV экотуристик районга ажратилган. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амурдарё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркул, Сирдарё, Чирчик-Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашақадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик районлари киритилган (6-Чизма).

Ҳар бир район ўзининг экотуристик ҳолати, имкониятлари, шарт-шароитлари ва ривожланиш истикболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради. Масалан, *Устюрт экотуристик райони*ни оладиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий-Қорақолпоғистонда жойлашган плато бўлиб, унинг умумий майдони 200 минг км² ни ташкил этади. Бу жойлар дунёда энг катта ва ягона 60-150 метрлик тик қояли жарлари, даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта-1000 км²ли тузли Борсақелмас шўрхоғи билан машҳур.

Ўсимлик қоплами сийрак, ош тузи ва балчикли тузнинг қатлами 16-27,5 м гача боради. Янги қуриб битказилган Қўнғирот сода заводи айнан ана шу тузлар ҳисобига ишлайди. Неолит давридан қолган «Устюрт макони» ҳам ноёбдир. Унда 60 га яқин қадимий одамлар яшаган табиий объектлар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам тарихий, ҳам экотуристик аҳамиятга мойил «Темпа» макони бўлиб, ундан Хоразм археология экспедицияси қадимий меҳнат ва ов қуролларини топган.

Орол ва Оролбўйи экотуристик райони экологик инкирозли экотуристик ҳудуд бўлгани учун ҳам экстремал экотуристик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристик маршрутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида бўлган Орол отрофи ҳудудларини камраб олади. Экотурлар нафақат трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Амурдарё экотуристик райони. Амурдарёнинг ўзанига яқин сохилларида тўқайзорлар мавжуд бўлиб, улар экотурлар учун жуда қизиқарли ноёб ландшафт ҳисобланади. Қуйи Амурдарёнинг ўнг соҳилида тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадайтўқай кўрикхонаси ташкил этилган. Орнитофаунани сақлаш учун Хоразм буюртма хонаси ташкил этилган. Булардан ташқари Қизилқумнинг ғарбий

⁸². Шомуротова Н. Т., Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари, г.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент, 2011, 22 б.

⁸³. Нигматов А., Шомуротова Н., Ўзбекистонни экотуристик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси, ж. № 2, 2007, Тошкент. 45-54 б.

кисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, кембрий ва кембрийгача даврда бурмаланган тоғ жинслари очилмаларидан иборат, баландлиги 485 метрлик Султон Увайс тоғларига экотурлар уюштириш мумкин. Амударё райониди Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан бири Хоразм жойлашган, унинг архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири ҳисобланади. Экотурларни тарихий турлар билан комплекс олиб бориш мумкин.

Нурота экотуристтик райони ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота тоғ ёнғокзор-мева кўриқхонаси мавжуд. Бу кўриқхонага «Экосан» қошидаги «Экосантур» фирмаси томонидан кўплаб маршрутлар уюштирилган. Октоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган шамол таъсирида тебраниб турувчи бахайбат харсангтошли «Сангжумон», «Кориз қолдиқлар» каби табиат ёдгорлиги экотуризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади. Кўп асрлик зиёратгоҳ «Чашма булок» яқинида «Чилустун» масжиди, мадраса, Абул Хасан Нурий макбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида «Сармиш дараси» даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.

Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м, майдони 163 м келадиган «Майдон карст гори», Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, абсолют баландлиги 1100 м, майдони 70 м келадиган «Хонаихудо карст гор» да горшуносликни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган «Работи Малик карвонсаройи» сайёҳларнинг тўхташ жойи шунингдек, савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работи Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ёдгорлик-сардоба учрайди. Ер ичиға 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Зарафшон экотуристтик районида Зарафшон дарёси бўйларида жойлашган тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштирилган «Зарафшон кўриқхонаси» мавжуд. Бухоро вилоятининг Шофрикон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорликлар (Варданза шаҳар харобалари) давлат томонидан кўриқланади. «Варданза кўриқхонаси», «Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш буюртма хонаси», Қоравулбозор хўжалигида жойлашган «Жайрон-экомар кази», сув ва ботқоққа мослашган қушларни кўпайтирувчи «Денгизкўл буюртма хонаси», Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонкўтон ва Темурланг карст горлари, Зирабулок-Зиёвуддин тоғ тизмаларидаги кўп қаватли «Гунтак гори» ва бошқалар диққатга сазовордир.

Туркистон экотуристтик районида экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларға уюштириш мумкин. Чунки бу районда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 1959 йилда ташкил этилган, абсолют баландлиги 1760-3500 м, умумий майдони 21735 га бўлган «Зомин давлат кўриқхонаси», майдони 24110 га бўлган ноёб тоғ-арча экосистемаларини

тиклаш ва рекреация максалларида фойдаланиш учун 1978 йилда ташкил этилган «Зомин миллий боғи» мавжуд



6-Чизма. Ўзбекистон Республикасининг экотуристтик районилари

Қашқадарё экотуристтик райони чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу районда ёз ва баҳор ойларида чўл ва даштларда, йилнинг барча фаслларида эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларига экотурлар уюштириш мумкин. Қашқадарё районида 1979 йилда ташкил этилган, 3938 га майдонга эга бўлган, МДХ давлатлари ичида ягона «Китоб давлат геология кўрикхонаси», 1992 йилда ташкил этилган «Муборак буюртмахонаси», 1992 йилда ташкил этилган «Сеченқўл буюртмахонаси» мавжуд.

Сурхондарё экотуристтик районида Кўхитанг тоғли ҳудудда 1987 йилда ташкил этилган, 53,7 минг га майдонда 800 хил ўсимлик ва 290 та куш ҳамда 20 дан ортиқ хайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган «Сурхон давлат табиат кўрикхонаси» мавжуд. Сурхондарё райони Республика мизнинг ўзига хос районларидан бири, бу ерда қуруқ субтропик иқлим минтақаси ҳукмрон. Шунинг учун ҳам йилнинг кўп ойларида экотурлар уюштириш имконияти бор.

Қизилқум экотуристтик райони Ўзбекистоннинг бошқа экотуристтик районларидан табиий- иқлимий хусусиятлари бўйича ажралиб туради. Чунки бу экотуристтик район Республикамиздаги энг катта чўлнинг ҳудудларида жойлашган. Сайёрамиздаги энг катта чўллардан ҳисобланувчи Қизилқум чўлининг майдони 32,5 млн.га. Шундан, 7 млн. га майдони Ўзбекистон

худудларида, қолганлари Қозоғистон Республикасининг асосий майдонларини эгаллайди. Қизилқум чўлида чўлнинг барча типлари ва рельеф шакллари учрайди. Майда қум тепали массивлар ва кўчма қум барханлари ҳам Қизилқумнинг асосан марказий қисмида жойлашган. Ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси Марказий Осиёнинг чўллари ва ўсимликларини ифодалайди.

Ҳисор экотуристлик районининг табиий-иклим хусусиятлари, ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси ҳақидаги маълумотлар Ҳисор давлат табиат кўриқхонаси ҳақида ёзилган тавсифларда келтирилди.

Айдарқўл экотуристлик райони асосан серёғин бўлган 1969 йилдаги сувларнинг ва Мирзачўлни пахтачилик мақсадларида ўзлаштириш натижалари, ташлама сувларнинг кўпайиши натижасида Айдарқўл ва Арнасой тизимидаги кўлларининг кўшилиб кетиши ва Чордара сув омбори даги ортиқча сувларнинг ташланиши ҳисобига юзага келди. Бу экотуристлик районнинг сув билан банд қисми 600 минг га. Майдон йилдан-йилга каттар моқда ва бу каттариш ҳам кўп ўтмасдан ўзининг салбий оқибатларини Ўзбекистонликларнинг олдига кўндаланг қилиб кўяди. Ҳозирда бу сув ҳавзаларидан балиқчилик ва халқаро миқёсда қишловчи қушларнинг муҳофазаси мақсадларида фойдаланилмоқда. Бу жойда экотуристлик инфратузилма лар яратилган ва маҳаллий, халқаро экотуристларни қабул қилиш бошланган.

Сирдарё экотуристлик райони асосан Сирдарёнинг хавзасини тўлик эгаллайди. Бу дарё хавзасида сақланиб қолинган тўқайзор ва қамишзорларда асосан балиқчилик, қисман шолчилик ва қишловчи қушлар экотуристлик объектлар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек бу экотуристлик районда маҳаллий экосафари туристик маршрутларини ҳам ташкил қилишнинг катта имкониятлари бор.

Чичиқ-Оҳангарон экотуристлик районида Чотқол тоғ-ўрмон Биос фера табиат кўриқхонаси ва Угом-Чотқол миллий паркиннинг худудлари жойлашган. Бу иккала муҳим экотуристлик объектларнинг тавсифлари келтирилди. Бу экотуристлик районнинг худудларида экотуристлик инфратузилма лар яратишнинг халқаро талаблари даражаларидаги иншоотлари қурилмоқда ва маҳаллий, халқаро экотуристларни қабул қилиш бошланган.

Фарғона экотуристлик районининг майдони бутун Фарғона водийсининг худудларини қамраб олади. Бу водий табиатининг бетакрор лиги, мафтункорлиги ва турли-туманлиги қадимдан дунёга маълум. Аслида, инсоният тараққиётининг энг чўққиларига асос солган Буюк ипак йўлининг очилиши ҳам ана шу Фарғонамининг табиати ва унинг меҳнатқаш, ижодкор халқи бўлган. Бу экотуристлик районда экологик туризмни ҳам ва туризмдаги барча турларни ҳам ривожлантиришнинг жуда катта салоҳиятлари ва имкониятлари бор.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли, имкониятлар жуда катта. Экотурларни йилнинг барча фаслларида ўтказиш ва уни тарихий, диний, рекреация туризмлари билан кўшиб олиб бориш мумкин.

Экотуристик районларида экотуризмни ривожлантиришдаги вазифалар. Ўзбекистоннинг экотуристик районлари харитасининг ишлаб чиқиши ҳам мамлакатимизда экотуризмни ривожлантиришдаги жиддий тадқиқотлардан ҳисобланади. Шу билан бирга бу экотуристик районларда экотуризмни ривожлантиришда қуйидаги муаммо ва масалаларни ҳал қилишга тўғри келади;

1. Экотуристик райондаги экотуризм ресурсларидан экотуризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг ҳуқуқий-мъёрларини ишлаб чиқиш;

2. Экотуристик районда туризмда фойдаланиш мумкин бўлган барча русурсларнинг рўйхатини тузиш ва таъриф-тавсифларини тайёрлаш;

3. Экотуристик райондаги экотуризм ресурсларининг рўйхатини тузиш ва таъриф-тавсифларини тайёрлаш;

4. Экотуристик районда экотуризмни ривожлантириш йўналишларини, имкониятларини, илмий, амалий ва ташкилий жиҳатлардан ишлаб чиқиш;

5. Экотуристик районнинг экотуристик ресурслари рекламаларини ишлаб чиқиш;

6. Экотуристик райондаги экотуризм ресурсларига экотуристик экскурсия ва экотуристик маршрутлар ишлаб чиқиш;

7. Экотуристик районда экотуризмни ривожлантиришнинг ташкилий, экологик ва иқтисодий тизимларини ишлаб чиқиш;

8. Экотуристик районда аҳолини экотуризм соҳасига тайёрлашда бепул ўқитиш ва экотуризм тадбиркорлиги марказларини ташкил қилиш;

9. Экотуристик районда экотуризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурлари ва стратегик режаларини ишлаб чиқиш;

10. Экотуристик районлардаги экотуризм ресурсларида (объектларида) экотуристик инфратузилмалар яратишга киришиш;

11. Республикаимиздаги вилоятлар ўзларининг ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларига экотуризмни ривожлантириш дастурларини ҳам қўшиши.

Ўзбекистоннинг экотуристик районларида экотуризмни ривожлантиришни туризмда қисқа муддатларда ҳал қилинадиган масалалар каторига киритиб бўлмайди. Чунки, юқорида келтирилган вазифалар мукамал илмий тадқиқотларни ўтказишни ва ташкилий-иқтисодий тизимларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам экотуризм мутахассислари дастлабки босқичда мамлакатимизнинг вилоятларида экотуризмни ривожлантириш муаммоларини ўрганишни бошлашлари лозим бўлади. Бу йўналишда дастлабки натижалар юзага (Навоий вилояти бўйича) чиқди⁸⁴.

Фикримизча, дастлаб вилоятлардаги асосий экотуристик ресурсларнинг рўйхатини тузиш ва бу экотуристик ресурслардан фойдаланишни экотуристик районларда амалга ошириш тўғридек бўлмоқда. Чунки, ҳозирги илмий манбалар бўйича қайд қилинган ишларни қисқа муддатларда бажариш

⁸⁴ Исломова Р.А., «Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари. Тошкент «Иқтисодиёт», 2014, 131 б.

мумкин. Ушбу масалани Жиззах вилояти мисолида кўриб чиқганимизда куйидагилар келиб чиқади.

Ўзбекистоннинг экотуристтик районларининг жойлашиши ва худдуларига назар солсак Жиззах вилояти худдулари 4 та экотуристтик районга киритилган: VII–Айдаркўл, VIII–Сирдарё, V–Нурота ва XI–Туркистон. Вилоятдаги экотуристтик ресурсларининг мамлакатимиз даражасида бундай бўлиши ҳам вилоят табиатининг бир-биридан фарк килувчи, жозибатор экотуристтик ресурсларга бойлиги билан белгиланади.

Жиззах вилоятидаги экологик ресурсларни ўрганишимиз натижасида ва халқаро экотуризм бозоридаги экотуристтик талабларни, экотуристтик маҳсулотлар, экотуристтик хизматларга бўлган эҳтиёжларни эътиборга олсак вилоятдаги экотуристтик рекреация туризми ресурслари куйидагича таърифланиши мумкин:

1. «Зомин» давлат миллий боғи.
2. «Зомин» давлат тоғ-ўрмон кўриқхонаси.
3. «Нурота» давлат тоғ-ўрмон кўриқхонаси.
4. «Арнасой» давлат табиат букортмаҳонаси.
5. Туркистон тизмали тоғлари шимолий ён-бағридаги арчазор ўрмонлари;
6. Молгузар тоғ тизмаларидаги сийрак арчазор ўрмонлари билан боғлиқ табиат ландшафтлари;
7. Нурота тоғ тизмаларидаги арчазор, ёнғоқзор ўрмонлари;
8. Зомин тоғларидаги арчазор ўрмонлари;
9. Бахмал тоғларидаги арчазор ўрмонлари;
10. Фориш тоғлари табиат ландшафтлари;
11. Кўйтош тоғларидаги сийрак ўрмон ландшафтлари, тош хайкаллар ва қоятошлардаги қадимий расмлар.
12. Сангзор дарёси сув ҳавзаси;
13. Зоминсув дарёси сув ҳавзаси;
14. Жиззах сув омбори ҳавзаси.
15. Арнасой кўли сув ҳавзаси.
16. Ҳайдаркўл сув ҳавзаси.

Вилоятдаги экотуристтик-рекреацион ресурслар ички ва ташқи экотуризмни ривожлантиришда юқори даражадаги хилма-хиллиги ва жозибаторлиги билан республикамиздаги бошқа экотуризм ресурсларидан алоҳида ажралиб туради. Ушбу экотуристтик ресурслардан алоҳида-алоҳида ҳам фойдаланиш мумкин. Ҳозирча республикамиз туризмида туристик ресурслардан қайд қилинган индивидуал йўналишда фойдаланилмоқда (Масалан, тарихий ёки зиёрат туризми ресурслари каби). Халқаро ёки ички туризми ривожланган давлатларда эса туристик ресурслардан мажмуали усуллардан фойдаланиш жуда ривожланган.

Бу ҳолатнинг асосий сабаби биринчидан, Ўзбекистонда ҳали мажмуали турни, мажмуали турмаҳсулотларни ишлаб чиқарувчи малакали туropolераторларнинг жуда камлиги ҳисобланади. Иккинчидан, туropolераторларимиз республикамизнинг табиий географиясини, табиий минтақаларнинг биологик

хилма-хиллик ресурс ларини яхши билишмайди. Учунчидан, вилоятлардаги туристик ресурсларнинг районлаштирилмаганлигидир. Шу сабабли туропера торлар туристик ресурсларнинг умумий рўйхати билангина ишлашади, ёки вилоятларда фақат анча оммавийлашган туристик объектларгагина турмахсулот, туристик маршрутлар ишлаб чиқишмоқда.

Ички туризмда ҳам, айниқса халқаро туризмда бундай, яъни ҳар бир туристик объектдан индивидуал усулда фойдаланиш давридан ўтдик. Бу даврнинг туристик маҳсулоти эскирди. Ҳозир халқаро туризмни ривожлан тириш учун янги ва фақат янги туристик маҳсулотлар ишлаб чиқишимиз талаб қилинмоқда.

Туристик ресурслардан мажмуали фойдаланишнинг мазмуни шундаки, тажрибали туроператор бир туристик объектни қўришга келган турист ёки туристларни қўшни туристик объект ёки туристик ҳудудга қизиқтиришнинг уйдасидан чиқиши лозим. Европа, Америка ва Хитой давлатларидаги туроператорлар шу усулда ишлашади. Шунинг учун ҳам биз вилоятдаги экотуристик-рекреацион ресурслардан туризмда фойдаланиш учун бу ресурсларни вилоят бўйича районлаштириш бугунги туризм ривожининг долзарб талабларидан деб ҳисоблаймиз.

Туристик районлаштиришда қўлаб-тадқиқотчилар ҳудудларнинг туризмга яроқлилиги, туристик ресурсларнинг жозибадорлигини асос қилиб туризм тизимини ҳудудий ва минтақавий лойиҳалаштиришни таклиф қилишган. Туристик ҳудудий бирликларда районлаштирилганда таҳлил объекти қилиб (асос қилиб) географик жойлашишни, табиий шароитини, биологик ресурсларини, этник, маданий ва тарихий ва тарихий маданий ресурсларини (архитектура обидалари, ўзига хос анъанавий маданияти, музейлари, маданий марказлари), туризм индустриясининг маданий-техник ресурсларини, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва замонавий экологик ҳолатига баҳони, экологик ижтимоий-иқтисодий башоратларни асос қилиб олади.

Биз ҳам Жиззах вилоятидаги экологик-рекреацион ресурслардан экотуризм-рекреацияни ривожлантириш учун районлаштириш тадқиқот ларимизда юкоридаги муаллифлар таклиф қилган ижтимоий-иқтисодий ва замонавий экологик ҳолатга баҳо мезонларидан фойдаландик. Экотуристик районларни номлашдаги ном ушбу райондаги асосий бойликларни билдириб туриши асос қилиб олинди. Экотуристик район таркибига кирувчи экотур истик ҳудудларнинг бири-бирини экотуристик ресурслар билан тўлдириб бориши ёки кескин бошқача экотуристик жозибадор бўлишига эътибор берилди.

Яна бир муҳими экотуристик район ичидаги экотуристик ҳудудлар бир-бирига чегарадошлиги, бир экотуристик ҳудуддан иккинчи бир экотур истик ҳудудга ўтиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олинди. Шунинг учун ҳам, бизнинг хулосаларимиз бўйича бир экотуристик район ичидаги экотуристик ҳудудлардан мажмуали фойдаланиш имкониятлари юкори даражада бўлади (масалан, ўрмонлардан сув хавзаларига, улардан ижтимоий-маданий ресурс ларга ва бошқ.). Вилоятда экологик ва рекреация туризмни ривожлантириш

учун экологик-рекреация ресурсларини куйидагича районлаштириш тавсия қилинади:

I. Туркистон тоғ тизмаларининг арчазор ўрмонлари ва биологик ресурслари экотуристтик райони:

- 1.1. *Зомин давлат миллий боғи.*
- 1.2. *Зомин давлат табиат қўриқхонаси.*
- 1.3. *Зомин тоғлари арчазор ўрмонлари табиати ландшафтлари.*
- 1.4. *Зомин сув дарёси ҳавзаси.*

II. Молгузар тоғ тизмаларидаги арчазор ўрмонлари билан боғлиқ табиат ландшафтлари экотуристтик райони:

- 2.1. *Бахмал тоғлари арчазор ўрмонлари табиат ландшафтлари;*
- 2.2. *Сангзор дарёси ҳавзаси;*
- 2.3. *Ойқор тоғи арчазор ўрмонлари табиати биохилма-хиллиги ландшафтлари;*

III. Жиззах сув омбори ҳавзаси экотуристтик райони:

- 3.1. *Жиззах шаҳридаги экологик, ижтимоий-маданий ресурслари.*
- 3.2. *Жиззах шаҳри атрофидаги агротуризм ва маданий ландшафтлар.*

IV. Мирзачўл текисликлари ва шимолдаги қумли чўл табиати экотуристтик райони:

- 4.1. *Агрландшафтлардаги миллий деҳқончилик.*
- 4.2. *Арнасой давлат буюртма хонасиси (заказник) биологик ресурслари.*
- 4.3. *Қумли чўл табиати ландшафтлари.*

V. Ҳайдаркўл сув ҳавзаси ва Арнасой кўли сув ҳавзаси экотуристтик райони.

VI. Нурота тоғ тизмаларининг шимолний-ғарбий қисмидаги тоғ ўрмонлари, табиий ёнғоқзорлар ландшафтлари экотуристтик райони:

- 6.1. *Нурота давлат табиат қўриқхонаси.*
- 5.2. *Фориш тоғлари табиий ландшафтлари.*
- 5.3. *Қўйтош тоғларидаги табиий тош шакллари ва қоятошлардаги қадимий расмлар.*

Юқорида келтирилган маълумотлар, тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладиги, вилоятда экотуризм ресурслари салоҳияти жуда катта ва бу туризм турини ривожлантириш имкониятлари ҳам мавжуд. Шу сабабли вилоятда экотуризмни ривожлантиришда туристик талаб+туристик таклиф+туристик истеъмол муаммоларининг ечимини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Иккинчидан, вилоятнинг табиий иқлим ресурсларини, биологик-хилма-хилликни бетақрор табиат ландшафтларини экотуризмнинг нодир, мўжизавий, маънавий бойликлар деб тушуниш ва билиш муҳитини яратиш лозим бўлади. Вилоятдаги экотуристтик ресурсларнинг асосий рўйхати тузилиб бу экотуристтик ресурслар районлаштирилгандан кейин режада турган навбатдаги вазифага ўтиш мумкин.

Таянч сўзлар ва иборалар: районлаштириш, туризм географияси, минтакавий туризм, туристик марказлар, табиий ландшафтлар, экотуристтик район, экотуристтик тадбиркорлик, мўжиза, биологик хилма-хиллик.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштиришда туризм географиясининг районлаштириш бўйича қандай долзарб вазифаларни ҳал қилиш керак?
2. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштиришда қандай таклифларингиз бор?
3. Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари нималарга асосланиб ишлаб чиқилган?
4. Сиз яшаётган манзил қайси экотуристлик районга киради ва бу райондаги экотуристлик ресурслардан экотуризмни ривожлантиришда нималарга эътибор бериш керак?
5. Ўзбекистоннинг қайси экотуристлик районларида экотуризмнинг асосий ресурслари жойлашган?
6. Ўзбекистоннинг экотуристлик районларини ўрганинг ва амалий дарсларда презентацияли маъруза қилинг.
7. Ўзбекистоннинг экотуристлик районларидаги асосий экотуристлик ресурслар бўйича кўргазмали материаллар тайёрланг.
8. Ўзингиз яшаб турган экотуристлик районда экотуризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқинг.
9. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштиришга тавсиялар тайёрланг.
10. Заравшон экотуристлик райони мавзусида давра суҳбати учун маъруза тайёрланг.

14-Мавзу. Экологик туризмнинг табиатга таъсири.

Режа:

14.1. Экотуризмнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири.

14.2. Экотуризмнинг табиатга ёнлама таъсири.

14.1. Экотуризмнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири.

Экотуризмнинг табиатга таъсири йўналишида мамлакатимиз экотуризмда илмий-тадқиқотлар бошланган эмас. Умуман экотуризм ҳақидаги илмий-тадқиқотларнинг аксарият қисмини Россиялик олимларнинг илмий адабиётларидан ўрганаёلمиз ва ҳозирча экотуризмда қуруқ, илмий-амалий, тажрибавий жиҳатлардан асосланмаган тавсияларни ёзмақдамиз. Лекин, Россиядаги экотуризмнинг даргалари ҳам экотуризмнинг табиатга таъсири илмий- амалий тажрибасиз, “шундай бўлса керак” маъносида ёзишмоқда^{85 86 87 88}.

Биз ҳам бу илмий муҳитдан илмий тадқиқотларсиз чиқаолмаймиз. Шунинг учун ҳам бу мавзуда экотуризмнинг табиатга таъсири асосан Россиялик мутахассисларнинг хулосалари бўйича келтирамиз. Илмий адабиётларда экотуризмнинг табиатга таъсири изохлашни икки даврга бўлиш мумкин;

1. Ўтган асрнинг 70- йилларидан аср охиригача бўлган давр;

⁸⁵ Дроздов А.В., Основы экологического туризма. Москва, Гардарики, 2005. 271 с.

⁸⁶ Сергеева Т.К. Экологический туризм. Москва, Финансы и статистика, 2004. 360 стр.

⁸⁷ Храбовченко В.В., Экологический туризм, Москва, Финансы и статистика, 2003, 172 стр.

⁸⁸ Косолапов А.Б., Теория и практика экологического туризма, Москва, КНОРУС, 2005, 240 стр.

2. XX асрнинг ҳозирги даври.

Ўтган асрнинг 70- йилларидан аср охиригача бўлган даврда инсоният олдидаги глобал экологик инкирозларнинг олдини олишда экотуризмнинг аҳамиятини белгилашда ва экотуризмнинг принципларини ишлаб чиқишда асосан унинг табиатни муҳофаза қилишдаги ўрнига катта эътибор берилди. Шунинг учун ҳам экотуризмнинг табиатга салбий таъсирини тадқиқ қилиш ҳақидаги маълумотлар у давр адабиётларида деярли учрамайди. Бу ўша вақтдаги тўғри йўл эди.

Чунки, экотуризмнинг асосий ресурслари ва объектлари “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар”, “Миллий парклар” ва “Давлат табиат кўриқхона”лари бўлганлигидан экотуризмнинг табиатга салбий таъсирларини юзага чиқариш халқоро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотларининг қаршилигига албатда дуч келиши мумкин бўларди. Шу билан бирга у даврларда илмий-техника тараққиёти табиат ва унинг ресурсларини емириб бораётган, табиатни муҳофаза қилишда давлатлар табиат кўриқхоналарини ва миллий паркларни ташкил қилишни кучайтирган вақтлар эди.

Экотуризмнинг табиат муҳофазасидаги ўрни ва аҳамияти дунё экологик туризмида дунё мамлакатларининг кўпчилигида амалий жиҳатлардан исботлангандан кейин (АҚШ, Канада, Австралия, Европа давлатлари, Африкада экотуризм ривожланган давлатлар, Ҳиндистон, Япония) асримиз бошланиш даврларига келиб экотуризмнинг табиатга салбий таъсирлари юзага чиқа бошлади. Бу ҳақда кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида иқтисодий ривожланган АҚШ, Канада ва Европа давлатларида оммавий туризм кучли ривожланиб борди. Туризм ва антропоген босимнинг табиатга салбий таъсири ҳақида биргина мисол келтираемиз. Масалан, 1973-1983 йилларда ана шундай таъсирлар натижасида Европа мамлакатлари бўйича дарё ва кўлларда туристик маршрутлар 40% га, денгиздаги маршрутлар-70% га қискарди, табиий ўрмонларининг 60% и оммавий туризмдан зарар кўрди, пайхон қилинди.

АҚШнинг Балингер канъонида туристик транспорт окимининг кучайиши ва туристик инфратузилмаларнинг марказлашуви натижасида атроф ҳудуд тупроқ катламининг 86% и табиий унумдорлигини йўқотди. Шу йилларда АҚШнинг миллий паркларида, Альпда, Непал давлатидаги алпинизм туризми кучли ривожланган Эверест тоғи ён бағирларида, Жанубий Америкадаги машҳур Инклар сўкмоғида, Непалнинг Аннапурна тоғлари ён бағирларида туристик рекреацион емирилиш кучайиб кетди⁸⁹.

Туризмдаги оммавий ва экологик ривожланишнинг табиатга ва унинг ресурсларига салбий таъсири ҳақидаги биринчи илмий мақола Ғарбий Германиялик Р.Юнкнинг- “1га чўмилиш жойида қанча туристлар бор” мавзусидаги мақоласи бўлиб қолди. Шундан кейин 1981-йилда Х.Вайснинг- “Швейцарияда ландшафтларнинг аста-секинлик билан емирилиши ва уларни қутқариш тадбирлари” мавзусидаги китоби нашр қилинди ва бошқ... Шундан

⁸⁹ .Сергеева Т.К., Экологический туризм. Москва, Финансы и статистика, 2004, 360 с.

кейин хориж экотуризмда экотуризмнинг табиатга салбий тасири даражаларини ўрганишга катта эътибор берилди.

XX асрнинг ҳозирги даврдаги илмий адабиётларда экотуризмнинг табиатга тасири ҳақида илмий-амалий тажриба ва кузатувга асосланмаган хулосалар ёзила бошланди. Бу ҳақида юқорида тўхталдик. Масалан, Россиядаги экологик туризмнинг даргалари бўлган Дроздов А.В., Сергеева Т.К., Храбовченко В.В., ва Косолапов А.Б.ларнинг туризмнинг табиатга тасири ҳақидаги хулосалари бир хил маънода- яъни туризмнинг табиатга тасири –а)- тўғридан-тўғри;-в)-ёшлама(билвосита) юз беради.

Экотуризмнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири ҳақида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу мисолларнинг барчасида экотуризмнинг нотўғри ташкил қилиниши ва экотуристлик фаолиятнинг назоратсиз ҳолатларида юз беради. Экотуризмда қуйидаги иккита ҳолат экотуризмни ривожлантирувчилар, экотуризмни тадқиқ қилувчилар учун жуда муҳим ҳисобланади;

1. Экотуризмнинг табиатни муҳофаза қилиши;
2. Табиатни экотуризмдан муҳофаза қилиш.

Экотуризмнинг асосий мақсади табиатни муҳофаза қилиш ҳисобланади. Экотуризмнинг жаҳонда шакллантирилиши дунёвий экологик инкирозлардан келиб чиққанлиги ҳам ўрганилди. Экотуризмнинг табиатга ҳар қандай таъсири экотуризмнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилмаган ҳолатларда юз беради. Экотуризмнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилмаган ҳолатларда экотуризмни ташкил қилиш ва экотуристлик фаолиятни назорат қилиш ҳам қийин кечади.

Табиатни экотуризмдан муҳофаза қилишда экотуристлик ресурслардан фойдаланиш юқламасини яъни экотуристлик объектга бир кунда қанча экотуристни қўйиш чегарасини, меъёрини билиш лозим. Бу чегарадан, юқламадан ортиғи экотуристлик босим дейилади. Экотуристлик босим қанчалик ортса табиатга келтирилган зарар ошиб боради. Бундай ҳолатларда табиатдан экотуризмда фойдаланиш зарарли бўлиб чиқади.

Экотуризмнинг табиатга тўғридан-тўғри таъсири қуйидаги ҳолатларда юз беради;

- экотуристлик меъёрдан ортиқбалиқ овлаш ва экотуристлик меъёрдан ортиқ овчилик тасирида ўсимлик ва ҳайвонларнинг қирилиши, табиий ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик фаолияти натижасида табиий шароитларнинг бузилиши.
- ўсимликлар ва ҳайвонларнинг табиий ҳаётига аралашув- шовкин, уларни қўлдан озиклантириш, сунъий шароитларда кўпайтириш, доимо таъқиб қилиш, кузатиш, уяларини бузиш ва бошқ.;
- инсон келтирган озик-овқат чиқиндиларидан юқумли касалликларнинг келиб чиқиши, ўрмонларнинг кесилиши, тупрқ қатламида салбий ўзгаришларнинг ҳосил бўлиши.

14.2. Экотуризмнинг табиатга ёнлама тасири

Экотуризмнинг табиатга ёнлама таъсирини инсониятнинг табиат ва унинг ресурсларидан нотўғри фойдаланиши-антропоген таъсирларининг барчасини мисол тариқасида келтирсак тўғри бўлади. Бундай таъсирлар ҳақида жуда кўп мисолларни келтириш мумкин. Бу мисолларнинг умумий ҳолатларини қуйидагича тушунтириш мумкин:

- ҳайвонлар ва ўсимликлар табиий яшаш муҳитининг инсон фаолияти натижасида ўзгариши;
- географик табиий муҳит компонентларига глобал антропоген таъсир (сув юзалари ва тупроқнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши ва эрозиянинг кучайиши, иқлимнинг глобал ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, дунё океанининг ифлосланиши ва бошқ.);
- ҳайвонларни сунъий шароитларда сақлаш, ҳайвон ва ўсимликларнинг табиий шароитдаги яшаш жараёнларига аралashiш ва бошқ...
- табиатга ўнганмас қирғин келтирувчи ҳарбий қуроқларни синаш,
- захарли қимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва қўлаш.

Эътибор қилсак, юқорида келтирилган “таъсирлар” ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги инсоннинг илмий-техника тараққиётини ривожлантириши натижасида сайёрамиз “табиатини бўйсиндириш” шиори билан эртанги кунини ўйламасдан, келажак авлодининг табиатдаги ризқи-насибасини еб қўйишини изохлаш деб баҳоласа хато бўлмайди. Иккинчидан, “таъсирлар”ни ёзган муаллифлар табиатга экотуризмнинг таъсирини эмас ва туризмнинг ҳам таъсирини эмас балки, табиатга инсониятнинг бутун цивилизацияси давридаги очқўзлиги ва калтафаҳмлиги натижасида айниқса, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозиргача давом этаётган табиатни бузиш, емириш, талаш ва қиришининг натижаларини изохлашган.

Экотуризмни ривожлантирар эканмиз унинг табиатга-в)-ёнлама (билвосита) таъсири бўлиши қутилмаган ҳодиса эмас. Бу таъсирларсиз экотуризмни ривожлантириб бўлмайди. Бу ерда асосий мулоҳаза табиатдаги экотуристик сўқмоқлар, экотуристларнинг ноҳўя ҳаракатлари, қўриқланаётган ҳудудлардаги сўқмоқларда қисқа муддатли дам олиш инфратузилмалари, экотуристларнинг шовқини ва чиқиндилари ҳақида бормоқда^{90 91 92 93}.

Экотуризмни ташкил қилишда экотуризмда лидер давлатларнинг “алоҳида муҳофазадаги табиий ҳудудлар”да экотуризмни ривожлантириш механизмла ридан фойдаланишимиз керак. Бу ҳақида 9-бобда ёзилди, фойдаланиш тизими чизма равишда келтирилди (ЭКОНЕТ).

⁹⁰ Дроздов А.В., Основы экологического туризма. Москва, Гардарики, 2005. 271 с.



⁹¹ Сергеева Т.К. Экологический туризм. Москва, Финансы и статистика, 2004. 360 с.

⁹² Храбовченко В.В., Экологический туризм, Москва, Финансы и статистика, 2003, 172 с.

⁹³ Косолапов А.Б., Теория и практика экологического туризма, Москва, КНОРУС, 2005, 240 с.



*Жанубий Африкадаги (Кругер миллий парки)
ёввойи ҳайвонлар*



Бу фойдаланиш тизимининг учинчи зонаси (*Буфер минтақалар (фойдаланишдан олинмаган, ҳўжалик фаолияти ва табиатдан рационал фойдаланишга рухсат берилган бўлиб табиатни тиклаш шароитлари ҳам яратилган*) да ҳўжалик фаолиятига рухсат берилган. Чунки, миллий парклар табиат кўриқхоналари ва алохида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг барчасида аҳоли (асосан қишлоқ аҳолиси) яшашади.

Мамлакатимиздаги Зомин ва Угом-Чотқол миллий парklarининг ҳудудларида ҳам кўплаб қишлоқлар бор. Бу қишлоқ аҳолиси ўтган вақт давомида миллий парк ва кўриқхоналардаги табиий ландшафтлардан фойдаланиш учун кўплаб сўкмоқлар яратишган. Миллий парк ва кўриқхоналардан экотуризмда фойдаланишда дастлаб ушбу сўкмоқлардан фойдаланиш мумкин. Иккинчидан, ҳайвонот олами ҳақидаги Африка, Америка, Ҳиндистон ёки Австралия давлатлари миллий паркларида олинган филларни кўрсак йиткич ҳайвонларнинг экотуристардан ҳайикмаслигини томоша қиламиз (расмлар). Расмлардаги ҳайвонлар ёввойи табиатдаги энг хурракларидан ҳисобланади.

Лекин, экотуризмдаги маълум йиллардан кейин улар албатда инсонга ўрганишади. (фақат экологик сўкмоқлар атрофида). Шунинг учун ҳам

экотуризмнинг табиатга салбий тасири(сўқмоқлар тасирида ландшафтларнинг емирилиши, хайвонотнинг, кушларнинг “қочиб” кетиши ва табиий яшаш муҳитининг ўзгариб кетиши ва бошқ..)ни ваҳима даражасига кўтариш керак эмас. Қайд қилинганларни илмий адабиётлар асосида олима Р.А. Исломова ҳам таъкидлайди⁹⁴(8-жадвал).

Жадвалда келтирилган малумотлардан малум бўладики, экотуризмнинг ривожланиши табиат муҳофазаси ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий яшаш даражаларини оширади ва табиатга, унинг ресурсларига минимал даражаларда салбий тасир қилади. Ерларнинг эрозияга учраши, хавонот оламининг “қочиб” кетиши, турларнинг яшаш тарзининг бузилиши ва бошқа салбий ўзгаришлар, сувларнинг булғаниши экотуризмнинг “Принциплари”, “Қоидалари” ва “Талаблари”га риоя қилинмаганда юз беради.

Р.А.Исломова экотуризм йўналишидаги монографиясида экотуризмни ривожлантиришдаги(Навойи вилоятида) кўплаб муаммолар аниқ белгиланган. Хулоса шундан иборатки, экотуризмнинг табиатга салбий тасири ва унинг даражалари, кўрсаткичлари Россияда ва Марказий Осиё давлатларида илмий-амалий жиҳатлардан ўрганилган эмас.

Экотуризмда экотуризмни ташкил қилувчилар ва экотуристлар экотуризмнинг халқаро принципларини, ҳуқуқий мъёрларини ўргансалар ва унга амал қилсалар, экотуризмда табиатдан фойдаланишнинг қонунқоидалари даражасидаги экологик мониторинг ташкил қилинса ва доимий экологик мониторингни олиб борса“Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар”дан экотуризмда фойдаланиш инсониятга ва табиат муҳофазасига факат ижобий “тасир” қилади.

Фикримизча, экотуризмда табиатга салбий тасирнинг олдини олишда аҳолида ва экотуристларда,экотуристик билим, экотуристик маданиятни шакллантиришда“табиатга ачиниш ҳис-туйғуларини ҳосил қилиш лозим” деган хулосалар тўғридек бўлмоқда.

8-Жадвал

Экотуризмнинг туристик объектлар жойлашган табиий ҳудудларга ижобий ва салбий тасири

1.Янги иш ўринлари очилади,аҳолининг бир қисми иш билан таъминланади.	1.Туристларга йўлақлар ташкил қилинади ва уларнинг юриши оқибатида табиатнинг бир қисмида ўт-ўланлар нобуд бўлади.
2.Бандлик даражаси кўтарилади,ижтимоий барқарорлик таъминланади.	2.Йўл тушган ва чайла қуриб яшаган жойларда ернинг қаттиқлашиши эвазига ер эрозияси вужудга келади.
3.Аҳолининг даромади ошади, яшаш даражаси яхшиланади.	3.Одамларнинг шовқинидан ҳайвонот оламида безовталиқ пайдо бўлади ва уларнинг бошқа жойга кўчиши рўй бериши натижасида экологик вазият бузилади.
4.Қишлоқ аҳолисининг маданий савияси кўтарилади.	4.Қишлоқларда ичимлик суви асосан оқар сув бўлганлиги туфайли, унда чўмилиш натижасида сув булғанади.

⁹⁴ . Исломова Р.А., Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари.Тошкент,2014, 130 б.

5. Кишлоқда туристларнинг талабидан келиб чиқган ҳолда турли хизмат кўрсатиш шакллари кўпаяди.	5. Сувга чўмилиш натижасида ундаги баликларнинг бошқа томонга кўчиши, уларни овлаш натижасида турларнинг камайиши рўй беради.
6. Спорт турлари ривожланади, қишлоқ аҳолисининг кам спортга қизиқиши ортади, бунинг учун тегишли имкониятлар яратилади.	6. Ноконуний ов қилиш натижасида ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг турлари камайиши, бошқа жойга кўчиши рўй беради.
7. Тоғ жойларда альпинизмнинг тараққий этиши кузатилади, табиатдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилади.	7. Ҳайвонларни расмга тушириш, уларга овқат бериш натижасида, уларнинг яшаш тарзи ўзгаради, турли касалликларга чалинади, турларининг бузилиши рўй беради.
8. Экологик туризмни ташкил қилиш бўйича тажриба орттирилади, туризмни ривожлантиришнинг ички имеониятлари ишга солинади.	8. Турли мамлакатлардан хорижий меҳмонларнинг ташрифи натижасида юқумли касалликларнинг тарқалиш хавфи пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган мавзуларда экотуризмни ривожлантириш моделларини ишлаб чиқган Европа давлатларида болаларни бошланғич мактабларда “ўлкашунослик” ва “табиатшунослик” фанларини кучли талаб билан ўқитилишини келтирган эдик. Кўп йиллик кузатишлардан маълум бўлмоқдаки, уйда хонаки гулларни ўстирувчи, болалигидан қандайдир ҳайвон турига ёки қуш турига қизиқувчи талабалар “экология” ва “табиатни муҳофаза қилиш” фанларидан “аъло” баҳоларга ўқишади. Шу л нуқтаи назардан кўп йиллик кузатувларимиз натижасида инсониятнинг табиатдаги турларни бутунлай, аёвсиз қириб бораётганлиги, айбдор эканлиги ҳақида тўплаган маълумотлардан баъзи бирларини кириш сўзи билан келтираимиз⁹⁵.

Ҳайвонот олами нақадар бой ва ранг-баранг. Олам яратилгандан буён неча-неча жонзод тури қирилиб кетди, айримларини асраб авайлаб сақлаб қолиш имкони бўлган бўлса айримлари афсуски, китоблару, эртақларда қолиб кетди, холос. Эволюция жараёнида бир хил турларнинг йўқ бўлиб кетиши ёки янги турларнинг юзага келиши, табиат ривождаги қонуний бир ҳол. Турларнинг бу хилдаги йўқолиши, иқлим, табиий ландшафт ўзгаришлари жараёнида рўй берадиган табиий сабаблардан бири. Бу сабаблар таъсирида ердаги жуда кўп ҳайвон турларининг йўқ бўлиб кетишида инсоннинг айби йўқ.

Эволюция даври жуда секин ўтувчи жараёндир. Эколог Д. Фишернинг ҳисоби бўйича ерда инсон пайдо бўлгунга қадар қушларнинг ерда ўртача яшовчанлиги 2 млн. йил, сут эмизувчиларники 600 минг йил бўлган. Ҳар ҳолда бу манбаалар ҳам ҳисоб-китоблар махсулидир. Инсон бундан 250 минг йил олдинги палеолит давридаёқ, олов ва ҳар хил асбоблар билан қуролланган вақтиданок, ҳайвонот дунёсига сезиларли таъсир кўрсата бошлаган.

Дастлаб йирик ҳайвонлар фақат йирик бўлганлигидан овқат ва кийим учун доимий равишда овланган. Масалан, Европада инсон бундан 100 минг йил олдин ўрмон филлари, ўрмон каркидонлари, улкан буғулар ва

⁹⁵ Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Музейларда қолган ҳайвонот. Самарқанд, 2016, 76 б.

мамонтларни қириб битиришган. Америкада эса бундан 3 минг йил олдин мастодонт, улкан лама, қоратишли мушук, оғирлиги 20 кг гача келадиган йирткич куш-тераторн йўқ қилинган. Янги Зеландияда бундан 1000 йил олдин улкан моа кушларининг 20 хили қирилган.

Ўтмишда йўқотилган ҳайвонот турлари ҳақида аниқ маълумотларнинг йўқлиги, тўлиқ эмаслигидан кўп ҳолларда йўқолиб кетган ҳайвонлар ҳақидаги тасавурлар янглиш бўлаётганлиги ҳам табиий ҳолдир. Чунки, эрамининг 1600 йилигача ҳайвон ёки кушлар, ёки умуман ҳайвонларнинг териси, суяклари, кўриниши ва бошқа аъзоларини ёзиб қолдириш, таърифлаш, таснифлаш ва уларга ном бериш ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқ. Бу маълумотларни сурункали йиғиш 1600 йилдан бошланган. Шунинг учун ҳам 1600 йилдан бошлаб маълум тур ҳайвон ёки куш ҳақида ёзиш, уларнинг сонини, ҳаётини кузатиб бориш ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига ишониш мумкин. Шу билан бирга, турларнинг йўқолишида инсоннинг айби ёки айбсизлиги ҳақида ҳам аниқ хулосаларга келиш мумкин.

Табиатни ва табиий ресурсларни қўриқлаш халқаро иттифоқининг маълумотлари бўйича 1600 йилдан ҳозиргача кушларнинг 94 тури (1,09%) ва сут эмизувчиларнинг 63 тури (1,48%) қирилиб, йўқ бўлиб кетган. Кейинги маълумотлар бўйича бизнинг эрамызда (2000 йил даврида) 106 тур сут эмизувчилар абадий йўқотилди. Ўтган 1800 йилда 33 тур сут эмизувчилар йўқотилган бўлса, худди шунча тур кейинги 100 йилда, 40 тур кейинги 50 йилда абадий йўқ қилинди. Сайёрамызда бугунга келиб кушларнинг 1211 тури (шундан 119 тури Бразилияда, 117 тури Индонезияда яшайди), сут эмизувчиларнинг 120 тури абадий йўқотилиш хавфи остида турибди.

Фишер Д. маълумотлари бўйича йўқ қилинган кушларнинг 75%и ва сут эмизувчиларнинг 86%и бевосита инсоният айби билан қириб юборилган⁹⁶.

Яна ҳам муҳимроғи, маълум худудларда, мамлакатларда йўқ қилинаётган ҳайвонларнинг жаҳон бўйича рўйхатга олинаётганлиги ўша мамлакатларда яшаётган аҳолининг, миллатларнинг ўз табиатини асраши, муҳофаза қилишида экологик маданият ва экологик саводхонлик мезонларининг қай даражада эканлигидан ахборот беради.

Ҳозирги даврда “Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи”нинг хулосалари бўйича қайси бир давлатда эндемик бўлган ҳайвон ёки ўсимлик турининг абадий йўқ қилиниши ўша давлатда яшаётган халқларнинг экологик билими ва маданиятининг пастлиги, табиатини муҳофаза қилиш ва сақлашдаги лоқайдлигини билдиради.

Турон йўлбарси.

Сайёрамызда йўлбарслар яшаш табиий шароитидаги ранги, ўлчамига қараб 8 кичик кенжа турга бўлинади. Ер юзиде яшаётган йўлбарслар учун яшаш шароити йилдан-йилга оғирлашаётган, сонлари камаётган бўлса ҳам ҳар ҳолда бор (Амур йўлбарси, Африка йўлбарси, Ҳинд йўлбарси, Бенгал

⁹⁶. Флинт В.Е. Мы должны их спасти, Москва 1982. 112 с.

йўлбарси, Суматра йўлбарси, Россиядаги йўлбарслар ва бошқ...).Йўлбарслар ичида бутунлай йўқ килингани Турон йўлбарсидир.



Турон йўлбарси

«Қандай қилиб Марказий Осиёдаги жуда кучли йиртқич, тирикчилик муҳитига яхши мослашган ҳайвон Ер юзидан изсиз йўқолиб кетган? Бунинг сабаби инсонларнинг ўринсиз ваҳимаси, очкўзлиги ва лоқайдлигидир».

«Ушбу заройиб кучли йиртқични тириклайин кўриш умидидан ажралиш қандай ачинарли ҳол! Рус ўрмонларини кўнгир айиқсиз, Амазонка чангалзорларини ягуарсиз тасаввур қилаолмаймиз,худи шу каби Амударё соҳиллардаги тўқайларда бундан буён турон йўлбарсининг ҳайбатли қичқириги янграмайди деган ҳақиқат чуқур ўйлантиради».

«Озиқланиш пирамидасининг чўққисида бўлган йирик йиртқич-турон йўлбарси кўп жиҳатдан экотизим тuzилишини назорат қилиб турар эди. Тўқайларда унинг мавжудлигининг ўзигина ҳайвонларда алоҳида эҳтиёткорлик ва тирикчиликга мослашиш кўникмаларини ривожлантирар эди».

«Табиатга меҳр қўйган кишилар учун турон йўлбарси ҳали-ҳануз тўқайларда ва қалин қамишзорларда кўзга кўринмай кезиб юргандек! Бадай-тўқай соҳилларида учиб юрган унинг руҳи тўқайларда ҳозирда яшаётган хилма-хил жониворларни асраб- авайлаш, ҳимоя қилиш зарурлигини эслатиб турсин»

(Бадай-тўқай кўрикхонсининг 35 йиллигиг бағишланган малумотлардан).



Турон йўлбарси ватанимизда ҳам яшаганидан ва Турон номида бўлгани учун ҳам бу йўлбарс тақдирига бироз кенгрок тўхталиш зарурати бор. Турон йўлбарсининг ареали бошқа йўлбарсларга қараганда жуда катта ҳудудларни— Шимолий-шарқий Туркия, Ироқ, Эрон, Кавказ орти, Афғонистон, Ўрта Осиё давлатлари, Қозоғистон, Хитойнинг Шимолий-Ғарбидан то Тарим дарёси ҳавзаси ва Лобнар қўли майдонларини эгаллаган.

Ўрта асрларда (X-XII) Турон йўлбарслари шарқий Кавказ ортида муқим яшаган. XIX асрга келиб, улар фақат Ленкоран паст текислигида учрагани манбаалардан маълум. Бу ерда ўтган асрда киш ва куз ойлари ҳар йили 20 тагача Турон йўлбарси овланган. Шарқий Грузияда 1922 й., Арманистонда 1948 йил, атроф жойлардаги охириги турон йўлбарси 1951 йилларда ўлдирилган.





Ленкорандан кетган йўлбарслар ўтган асримизнинг 50-йилларида Эронга ўтади. Лекин улар бу ерда ҳам овчиларга дуч келади. 1950 йилдан 1966 йилгача Эронда 10 та йўлбарс ўлдирилган. 1961, 1963 ва 1966 йилларда биттадан йўлбарс қўлга туширилган. Шундан кейин Кавказ ортида ҳам Ленкоранда ҳам йўлбарс учрамаган.

Туркия ва Ироқда турон йўлбарси XIX аср охирида йўқолган. Эроннинг Горган вилоятида ўтган асрининг 30 йилларида 100 лаб турон йўлбарслари яшаган. 1950 йилларда йўлбарс ови жуда кучайиб кетиши натижада Горганнинг охириги йўлбарси 1958 йилда отилган.

Афғонистоннинг тўқайларида ҳам 50 йилларда турон йўлбарсини кўриш оддий ҳол бўлган. Немис олими И. Нитхаммер маълумоти бўйича Афғонистондаги охириги йўлбарслар 1963 йили йўқ қилинган. Лекин 70 йилларда ҳам Афғонистон тўқайларида йўлбарслар яшагани ҳақида маълумот бор. Жунгорияда ва Лобнор кўли атрофидаги турон йўлбарслари ҳам 50 йиллар орасида йўқ қилинган.

Марказий Осиёда турон йўлбарслари яшаш ҳудудлари бўйича алоҳида-алоҳида яшашган. Туркменистоннинг Жанубий ғарбида турон йўлбарси Атрек дарёси ҳавзасида кўплаб учраган, охиригиси Атрекнинг ирмоғи бўлган Сумбара дарёси атрофида 1954 йили ўлдирилган. Зоолог Ю. Горелов маълумоти бўйича 1964 йили Каракали туманида йўлбарс пайдо бўлган. Яқка бу йўлбарс Ҳазардоғда бир ой туриб Эронга ўтиб кетган. Бу йўлбарс бир ойдан кейин музейлар учун отиб олинган.

Туркменистоннинг шарқида турон йўлбарсини 1890 йилларда кўришган. Худди шу йилларда Мурғоб ва Кушка турон йўлбарслари ҳаётига ҳам нуқта қўйилди. Буюк Турон табиатининг ғурури бўлган ушбу ғаройиб ҳайвонни йўқ қилиш учун уруш олиб борилган, бунда ҳатто ҳарбий қисмлар ҳам иштирок этган. Масалан, 1883 йилнинг 23-февралда маҳаллий аҳолининг «килтимосяга» кўракегинди ҳарбийлар Тошкент ва Чиноз оралиғида пайдо бўлган йўлбарсларни қамал қилиб отиб ташлаган. Бундай ишларни бажариш учун 12-туркистон мунтазам баталионига буйруқ берилган.

Ўзбекистонда турон йўлбарслари Амударёнинг бутун хавзаси бўйлаб яшаган. Нукус атрофларидаги охириги йўлбарс 1938 йили отиб олинган Амударё дельтасида бу вақтда 12-15 та йўлбарс яшаган. Бу ерда охириги турон йўлбарсини Амударё портидаги харбийлар 1947 йили ўлдиришган. Лекин 1955, 1963 ва 1968 йилларда якка йўлбарсни кўришган.


1938 йилда Сурхондарё, Афғонистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги қолган турон йўлбарсларининг тўпланишини ҳисобга олиб улар ўтмишда ғуж яшаган жойи - Тожикистон тоғларидаги овлоқ «Йўлбарс дара»си кўриқхонага айлантирилди. Кўп вақт ўтмай турон йўлбарси бу ерда 15 бошга етди. Лекин Ватан уришидан кейинги йиллар охирида кўриқхонада 5 та йўлбарс рўйхатга олинди. 1953 йили йўлбарсни охириги марта кўришди. Аммо кейинчалик (1955, 1957, 1959, 1960, 1962, 1964, 1967) ҳам якка дайдиб юрган йўлбарсни кўришгани ҳақида маълумотлар бор. Шу йиллардан кейин ҳеч ким турон йўлбарсини кўргани йўқ. Турон йўлбарсини охириги марта 1967 йили кўриқхона атрофида кўришган. Дунёнинг хайвонот боғларида ҳам бирорта турон йўлбарси қолмаган. Гамбургдаги хайвонот боғидаги турон йўлбарси 1959 йилгача яшаган.

Манбаларга бўйича XIX асрда Эрон, Афғонистон, Кавказorti, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 10 минг турон йўлбарси бўлган. Инсон билан бўлган 60-70 йиллик «ғирром уруш»да турон йўлбарси енгилган ва бутунлай йўқ қилинган. Буюк Турон табиатининг ғурури бўлган турон йўлбарсининг 2 та тулуплари хозир Самарқанд Давлат университетидаги биология факультетининг музейида сақланмоқда.

Бизнинг ҳозирги вазифамиз турон йўлбарси ҳақидаги барча маълумотларни тўплаб фильм яратишимиз ва таълим тизимида она табиат бойликларини муҳофаза қилиш йўналишидаги тарбия-ташвиқот тадбирларида фойдаланишимиз керак.

Сайёҳ қаптарлар

Тирик хайвонлардан қай бирининг руҳи танасини тарқ этар экан, осмон ва замин бу каби ҳодисанинг гувоҳи бўлиши учун коинотда қайта, янгидан пайдо бўлиши зарур бўлади.



Уильям Боб.

Америкага дастлаб кўчиб келганлар бу қушни оддий ёки ўрмон каптари деб аташган. Наррагонлик хиндулар доимо кўчиб юрадиган бу қушга «мускован»-дайди, изгувчи номини беришган. Шунинг учун ҳам унинг илмий номи— *Ectopisetus migratorius* — «странствующий» - саёх, келиб-кетувчи каптарлар бўлиб қолган.

Саёх каптарлар кўплиги жиҳатидан гўёки битмас-туганмас эди. Бу қушнинг кўплигини океanning томчиларига, барханларнинг қумларига таққослашарди. Сайёх каптарларнинг улкан галалари ҳавога кўтарилганда қуёшни беркитар, тез учганлигидан гала орқасидан кучли шамол кўтариларди. Сайёх каптарлар галасининг соатлаб учиб ўтиши одамларни хайратга солар, кўриб қувонган болаларнинг қийқириқлари гўёки оламни тутарди. Бу эхтиросли ҳолатни энди ҳеч ким ҳеч қачон кўрмайди. Сайёх каптарларнинг қудратли галалари ҳам ўзи ҳам фақат ўтмишда қолиб кетганлигини эсладик холос.

Орнитолог Александр Уилсон 1810 йилда Кентукки штатида сайёх каптарларнинг учиб ўтишини кузатган. Каптарлар галасининг кенглиги 1,5 км, узунлиги 38 километр бўлган. Каптарларнинг учиш тезлиги ва охириги каптарлар учиб ўтган вақтни ҳисоблаб галадаги каптарлар 2 миллиард дона эканлигини ёзиб қолдирган. Бундай ва бошқа манбалар сайёх каптарларнинг ҳақиқатан ҳам ер юзидаги энг кўп тарқалган турлардан бири эканлигини тасдиқлайди. Лекин, 90 йил ўтгандан кейин бу каптарларнинг бутунлай йўқ қилиниши ҳеч ақлга сизмайди.

Сайёх каптарларнинг ареали Шимолий Американинг шарқий қисми, Дансидан Канадагача, Жанубий Каролинадан Шимолий Дакотагача бўлган ерларни эгаллаган. Сайёх каптарлар кенг баргли ўрмонларни хуш кўришган. Орнитолог Александр Уилсон 1810 йилда Кентукки штатида сайёх каптарларнинг учиб ўтишини кузатган. Каптарлар галасининг кенглиги 1,5 км, узунлиги 38 километр бўлган. Каптарларнинг учиш тезлиги ва охириги каптарлар учиб ўтган вақтни ҳисоблаб галадаги каптарлар 2 миллиард дона эканлигини ёзиб қолдирган.

Сайёх каптарлар ҳар йили жанубдан шимолга қайтиб дарахтларга уя қўйиб кўпайишарди. Кундузи кичик-кичик гала бўлиб узокларга овқат излаб кетишар, кечкурун албатта бир ерга тўпланишарди. Каролин тўтиқушларидаги содиклик сайёх каптарларнинг ҳам бу дунёдан тезроқ йўқолиб кетишига сабабчи бўлган десак, хато бўлмас. Сайёх каптарларнинг уя қуриши, озикланиши, кечаси дам олиши ҳам бирга-галада бўлиши овчиларга жуда қўл келди.

Сайёх каптарлар кечаси ўрмонга тўпланганида уларни овчилар ғайрийтабиий ваҳшийлик билан овлашарди. Ов вақтида дарахтлар устига тўрлар ёпишиб, олтингугурт тутатишарди, тутундан заҳарланган каптарларни таёклар билан уриб олиб, уюм-уюм қилиб тўплашар, сўнгра ошхоналарга вагонлаб жўнатишарди. Бу ваҳшийликнинг сўнгида, гарангсираб қолган, ўлган ва ярадор қушлар устига семириш учун чўққалар ва овчи итлар қўйиларди.

Сайёх каптарларнинг гўштлиридан ширин таомлар пиширишарди. Уларнинг кўплиги ва ушлашнинг осонлигидан Бутун Америка ошхоналарининг буюртмалари ҳам кўпайиб кетди.Биргина 1851 йилнинг баҳорида, кушларнинг айна жўжа очиш вақтида темир йўл билан Нью-Йорк шаҳрига жўнатилган 76 тонна сайёх каптарлар факат 2 графликдан ушланган эди.«Барибир кўп, уруғи тугамайди»-деб аюханнос солишарди газеталар. Огайё штатининг сенати ҳам худди шу шиорга йўл тутиб сайёх каптарларни химоя қилиш ҳақидаги қонунни 1857 йилда қайтаришади.«Ҳайратланарли наслдорлик, оддий ов қилишда йўқолмайди, йиллик ўсиши ов қилинганидан кўп» - дейилгандан кейин табиатшунослар бу қонун чиқарувчиларни қўллари қон бўлган ноинсоф овчиларга тенглаштиради.

Хуллас,орадан 20 йил ўтдию,тазйикга учраган каптарларнинг энг сўнги йирик галаси Мичиган штатнинг Петоски шаҳарчаси атрофига тўпланиб, кенглиги 25 км,узунлиги 120 км бўлган майдонда ўзларининг охирги уяларини қуриб кўпая бошлади.1878 йилнинг баҳорида Петоскида 1,3 миллион дона сайёх каптарлар яшаган.Каптарлардан хабар топган овчилар ёппасига Петоскига жўнашди. Бу ерда каптарлар билан овчилар ўртасида охирги жанг бўлди. Галадан жуда кам қисми омон қолиб, Америкага сочилиб кетди.

Каптарлар онда-сонда учрай бошлади. Орадан 4 йил ўтгандан кейин дайди итдек изғиб юрган,енгил маблағ топишга ўч овчилар тўпланган каптарлар галасини яна топишади.Бу сана 1881 йилнинг баҳори эди. Овчилар каптарларнинг айна учишга келган 4 ҳафталик, 20 мингта жўжаларини ушлаб Нью-Йоркдаги Кони-Айленд кўнгил очар боғида қатнашувчиларга тирик нишон сифатида отиш учун сотишади.

Ҳайратланарлиси шундаки, бу спорт ўйини ўша вақтда Нью-Йоркдаги «Парранда ва баликларни химоя қилиш ассоциацияси» хомийлигида ўтган. Қанақа одамлар бўлган экан улар деб, ёқа ушлайсан киши.1890 йилга келиб табиатшунослар сайёх каптарларни излашга тушишди.Лекин топиша олмади. Кўплар, каптарлар Жанубий Америкага ёки Канадага балки Австралияга учиб кетган дейишарди. Ҳукумат томонидан сайёх каптарларни кўрган ёки галалари яшаш жойини аниқлаганларга катта мукофот пули ажратилади.

Яна 5 йил излашди. Лекин бу пулни олиш ҳеч кимга насиб қилмади.Охирги сайёх каптарни Бабкобда 1899 йилда ёш овчи отганлиги ҳақида маълумот бор. Марта лақабли сўнги сайёх каптар Цинциннат зоопаркида 1914 йил 1 сентябрда ўлган. Касаллик, эпидемиялардан йўқ бўлиб кетди деб ёзишди кейинчалик улар ҳақида «овчилар».Висконсин штатидаги маҳаллий Ортинологлар жамияти Вайлюзин паркида сайёх каптарлар хотирасига мармар тахта ўрнатиб унга:

«1899 йилнинг сентябрида Бабкобда ўлдирилган Висконсиннинг охирги сайёх каптари хотирасига.Бу биологик тур инсоннинг очқўзлиги,маккорлиги ва худбинлигидан ер юзидан абадий йўқ бўлди» сўзларини ёзиб қўйишди.

Инсониятга Америка қушларининг кўрки бўлган сайёҳ каптарлардан одамзод билан бирга яшаганлигидан далолат берувчи тўрт қатор ғамгин ва ҳақоратли сўзлар қолди. Сайёҳ каптарларнинг тағдири балки, ҳозир ҳам жониворларни муҳофаза қилишда амалий ишларни кучайтиришга туртки бўлар. Ҳар ҳолда сайёҳ каптарлар ҳақида китоб ёзиб, уларга яна бир ҳайкал қўйган А.Шергернинг қуйидаги сўзлари инсониятга ибрат бўлмоғи лозим:

«Аёвсиз қиришдаги бу турнинг фожиаси, табиат муҳофазаси ҳақида тўпланган барча қонунларни сариқ чақа қилиб, Америка халқига бор жониворларни муҳофазага олишнинг ҳали ҳам кеч эмаслигини англатди».

Мавзунинг хулосасида қайд қилиш мумкинки, экотуризмнинг табиатга ижобий таъсирини ҳам, салбий таъсирини ҳам экотуризм фаолиятига киритилган табиат ҳудудларида қуйидаги икки йўналишда илмий-амалий жиҳатлардан мукамал ўрганиш керак;

1. Экотуризмнинг табиатни муҳофаза қилиши.

2. Табиатни экотуризмдан муҳофаза қилиш.

Таянч сўзлар ва иборалар: экологик тасир, билвосита тасир, эрозия, озик-овкат пирамидаси, аёвсиз қириш, зоология, орнитология, рекреацион эрозия, эволюция, палеолит, турон йўлбарси,

Мавзунинг ўрганиши бўйича тест саволлари:

1. **Экотуризмнинг табиатга тасирини ўрганишнинг биринчи даврини аниқланг.**

А. Ҳаётнинг 70- йилларидан аср охиригача бўлган давр.

Б. XX асрнинг охири.

В. XX асрнинг ўрталари.

Г. XX асрнинг бошланиши.

2. **Экотуризмнинг табиатга тасирини ўрганишнинг иккинчи даврини аниқланг.**

А. XX асрнинг ҳозирги даври.

Б. XX асрнинг бошланиши.

В. Ҳаётнинг 70- йилларидан аср охиригача бўлган давр.

Г. XX асрнинг ўрталари.

3. **Экотуризмнинг табиатга тасири Ўзбекистонда ўрганилганми?**

А. Ўрганилган.

Б. Ўрганилмаган.

В. Ўрганилмоқда.

Г. Режалаштирилмоқда.

4. **Экотуризм табиатга салбий тасир қиладими?**

А. Салбий тасир қилмайди.

Б. Салбий тасир қилади.

В. Ижобий тасир қилади.

Г. Салбий ва ижобий тасир қилади.

5. **Ҳайвонларнинг бутунлай йўқотилишида инсоният айбдорми?**

А. Айбдор.

Б. Табиий танланишда ва инсон айби билан йўқотилмоқда.

В. Фақат инсоният айбдор.

Г. Яшаш муҳитининг ўзгариши.

Мавзунинг ўзлаштириш бўйича савол ва топшириқлар:

1. Экотуризмнинг табиатга тасирини ўрганиш ва гапириб беринг.
2. Экотуризмнинг табиатга ижобий тасирини ўрганиш ва гапириб беринг.
3. Экотуризмнинг табиатга тасирини қандай тушунасиз.
4. Экотуризмдан табиатнинг ҳимоя қилиш керакми?
5. Экотуризмнинг табиатга салбий тасири қандай ҳолатларда келиб чиқади?
6. Дунёда қирилиб битган ҳайвон турлари ҳақида маълумотлар йиғинг ва гапириб беринг.
7. Ўзбекистонда қирилиб битган ҳайвонлар ҳақида маълумотлар тайёрланг.
8. Экотуризмнинг табиат муҳофазаси билан бирга ишлашни тушунтиринг.
9. Ҳайвонларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтиринг.
10. Экотуризмнинг иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?

15-Мавзу. Рекреация туризмни ривожлантириш йўллари

Режа:

15.1. Рекреация тушунчаси, моҳияти ва тарифи.

15.2. Рекреациянинг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари. Рекреация фаолияти.

15.3. Рекреация эҳтиёжи, омиллари ва рекреация туризмни ривожлантириш йўллари

15.1. Рекреация тушунчаси, моҳияти ва тарифи

Ҳаёт инсоннинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади ва уни авайлаш инсоннинг доимий ташвиши, ўйи фикридир. Инсоннинг ҳаётий фаолияти уни ўраб турган муҳитларда ўтади. Бу муҳитлар уч гуруҳга бўлинади:

1. Табиий муҳит (инсон ҳаёти учун ресурслар).

2. Техноген муҳит (инсон ҳаёти учун яратилган ишлаб чиқариш фаолияти).

3. Ижтимоий муҳит (инсоннинг дам олиши, доволаниши, интеллектуал фаолияти).

Ҳар қайси муҳит ҳам ижтимоий жамият муносабатларининг йиғиндиси, шаклланишидир. Бу шаклланишда устивор белгилар йиғиндисини (қучлилиқ, ақиллилиқ, муғомбирлик, айёрлик, сезгирлик ва бошқалар) ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, инсондаги устивор белгилар йиғиндиси унинг меҳнат қилиш фаоллигини белгилайди. Меҳнат фаолияти инсондаги устивор белгилар (ресурсларни) ни тиклаш учун тез-тез, баъзида белгиланган муддатларда тўхтатилади-дам олиши.

Инсоннинг дам олиши ўз навбатида унинг ҳаёт хавсизлигини таъминлайди. Чунки, ресурсларни тиклаш олмаган инсон организмни унинг ўзи хошлаган ҳаёт фаолиятига айниқса тўлиқ меҳнат фаолиятига қаршилиқ қила бошлайди. Инсоннинг яшаш фаолиятидаги муҳитлар (табиий, техноген

ва ижтимоий)нинг ўзаро муносабатларида ҳам унинг ҳаётга хавф солувчи вазиятлар, ҳодисалар ва бошқа кўнгилсиз, салбий жараёнлар унинг ўзи билан ёнма-ён юради.

- **Табиий муҳитда**- озиқ-овқат маҳсулотларини олишда, ўзининг ҳаёти учун зарур бўлган хом-ашёларни излашда ва олишда ва ҳақозо фаолиятида қутилмаган, кўкисдан келадиган хавф-хатарга дуч келади. Табиий иқлимий ҳодисалар (довул, сел, ёнғин, ҳарорат, совуқ ва бошқалар), геологик ҳодисалар (зилзила, ўпирилиш, сурилмалар ва бошқалар), гидрологик ҳодисалар (сув тошқини, муссон ёнғинлари, цунами, сув кўтарилиши, курғоқчилик ва бошқалар);
- **Техноген муҳитда**- инсон ўзи учун тайёр моддий неъматлар, ресурслар олишдаги қайта ишловчилар (заводлар, фабрикалар, саноат объектлари, қайта ишлов корхоналари ва бошқалар) ҳам ҳаётга хавф солувчи хавфли ва зарарли таъсирларга дуч келади;
- **Ижтимоий-интеллектуал муҳитда**-инсон ақлий фаолияти маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янада хавфли хатарларга (қўрқиш, асабийлашиш, босимнинг ошиши, аъзолар фаолиятининг бузила бориши, ритмикликнинг сусайиши, уйқусизлик ва бошқалар) дуч келади.

Инсоннинг ҳаёт фаолияти муҳитларидаги муносабатларининг барчасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган хавф-хатарлар ва зарарли омиллар мажмуаси мавжуд. Инсон моддий ва номоддий материаллар заруратидан техноген муҳитга, озиқ-овқатга муҳтожлигидан табиий муҳитга ва ўзини бошқариши заруратидан интеллектуал ижтимоий муҳитга ўзи боришга мажбур бўлади.

Қайд қилинган муҳитлар билан инсоннинг муносабатлари натижасида ва ҳар учала муҳитдаги хавф-хатарларнинг инсон фаолияти билан ёнма-ён юриши натижасида инсоннинг соғлиғига “салбий таъсирлар” ўта бошлайди. Салбий таъсирларни сеза бошлаган инсон энди ўз соғлиғи ҳаёти “хавфсиз”лигини ҳимоя қилишни бошлайди.

Ана шу ҳимоя қилиш воситаларини рекреация туризми беради деган илмий ва амалий қарашлар халқаро туризмда устивор бўлиб бормокда^{97,98,99}.¹⁰⁰ . Лекин, қайд қилиш лозимки, рекреация туризмнинг таърифи мамлакатимизда кўп ҳолларда нотўғри талқин қилинмокда. Бу ҳолатнинг асосий, объектив сабабларидан бири бу соҳада ҳали етук тадқиқотчи мутахассисларнинг йўқлиги ҳисобланади.

Ҳозиргача Ўзбекистон туризмида рекреация туризмни даволаниш учун соғломлаштириш, соғликни тиклаш муассасаларида техника ва дори-дормонлар воситасида тиклаш тушинилмокда. Шунинг учун ҳам рекреация туризмнинг асл моҳияти ва мазмунини таҳлил қилишнинг зарурати бор.

⁹⁷ Александрова А.Ю. География туризма. Москва, “КноРУС”, 2010, стр. 508-525.

⁹⁸ . Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н. Рекреационная география, Саратов, 2010, стр. 503.


⁹⁹ Ердавлетов С.Р., География туризма. Алматы, 2000, стр. 8-65.

¹⁰⁰ .Hall C.M.,Pfge S.J., The Geography of Tourism and Recreation. London_N.Y.: Routledge, 1999.

Рекреация туризми Россиялик мутахассислар томонидан анча яхши ўрганилмоқда^{101,102}.

Рекреация сўзи латин тилида-тикланиш, француз тилида-гесреация-ўйинкулги, сайр-тамоша, эрмак маъносида берилган. Рекреация туризмга таъриф берилганда биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонунда туристга берилган тарифни келтириш ўринли бўлади. “Турист-жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан, соғломлаштириш, маърифий, кабий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шугуullanмаган ҳолда узоги билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунлади”.

Туризмдаги барча турларда турист ўзига хос шароитларда дам олади. Масалан, тарихий-маданий туризмда ҳам зиёратгоҳ туризмда ҳам шунингдек, экологик ва бошқа туризм турларида ҳам. Бу туризм турларидаги туристик фаолиятда дам олиш ҳаракат давомида, ҳаракатдан тўхташ вақтида амалга оширилади.



Тог бағридаги қадимий зиёратгоҳдаги булоқ



Шу зиёратгоҳда зиёрат қилиш бир кунлик дам олиш (рекреация)

¹⁰¹ Николаенко Д.В. Рекреационная география. Москва, 2001.

¹⁰² Николаенко Д.В. Картографический метод исследования в рекреационной географии. Рекреационная география. Саратов, 2004.стр. 25-36.

Рекреация туризмида эса туристнинг дам олиши деярли жисмоний ҳаракатсиз амалга оширилади. Яъни экотуризмда экотурист ҳаракат жисмоний ҳаракати билан табиатда сайр қилади, зиёратчи зиёратгача ҳаракат қилади, зиёратдан кейин дам олади ва ҳакозо. Турист рекреант эса ўз хоҳиши, истаги бўйича маълум маънода тўлиқ дам олади. Шу нуқтаи-назардан рекреациянинг меҳнат, бўш (бекор) вақтини ижтимоий муҳит мазмуни ва рекреацияни биологик муҳит мазмуни деб қабул қилиш, бу муҳитлар рекреация туризмини ҳосил қилишни Александрова А.Ю. яхши тушунтирган. Шунингдек, чет эллик мутахассислар ҳам меҳнат, бўш вақт, рекреация ва туризм тушунчаларининг ўзаро муносабатларини бири-бирига боғланган ҳолда тушунтиради. Лекин, бу ердаги ўзаро муносабатлар сал мураккаброк кўринишда ифодаланган¹⁰³.

Хулоса қилганимизда *рекреация* туризмдан анча устун туради. Чунки, туризмнинг барча йўналишларида рекреация бор. Лекин, туризм рекреациясига асосланган туризм йўналишларини бошқаргани учун уни “бўш вақт индустрияси” деб ҳам аташади.

Туризмнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг кенг қитъавий чегараларда эканлиги ва оммавийлиги- “меҳнат”, “бўш вақт”, “рекреация” ва “туризм” тушунчалари билан асосланади. Ушбу асосда туризм билан рекреация ўртасидаги фарқ уларнинг умумий бир мақсадини кўзлаганлиги билан фарқланади.

Рекреация юқорида қайд қилинганидек, кундалик турмуш ҳаёт кечириш чегараларида қисқа муддатли дам олишни қувватлайди. Туризм эса анча қисқа муддатли рекреация ва рекреациянинг элементлари бўлган кўнгил очар ўйинлар, эрмак топиш, сайр қилиш, дам олишни оммавийлаштиради, шу билан рекреацияни ўзининг муҳим тармоғига айлантиради.

Қайд қилинганлардан маълум бўладики, туристик фаолият ҳамма вақт ҳам рекреация бўла олмаганидан рекреация ҳам ҳамма вақт туризм бўла олмайди. Чунки, иш бекор вақт (бўш вақт)дан умуман ажратилган ва бўш вақт, рекреация, туризм ва ишчанлик туризмнинг ўзаро боғланганлиги натижасида “жиддий бўш вақт” ҳосил бўлмоқда (ижодий, интеллектуал бой иш қобилияти, малакавий билимнинг ошиши, жамоатчилик ишидаги фаолликни ишдан бошқа вақтда амалга оширилишини таъминлайди).

15.2. Рекреациянинг ўрганиш объекти, мақсади ва вазифалари. Рекреация фаолияти.

Шундай қилиб *рекреациянинг объекти*-инсоннинг турли-туман рекреацион фаолиятида иштирок этадиган, моддий объектлар, тизимлар, жараёнлар ва ҳодисалар шу билан бирга рекреацияни амалга оширувчи стандартлар, шароитлар ва хизматлар ҳисобланади.

Рекреация туризмнинг мақсади- инсоннинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан тикланиши шароитларини яратишдир. Бу ўринда қисқа муддатли

¹⁰³. Hall C.M., Pffe S.J., The Geography of Tourism and Recreation. London, N.Y.: Routledge, 1999.

рекреациядан доимий фойдаланиш тизими рекреация туризмни ҳосил қилиши алоҳида таъкидланади.

Рекреация туризмнинг вазифаси- жамиятнинг ҳар бир аъзосини жисмоний ва руҳий жиҳатдан қайта тиклаш, инсоннинг жисмоний ҳолатини дам олиш йўли билан олдинги ҳолатига қайтарувчи туристик рекреацион тизимларни яратишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам туристик рекреацион тизимларни яратиш ва бу тизимларда рекреация шароитларини ташкил қилиш рекреация туризмни ривожлантиришдаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Рекреацион туристик тизимларни яратишда албатта туризмда рекреацион фаолиятни ҳисобга олиш ва унга асосланиш биринчи навбатда талаб қилинадиган туристик рекреацион инфратузилмаларни ишлаб чиқишни кун тартибига қўяди.

Рекреацион фаолият: биринчидан инсоннинг маданий-ижтимоий тизимидаги стандартларга мос келадиган ўз жисмоний кучларини тиклашга мўлжалланган тури-туман дам олиш фаолияти; иккинчидан, инсоннинг рекреация фаолиятига йўналтирилган, соғлиги ва жисмоний ҳолатини қайта тиклашга қаратилган ўзидан чиққан рекреация фаолияти ташаббуси ҳисобланади.

Рекреация туризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти. Ҳозирча илмий тадқиқотларда рекреациянинг жамоавий фаолиятларини таснифлаш амалга оширилмаган. Кўплаб олимлар, айниқса географлар рекреацияни бетакрор табиат бағридаги қиска дам олиш деб таърифлашган.

Ўтган асирнинг 70- йилларида мамлакатимизнинг географ олимлари республикамиз ҳудудларига рекреацион баҳо бериш ва рекреацияда фойдаланишда кўплаб илмий тадқиқотларни амалга оширишган. Бу тадқиқотлар асосан Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди минтақаларида қиска муддатли дам олиш, рекреация манзилларини яратишга бағишланган. Шу нуктан-назардан бизда рекреация деганда фақат табиатнинг сўлим гўшаларида қиска муддатли дам олиш тушинилмоқда.

Ҳозирги вақтда рекреация бутунжаҳон туризмда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етакчи йўналишга айланиб бормоқда. Чунки, глобаллашув жараёнида инсоннинг руҳий ва жисмоний дам олиши туризмнинг асослари ҳисобланади. Биз фақат рекреациянинг асл моҳиятини билганимиз ҳолда аҳолининг дам олишидаги асосий йўналишлар, манбалар, объектларини аниқлашимиз, республикамиз аҳолисининг руҳий ва жисмоний дам олиши ҳозиргача қандай амалга оширилган, аҳоли руҳий ва жисмоний дам олишда қандай объектларни танлаган ва танланмоқда?

Ҳаётимиздаги энг кўп воқеъликлар ва жараёнларда ҳам, илм-фанда ҳам энг кўп ишлагиладиган «дам» ва «бўш вақт» атамалари ҳисобланади. Бу сўзлар бири-бирини тўлдиради, бири-бирига яқин, лекин маъно жиҳатидан махсус адабиётларда бири-биридан маълум бир масофада ажралиб туради. «Дам» сўзи маълум маънода чегараланган, қарам сўз. Бу сўзнинг маъноси «меҳнат» сўзи билан биргаликда анча ойдинлашади. Яъни меҳнатсиз дам бўлмаганидек, дам ҳам меҳнатсиз юзага чикмайди.

Мутлақ меҳнат тананинг биоэнергиясини йўқотади ва тана организмни соғломлик баҳосидан касаллик инкирозига, ҳатто ўлимга ҳам олиб келади. Бу инкироз йўлида унга чарчок, ҳолсизланиш қарама-қаршилиқ қилади-бу дам олишдир. Факатгина дам олиш ва тикланишдан тана организми ишга яроқлилик қобилиятини сақлаб қолади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, паталогиядаги мутлақ дам олиш ҳам тана организми учун хавфли ҳисобланади. Чарчок, ҳолсизланиш факатгина мутлақ меҳнатдан эмас «фақат дам» олиш натижасида ҳам келиб чиқади, тана организми кучсизланиб қолади. Шунинг учун ҳам организмдаги моддалар алмашинувини, биоэнергияни сақлаш учун меҳнат қилиш талаб қилинади. Меҳнат ва дам олишни жуфт, бири-бирдан ажралмаган ҳолда қабул қилиш инсоннинг биологик тур сифатида яшаш шаклларида энг муҳими ҳисобланади. «Дам»га нисбатан «бўш вақт» тушунчаси ўзида ижтимоий мазмунни англатади, инсоннинг жамоадаги ўрни ва рухий ҳолатини билдиради.

Бўш вақтнинг тавсифи одамларнинг ҳаёти фаолияти жиҳатлари билан, эстетик дунёқарашлари, ижтимоий меъёрлари ва қоида-ю-ҳуқуқлари, анъаналари ва урф-одатлари билан боғланиб кетади ва бу хусусиятларни умумлаштиришга, сақлашга, ривожлантиришга хизмат қилади. Бўш вақтнинг классик, гуманистик концепцияси рухий ғоя сифатида ўзининг бошланишини қадимги грек фалсафасида топади. Бўш вақт Аристотел асарларида ҳам ривожлантирилган. Бўш вақт- инсонни ақлий ва рухий дам олдирувчи, ахлоқ-одоб, маънавий жиҳатдан юқорига кўтарувчи, фан билан шуғулланиш, санъат билан баҳраманд бўлиш имкониятларини яратади.

Бўш вақтнинг қувончи- бекорчилик эмас балки, шахснинг камол топишида, ички ва ташқи хиссиётлари, туйғуларини такомиллаштиришда ва ривожлантиришда энг бебаҳо ва эъзозли вақт ҳисобланади. Бу эса Аристотел бўйича эркин инсоннинг яшашидаги баҳони ва олий мақсадни ташкил қилади.

«Шаҳарларда аҳолининг тўпланиши одамларда рекреацияга талабни кучайтирди ва улар бу талабни-эҳтиёжни қондириш учун сўлим табиат ва иқлимий кулай жойларни излай бошлади. Бу изланишлар туристик ҳаракатнинг ҳудудий жойланишини келтириб чиқарди. Натижада оддийқишлоқлар бўлган Сопот, Канн, Монте-Карло, Ницца, Шамони, Давослар ҳозирга келиб ҳалқаро туризм марказларига айланди»¹⁰⁴.

Германиялик олим Кол И.Т. ўзининг-«Жамовий ҳаракат ва улар яратган кўнгил очиш хизматлари ва сув курортлари» асарида дам олиш энг махсулли усули *рекреация*ни амалга ошириш эканлигини мукамал тадқиқ қилганлардан бири ҳисобланади. Кол И.Т. бўйича «рекреация» меҳнатдан кейин имкони борича табиат бағрида қисқа(асосан якшанба куни, ёки бир неча кунлар) муддатли дам олиш ҳисобланади.

Рекреация атамаси латин тилида- «recreatio»- «тикланиш» маъносини билдиради. Французлар бу сўзни «recreation» деб ёзишади ва таржимасини-

¹⁰⁴ Кол И.Т. -«Жамовий ҳаракат ва улар яратган кўнгил очиш хизматлари ва сув курортлари» (1841)-Ердавлетов С.Р. География туризма. Алматы, 2000, 330 с.

кўнгилхушлик, дам олиш, ишдан холи ҳолда ҳаракатларни ўзгартириш ва бу ҳаракатларни амалга оширувчи манзилларнинг тавсифларини келтиришни тушунади.

Иккала ҳолатда ҳам рекреация атамаси инсоннинг ҳаёти фаолиятини тиклаш (бўш вақтда) билан бирга ўша бўш вақтни ўтказиш маконини, манзилини ҳам билдиради.

Туризм фаолияти асосан бўш вақтда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам *рекреация* ва *туризм* сўзларининг маъноларини кўриб чиқишда-вақтни самарали ўтказиш бўйича-уларнинг биологик ва ижтимоий-иктисодий мазмунларининг моҳиятини англаб олишни талаб қилади.

«Дам олиш» ва «бўш вақт» ҳар хил нисбатларда- биологик ва ижтимоий мазмунга эга. Яъни, «дам олиш» -ижтимоий муҳитда, «бўш вақт» биологик муҳитда амалга оширилади.

Рекреация кенг чегараларни ҳосил қилади. Рекреация қисқа муддатли (иш вақтида қисқа муддатли дам олиш) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин (таътиллар, байрамлар, ҳафта охиридаги дам олиш). Биринчисида маълум бир қолип-чегарадан чиқилмайди(кундалик ишдаги қисқа дам олиш). Иккинчисида ҳар кунлик бир хил одатий фаолият бутунлай ўзгаради. Яъни рекреацион фаолият рекреацион шароитга боради.

Туризмнинг ижтимоий иқтисодий моҳияти, унинг таъсир доирасининг кенглиги, оммавийлиги ва аҳамияти-буларнинг ҳаммаси туризмни тушиниш иборалари-«дам олиш»,«бўш вақт», «рекреация», «туризм» тўпланиб ҳозирча битта тушунча-туризмни- ташкил қилмоқда. Лекин туристик фаолият ҳамма вақт ҳам рекреация бўлмаганидан, рекреация ҳам ҳамма вақт туризм бўлаолмайди. Масалан, ишчанлик туризми ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиқиб асосан иш вақтида бажарилади. Бу туризм. Бу ерда туризм ишчанлик туризмни, рекреацияни, бўш вақтни қамраб олган. Буларнинг қисман учрашуви рекреация туризмни ташкил қилмоқда.

«Рекреация»,«рекреацион фаолият» ва «рекреацион хизматлар» тушунчаларининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини англашда-инсоннинг дам олиш фаолияти билан боғлиқ ҳодисаларни тушуниш лозим. Бу ҳодисалар эса инсоннинг дам олиш фаолиятининг таснифлари деб тушинтирилади¹⁰⁵.

1.Аниқ жисмоний юклама билан боғланган фаолият(спорт билан шуғулланиш, сайрга чиқиш).

2.Ҳаваскорлик машғулотлари фаолияти(овга чиқиш,балиқ овлаш,кўзиқорин ва мевалар териш,ҳар хил буюмларни тўплаш-коллекция қилиш.

3.Санъат дунёси билан боғланиш (театрларга, концертларга, музейлар га, бадий галереяларга бориш).

4.Интеллектуал фаолият(ўз устида ишлаш,газеталар,журналлар,адабий китоблар ўқиш, телевидения кўрсатувларини кузатиб бориш).

5.Ўз қизиқиши ва танлаши бўйича бўш вақтни ўтказиш.

6.Фаол кўнгил очиш(ўйинлар,ракс) ва суст кўнгил очиш-томоша.

¹⁰⁵.Ердавлетов С.Р.География туризма.история, теория, методика, практика.Алмати,2000, 330 с.

7. Қизиқиш ва қониқиш-завқ-шавқ олиш учун саёхатга чиқиш.

Юқорида қайд қилинган дам олиш турлари мажмуали ҳолда юзага чиқади ёки бири-бири билан боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади, айниқса саёхат вақтида бири-бири билан боғлиқ ҳолда бирданига ёки кетма-кетликда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам «рекреация», «рекреацион фаолият» ва «рекреацион хизматлар» атамалари меҳнат қилиш хусусиятлари ўзгарганда, бўш вақтдан фойдаланиш таркиби ва шакллари ўзгарганда жисмоний жиҳатдан энг яхши дам-тинчлик эмас, фаолиятнинг ўзгариши деб тушунилгандагина алоҳида—алоҳида маъноларга эга бўлади.

Оғир меҳнатдан кейин қувватни тиклаш, тикланиш учун дам олиш асосан яшаш жойида амалга оширилиб келинади, ҳозир ҳам шундай. Аста-секинлик билан суткалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик меҳнат қилишнинг тўпланиб бориши натижасида инсон ўзини-ўзи авайлаши нуктан-назаридан дам олишни тобора самаралироқ ўтказишни хоҳлайдиган ва бу «самарали ўтказиш» учун моддий-иктисодий шароитлар яратилганидан кейин санатория-курортларни танлай бошлади.

Шунинг учун ҳам бўш вақтни самарали ўтказишни, инсоннинг ҳаётий фаолиятларидан келиб чиқган танлаш хусусиятларининг пайдо бўлишига - «рекреация», «рекреацион фаолият» деб қараш тўғри бўлади. Бундан келиб чиқадики, туризм тушунчаси рекреация тушунчасига нисбатан анча тор маънони, тор доирани ҳосил қилади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, инсоннинг рекреация фаолияти бўш вақт давомида амалга оширилганлигидан «дам олиш» ёки «дам» туризм, рекреация, экскурсия тушунчаларидан юқорида туради.

Дам олиш рекреация машғулотларидан иборат бўлиб, бу машғулот билан уйда ҳам, уйдан бошқа жойда ҳам шуғулланиш мумкин. «Рекреацияда» инсон албатда ўз уйдан рекреация маконига бориши керак. Бу бориш ўзида «туризм ва экскурсияни» бирлаштиради. Туризм эса+дам олиш тури+рекреация тури, аниқроғи-туризм рекреациянинг бир қисми. Экскурсия ҳам, дам олиш ҳам рекреация-туризм.

Ҳозирда туризм соҳасидаги тадқиқотчилар, туризм таълимидаги тадқиқотчилар инсоннинг «рекреация фаолияти», «рекреацион фаолият» атамаларини кўпроқ ишлатишмоқда. «Рекреацион фаолият» русча ва ўзбекча сўзлардан иборат бўлганлигидан, иккинчидан «рекреацион фаолият»-инсоннинг «рекреация фаолияти»ни англатгани учун- «рекреация фаолияти» атамасини кўпроқ адабиётларга киритишимиз тўғрироқ бўлади. Агарда иккала атамани ҳам ишлатсак ҳар иккала атаманинг рекреациядаги турли тавсифларни яратишга тўғри келади. Бундай тавсифларни яратишнинг иложи йўқ. Чунки, бу иккала атаманинг тавсифлари айнан бир хил ҳисобланади.

Инсоннинг рекреация фаолиятларини таснифлашни изоҳлаш учун жуда кўп ҳажмдаги маълумотларни ёзиш мумкин. Чунки, инсон рекреацияни туризмнинг турлари бўйича ҳам танлаши мумкин. Бундай ҳолатда рекреациянинг фаолиятларини таснифлаш қайд қилганимиздек, жуда катта ҳажмларни олади. Шунинг учун ҳам рекреация фаолиятини жамоавий

таснифлаш-гурухлаш анча тушунарли ҳисобланади. Рекреациянинг жамоавий тасниф-гурухлари^{106, 107, 108};

1. *Рекреациянинг тиббий-биологик фаолияти*: рекреациянинг тиббий-биологик гурухи фаолияти-санатория ва курортларда даволаниш ва соғлиқни тиклашдан иборат ҳисобланади. Яъни, инсонни рекреация туризми орқали соғломлаштириш ва дам олдиришда ушбу жамоавий гурух ёрдам беради(рекреация хизматлари).

2. *Рекреациянинг ижтимоий-маданий фаолияти*; рекреациянинг ижтимоий-маданий фаолиятлари(юқорида дам олиш тизимининг йўналишлари келтирилди) натижасида ишчи кучи қайта тикланади. Аёниқса, ижтимоий туризмда(имтиёзли рекреация),шунингдек, маданий рекреацияда ҳам ишчининг меҳнат қилиш қобилияти ошади,кенгайди, асабий ҳолатлар камайиб,кўплаб хавфли касалланишнинг олди олинади.

3. *Рекреациянинг иқтисодий фаолияти*: Рекреациянинг иқтисодий фаолияти бирнеча йўналишда амалга оширилади:

- Мамлакатнинг аниқ бир ҳудудида аниқ хўжалик таркибининг ривожланиши кучаяди;
- Рекреация хизматлари натижасида аҳолининг иш билан бандлиги ошади;
- Рекреация марказларида аҳолининг иқтисодий даромадлари ошиб боради;
- Хорижий туристларга рекреация хизматлари кўрсатишда валюта тушумлари ҳосил бўлади.

4.*Рекреациянинг сиёсий фаолияти*: Сиёсий жиҳатдан рекреациянинг фаолияти шундан иборатки, у халқларни таништиради, яқинлаштиради ва дўстлаштиради.

5. *Рекреациянинг экологик фаолияти*: рекреациянинг экологик фаолиятида инсон табиат бағрида дам олиши билан бирга табиатни асраш ва муҳофаза қилишга ҳисса қўшади.

Шундай қилиб «рекреация» ва «рекреация фаолияти» эҳтиёжлари ҳаётий воситалар ва алмашинув, ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқ ва ташқи муҳитнинг объектив омиллари таъсиридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда шаклланади.

15.3. Рекреация эҳтиёжи, омиллари ва рекреация туризмини ривожлантириш йўллари

Рекреация туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини белгилаганимизда биринчидан, ҳозирда аҳолининг руҳий ва жисмоний дам олиш объектлари тавсиф ва таърифини кенгайтиришимиз талаб қилинади.

¹⁰⁶ Ердавлетов С.Р. География туризма. История, теория, методика, практика. Алматы, 2000, 330 с.

¹⁰⁷ Кусков А.С., Голубева В.Л., Одинцова Т.Н., Рекреационная география, КноРУС, Москва, 2010, 500 с.

¹⁰⁸ Александрова А.Ю., География туризма. КноРУС, Москва, 592 с.

Юқорида кайд қилинган, рекреация фаолиятининг таснифида рекреациянинг ижтимоий-маданий фаолияти, рекреациянинг етакчи, асосий фаолиятларидан бири ҳисобланади. Яъни маданий ва руҳий эҳтиёж инсоннинг яшаш завқини таъминловчи, ўз маконида дунёни англашни мустаҳкамловчи кучларни тикловчи (руҳий рекреация) муҳим омиллардир.

Статистика маълумотлари бўйича турист 20-45% харажатни транспортга, 20 % ини жойлашиш ва овқтланишга, 25-50% ни маҳаллий товарларни сотиб олишга, 10 % ни кўнгиш очар ўйинларга сарфлайди. Хизмат қилувчилар тур қийматининг 5-20 % ни оладилар. Туристлар сарф қиладиган барча маблағларнинг 70 % маҳаллий жойларга сарфланади.¹⁰⁹

Юқорида кайд қилинган турист харажатларини ҳар бир рекреация объектларида қолдиришимизнинг жуда катта имкониятлари бор. Бунинг учун эса биринчи навбатда мамлакатимиздаги барча рекреация маконларини, объектларини рўйхатга олиш тавсифини ёзиб чиқиш, халқаро ва ички туризмда фойдаланиш даражаларини аниқлаш, рекламаси ва турмашрутиларини туризм бозорига чиқариш талаб қилинади.

Республикамизда рекреация туризмни ривожлантиришнинг энг муҳим долзарб масалаларидан бири ушбу жойларда туристик маршрутлар ишлаб чиқиш суст ҳолатда эканлиги ҳисобланади. Рекреация туризмнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини белгилаганимизда, ушбу жойларга дастлаб тур маршрутлар ишлаб чиқиш маҳаллий аҳоли иқтисодини кўтаришда жуда муҳим омилдир.

Экотуризм, рекреация ва зиёрат-дам олиш туризми манзилларига, маконларига ва объектларига турмашрутилар ишлаб чиқилмас экан, ушбу жойларга ўзига хос бўлган хизматлар кўрсатиш инфратузилмалари ҳосил бўлмайди. Бу ҳолатда муҳим бир омилга эътибор бериш зарурки, рекреация манзилларига туристик маршрутлар ташкил қилишгина бу жойларда туристларга хизмат қилувчи инфратузилмаларни юзага келтиради. Чунки, маълум бир туристик объектга туристик оқимнинг кўпайиши албатта эҳтиёж нуқтаи-назаридан уларга хизмат қилувчиларни чорлайди. Натижада, туристларнинг эҳтиёжларини сезган маҳаллий аҳоли дастлаб туристларга оддий, сифатсиз хизматларни, кейинчалик сифатли ва мажмуали хизматларни таклиф қила бошлайди¹¹⁰.

Шу ҳолатдан маҳаллий аҳоли ўртасида туристларга хизматлар кўрсатиш бўйича ўзига хос рақобатбардошлик ҳосил бўлади. Натижада, туристларга хизматлар кўрсатиш яхшиланиб, хизматларнинг турлари кўпаяди, сифати яхшиланади. Бу шароит ўз навбатида ушбу туристик объектларга туристик инфратузилмаларни яратиб беради.

Бу даражаларга етишиш учун туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар ҳар бир туристик объектларнинг, ҳар бир туристик

¹⁰⁹. Каримов З.К. Аликулов Ш.К. Халқаро туризм соҳасида сифат самарадорлиги менежменти // Ўзбекистон: туризм, иқтисодиёт ва экология республика илмий амалий анжуман материаллари (2009й 30-31 март.) Самарқанд СамИСИ. 202-205 б.

¹¹⁰. Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С., ва бошқ.: Ўқув қўлланма. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Самарқанд, 2016, 180 б.

инфратузилмаларнинг туристларни нечоғлиқ кизиштириши ва қоништириши бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиши ва олинган натижалар бўйича туризмни ривожлантиришнинг аниқ мақсад ва вазифаларини, режаларини ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Мамлакатимизда зиёрат-рекреация (рекреация туризмнинг асосий йўналиши) туризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни, аҳамиятини ҳам маркетинг тадқиқотлари ўтказиш йўли билан аниқлаб қолиш мумкин. Бу йўналишда маркетинг тадқиқотларининг мавзуларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- янги иш ўринларини ташкил қилишини тадқиқ қилиш;
- маҳаллий ва маҳаллий аҳоли даромадларини оширишини тадқиқ қилиш;
- туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча соҳаларни ривожлантиришини тадқиқ қилиш;
- туристик марказларда ишлаб чиқариш ижтимоий соҳаларни ривожлантиришини тадқиқ қилиш;
- халқ маданият марказларини ривожлантиришини тадқиқ қилиш;
- валюта тушумларини кўпайтиришини тадқиқ қилиш;
- маҳаллий халқлар маданиятини халқоро миқёсида ташвиқот, реклама қилишини тадқиқ қилиш;
- маҳаллий аҳолида миллий ғурур ва ватанпарварликни кучайтиришини тадқиқ қилиш;
- халқоро миқёсида халқлар ҳамдўстлигини ташкил қилиши, халқоро ҳамдўстликни мустаҳкамлашини тадқиқ қилиш.

Рекреация истеъмолчиларини рекреацияга жалб қилишда келтирилган мавзулар бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш режалаштирилганда албатда рекреантларнинг рекреацияга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиши зарур. Рекреация эҳтиёжларини ўрганиш, рекреацияни ҳудудий ташкил қилиш давлат аҳамиятига молик талаб ҳисобланади. Ҳудудлар дам олишга ажратилганда табиий географик талаблар эмас, аҳолининг эҳтиёжлари ҳисобга олиниши лозим. Чунки, ҳудуддаги аҳолида тарихий, ижтимоий даврда уларга хос бўлган рекреация эҳтиёжлари шаклланган. Рекреацияни тадқиқ қилувчилар (рекреация географияси) рекреацион фаолиятни ҳудудий ташкил қилиш ва ҳудудий-вақтли рекреацияли фаолият ўсишини аниқлайди.

Рекреация эҳтиёжи ҳаётий воситалар ва алмашинув, ишлаб чиқариш усуллари билан боғлиқ ва ташқи муҳитнинг объектив омиллари таъсиридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда шаклланади.

Рекреацион эҳтиёж-инсоннинг ҳаёти фаолияти жараёнида йўқотилган руҳий ва жисмоний меҳнат қобилятини ва соғлигини тиклашга бўлган эҳтиёжи ҳисобланади. Рекреацион эҳтиёж алоҳида тизим бўлиб одамларнинг ҳаёти фаолиятини ташкил қилишда 3 даражага бўлинади ¹¹¹. Булар қуйидагилар:

¹¹¹. Николаенко Д.В. Рекреационная география. Москва, 2001.; Николаенко Д.В. Картографический метод исследования в рекреационной географии. Рекреационная география. Саратов, 2004. стр. 25-36.

- жамоавий рекреацион эҳтиёж;
- гуруҳли рекреацион эҳтиёж;
- якка(индивидуал) рекреацион эҳтиёж.

Жамоавий рекреацион эҳтиёж-жамиятнинг барча аъзоларининг меҳнат қобилияти ва соғлигини тикловчи, уларнинг ҳар томонлама, жисмоний ва руҳий тикланишини аниқловчи, рекреация таркибининг ҳудудий ташкилланиш шакли ҳисобланади.

Гуруҳли рекреацион эҳтиёж- аҳолининг маълум ижтимоий-иқтисодий, профессионал ва ёш гуруҳларининг рекреацияга бўлган талабларини қондиради. Ўзига хос бўлган рекреация эҳтиёжига кўпинча оилалар талабгор бўлишадилар. Шунингдек, маълум бир гуруҳлар даволаниш, соғлиқни тиклаш, билиш бўйича маслақдош, фикрдош бўлишадилар. Масалан, хозир жаҳон бўйича кексаларнинг рекреацияга бўлган эҳтиёжлари йилдан-йилга ўсиш кўрсаткичларига эга бўлиб бормоқда.

Якка (индивидуал) рекреацион эҳтиёж- якка шахснинг дам олиш, жисмоний тикланиш талабларидир. Бунда инсон фақат ўзининг рекреация талабларини қондирувчи рекреация марказларини ёки хизматларини танлайдилар.

Рекреация эҳтиёжларининг шаклланишига қўплад омиллар сабаб бўлади ва улар қуйидагича гуруҳланадилар:

1.Ижтимоий-иқтисодий омиллар: ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши даражаси; фаравонлик даражаларини ишлаб чиқариш даражаси; шу жумладан хизматларни ҳам; туризм ва дам олиш соҳаларининг ривожланиши даражаси; товарлар ва хизматларни сотиш баҳолари даражалари; рекреация баҳолари даражалари; транспорт воситалари ва транспорт инфратузилмаларининг ривожланиши даражалари; меҳнат таътилларининг узок муддатлилиги; рекреация марказлари, ҳудудлари ва районларининг ва уларга маршрутлар ҳақидаги ахборотлар ва рекламалар кўйилиши; аҳолининг ижтимоий ва малакавий таркиби; аҳолининг маданий ҳаёт кечириши даражалари; аҳолининг ҳаракатчанлиги; миллий анъаналар.

2.Демографик омиллар-шаҳар ва кишлоқ аҳолисининг нисбатлари(урбанизация) даражалари; аҳолининг жинсий таркиби; аҳолининг таркибий ёшлари; аҳолининг тарқалиши хусусиятлари.

3.Ижтимоий-руҳий(психологик) омиллар-ишчанлик ва маданий алоқаларнинг тезкорлиги (чиқишимлиги, гапга, фикр-хулосаларга тушуниладиганлиги, хушмуомилалиги ва бошқ.); маданий ҳаёт тип; қутилмаган ахборотлар ва воқеъликлар тасирига босиқчилиги; дунё қараши хусусиятлари ва ҳислатлари.

4.Тиббий-биологик омиллар-аҳолининг соғлиги ҳолатлари даражалари; спорт-соғломлаштириш тадбирларига эҳтиёжлари даражалари.

5. Табиий омиллар- инсон яшаётган табиий минтақага, тоғга, ўрмонга, дарёга, денгизга, флора ва фаунага қизиқиши даражалари ва уларга нисбатан географик жойланиши, таълаши хусусиятлари¹¹².

Рекреация эҳтиёжларининг энг муҳим масалаларидан бири- аҳолининг рекреация хизматларига бўлган талабларини қондириш даражаларини ошириш ҳисобланади. Лекин, бизда ханузгача бу муаммоларни ҳал қилиш тизими ишлаб чиқилмаган. Рекреация эҳтиёжларини иқтисодий исботланган баҳоларда асослашгина аҳолини рекреациядан баҳраманд бўлиши шакллари ва усулларидан фойдаланишга ундайди.

Рекреацион фаолият замонамизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий омилларига айланиб бормоқда. Рекреацион фаолиятни ташкил қилиш мажмуали хусусиятларга эга бўлиб, ҳар қандай рекреация тизимида дам олувчилар гуруҳи, табиат мажмуалари, техник инфратузилмалар, хизмат кўрсатиш соҳалари, меҳнат ресурслари, ташкилий-иқтисодий ва ташкилий-тарқалиш тизимлари ўзаро алоқада, ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Шундай экан, туристик фирмалар ва туристик ташкилотлар Россиялик таниқли олим М.Б. Биржақовнинг “Туризмни ўрганиш вақти, туризм билан шуғулланиш вақти, туризмдан даромад олиш вақти” деган шиори бўйича ишлаб туризмнинг ривожланиши маркетинг тадқиқотлари билан узвий ҳолатларда боғлиқ эканликларини яхшилаб англаб олишлари талаб қилинади. Зероки, маркетинг тадқиқотлари ҳар бир ташкилотнинг самарали ривожланишини, унинг мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб беради.

Таянч сўзлар ва иборалар: рекреация, бўш вақт, бекор вақт, рекреация фаолияти, рекреация омиллари, рекреант, рекреация эҳтиёжи, рекреация баҳолари, гуманизм.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича савол ва топшириқлар:

1. Рекреация туризмнинг моҳияти нималардан иборат?
2. Рекреацион фаолиятни тушунтиринг.
3. Рекреация омилларини санаб беринг ватушунтиринг.
4. Рекреация эҳтиёжини қандай тушунаси?
5. Рекреация, туризм ва экскурсиянинг боғланишини тушунтиринг.
6. Бўш вақтни тушунтиринг.
7. Бекор вақт қандай вақт?
8. Зиёратда рекреация борми?
9. Экотуризмда рекреация борми?
10. Томоша қилишда рекреация борми?

¹¹² Hall C.M., Pffe S.J., The Geography of Tourism and Recreation. London, N.Y.: Routledge, 1999. p 126-137.

16-мавзу. Ўзбекистонда ички ва халқаро экотуризмни ривожлантириш йўллари

Режа:

16.1. Ўзбекистонда ички экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти.

16.2. Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти.

16.1. Ўзбекистонда ички экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 7 февралда “Ички туризмни ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3514-сонли Қарор қабул қилди¹¹³. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадлида:

1. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бу муҳим қарорнинг амалда бажарилиши жараёнида ички экологик туризмни ривожлантириш ватанимиз аҳолисининг табиатимизнинг табиий минтакаларини, табиатимизнинг бойликлари, биологик хилма-хилликни кўриш ва ўрганишда жуда катта ва қулай имкониятларни яратади. Бу ерда энг муҳими ички экологик туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини кечиктирмасдан, ўз вақтида ишлаб чиқишимиз талаб қилинади.

Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш ҳозирга келиб ўзининг шаклланиши босқичида. Шаҳарларимиздаги туризм рақобати натижасида кўплаб туристик фирмалар қўшимча ресурсларни ва имкониятларни излашмоқда. Изланаётган ресурслар ва имкониятлар мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш йўналишида ҳисобланади. Лекин, ҳанузгача туризм мутахассислари томонидан ҳам, туризм бошқарувидаги ташкилотлар томонидан ҳам, туризм тадбиркорлигида ҳам ички туризмни ривожлантириш муаммоларини илмий ва амалий жиҳатлардан жиддий тадқиқ қилиш эътибордан четда қолиб келмоқда.

¹¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида”. 2018 йил 7-феврал, № ПҚ-3514. ҚҲММБ: 07/18/3514/0672-сон, Тошкент ш., 08.02.2018 й.

Бу ҳолатнинг сабаби мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга киришган дастлабки вақтларда фақат халқаро туризм маҳсулотларини тайёрлаганимиз, фақат халқаро туризм ривожига куч берганлигимиз ҳисобланади. Иккинчидан, дастлабки вақтларда ҳам, ҳозир ҳам деярли барча туристик фирмалар асосан шаҳарларимизда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантириш учун туризмда куйидаги муаммоларни ечишимиз талаб қилинмоқда:

1. Шаҳарларимиздаги туризм фаолиятларини қишлоқларга йўналтириш.
2. Қишлоқ туризмни ривожлантириш йўналишини ташкил қилиш.
3. Маҳаллий аҳолини туризм соҳаси тадбиркорлигига тайёрлаш.
4. Қишлоқларда туристик фирмалар ташкил қилиш.

Ички туризмни ривожлантиришда энг муҳим омил аҳолининг туристик ресурслар, туристик хизматлар ва маҳсулотлар, туристик инфратузилмалар ва туризмдаги даромад ҳақида ахборотланганлик даражаси ҳисобланади. Иккинчидан, туристик хизматлар ва туристик инфратузилмаларнинг нархи аҳолининг барча қатламларига мослигидир. Европа давлатлари мактаб ўқувчилари, институт, коллежлар ва университетлар талабаларига хизмат кўрсатиш ва инфратузилмалар нарҳини 10 % паст белгилаган ва бу таркибда фаолият юритувчи туристик фирмаларга кўплаб имтиёзлар беришади. Ана шундай давлат дастурларини бизнинг мамлакатимизда ҳам ишлаб чиқишимиз мақсадли бўлади.

Биринчидан, ҳозирги вақтга келиб туризм соҳаси халқ хўжалигимизнинг деярли барча тармоқларини қамраб олиши даражаларида ривожланмоқда. Ана шу қамраб олиш даврида туризмнинг кўплаб ишлаб чиқариш тармоқларига ва соҳаларига бўлиниши келиб чиқди. Янги тармоқларни ва соҳаларни ривожлантириш туризмдаги долзарб масалаларга ва муаммоларга айланиб бораётганлиги ва айниқса қишлоқ жойларда аҳолини иш билан таъминлаш ва сервис хизматларини сифатли, самарали кўрсатиш давлат сиёсатига айланганлиги сабабли, ушбу қайд қилинган муаммоларни ечишни талаб қилмоқда. Бу муаммоларни ечишнинг энг самарали йўллари эса мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ҳисобланади.

Иккинчидан, мамлакатимиз халқ хўжалиги мустақиллигимиздан кейин халқаро интеграция шароитларида ривожланишни бошлади. Халқ хўжалигида эски халқаро талабларга жавоб бермайдиган технологиялар, бир ёкламага мослашган ишлаб чиқариш тармоқлари мамлакатни модернизация қилиш асосида замонавий технологияларда ишлаб чиқариш усулига ўтди. Бу шароитда ишлаб чиқариш ва аҳолига сервис хизматларини самарали кўрсатиш биринчи навбатда аҳолининг иш билан таъминланганлик даражаларини кўтаришни талаб қилмоқда. Мамлакатимизда эса деярли 50% аҳоли қишлоқларимизда яшашмоқда. Қайд қилинган муаммоларни ҳал қилишда ички туризмни қишлоқларни ривожлантиришнинг барча режаларига қўшган ҳолатларда ечиш мумкин.

Учинчидан, ички туризм ривожлантириш ҳозирги вақтда халқимизнинг маданий ва маърифий тараққиётини ривожлантиришда ҳам қўшилган самараларни бериши шубҳасиз ҳисобланади. Чунки, ички туризмни

ривожлантиришда аҳоли иш билан таъминланади, ижтимоий–иқтисодий яшаш тарзи ошади, ички туризм инфратузилмаларини яратишда ва ички туризмда хизматлар қилишда аҳолининг туризмдаги фаолияти кучаяди, вилоятлар ва туманларда яшаётган аҳолиларнинг бири-бири билан танишиши ва дўстлашуви кучаяди. Вилоятлардаги аҳолилар бошқа вилоятлардаги, туманлардаги туристик ресурслардан ва айниқса рекреация, даволаниш ва муқаддас зиёратгоҳлардан хабардор бўлишадилар.

Энг муҳими шундаки, ички туризмнинг ривожланиши туристик экскурсия хизматларининг ривожланишини таъминлайди. Айниқса, болалар экскурсияларининг ривожланиши натижасида бўлғуси авлоднинг ватанимизни билиши ва унинг бойликларини билиши, бетақрор табиатини ўрганиши халқимизнинг маданий-маърифий тараққиётида муҳим ва аҳамиятли ҳисобланади.

Тўртинчидан, мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш натижасида ишлаб чиқариш соҳаларида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиради ва кучайтиради. Айниқса, қишлоқларимизда миллий меърос маҳсулотларини ишлаб чиқариш кучаяди, унутилганлари қайта тикланади.

Бешинчидан, ички туризмни ривожлантириш жараёнида ватанимизга ташриф буюраётган халқаро туристларни жалб қилиш ва уларга қизиқарли, жозибали туристик хизматлар кўрсатиш имкониятлари ҳосил бўлади. Чунки, халқаро туризм экспертларининг хулосаларига кўра халқаро туристлар биринчи навбатда халқларнинг яшаш тарзига, миллий маданиятига, миллий меъросига, миллий урф-одатларига ва миллий ўйинларига қизиқишади.

Қайд қилинганларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш миллий туризмнинг шиддат билан ривожланишига асослар, қатта имкониятлар яратади. Бу ривожланишга ва имкониятларга эришиш учун эса биринчи навбатда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришнинг назарий-концептуал режаларини ишлаб чиқишимиз керак.

Маълумки, халқимиз азалдан ватанимиздаги барча зиёратгоҳларни азиз ва муқаддас билиб келишади. Энг муҳими, дастлаб яшаб турган манзилимиз атрофларидаги муқаддас зиёратгоҳларга, сўнгра эса бошқа туманлардаги ва бошқа вилоятлардаги азиз жойларга сафарлар уюштирамиз. Ички туризмни ривожлантиришда халқимиздаги бу улуг одатни ва хусусиятларни этиборга олишимиз, фойдаланишимиз лозим. Шунинг учун ҳам туризм мутахассислари, туризмдаги тадбиркорлар ички зиёрат туризмни ривожлантиришда ҳар бир вилоятлардаги ва ҳар бир туманлардаги зиёратгоҳларнинг рўйхатини, манзилни ва зиёрат қилиш хусусиятлари ҳақидаги ахборот маълумотларини пухта ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Иккинчидан, ички туризмни *шаҳарликлар–қишлоқларга ва қишлоқликлар–шаҳарларга шиори ва дастури* асосида ривожлантириш Европа давлатларида ўтган асрнинг 70 йилларидан мукамал амалга оширилиб келинмоқда. Айниқса, қишлоқлардаги мактаб ўқувчиларини шаҳарлар ҳаёти ва диққатга сазовор жойлари билан таништириш экскурсияларини мунтазам ташкил қилиш ва аксинча шаҳарлик мактаб ўқувчиларини қишлоқ ҳаёти

билан таништириш, дам олдириш экскурсияларини мунтазам ташкил қилувчи туристик фирмаларга кўплаб имтиёзлар яратиш Европа давлатларида ички туризмни ривожлантириш дастурларига киритилган.

Учинчидан, вилоятлар ва туман ҳокимликлари ўз ҳокимликлари тасарруфида янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг дам олиш тизимини самарали ташкил қилишда ички туризмни ривожлантириш имкониятларидан унумли фойдаланиш салоҳиятлари жуда катта эканликларини эътиборга олишлари лозим(зиёратгоҳларда зиёрат ва дам олиш инфратузилмаларини яратиш, ишламаётган ва таъмир талаб зиёратгоҳлар ва рекреация объектларини тадбиркорларга бериш, ватанимизни ўрگانамиз дастурларини яратиш ва бошқ).

Тўртинчидан, мактабларимиздаги ёшга таътил вақтида шаҳарларга, тоғларга, табиатнинг сўлим масканларига, табиий географик минтақаларга ўқувчилар экскурсияларини ташкил қилишда вилоятлар ва туманлар, шаҳар ҳокимликларининг маблағларини жалб қилишнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш вақти келди. Бунинг учун биринчи навбатда ушбу йўналишда туристик фаолият кўрсатувчи туристик фирмаларга давлатимиз томонидан кўрсатиладиган жиддий молиявий ёрдам ва имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

16.2.Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги аҳамияти

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантириш мамлакатимиздаги миллий туризм соҳасининг ривожлантирилиши билан ҳамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Ўзбекистонда туризм мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан ўз ривожланишини бошлади. Чунки, давлатимизнинг мустақиллиги эълон қилингандан бошлаб жаҳондаги кўплаб давлатлар мустақил Ўзбекистонни халқаро микёсда тан олиб, ватанимизда ўз давлатларининг элчихоналарини, ваколатхоналарини очишга киришдилар, мустақил Ўзбекистон билан ҳар тарафлама ривожланиш битимларини, шартномаларини туза бошладилар. Ўзаро тенг шартномаларга асосланган бундай дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун халқаро ҳамкорликда албатда халқаро туризмни ривожлантириш зарурати ҳам келиб чиққан эди.

Айниқса,жаҳондаги кўплаб давлатлар Ўзбекистоннинг мустақиллигини қувватлаб, ўзаро ҳамдўстлик режаларини, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тақлиф қилишлари ҳам ватанимизда халқаро туризмни ривожлантиришни кун тартибига олиб чиққан эди. Шу сабаблар билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда туризмни айниқса, халқаро туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий асосларини яратишга мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб киришган эдилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда халқаро туризм соҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳалардан ҳисобланади. Йилдан-йилга халқаро туризмнинг обрўйи ошиб бормоқда. Унинг иқтисодий смарадорлиги ортиб йилдан-йилга кўплаб давлатларни камраб олмақда. Халқаро туризм маълумотларидан маълум бўлмоқдаки, туристлар кўпроқ кадимий, тарихий ёдгорликларга бой давлатларга интиломоқдалар. Бундай, кўп тармоқли имкониятлардан кириш туризмида фойдаланиш, жаҳон туризмида дунё халқларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари ва истикболли иқтисодий юксалишлардаги улуғ мақсадларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини қабул қилди¹¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарориди «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони нийжро этиш, шунингдек, республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмини миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсади қўйилган.

Ўзбекистон туризмнинг муаммоларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан ажратиб, алоҳида ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, ҳозирнинг ўзида туризм соҳаси иқтисодиётимизнинг 32 дан ортиқ тармоқлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини белгилаганда жуда кўплаб фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин. Дастлаб қайд қилиш лозимки, халқаро экотуристлар оқимининг кучайиши мамлакатимиздаги тинч-осойишта ҳаётнинг барқарорлигидан, халқаро экотуристларнинг ватанимизда эркин туристик фаолияти таъминланганлигидан, уларга кўрсатилаётган хизматларнинг меҳмондўстлик талаблари асосида ташкил қилинганлигидан ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистонда халқаро экотуризм фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрлари яратилганлиги, халқаро экотуристларнинг ватанимизда эркин туристик фаолиятда бўлишликларининг халқаро қонуний ақтлари яратилганлиги ҳам халқаро экотуризмни янада ривожлантириш имкониятларини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини аниқлашдан олдин ватанимизда халқаро туризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олиш талаб қилинади. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, иқтисодий ёки табиий минтақаларида халқаро туризмни ривожлантириш

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3509/0658-сон).

масалалари ҳам Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантириш масалалари билан узвий ҳолатларда ва талабларда кўрилади.

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг *мақсади*:

1. Давлатимизнинг халқаро микёслардаги обрўсини ошириш.
2. Халқаро даражалардаги, мўжизали туристик ресурсларимизни, объектларимизни дунё халқларига таништириш.

3. Ўзбекистон халқларини кўплаб чет элликлар билан таништириш, ўзаро, ҳамдўстлик, ҳамкорлик алоқаларига келиб чиқишига шароитлар тратиш.

4. Ўзбекистонликларнинг миллий меъроси бойликлари, миллий маданияти, саноати ва миллий анъаналарини жаҳондаги халқларга кўрсатишда ҳудудий ва минтақавий туризмнинг халқаро туристик марказларни ташкил қилиш.

5. Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантириш имкониятларидан келиб чиққан янги халқаро туристик ҳудудларни, минтақаларни ташкил қилиш, бу ҳудудлар ва минтақаларда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг янги халқаро туристик режаларини, стратегияларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг *вазифалари*:

1. Халқаро экотуризмни ташкил қилишнинг ҳуқуқий меъёрларини, ижтимоий-иқтисодий-ташқилий механизмларини ишлаб чиниш.

2. Халқаро экотуризмда аниқ мақсадларга йўналтирилган туризм тармоғи ва унга хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун давлат аҳамиятидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Хорижий давлатларнинг халқаро экотуризмни ривожлантириш соҳасидаги халқаро лойиҳаларида ишлаш, ҳамкорлик қилиш имкониятларини, шароитларини тратиш.

4. Халқаро экотуризм инфратузилмаларининг комфортлилик даражаларини, жаҳон андозалари ва талаблари даражаларида яратиш, тайёрлаш.

5. Халқаро экотуризм хизматларини жаҳон андозалари ва талаблари даражаларида яратиш, тайёрлаш.

6. Транспорт-коммуникация тармоқлари хизматларини халқаро экотуризмда транспорт коммуникация хизматлари талаблари даражаларига етказиш.

Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти куйида келтирилган муҳим ижтимоий-иқтисодий кўтарилишга, тараққиётга замин, шарт-шароитлар яратади:

- Мамлакатимиз иқтисодиётига валюта тушумлари кўпаяди. Шу билан бирга халқаро экотуристлардан маҳаллий хизматлар кўрсатувчилар ҳам валюталарни оладилар;
- Давлатимизнинг халқаро микёслардаги обрўсини оширади;
- Туристик инфратузилмаларнинг комфортлилик даражаларини халқаро талаб даражаларига кўтаради;

- Саноатда ва қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш кучаяди. Бу маҳсулотларнинг сифати халқаро даражаларга кўтарилади;
- Халқаро микёсдаги барча туристик ресурслар-объектлар таъмирланади, кўчалазорлаштирилади, ободонлаштирилади;
- Ўзбекистонликларнинг миллий меъроси бойликлари, миллий маданияти, санбати ва миллий анъаналари жаҳондаги кўплаб давлатларда таниладилар;
- Миллий хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кучаяди;
- Транспорт-коммуникация тармоқлари хизматлари яхшиланиб боради;
- Туризм хизматларининг турлари кўпаяди ва сифатлари халқаро талаблар даражаларига кўтарилиб боради;
- Ўзбекистон туризмга хорижий инвестициялар кириб келишига шароитлар ва имкониятлар яратади;
- Хорижий давлатларнинг туризмни ривожлантириш соҳасидаги халқаро лойиҳаларида ишлаш, ҳамкорлик қилиш имкониятлари келиб чиқади;
- Меҳмонхоналар хўжаликларида хизматларнинг тури кўпаяди, сифатлари ошади, комфортлиликлари кўтарилиб боради;
- Халқаро экотуристларни овқатлантириш хизматлари яхшиланиб боради, миллий таъомларни тиклаш ва сифатли тайёрлаш кучайиб боради;
- Халқаро даражалардаги туристик ресурсларимизнинг, объектларимизнинг довруғи дунё халқларига тарқалади;
- Халқаро туристик маршрутлар яратиш талаблари келиб чиқади;
- Халқаро туризм рекламаларини ишлаб чиқиш кучаяди;
- Халқаро экотуризмни ривожлантириш йўналишларига иштисослашув такомиллашиб боради;
- Халқаро туроператорлар тайёрлаш талаблари келиб чиқади;
- Халқаро туристик марказларни ташкил қилиш талаблари келиб чиқади.

Таянч сўзлар ва иборалар: ички экотуризм, халқаро экотуризм, халқаро экотуристик ресурс, хориж экотуризми, халқаро туризм талаблари, комфорт, халқаро лойиҳалар, халқаро туроператорлар.

Мавзу бўйича савол ва топшириқлар:

1. Халқаро экотуризм ва ички экотуризмни тушунтиринг.
2. Европа давлатларининг шаҳарликлар—қишлоқларга ва қишлоқликлар—шаҳарларга шиори ва дастурини тушунтиринг.
3. Ўзбекистонда халқаро экотуризмни ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?.
4. Ўзбекистонда ички экотуризмни ривожлантиришда қандай мақсадлар қўйилади?.
5. Халқаро экотуризмнинг Ўзбекистондаги ресурсларини айтиб беринг.
6. Халқаро зиёрат туризмининг ресурслари қандай белгиланади?.
7. Қадимий тарихий обидалар қайси туризм турининг ресурслари ҳисобланади?
8. Сардобалардан қайси туризмда кўпроқ фойдаланади?.

9. Ички туризм туроператорларининг асосий вазифаларини тушунтиринг.
10. Халқаро туризм туроператорларининг фаолиятини тушунтиринг.

17-Мавзу. Экологик туризмни ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Режа:

17.1. Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммолар.

17.2. Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммоларнинг ечимлар.

17.1. Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммолар.

Экотуризмни ривожлантиришда «Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси» дастурлари бўйича катта ишлар бажарилмоқда. Шу билан бирга Республикамизда экотуризмни ривожлантиришда ечимлари анча оғир, жиддий бўлган муаммолар ҳам тўпланиб қолган. Бу муаммоларнинг биринчи навбатда ўз ечимини кутиб тургани, экотуризмни ривожлантиришдаги бош экотуризм ресурсларининг давлат муҳофазасида турганлигидир (9-жадвал). Келтирилган жадвал маълумотлари билан танишиб чиқиб Республикамизда экотуризм ривожланиши керак бўлган биринчи навбатдаги экотуризм ресурслари давлат муҳофазасида эканлиги маълум бўлади. Бу ҳолат жуда тўғри қарор қилинган. Дунёнинг барча давлатларида ҳам 8-жадвалдаги табиий ҳудудлар ўзининг ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси билан қаттиқ кўриқланади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, жуда кўплаб давлатларда, айниқса табиатда ноёб ўсимлик ёки ҳайвон турлари муҳофаза қилинадиган кўриқхоналардан ҳам экотуризм мақсадларида самарали фойдаланишади. Бунга мисол қилиб Африка, Канада, Америка, Австралиядagi кўриқхоналар, резерватлар ва миллий парклар ҳақидаги кино сериалларнинг тобора оммавийлашиб бораётганлигини келтириш мумкин.

Бу ҳолатнинг энг муҳим сабаби, бу муҳофазадаги манзиллардан экотуризмда фойдаланишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари яратилганлигидир ва бу қонунларга «мехмонлар» ҳам «мезбонлар» ҳам қаттиқ риоя қилинади. Республикамиздаги табиат кўриқхоналарига фақат илмий ходимлар киришга руҳсат берилади. Бу кўриқхоналарга ҳатто махсус илмий экспедициялар ҳам Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг руҳсатномасини олиши керак.

Шунингдек, Республикамизнинг дарё ва сув ҳавзаларида, сув омборларига кириш Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тақиқланган. Табиатимизнинг дилтортар тоғ ва чўл ландшафтлари ҳақида ҳам кайд қилинган чекловларни келтириш мумкин. Мамлакатимизда халқаро экологик туризмни ривожлантириш учун биринчи навбатда табиат кўриқхоналаримиздан халқаро экологик туризмни ривожлантиришда фойдаланишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини

яратишимиз керак. Чунки, халқаро экологик туризмнинг асосий ресурслари миллий парклар, табиат ва биосфера кўриқхоналари, алоҳида муҳофазадаги ҳудудлар ҳисобланади. Экотуризмни ривожлантириш учун экотуризмнинг асосий ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиб экотуризмдаги муаммолар қуйидагилар эканлиги маълум бўлди:

9 -Жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган
табиий ҳудудлари**

№	Табиий ландшафт	Муҳофаза ҳудудлари	Майдони, га	Ташкил этилган йил
1	2	3	4	5
Давлат кўриқхоналари			175536	1971
1	Бадай - тўқай	Амударё пасттексисликлари тўқай экотизимлари	6462	1983
2	Хисор	Хисор тизмаси тоғ экотизимлари	80986	1959
3	Зомин	Туркистон тизмаси тоғ экотизимлари	21735	1975
4	Зарафшон	Зарафшон дарёси ўрта оқими тўқай экотизимлари	2352	1971
5	Қизил-қум	Амударё ўрта оқими ва қўшни саҳролар тўқай экотизимлари	10311	1975
6	Нурота	Нурота тизмаси тоғ экотизимлари	26895	1971
7	Сурхон	Кўхитанг тоғ тизмаси экотизимлари ва Амударё ўрта оқими тўқай экотизимлари	26895	1975
8	Китоб	Ноёб геологик кон	3938	1987
9	Чотқол давлат биосфера кўриқхоналари	Чотқол тоғ тизими экотизимлари	35724	1947
1	Уюм – Чотқол давлат миллий боғи	Ғарбий Тёншон экотизимлари	574590	1990
2	Халқ боғи (Зомин)	Туркистон тизмаси экотизимлари	24110	1977
Давлат табиат ёдгорликлари				
1	Ёзёвон саҳроси	Ноёб табиат ёдгорликлари	1000	1991
2	Мингбулоқ тумани табиат ёдгорлиги	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	1000	1991
3	Чуст тумани табиат ёдгорлиги	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси	96	1990
Алоҳида табиий объектлар ва комплексларни сақлаш, кўпайтириш ва тиклаш учун ҳудудлар				
Буюртмахоналар			1503206	
1	Оқтоғ	Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар	15400	1997
2	Денгизкўл	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	50000	1990
3	Қарнобкўл	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	40000	1992

4	Қорақир	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	30000	1992
5	Қўшрабод	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	16300	1992
6	Муборак	Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимликлар	264469	1997
7	Сармиш	Ҳайвонот ва ўсимликлар олами	5000	1997
8	Сайғочи	Ёввойи ҳайвонлар	1000000	1997
9	Сечанқул	Балиқлар	7037	1998
10	Судочье	Ёввойи ҳайвонлар	50000	1991
11	Хубара	Тувалоқ ва унинг яшаш жойлари	25000	1998
		Табиий парваришхоналар	7122	
1	«Жайрон» экомаркази	Жайрон, қулон, Прежевальск отлари	7122	1976
2	Балиқ хўжалиги ҳудудлари	Сув ҳавзаларидаги антропоген тизимлар	-	
	Муҳофаза этиладиган ландшафтлар	Алоҳида табиий экотизимлар	1004005	
	Курорт табиати ҳудудлари	Антропоген экотизимлар	338	
	Рекреация ҳудудлари	Антропоген ва табиий экотизимлар	70	
	Давлат биосфера резерваторлари	Табиат экотизимлари	35724	

1. Республикадаги асосий экотуризм ресурсларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиш қониқарсиз ҳолатдалигини алоҳида таъкидлаш зарур.

2. Қўриқхоналар, заказниклар ва миллий паркларда экотуризм сўқмоқлари, маршрутлари ва бу маршрутларда туристларга хизматлар кўрсатиш, дам олиш ва тунаш манзилларини яратишга ҳалигача киришилган эмас.

3. Республикада экотуризм ресурсларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий – қонуний меъёрлари ҳозиргача ишлаб чиқилмаган.

4. Экотуризмни ривожлантиришда экотуризм масканларидаги тадбиркорлик, ташаббускорлик, туризм-бизнес маҳаллий меҳнат ресурсларининг иш билан банд билишидаги таълим-тарғибот, қизиқтириш ишлари қониқарсиз аҳволда.

5. Экотуризмни ривожлантиришда ички экотуризм ва халқаро экотуризмнинг миллий рекламаси ички туризм бозорида ҳам ташқи туризм бозорига ҳам чиқарилмаган.

Мамлакатимизда туризм таълимининг 5 йўналиши учун 5 та мукамал ўқув қўлланмаларни тайёрлаган таникли олим Н.Тўхлиев ва Т.Абдуллаевлар экологик туризмни ривожлантиришдаги муаммоларга Марказий Осиё давлатлари чегараларида қарайди¹¹⁵;

¹¹⁵ Тўхлиев Н., Абдуллаева Т., Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009, 415 с.

- Давлатнинг экотуризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмаганлиги. Шунинг учун вилоятлар ва ҳудудлар экотуризмни ривожлантиришда давлатнинг молиявий қувватлаши жуда кам миқдорларда;
- Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ўзларининг «Ривожлантириш режалари»да экотуризмни ривожлантириш масалаларига эътиборсизлик билан қарайдилар, кўриб чиқмайдилар;
- Экотуризм объектлари ва экотуристтик ташрифлар ҳақида статистик ҳисоботлар юритилмайди;
- Экотуризмни ташкил қилиш усуллари ва экологик туризмни ташкил қилишнинг итимоий, иқтисодий ва ташкилий механизмлари ишлаб чиқилмаган;
- Экотуризмни ривожлантиришда тегишли идоралар ва корхоналарнинг бири-бири билан боғланмаганлиги шунингдек, экотуризм инфратузил малари бошқарувининг ташкил қилинмаганлиги;
- Экотуризм хизматларининг халқаро даражаларда эмаслиги;
- Экотуризмда моддий-техника захираларининг ривожланмаганлиги;
- Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг экотуризм маршрутларини ривожлантиришга молиявий кучсизлиги, экотуризм мутахассисларининг йўқлиги;
- Экотуристтик объектларга транспорт воситалари билан боришнинг чегараланганлиги ва асосий магистраллардан узоқлиги;
- Экотуризмда ўзаро алоқаларнинг ва халқаро тажрибалар алмашишнинг йўқлиги.

17.2.Экотуризмни ривожлантиришдаги муаммоларнинг ечимлари.

Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда экотуризмни ривожланишини таъминлайдиган асосий чора ва тадбирлар «Экотуризм Концепциясида» мукамал ҳолатда берилган. Экотуризмнинг дунёда тутган ўрни, мавқеи ҳамда Ўзбекистондаги саохияти ва унинг ривожланишига эътиборга олган ҳолда «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси» Ватанимизнинг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларида экотуризмнинг ривожланишини таъминлайдиган қуйидаги асосий чора ва тадбирлар ишлаб чиқди¹¹⁶:

1.Республикамизда экотуризм соҳасида хизмат қилувчи,жаҳон талабларига жавоб бераоладиган юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда,ёш мутахассисларни экотуризм ривожланган мамлакатларга (АҚШ, Япония, Канада,Франция, Германия) малакаларини ошириш учун ўқишга,ишга юбориш лозим.

¹¹⁶Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси, «Экологик хабарномаси»,ж. № 6, 2007, Тошкент. 8-14 б.

2. Жаҳон андозалари ва талабларига мос келадиган илмий ва иқтисодий асосланган катта-кичик, қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳалар ва бизнес режалар ишлаб чиқиб амалга ошириш лозим (имтиёзли кредит асосида).

3. Ўзбекистонда экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий-техник, ахборот таҳлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш зарур.

4. Ватанимизнинг тарихий ёдгорликлари, гўзал ва бетакрор табиати, ландшафти, ноботат ва ҳайвонот дунёси ҳақида буклетлар, туристик атлас ва хариталар ёрдамида дунё экотуризм бозорида тарғибот ишларини амалга ошириш лозим.

5. Бадай-тўқай ва «Жайронхона» экомарказига қўшни ҳудудларда Марказий Осиёда кирилиб кетиши хавfli бўлган ноёб ҳайвонларни сақлаш ва кўпайтириш учун миллий боғлар ташкил қилиш лозим.

6. Ўзбекистон вилоятлари бўйича янги экотуристтик дастурлар, йўналишлар ва хариталар тузиш керак.

7. Экотуризм соҳаси билан боғлиқ ташкилотларга кўпроқ ҳуқуқлар, имтиёзли кредитлар бериш, “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси” томонидан ишлаб чиқилган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга экотуристларга нисбатан ҳуқуқий назорат ишларини енгиллаштириш бўйича айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Ватанимизнинг экотуризмнинг тараққиёт салоҳияти ниҳоятга катта ва уни жадал сураётлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда экотуриزمни тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда ҳатоларсиз амалга ошириш лозим. Қайд қилинган муаммолар ҳам мамлакатимизда туризмни ва экотуризмни ривожлантиришга киришганимиздан кейингина аниқланмоқда.

Ўз ривожланишини бошлаган ҳар қандай соҳа тараққиётига, истиқболига босқичма-босқич етиб боради. Биринчи навбатда ана шу босқичлардаги муаммоларни бажарилиш даражалари ва кетма-кетлигини аниқлаш талаб қилинади. Иккинчидан, муаммоларнинг ечимини топишда албатда мукамал тажриба ва мукамал тадқиқот натижаларига асосланиш лозим.

Таянч сўзлар ва иборалар: экологик муаммо, халқаро даражалар, моддий техника, илмий экспедиция, заҳира, экологик чеклов, бизнес режа, антропоген, антропоген ландшафт, харита.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Экотуризмни ривожлантиришнинг қандай муаммоларини биласиз?
2. Нима учун табиат кўриқхоналаридан экотуризмда фойдаланишда руҳсат берилмайди?
3. Экотуризмни ривожлантиришда халқаро ЭКОНЕТ тизимини биласизми?
4. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун нималар қилиш кераклигини тушунтиринг.

5. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш бўйича саволлар тайёрлаб келинг.

18-Мавзу. Экологик туризм маршрутларининг рекламаларини ишлаб чиқиш.

Режа:

18.1. Туризмда ва туризм маршрутларининг рекламаси, туризм рекламаларининг турлари.

18.2. Туризм ва экотуризм маршрутларининг рекламаларини ишлаб чиқиш ва реклама қилиш.

18.1. Туризмда ва туризм маршрутларининг рекламаси, туризм рекламаларининг турлари.

Туризмда реклама–туристик хизматнинг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари орасида алоқалар бажарилишининг фаол воситасидир. Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга фақат саёҳат вақтида эмас, балки ундан сўнг ҳам хизмат кўрсатади¹¹⁷. Туризм рекламалари куйидаги талаблар бўйича ишлаб чиқилади;

1. Туристик корхоналар учун.
2. Туроператорлар учун.
3. Мутахассислар учун.
4. Туристлар учун.

Туризмда рекламалар талабалар даражаси бўйича 2 гуруҳга бўлинади:

1. *Эҳтиёжлар рекламаси*–фирманинг мавжудлиги ва унинг бирор-бир нарсага эҳтиёжлиги ҳақида мумкин бўлган шерикларини хабардор қилиш учун зарур бўлган реклама туридир. Бундай эҳтиёжлар куйидагича бўлиши мумкин:

- маълум малака ва тажрибага эга бўлган ишчилар, мутахассислар, хизматкорларни вақтинча ёки доимий ишга қабул қилиш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни қидириш ҳақида;
- материал–техник ресурсларни сотиш ҳақида.

2. *Имкониятлар рекламаси*–туристик хизматлар кўрсатиш соҳасида фирманинг имкониятлари ҳақида қизиқувчи томонларни хабардор қилади ган реклама тури. Қизикадиган томонлар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Юридик шахслар–ватан ва чет эл фирмалари, жамоа ташкилотлари, ҳар хил мулкчилик шаклидаги корхоналар. Имкониятлар рекламалари куйидагича бўлиши мумкин:

- маълум даврда қайтариладиган ёки бир мартаба ўтказиладиган оммавий тадбирларни ташкил этиш;
- ўз ходимлари учун дам олишни ўтказиш;
- хомийлик саёҳатларини амалга ошириш.

¹¹⁷.Каримов А., Туризмда коммуникация бозори. Тошкент, 2003, 44 б.

Реклама–

ахборотфаолиятийўналишигатаъсирэтувчи туризмхусусияти бўлиб, битгатармоқдоирасида барчаёкикўпчилик моддий-техникаасосини бирлаштириш мқониятини истисно қиладиган техник-иктисодий кўрсаткичлари бўлади.

Туризм бошқатар моқларнинг товар ва хизматларини ўтказиш бозори бўлиб, реклама ахборот фаолиятининг турли хил бозорлар ва туристик маҳсулотни ишлаб чиқувчи – воситачилар билан фаолишлашга йўналтиради. Ишбилармон туризмга мўлжалланган турлар рекламаси оммавий ахборот воситалари ва директ-мейл йўли билан тарқатилиши мумкин. Почта орқали рекламани тарқатиш ҳам яхши самара беради.

Директ–мейл–рекламанинг энг самарали турларидан бири, унинг мазмуни шундан иборатки, махсус ажратилган туристик корхоналар ва хусусий шахслар адреслари бўйича белгиланган даврда реклама материаллари жўнатилади. Туристтик фирмаларнинг турли мамлакатлардаги туроператорлик фирмалари ва маълум даражада салоҳиятли ва реал мақсадлар (ишбилармон турлардан доимий фойдаланишга мажбур бўлган фирмалар) билан кенг алоқаси мавжудлигида тўғри почта орқали тарқатиш самарали бўлади.

Диний, этнографик, тарихий ва қизиқиш бўйича туризмнинг айрим турларининг рекламасини ёки бу туризм ишқибозларининг йиғилиш жойларида, музейлар, театр марказлари ёнида, қизиқиш бўйича клубларда, махсус молларни сотадиган дўконларда тарқатиш мақсадли бўлади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, кўча рекламаси, транспарантлар, афишаларда реклама тарқатиш яхши натижа беради. Туризмда рекламани тарқатиш воситалари қуйидаги манбалар бўлиши мумкин.

1. *Матбуот рекламаси*–барча даврий матбуот (газеталар, журналлар, ихтисослашган газеталар ва журналлар).

2. *Китоб рекламаси*–рекламани нашриётдан янги чиқадиган китоблар ичига жойлаштириш.

3. *Буклетлар*–фирма ва унинг хизматлари, маҳсулотларига бағишланган махсус нашр.

4. *Реклама варақалари*–бир варақда чоп этилади, бир ва кўп рангли, матнлари билан шакллантирилади. Кўпинча кўргазма, ярмаркаларда, йиғилишларда тарқатилади.

5. *Каталоглар*–қиска тушунтириш ва нархлари билан маҳсулот ва хизматларнинг катта рўйхатини реклама қилувчи, чоп этилган нашр.

6. *Афишалар*–катта иллюстрациялардан фойдаланадиган катта ўлчамли нашрлар.

7. *Календарлар*, тамғалар, ручкалар, кундалик оммавий сотиладиган целлофан халтачалар.

8. *Телереклама*–рекламанинг телевиденияда бериб борилиши энг юқори натижаларга эришади.

18.2. Туризм ва экотуризм маршрутларнинг рекламаларини ишлаб чиқиш ва реклама қилиш.

Туристик маршрутлар алоҳида турлар учун ишлаб чиқилганлигидан унинг рекламаси ҳам турлар бўйича алоҳида реклама қилинади. Бу реклама мазмуни реклама қилинаётган турга бағишланади. Маршрутларнинг реклама мазмуни танланганда ва ишлаб чиқилганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади;

- Рекламага турнинг энг кизиқарли, асосий ресурси-объектини киритиш;
- Рекламада маршрутнинг йўналиши атрофида жойлашган (агар мавжуд бўлса) диққатга сазовор туристик объектларни рангли тасвирлаш. Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсияларнинг кизиқарли объектларини рангли тасвирлаш;
- Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда тарихий обидалар туризмга рекламалар талаб даражасида ишлаб чиқилмоқда. Лекин бу ишлаб чиқилган рекламалар ҳам Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий обидалар ҳақида. Эътибор қилсак, бу шаҳарлардаги тарихий, маданий обидаларни дунё мамлакатларидаги халқлар рекламасиз ҳам билишади, бу обидаларнинг мўъжизавийлиги ҳақида жаҳон матбуоти (ЮНЕСКО, БМТ) ахборотларини ўқишган, эшитишган.

Республикамиздаги бошқа шаҳарлар, туманлардаги тарихий обидалар ҳақидачи? Бу обидаларни бизнинг ўзимиз ҳам тўлиқ билмаймиз. Билганларимиз ҳам чала, саводсиз ҳолатда. Ислоҳ оламида машҳур ва таниқли авлиёлар, шайхлар, хўжа ва сайдлар ҳаёти билан боғлиқ жойлар, уларнинг даҳмалари зиёратгоҳлари тўлиқ рўйхатга олинган бўлсада, туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаганлигидан на халқаро туризмда на маҳаллий туризмда фойдаланилади.

Жиззах вилоятида Ислоҳ дини таълимотида машҳур бўлган 30 та авлиёлар, шайхларнинг зиёратгоҳлари рўйхатга олинди ва булар ҳақида китоб ҳам чоп қилинди¹¹⁸. Бу зиёратгоҳларнинг бирортасига ҳам туристик маршрут ишлаб чиқилмаган. Республикамиз аҳолиси бири-биридан эшитиб бу қадамжоларни зиёрат қилишмоқда, кўриб кетишмоқда. Республикамизда туризмни, ривожлантириш учун даставвал ҳар бир туристик ресурсга туристик маршрут ишлаб чиқилмоғи зарур. Туризмдаги рекламада 3 та зарурий объект бўлади. Биринчиси—туристик объект (макон, манзил) иккинчиси—туристик маршрут, учинчиси—туристик маршрутдаги хизматлар.

Рекламага турнинг энг қизиқарли, асосий ресурси—объектини киритиш ва изоҳлаш. Бу талабда рекламага барча турларнинг асосий объекти рангли тасвирда киритилади. Бу усул жаҳон туризмда энг қулай, натижалли ва тан олинган усул ҳисобланади. Республикамиздаги тарихий обидалар туризмда қайд қилинган усулда реклама маҳсулотлари жаҳон андозаларида чоп қилиниб дунё мамлакатларига тарқатилмоқда.

¹¹⁸ .Оға бургутли. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. Тошкент, «Фан» нашриёти, 2008, 50 б

Диний туризмда хозиргача жаҳон микёсида номлари машхур бўлган алломаларнинг қабрини зиёрат қилувчилар туристик маршрут рекламасиз ҳам ваганимизга келиб кетмоқда. Туризмда реклама туристик объектга тур маршрут ишлаб чиқилгандан кейин туризм бозорига—истеъмолчига чиқарилиши лозим. Реклама фалон жой ёки фалон кизикарли туристик объект фалон жойда жойлашган деган ахборотлар билан реклама бўлиб қолмайди. Бундай рекламалар ҳозирча бизнинг, маҳаллий аҳоли талабини қондиради.

Биз туристик объект ёки зиёратгоҳ манзиллини сўраб-суриштириб боришга ўрганганмиз. Рекламада туристни туристик ресурсга—объектга қорлайдиган марказий объект биринчи бетда, кўринарли ҳолатда, рангли тасвирда, қисқача изоҳ билан берилиши лозим. Масалан, экотуризм ишқибозлари хилма-хил ҳайвонот дунёсига қизиқишади, бири қушларга, бири ҳайвонларга. Бундай рекламаларга маълум жойларда (тоғларда, кўриқхоналарда, буюртмахоналарда, сув ҳавзаларида ва ҳако.) яшаётган, кўпайтирилаётган, асосий диққат—этибордаги яққа ёки ўша жойда яшаётган ҳайвонот оламининг вақиллари биргаликда берилади.

Масалан, Нурота Кўриқхонасида 600 тур ўсимликлар ўсади. Бу ўсимликларнинг умумий фондини рангли қилиб бериш рекламанинг таъсирчанлигини оширади. Шунингдек, кўриқхонанинг Осаф дарасида тоғ ҳайвонлари тасвирланган қоятошларни ҳам рекламага киритиш реклама билан танишган туристларда қизиқиш ҳосил қилади. Кўриқхона ҳудудидаги Мажрум қишлоғида минг ёшли улкан арча дарахти ҳозир ҳам кўқариб турибди, бу арчани ҳам тайёрланадиган рекламага киритиш рекламанинг таъсирчанлигини кучайтиради. Шунингдек, кўриқхонада бургут, лочин ва қора қалхатлар ҳам рекламага албатда рангли тасвирда киритилиши рекламанинг жозибadorлигини кучайтиради.

Рекламада маршрутнинг йўналиши бўйича жойлашган диққатга сазовор туристик объектларни тасвирлаш. Туризм рекламаларини ишлаб чиқишда туроператорнинг етук билими, малакали ва қизиқувчанлиги туристик фирма учун жуда муҳим омилдир. Туристни белгиланган маршрут билан тўғридан-тўғри у танланган туристик объектга (маконга) олиб бориш мумкин. Туроператорнинг билими, қизиқувчанлиги ва устамонлиги омилини ишлаётганимизда ёки ундан талаб қилганимизда турист танлаган маълум бир туристик маршрут рекламасига мазкур маршрут бўйлаб жойлашган қизикарли тур-объектларнинг расмларини қисқача изоҳлаш албатда қизикарли бўлади. Масалан, Самарқанд шаҳрига келган турист реклама бўйича вилоятимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлган Омонқўтон воҳасида 1-2 кун дам олишни хоҳлайди (рекреацион ва экологик туризм). Бундай буюртмаларга турфирма ва меҳмонхоналарда ишлаётган туроператорларда ҳамиша захирада қўшимча туристик маршрут рекламалари бўлиши лозим ва шундай бўлиши ҳам керак.

Омонқўтон воҳасига борадиган туристик маршрутнинг захирадаги рекламасига маршрут бўйлаб жойлашган кўплаб ёки асосий диққатга сазовор туристик объектларни жойлаштириш мумкин. Масалан, Самарқандга келиб Омонқўтонни кўришни хоҳлаган турист ва туристлар албатда биринчи қуни

Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни томоша қилишда ва иккинчи кундан бошлаб Омонқўтон воҳасига туристик маршрут асосида йўлга тушади.

Ана шу туристик маршрут рекламасига биринчи навбатда Самарқанд шаҳридан чиқишда жойлашган, нақшбандия тарикатининг жаҳонга машҳур алломаси Хожа Аҳрор Вали ҳазратларининг мадрасасибиносини рангли тасвирда жойлаштириш мақсадли бўлади. Чунки, Хўжа Аҳрор Вали номи ҳам Темурийлар даврида қурилган Хўжа Аҳрор Вали мадрасасининг қурилиши, маҳобати ва ранг-баранглиги ҳам Темурийлар қурган улкан, тарихий бинолардан кам эмас. Худди ана шу рекламага шаҳардан чиқишдаги қадимий Дарғом каналининг расми ва қисқача тарихини бериш ҳам туристни кизиқтиради. Ушбу рекламага Омонқўтон йўлидаги тош ҳайкалларнинг расмларини жойлаштириш ҳам албатда туристларни ўзига жалб қилади. Улар табиий жараёнлар таъсирида ҳайратомуз кўринишни ҳосил қилган табиий тош ҳайкаллари томоша қилишда, расмларга тушишда, туристлар жозибadorлик, тақорланмасликни кўриб яхши кайфиятда бўлишади.

Ҳар бир туристик маршрут рекламасида қайд қилинган усуллари қўллаш мумкин. Туристтик маршрут рекламаси фақат диққатга сазовар туристик объектлар билан тўлдирилиши мумкин. Баъзи ҳолларда туристик маконга етгунча бирорта ҳам кизиқарли туристик объектлар бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай маршрутларда табиий ва антропоген ландшафтлардаги сўлим, рекреацион объектларга экскурсиялар уюштириш лозим бўлади.

Рекламада маршрут давомида ўтказиладиган экскурсия объектларини тасвирлаш. Туризмда ишлаб чиқиладиган маршрутларда экскурсиялар (сайрлар) қанчалик кўп бўлса маршрутнинг бетакоррлиги, жозибadorлиги, турли-туманлиги шунчалик кучли бўлади. Ҳар қандай туробъектга туристик маршрутнинг рекламасини ишлаб чиқилганда маршрут давомида нечта экскурсия ўтказиш режалаштирилса барчаси ҳақида турмаршрут рекламасида рангли расм ва қисқача изох бўлиши маршрутни танланган турист учун яхши ахборот бўлади.

Экотуризм, рекреацион туризм ва бошқа туризм турлари бўйича шаҳарлардан узоқ масофадаги диққатга сазовар жойлар, тарихий обидалар ва машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ бўлган тарихий-маданий жойлар албатда турмаршрут рекламасида акс эттирилиши лозим. Масалан, Самарқанд шаҳридан Қашқадарё томон чиқилганда бу йўналишдаги барча туристик маршрут рекламасида албатда йўл бўйидаги Оксой қишлоғи тоғларидаги Довуд пайғамбар ғорига экскурсия уюштирилиши ва бу ғорнинг жаҳонга машҳурлиги, жаҳон миқёсидаги зиёратгоҳ жойлиги маршрут рекламасидан албатда жой олиши туристларда катта таъсурот қолдиради. Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, туристик маршрутни реклама қилганда маршрутни ишлаб чиқувчи ҳам ва уни реклама қилувчи ҳам ватанимизнинг табиий, тарихий географиясини жуда яхши билиши, айниқса туристик маршрут атрофидаги диққатга сазовар объектлар, жойлар ва марказларни туристдан олдин яхшилаб танишиб чиқиши зарур.

Рекламада маршрут давомида кўрсатиладиган хизматларни тасвирлаш. Туристтик маршрут давомида туристларга кўрсатиладиган

хизматлар ҳақида ушбу ўқув қўлланмадаги мавзуларда батафсил ёзилди. Энди туристик маршрутдаги хизматларни ҳам маршрут рекламасида акс эттириш туристлар учун талаб қилинадиган ахборотлар рўйхатида туради. Туристик маршрутлардаги хизматлар рекламада тасвирлаганда рекламадаги асосий объектлардан, қўшимча объектлардан ва экскурсия объектларидан кейин қўйилиши мумкин.

Бу ҳолатда дастлаб маршрутда хизмат қиладиган юқори комфортли транспорт хиллари, овқатланишдаги миллий таомлар, энг сўнгида дам олишдаги шароитлар кичик рангли расмларда ҳам берилиши туристларни анча хотиржам қилади. Улар маршрут давомида юқорида қайд қилинган хизматларни сўраб-суриштиришиб юрмайди. Республикамизда ҳозирги кунга келиб Чимён тоғ-чанги спорти туризми мажмуаси, йирик, халқаро курортларимиз жаҳон андозалари талабида реклама чиқармоқда ва халқаро туризмда туристлар оқимининг келишига яхши шароитлар яратмоқда.

Туризмда реклама ишлаб чиқариш мутахассисларининг фикрича:

- рангли рекламалар оқ-қора рангдагиларга нисбатан 65-70 % кўпроқ кўзга яхши ташланади;
- сифатли рангланган расмлари бор реклама сифатсиз расмли рекламага караганда бир ярим баробар кўп кишиларга ўзига жалб қилади;
- сарик хошиядаги қора рангдаги матн бошқа рангларга караганда кўпроқ кишиларни матнни ўқишга жалб қилади;
- рекламада рамкаланган тасвирлар, изоҳлар рамкаланмаган матнларга нисбатан биринчи навбатда ўқилади;
- рекламадаги сўз ўйинлари унинг ўқувчанлигини пасайтириб юборади;
- рекламада матн қанчалик қисқа бўлса тез ёдда қолади;

Реклама туризмнинг доимий йўлдоши бўлиб, туристларга фақат саёҳат вақтида эмас, балки ундан сўнг ҳам хизмат кўрсатади. Бу эса рекламага алоҳида маъсулият юклайди ва туризмдаги товар ва хизматларни тақлиф қилишда туризм бозоридаги ахборотларга тўла моддий маҳсулот вазифасини бажаради. Ёдда тутиш лозимки, туристик маршрут қанчалик мукамал ишлаб чиқилса унинг рекламаси мазмуни шунчалик қизиқтирувчи маълумотларга бой бўлади. Туризм бозорида реклама қанчалик кўп бўлса, халқаро миқёсда ҳам маҳаллий миқёсда ҳам туристлар оқимининг кучайишига ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунида шундай дейилади: "ОАВда, реклама ахборотлари ва материалларига махсуслаштирилган сифатида рўйхатга олинмаган реклама тарқатиш ҳажми даврий босма нашрнинг алоҳида номери ҳажмининг 40 фоизидан; радио ва теледастурлар учун-25 фоиздан ошмаслиги лозим. Таҳририят маълумот, таҳририят ва муаллифлик материаллари кўринишда жойлаштирилган реклама учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас".

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотлар ва хизматлар сертификацияси тўғрисида"ги Қонунида мажбурий сертификациядан ўтиши лозим бўлган, аммо мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотларни

реклама қилиш таъқиқланади. Туроператор турлар сотиш билан боғлиқ каталоглар, реклама варақалари ва эълонлардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар ҳисобланади.

Кўпинча, бир реклама ахборотида маҳсулотни ҳаракатлантирувчи ҳар учала ташқил қилувчини ҳам ҳисобга олиш талаб қилинади (йўналиш, сафарлар кўринишлари ва истеъмолчилар категориялари бўйича ажратилган таклифлар). Бунда рекламанинг қуйидаги асосий принципларини ҳисобга олиш зарур:

- реклама қисқа бўлиши лозим, акс ҳолда у охиригача қабул қилинмайди;
- реклама мижозларга тушунарли бўлиши керак, чунки онгли қабул қилинган нарсалар одатда хотирада кўпроқ сақланиб қолади;
- ахборотнинг бошидаги ва охиридаги хабарлар ахборотнинг ўртасида келтириладиган маълумотларга караганда яхши эсда қолади. Реклама ахбороти макети ва матнини тузишда асосий маълумот билан бошлаб, у билан тугатиш учун уни олдиндан ажратиб олиш лозим;
- маълумотлар одатий тушунчаларга, ишончлар, фикрларга зид бўлмаса, енгил қабул қилинади ва яхши эслаб қолинади;
- жамият ҳаётининг асосий тенденциялари руҳиятини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун аҳоли ичида ижтимоий сўровлар, яъни маркетинг тадқиқотларини ўтказиш керак. Фақат шу орқали мижозларга нима ёқишини билиб олиш мумкин.

Туристтик фирмадаги реклама бўйича тактик қарорлар ўз ичига 3 блок саволларни олади:

- реклама воситалари ёки реклама ташувчиларни танлаш;
- реклама эълонларига тўловлар ва харажатларни назорат қилиш;
- реклама муурожаатномаларининг чиқиш графиги.

Экотуризм маршрутларининг рекламасини ишлаб чиқишда дастлаб экотуризм маршрутнинг мавзуси аниқланади. Республикада экотуризмни ривожлантиришда табиат кўриқхоналаридан фойдаланиш ҳақида жуда кўплаб мулоҳазалар ва таклифлар, тавсиялар билдирилмоқда. Лекин, юқорида қайд қилганимиздек табиат кўриқхоналаридан экотуризм мақсадларида фойдаланишнинг ҳуқуқий меёрлари ишлаб чиқилмаганидан ҳозирча бу экотуристтик салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари йўқ.

Шунга қарамасдан ҳозирданок табиат кўриқхоналаримиздаги экотуристтик объектларни рўйхатга олишимиз ва уларнинг тавсифларини ёзиб боришни бошлашимиз керак. Албатта, табиат кўриқхоналарнинг ўзига хос бўлган табиат ландшафтларининг рангли тасвирлари каталоглари ишлаб чиқилган. Экотуризм ривожланишидаги халқаро статистикани кўрганимизда ички туризмда ҳам халқаро туризмда ҳам 70–80% туристлар табиат кўриқхоналаридаги ноёб айниқса, тубжой табиатидаги ҳайвонот оламига қизиқишмоқда. Қуйида биз Ўзбекистон чўлларининг табиатидаги ҳайвонот оламини тасвирловчи экотуристтик маршрутдаги асосий ва қизиқарли ҳайвон турларини реклама қилиш лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Экотуристтик рекламанинг мавзуси:
«Қизилқум табиат қўриқхонасига саёҳат»


Маршрутнинг рекламасида экотуристтик маршрутнинг ўзи ишлаб чиқилмайди. Балки туристларни қизиқтирувчи ва бу табиат қўриқхонасига бориш истагини ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам туризмнинг тижорий сир-асрорларини бирданига эълон қилиб бўлмайди. Дастлаб экотуристтик маршрутнинг жозибадор ва қизикарли объектларининг бир қисмигина рекама қилинади. Қайд қилинган мавзудаги экотуристтик реклама куйидагича бўлиши мумкин;

Қизилқум давлат қўриқхонаси Амударёнинг ўрта оқимидаги қирғоқларидаги тўқайзор табиатига қўшилиб кетадиган Қизилқум чўли ҳудудларида жойлашган бўлиб чўлларимизнинг, тўқайзорларнинг титик табиати ва бу табиат билан боғлиқ ҳайвонот оламини тасвирлайди.



Амударёнинг қирғоқ бўйларида жойлашган бетақрор табиати ва ноёб ҳайвонот оламига эга бўлган тўқайзорлар Қизилқумнинг бепоеён чўлига улашиб кетади. Қўриқхона муҳофазаси тўқайзорлар ва чўл табиатидаги экотизимларнинг ёнма-ён жойлашишидаги қуруқ ва нам иқлимли экологик табиий шароитларга мослашган майда судралиб юривчи калтакесакларнинг ҳам кўпайишига табиий шароит яратмоқда.

Бу калтакесаклар иқлим ўзгариши билан рангларини ўсимликлар қопламига мослаштириб боради. Ёзнинг ҳарорати кўтарилган сари улардаги ранг хилма-хиллиги кучаяди.




*Ўзбекистон Республикасининг «Қизил Китоб»ига
ва Ҳалқаро «Қизил китоб» га киритилган ва Ҳалқаро миқёсда кўриқланаётган
Қизилқум эчкиэмарининг энг кўп сонлари
ушбу кўриқхонада муҳофаза қилинади.*




*Кўриқхонада кўриқланаётган «Ҳалқаро қизил китоб»даги
Бухоро бугуси (Хонгул)*



Кўриқхонадаги жайронлар ва сайгоқ



*Туристлар кўриқхона ҳудудидаги қумли чўлга туяларда
экзотик экскурсия чиқишлари мумкин.*



Туристтик маршрут охирида экотуристлар даракхтлар соясида дам олиб Амударёни томоша қилишлари мумкин

Келтирилган маълумотлар ва расмлар экотуристларни албатда кўриқхона табиати ва ноёб хайвонлари ҳақидаги олдинги, эшитган, ўқиган ахборотларини тасдиқлайди ва албатда кўриқхонага ташриф қилишга ундайди. Ушбу рекламани ишлаб чиққан туроператор турагентликларга сотиши, меҳмонхоналарга, туристик ташкилотларга таклиф қилиши, икки томонлама шартномаларни тузиши, интернет, радио, ТВ, кўча ва бошқа реклама тарқатиш усулларидан фойдаланиши мумкин.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчи туроператорлар ватанимизнинг табиати ва ундаги биологик хилма-хил ресурсларни мукамал билишлари лозим. Чунки, экотуризм маршрутларининг реламасида кўриладиган барча кизиқтирувчи объектларни жойлаштириб бўлмайди. Яна шундай талабларга ҳам эътибор бериш кеаракки, Европа давлатларида экологик турларга махсус тайёрланган, экологик турларга ихтисослашган гидларни талаб қилишади.


Масалан, биргина Германияда 122 та туристик фирмалар фақат экотуризмга махсус ихтисослашган бўлиб шулардан 50 % и хорижий давлатларнинг экотуризмга ихтисослашган туристик фирмалари билан ишлашади. Шунинг учун ҳам туроператорларимиз экологик турларда хорижий туристларнинг ватанимиз табиати ҳақидаги ҳарқандай саволларига тўғри жавоб бериш учун тайёр бўлишлари керак.

Танч сўзлар ва иборалар: туризм рекламаси, ВИП, директ мейл, «Қизил китоб», туристик шартнома, транспарант, реклама ранги, реклама варақалари, китоб рекламаси, матбуот рекламаси, каталоглар, афишалар.




«Зарафшон»

давлат
қўриқхонаси



*“Зарафшон” давлат табиат қўриқхонасининг
туристик рекламаси*



Шахрисабз шаҳрининг туристик рекламаси

Мавзунинг ўзлаштириши бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Туризм рекламасини ва туристик маршрут рекламасини қандай тушунасиз?
2. Туризмда рекламаларнинг қандай турларини биласиз?
3. Туризм рекламалари қандай усуллар билан реклама қилинади?
4. Туризм рекламасида хабарлар ва ахборотлар қандай тартибда қўйилишини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
5. Туризм рекламаларини ким ишлаб чиқади ва қандай тарқатилиши ёки сотилишини ўрганинг ва амалий дарсларда гапириб беринг.
6. Экотуризм рекламалари қандай ишлаб чиқилади?
7. Туризм рекламалари қандай воситалар билан тарқатилади?
8. Рекламадаги қайси белгилар ёки ранглар мижозларни ўзига кўпроқ тортади?
9. Табиат кўриқхоналарининг рекламалари қандай ишлаб чиқилади?
10. Туризм рекламаларида асосий ахборотлар қандай қўйилади?

19-Мавзу. Экологик туризмнинг маршрутларини яратиш

Режа:

- 19.1. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари.
- 19.2. Экотуризм маршрутларидаги хизматлар
- 19.3. Экотуризм маршрутларини амалда ўтказиш методикалари.

19.1. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойиллари.

Мавзунинг режаси бўйича туризмда маршрутлар ишлаб чиқиш тамойиллари билан экотуризм маршрутларининг таъриф ва тавсифларини ишлаб чиқамиз.

1. Экотуризм маршрутларидаги жозибadorлиги, бетакрорлик тамойили талаблари ҳақида таърифлашни батафсил келтиришга изоҳ бу ерда ортиқчалик қилса керак. Экотуризмнинг келиб чиқиши ҳам инсоннинг табиатни соғиниши, ҳозирги цивилизация бўҳронларидан (атмосферанинг ифлосланиши, ерларнинг ишдан чиқиб бораётганлиги, ноёб ўсимлик ва ҳайвонотнинг инсондан узоқлашиб бораётганлиги, тоза ҳавонинг етишмаётганлиги ва ҳақозолар...) чарчаганлигидан, инсоннинг табиатдаги тоза ҳаволи табиий минтақаларига саёҳатни хоҳлаганлигидан келиб чиқди. Бу соҳа маршрутларини тузганда табиатдаги жозибadorлик–бетакрорликнинг ўзи ҳам табиий минтақаларнинг ўзига хос бўлган ландшафтлари, шу минтақада ўсувчи ўсимликлар ва шу минтақа табиатига интилиш жиҳатларини ҳисобга олиш тўғри бўлади.

Экологик маршрутлар тузишда ишлатиладиган жозибadorлик ва бетакрорлик кўринишлари Ўзбекистондаги 5 та табиий экологик минтақада мавжуд. Шунинг учун ҳам экологик масканларга–ресурсларга маршрут тузишда бу тамойилни қўллашнинг қутилгандан зиёда бўлган имкониятлари бор. Энг муҳими, маршрут тавсифида экологик ресурсдаги жозибador ва бетакрор табиий кўринишлар биринчи навбатда расмлар тасвирида берилиши керак. Бу типдаги маршрутларни ишлаб чиқишда албатта ноёб ҳайвонот

оламидаги кушлар, хайвонлар, «Қизил китоб»даги хайвонот турларининг расмлари, таърифлари маршрут маълумотларида берилиши мақсадли бўлади.

2. Имкониятнинг яратилганлиги тамойилида экотуризм ресурсига маршрутлар ишлаб чиқиш жуда жиддий масала. Бу тамойилга амал қилиб экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда қуйидаги имкониятлар бўлиши талаб қилинади.

1. Экотуризм масканларига киришнинг ҳуқуқий-қонуний тартиблари яратилганлиги;

2. Экотуризм масканида туристлар учун махсус маршрутларнинг (сўкмоқлар, йўллар, дам олиш жойлари) ишлаб чиқилганлиги ва фаолият кўрсатиши;

3. Экотуризм масканларида туристларга хизматлар кўрсатиш тизимларининг ташкил қилинганлиги (дам олиш, тунаш, овқатланиш, кўнгил очар ўйинлар, қисқа муддатли экскурсиялар ва ҳақо...).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Давлат муҳофазасидаги табиат ландшафтлари, кўрикхоналар, тоғ тизмаларига туристлар киритилишининг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари ишлаб чиқилмаган. Бу меъёрлар энди яратилмоқда. Бу экотуризм масканларидан экотуризмда фойдаланишнинг энг муҳим имкониятлари ҳозирча йўқ. Шунинг учун ҳам бу тамойилнинг талаблари (1,2,3) амалда бажарилгандагина экотуризм ресурсларига, объектларига туристик маршрутлар ишлаб чиқиш зарур бўлади.

3. Мазмундорлик тамойили ўз талаблари жиҳатидан жозибадорлик ва бетакрорлик тамойилига қўшилиб кетади. Табиатдаги бетакрорликни кўрган, унинг гўзал бағрида дам олган, ранг-баранг ўсимликлар олами ва хайвонот дунёсини кўрган турист руҳий жиҳатдан ҳам жисмоний жиҳатдан ҳам туристик маршрутнинг мазмуни ўтганлигини хис қилади. Унинг кайфияти яхшиланиб ўзида бой таъсуротлар пайдо бўлганлигини сезади. Шунинг учун ҳам экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда маршрут бўйлаб ўзгараётган табиат элементларигача маршрут тузувчи эътибор бериши лозим бўлади. Шунингдек, маршрут йўналишида туризмнинг бошқа ресурс манзиллари (зиёратгоҳ жойлар, таникли инсонлар қабри, машҳур кишилар номи билан боғлиқ обидалар, тарихий-маданий, маъмурий обидалар ва бошқа..) бўлса албатта маршрутнинг маълумотларига қисқача таъриф билан киритиш фойдали бўлади.

Масалан, турист ёки туристик гуруҳ Омонқўтон воҳаси маршрутни танлади. Албатта турист ёки туристик гуруҳ тезроқ Омонқўтон воҳасига шошилади. Энди агар маршрут маълумотларида жозибадорлик-бетакрорлик, имкониятларнинг яратилганлиги тамойили ресурслари мавжуд бўлса турист ва туристик гуруҳ маршрут йўлидаги бу ресурсларни кўришга қизиққанлигидан ёки кўп ҳолларда кўриш учун тўхтайди. Бу ҳолатда мазмундорлик тамойили ҳам ишга тушиб маршрутдан кўнгил тўлиш қониқиш ҳисларини келтириб чиқаради. Бу натижа эса маршрутни ташкил қилган туристик фирма обрўсини оширади.

4. Фаолиятчилик тамойилида экотуризм маршрутларининг ҳаракатланиш вақтлари, муддатлари тушунилади. Фаслларимиз алмашиб

турганлигидан экотуризм маршрутларини тузишда бу тамойилга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Чунки, экотуризмнинг муҳим ресурслари бўлган тоғ ҳудудларидаги экотуризм ресурсларига қишки маршрутлар ишлаб чиқишда туристларнинг ҳаёти хавсизликларини таъминлаш масаласи биринчи навбатдаги ўта жиддий масаладир.

Тоғлардаги экотуризм ресурсларига етиб боришда автойўлларда қорнинг эримаслиги, баланд довлардан ҳар қандай транспорт воситаларининг чиқоқмаслиги, тоғдаги маршрут суқмоқларининг қор билан кўмилиб қолиши, қор кўчкилари туристлар ҳаётига жиддий хавф солади. Шунинг учун ҳам тоғ ҳудудларига киши мавсумида экотуризм маршрутларини ташкил қилишда чегараланиш муддатларини ва бу маршрутларнинг ҳаракатланиш вақтларини аниқ белгилаш экотуризмда жиддий аҳамиятга эгадир.

Тоғ ҳудудларига кеч баҳор фаслидан то кеч куз мавсумларигача экотуризм маршрутларини ташкил қилиш мақсадли бўлади. Экотуризм маршрутларини Ўзбекистондаги бошқа табиий минтақалардаги экологик масканларга ишлаб чиқилганда ҳам бу экотуризм масканларида йил фаслларидаги иклимий хусусиятларни ҳисобга олиш, тур маршрутнинг ҳаракатланиш ҳолатларини аниқ билиш талаб қилинади.

5. Кўпқирралик, кўп вариантлилиқ тамойили бўйича экотуризм маршрутлари куйидаги вариантларга бўлинади;

1. Фақат куруклик бўйлаб экотуризм масканига бориш;
2. Ҳаво транспорти ёрдамида экотуризм масканига бориш;
3. Сув маршрути орқали экотуризм масканига бориш;
4. Аралаш транспорт воситаларидан фойдаланиб экотуризм масканига бориш.

Қайд қилинган йўналишлар бўйича экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тушунарли. Бу ишлаб чиқариш тамойилининг кўп вариантлилигига кириб турист ёки туристик гуруҳнинг талаби, хоҳиш-истаклари бўйича улар ҳоҳлаган экотуризм маршрутлари бўлиши мумкин. Бу маршрутлар табиий муҳит-шароит, йўл-йўлакай турли-туман объектларини кўриш имкониятлари бўлганлигидан кўпқирралиликка ҳам киради. Шу билан бирга экотуризмнинг кўп қирралилик тамойили экотуризмнинг асосий объектига боргунча туризмнинг бошқа ресурсларига ҳам маршрутнинг кириб-ўтишни таъминлайди. Бу ҳақда экотуризм маршрутларини тузишда мазмундорлик тамойилини қўллаш қисмида зарур талаблар ҳақида изоҳ берилди.

6. Экотуризм маршрутларида қулайлик тамойилини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу тамойилда экотуризм маршрутларида куйидаги қулайлик манбалари яратиш лозим бўлади:

1. Транспорт ва транспорт хилларидан фойдаланишдаги қулайлилик.
2. Маршрут давомида хизматларни қабул қилиш қулайлиги.
3. Маршрут давомида дам олиш, кўнгили очар ўйинларга қатнашиш, экскурсияларга чиқиш, овқатланиш ёки тунаб қолишдаги қулайликлар.
4. Маршрут давомида тиббий ёрдамни олиш қулайлиги.

5. Маршрут давомида турист учун минимум (термосда чой, палатка, ётиб дам олиш учун йиғма кароват, бироз қаттиқ овқат, қатик, шарбатлар, тухум) ва оптимум (меҳмонхонада тунаш,ресторанда овқатланиш,спорт залида машқ қилиш, бассейнда чўмилиш) қулайлиги пухта ишлаб чиқилиши лозим.

7. *Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда ахборотланганлик тамойиллини* қўллаш маршрутни ўзига хос равишда реклама қилиш, туризм бозорига киритиш ҳам ҳисобланади. Бу тамойилда маршрут ҳақидаги барча маълумотлар турист учун муҳайё қилиниши керак—брошюра, журнал, буклет, газета, радио, телевединия. Турист маршрутда нималарни кўради, нималар ҳақида маълумотлар эшитади, қандай юради, қайси кийимлар керак бўлади, қандай транспорт воситалари таклиф қилинган,қайси хил овқатлар ичимликлар тайёрланади,қандай дам олади,овқатланиш тартиби қандай ташкил қилинади ва ҳақозаларга—ҳаммасига жавоб бўлиши шарт бўлади.

Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш тамойилларидаги талабларни ўрганиб таҳлил қилганимизда ҳар бир тамойилнинг маршрутда муҳим ўрни борлигини англаймиз.Бу тамойилларни асос қилиб олиб ишлаб чиқилган маршрут ўзида маршрутнинг барча талабларини мажмуали равишда мужассамлаштирган бўлади,экомаршрутнинг рекламалиги аҳамиятини оширади.

19.2.Экотуризм маршрутларидаги хизматлар

Турда хизматлар кўрсатиш технологияси қуйидагича бўлиши мумкин;

- Ҳар бир туристга саломлашиш, учрашув белгиси бўлган совғалар бериш (бу совғалар туристларнинг сегментига боғлиқ бўлса, яна ҳам мақсадлироқ бўлади);
- Буклетлар, значоклар, открыткалар турли-туман бўлиб турмаршрут мавзусида бўлса яна ҳам яхши, натижали бўлади;
- Вакт топиб турмаршрут ўтадиган жойларнинг ведеотасмасини туристларга кўрсатиш;
- Туристларнинг бирор-бир хизматларни кутиб қолишнинг олдини олиш-чора тадбирларини олдиндан ишлаб чиқиш;
- Хизматлар бажарилишини оптималлаш, қийин бажариладиган хизматларни алоҳида гуруҳлаш, қўшимча эътибор ажратиш;
- Туристлар истеъмолига хизматларнинг мос келишини таъминлаш;
- Асосий хизматлар ва қўшимча хизматлар ҳақида ахборотларнинг тўлиқ бўлишини таъминлаш;
- Туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларига миллий мусиқани, санъатни намойиш қилувчи видео, ТВ ва радиоларни ўрнатиш;
- Турист хоҳиш-истаги бўйича хизмат қилаётганлигини ёки қилинаётганлигини англаши ва бунга ишониши;

- Хизматлар кўрсатишни рационаллаштириш – хизматлар қанча талаб қилинса шунча миқдорда бўлиши лозим: оз хизмат туристни зериктиради, кўп хизмат туристни чарчатади.

Транспорт хизматлари. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг тамойиллари ўз моҳияти жиҳатидан туристик маршрутлардаги хизматларни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, имкониятнинг яратилганлиги, кўп вариантлилиқ, қулайлилиқ ва ахборотланганлик тамойилларида маршрутларда туристлар учун қандай хизматлар ташкил қилиниши ва кўрсатилишининг айрим, умумий номланишларига тўхталдик.

Экотуризм маршрутларидаги хизматлар қуйидаги, алоҳида-алоҳида соҳадаги хизматларни ўз ичига олади:

1. Транспорт хизматларидан маршрутда бўлиш давомида қуйидаги ҳолатлардан фойдаланиш мумкин:

- а) Турист фирманинг хусусий транспортларидан фойдаланиш мумкин;
- б) Бошқа ташкилотлардан махсус жиҳозланган транспорт хилларини ижарага олиш мумкин;
- в) Турист маҳаллий аҳолидан от, эшак, туя ва араваларни ижарага олиши мумкин;
- г) Турист ўзининг шахсий транспортидан фойдаланиш мумкин.

Экотуризмнинг қатта масофали маршрутларидан фойдаланилганда албатта ҳозирда мавжуд бўлган қуйидаги транспорт турлари турмаршрутнинг ўзига тегишли хизматини бажариб беради:

1. Авиация транспортлари (самолёт, вертолёт);
2. Автобус транспортлари (кичик ва қатта ҳажмдаги автобуслар, микроавтобуслар);
3. Автомобиллар транспорти (енгил, жиплар, арзон, қиммат, махсус).
4. Темир йўл транспортлари;
5. Маҳаллий аҳоли транспортлари (от, эшак, туя, арава, буғу, ит чаналари);
5. Комбинациялашган транспорт хиллари;
6. Сув ҳавзалари транспортлари (катер, кайик, кемалар, махсус соллар).

Экомаршрут давомида туристларга хизматлар кўрсатиш хиллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Дам олишни ташкил қилиш хизматлари (маршрут давомида қисқа муддатли дам олишда йиғма стол-стулларнинг бўлиши, кофе ёки чой тайёрлаш, тунаш-палаткаларда, йиғма кароватлар, кўчма теле-радио воситалари, мехмонхонада).

2. Маршрут давомида ва маршрут охирида–экологик ресурс масканидаги хизматлар (қисқа муддатли ва 1-2 кунлик экскурсияларда).

3. Туристларга кўнгиш очар хизматларни (ўйинлар, мусобақалар, экзотик ҳаракатлар) кўрсатиш.

Қайд қилинган хизмат хиллари экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишдаги ахборотланганлик тамойили бўйича ҳам талаб қилинади. Экотуризм маршрутларида хизматларни сифатли қилиб бажариш, туристга

таклиф қилишнинг мукамал ишлаб чиқилгани ва аъло даражада бажарилгани туристик фирмада туристлар оқимини кўпайтириб олинadиган даромаднинг ошишини таъминлайди, туризм бозорида тур фирманинг мавқеини кўтарadi.

Транспорт воситаларини туристик маршрут мавзуси бўйича танлаш маршрутни ишлаб чиқишдаги биринчи ва асосий талаблардан ҳисобланади. Бу талаб барча туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқилганда қўйилади. Бу ҳолатда туристик маршрутга транспорт воситаларини турнинг маршрутлари шароити бўйича танлаш осон бўлади. Қайд қилиш лозимки, аксарият ҳолларда турнинг мавзуси транспортни танлайди. Туроператор ёки маршрутни ишлаб чиқувчи маршрут йўлини, унинг шароитини яхши билса транспорт турини тўғридан-тўғри, ҳеч иккиланмасдан танлайди.

Маршрут йўлини, шароитини айниқса йўл шароити ва ҳолатини мавсумлар бўйича ўзгариб туришини билмайдиган туроператорва ҳолатини мавсумлар бўйича ўзгариб туришини билмайдиган туроператор маршрут давомида кўплаб қутилмаган қийинчиликларга дуч келиб маршрут режасини бузиб қўйиши мумкин. Масалан: шаҳарлар ичидаги тарихий обидалар, зиёрагоҳ жойлар ва бошқа масканларга транспорт тури туристлар сонига қараб энгил танланади.

Агар турист 2-3 киши бўлса, энгил автомобил, ундан кўпроклари автобус ўринлари сони бўйича танланади. Умуман олганда шаҳар ва туманларгача амалга ошириладиган сайёҳатларга транспорт воситаларини танлаш муаммоли эмас. Чунки шаҳар ва туманлар орасида йўллар ҳар ҳолда ишончли. Агар туристик маршрут экотуризм, саргузашт туризми, ёршунослик туризми ёки овчилик туризми мавзусида бўлса, транспорт воситаси энгил машиналар ўта олмайдиган йўл учун махсус мосламалар қўйилган (ЖИП, НИВА, УАЗ, ГАЗ-66) машиналар танланади.

2. Транспорт воситаларини ижарага олишда ҳам маршрут мавзусига қараб танланади. Танлаш усуллари юқорида қайд қилинди. Эътибор бериш лозимки, туристик маршрутга ижарага олинadиган транспорт хиллари камида бир неча кун олдин шартнома асосида қабул қилиниб, унинг техник созлигини ДАН мутахассис хулосаси бўйича ҳужжатлаштириш зарур.

Транспорт воситаларини ижарага олишда эсда тутиш лозимки, шаҳарлардан чиқишда транспорт масаласини ҳал қилиш осон кечади. Чунки, кўп ҳолларда туристик фирмалар ёки меҳмонхоналарнинг ҳам ўз шахсий машиналари бўлади. Агарда туристлар шаҳарлар ташқарисига айниқса экотуризм, экзотик туризм археологик туризм ёки овчилик туризмига чиқишганда маҳаллий транспорт турларига (от, эшак, туя, арава) эҳтиёж бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда турмаршрут ишлаб чиқувчи маршрутни ўтказишдан олдин маҳаллий аҳоли билан уларнинг транспортдан фойдаланиш ҳақида келишувларни амалга ошириши лозим. Чунки, маҳаллий аҳолидаги транспорт турлари ҳам ижарага олинади.

Маршрутдаги хизматларнинг хиллари ва шароитлари

№	Маршрутдаги хизматларнинг хиллари	Хизматлар кўрсатиш шароитлари
1.	Транспорт хизматлари	Транспорт воситалари (поезд, автомобил, автобус, самолёт, маҳаллий транспорт турлари), йўлда юриш қондалари, чегараланган тезлик, транспортда юришдаги ҳаёт хавфсизлиги, тўхташдаги талаблар, транспортдаги ўринлар, кўчма дам олиш транспорт воситалари, транспорт ва экологик омилларни назарда тутиш.
2	Жойлаштириш хизматлари	Жойлаштириш воситалари (меҳмонхона, туристлар базаси, туристлар лагери, кемпинг, ижара уйлари, очик экспедиция кўрпаларида, хавода-ухлаш палаткада)нинг манзиллари, даражалари, шароитлари, хизматлар кўрсатишнинг даражалари, экологик омилларни назарда тутиш.
3	Овқатлантириш хизматлари	Овқатлантириш корхоналарининг хиллари (ресторан, кафе, ошхона, чойхона, бар, манзиллари, даражалари, хизматлар қилиш даври, вақти (нонушта, тушлик, кечки овқат), овқатлантириш хиллари (швед столи, тўлиқ пансион, ярим пансион, махсус овқатлар, аля карт, таблёт, палатка усули, экспедиция усули,) экологик омилларни назарда тутиш.
4	Экскурсия хизматлари	Экскурсияларнинг сони, мавзулари, мазмуни ўтказиш шакли (пиёда, транспортда, ўтказиш кетма-кетлиги) экскурсияда дам олиш, овқатлантириш масалалари, экологик омилларни назарда тутиш.
5	Туристик маршрутнинг ҳужжатлари	Маршрутнинг мавзуси, мазмуни, технология харитаси, маршрутдаги ахборотлар, маршрут қатнашчиларига кўрсатмалар, маршрут схемаси, маршрутни амалга ошириш учун рухсатнома, хизматларни амалга оширувчилар, (ҳайдовчи ва унинг ёрдамчиси, таржимон, сув, чой берувчилар, ошпазлар, юк ташувчилар, ахборотчилар, бошловчилар ва бошқ.) ҳақида ҳужжатлар. Маршрут ҳақида ҳисобот ҳужжатлари.

3. *Транспорт воситаларини об-ҳаво, иқлим, мавсумий шароитлар* ва йўллар ҳолати, бўйича танлаш шартлари 1-қисмда келтирилди. Уларга қўшимча қилиб айтиш зарурки, республикамизда киш ойлари шаҳарларда ҳам, шаҳарлар ташқарисидаги йўлларда туман ва табиат манзилларига бориладиган маҳаллий йўлларда ҳам музлаш, эриш натижасида лойгарчилик ҳолатлари кўпроқ учрайди. Иккинчидан, куз-киш ойларида об-ҳаво илик ҳароратдан совуқ ҳароратга қараб тез ўзгаради. Қайд қилинганларни ҳисобга олиб ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш мақсадида куз-киш ойларида туристик маршрутларда махсус автомобил ва автобуслардан фойдаланиш хавфсизлироқ бўлишига эътибор бериш лозим.

4. *Транспорт воситаларининг ҳаракатланиш тезлигини чегаралашда* турооператор ёки маршрутни ўтказувчи раҳбар тўлиқ йўл-транспорт коидаларига биноан транспорт бошқарувини назорат қилиб бориши шарт.

Овқатлантириш, жойлаштириш ва дам олиш хизматлари. Туристларни жойлаштириш шаҳарларда муаммо эмас. Турист ёки туристларнинг хоҳиш-истакларига қараб уларни турли даражадаги меҳмонхоналарга жойлаштириш мумкин. Жойлаштириш муаммолари шаҳардан узоқ масофалардаги туристик объектларга сайёҳатлар давомида юзага келади. Республикамизда туризмни ривожлантиришдаги энг оғрикли, муаммоли масала ҳам экотуризм, археологик туризм, овчилик туризм каби туризм турларига маршрутлар ишлаб чиқишда юзага қалқиб чиқади. Ўзбекистоннинг табиат минтақаларига туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаётганлигининг асосий сабаблари ҳам бу туристик маконларда туристлар учун тунаш жойларининг йўқлигидадир.

Экотуризм, археологик туризм ва овчилик туризмни ривожлантиришни режалаштирар эканмиз биринчи навбатда туристларнинг тунаши (жойлаштириш) шароитларини яратишимиз керак бўлади. Шаҳарлардан узоқда бўлган туризм ресурсларида (экотуризм, рекреация туризми) туристлар учун тунаш жойларини ҳозирча туристик базалар ёки туристик лагерлар усулида яратиш имкониятлари мавжуд. Лекин, туризмда тадбиркорликнинг кенгаймаётганлигидан бундай тунаш жойлари ҳозиргача яратилмапти.

Агарда табиат бағридаги экотуризм масканида (ресурсида) бундай тунаш жойлари яратилганда эди. Туристларнинг ҳам тунаш, ҳам дам олиш ва овқатлантириш муаммолари бирданига ҳал қилинган бўларди. Бу муаммоли ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли экотуризм, рекреация туризми ёки овчилик туризмдаги туристик ресурсларга маршрут ишлаб чиқишда ресурсга яқин жойдаги аҳоли уйларини ижарага олиш ҳисобланади. Лекин, унутмаслик лозимки, халқро туристлар ҳар қандай шароитларда ҳам тунаб қолавермайди. Шунинг учун ҳам бундай шароитлардан маҳаллий туризмдаги туристларни жойлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Табиат ландшафтларидаги туризм масканларига (ресурсларига) маршрут ишлаб чиқишдан олдин бундай жойларда туристик базалар ва туристик лагерлар барпо қилишга катъий равишда киришишимиз лозим. Туристтик лагерларни палаткали ёки юрта (чўпоннинг қора уйи) усулида тезкор вақтларда мавсумларга мослаштириб куриш имкониятлари жуда катта.

Овқатлантириш хизматлари. Туристлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилганда уларни овқатлантириш муаммо эмас. Чунки, турист жойлашган меҳмонхонада ҳам шаҳарнинг ҳар бир кўчасида ҳам туристнинг эҳтиёжини қондирадиган ресторан, кафе, ошхона ва чойхоналар бор.

Шаҳарлар меҳмонхоналарида жойлашган туристларни овқатлантиришда халқро меъёрлардаги тақлифлар қуйидагича:

- тўлиқ пансион—3 марта овқатланиш (нонушта, тушлик, кечки овқат);
- ярим пансион—2 мартаба овқатланиш (нонушта—тушлик, нонушта—кечки овқат ёки тушлик—кечки овқат);

- фақат нонушта;
 - фақат тушлик;
 - фақат кечки овқатланиш.
- Овқатланишда хизматлар шакли қуйидагича:
- «Швед столи»-ўз-ўзига хизмат.Бу усулда ресторан ёки ошхонада турли-туман овқат хиллари тайёрланган бўлади.Туристлар (мижозлар) ўзлари ёктирган овқат ва ичимлик хилларини хоҳлаганларича (эхтиёжларига яраша) олиб,еб-ичишлари мумкин.Овқатланиб бўлгандан кейин турист (мижоз) идиш–товоқларни йиғиштирмайди;
 - «Табльгот»-ҳамма мижозлар учун фақат битта меню тайёрланади (мижозларга овқат танлаш ҳукуки берилмайди);
 - «А ля карт»-ресторан менюсида туристлар овқат хилини эркин танлайдилар.

Овқатланишнинг қайси шакллари бўлмасин шаҳарда ва туман марказларида туристларни овқатлантириш юқорида қайд қилганимиздек муаммо туғдирмайди.Фақат туристик маршрутда шаҳарда (туманда) овқатлантириш жойи ва шароитлари ёзиб қўйилса етарли бўлади.Туристларни овқатлантиришдаги муаммолар шаҳарлардан (туманлардан) узоқ масофадаги туристик объектларга маршрут ишлаб чиқишда қийин вазиятларни келтириб чиқармоқда.Шаҳарлардан узоқ масофаларда жойлашган туристик объектда тунаш муаммоси юқорида келтирилди. Бундай шароитларда овқатлантириш ҳам ана шу муаммони такрорламоқда.Қайд қилинганлардан қуйидаги хулосалар ҳосил бўлади:

1.Туристтик маршрут ишлаб чиқишда агар маршрут экотуризм, овчилик туризми,саргузашт туризми ёки форшунослик ва рекреация туризми мавзулари бўйича ишлаб чиқилганда туристларни «палатка усули»да овқатлантиришни ташкил қилиш мумкин.Бу усулда туристларни қизиқтириш учун миллий экзотика вариантини–яъни кўчма қозон–товоқ усулида– «табиат бағрида табиийлик»шароитида овқат тайёрлашда таклиф этиш ва овқатлантириш.

2.Қайд қилинган туризм мавзуларида туристик маршрут ишлаб чиқилганда туристик маконда–объектда овқатлантиришни туристик лагер (мавсумий–палатка усулида) ташкил қилиш мақсадига мувофиқ.

3.Ҳар қандай мавзуда туристик маршрут ишлаб чиқишда маршрут давомида минерал сувлар, термосда иссиқ чой, совутилган чой ва экологик тоза шарбатлар бўлишлигини таъминлаш шарт.

4.Туристтик маршрутда экскурсияга чиқилганда экспедиция усулида овқатланишни (консервалар, қотирилган колбасалар, тушонкалар ва ҳако..) иссиқ чой билан ташкил қилиш мумкин.

Маршрутдаги экскурсия хизматлари.Туристтик маршрутда экскурсия хизматларини ташкил қилиш турнинг жизбадор,қизиқарли ўтишини таъминлайди.Ҳар қандай туристик маршрутда экскурсияларни ташкил қилиш туроператорнинг тадбиркорлигига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда шаҳарлардаги диққатга сазовар жойларни кўришга ва диний зиёратгоҳ масканларга келиб-кетувчи туристларни экскурсияларга

таклиф қилиш деярли йўқ ҳисобланади.Чунки бундай жойларга ҳам пухта тузилган туристик маршрутлар ишлаб чиқилмаган.Энг афсусланарли жойи шундаки, ҳозиргача туристларга турист юрмоқчи ва кўрмоқчи бўлган маршрут унга оғзаки ҳолда таклиф қилинмоқда.Шаҳарлардаги хотира боғлари,ўлкашунослик, халқлар тарихи ва ҳайвонот олами билан боғлиқ музейлар,халқимизнинг ҳунармандчилиги устахоналарига маҳаллий туризмда ҳам,халқаро туризмда ҳам қизиқарли экскурсиялар уюштиришнинг катта имкониятлари деярли барча шаҳарларимизда мавжуд.

Шаҳар ичидаги туристик маршрутда албатта экскурсия маршрутлари қўйилиши лозим.Бунинг учун шаҳарлардаги экскурсия объектлари тўлиқ рўйхатга олиниб ундаги хизматларнинг турлари ва баҳолари аниқланиши лозим.Энди шаҳарлардан чиқиш ва узоқ масофаларга (экотуризм, археологик ёки овчилик туризми кабилар) бориладиган туристик маршрутларда албатта йўл-йўлакай кўриб ўтиладиган экскурсия маршрутлари бўлиши маршрутни қизиқувчанлиги,турли-туманлигини кучайтиради.Чунки,узоқ масофага автотранспортда тўхтовсиз юриш туристларни толиқтиради(айниқса табиий рельефи қарийиб бир хил бўлган чўл ҳудудларидан юрилганда).Узоқ масофаларга туристик маршрут ишлаб чиқилганда дастлаб йўл ва йўл атрофида бўлган диққатга сазовор жойлар, тарихий обидалар,булоқлар ёки қадимий дарахтлар,сойлар ва бошқа тўхташ мумкин бўлган объектлар ҳақида маълумотлар тўпланади.

Туристик маршрут тузувчи бу объектларнинг энг жозибадор, қизиқтирувчиларига экскурсиялар уюштиришини туристик маршрутга киритиши туристнинг йўлда зерикашининг олдини олади.Шу ўринда яна бир муҳим фикрни ёдда сақлаш лозимки,маршрут ҳақидаги букловда ёки ахборотномада маршрут йўли атрофидаги барча диққатга сазовор объектларнинг рангли расмлари қисқача изоҳда берилиши туристларнинг экскурсияларни танлашига шароит яратади.

Экскурсияларни танлашда объект асосий йўлдан жуда ҳам узоқ бўлмаслигига эътибор бериш лозим.Айниқса,йўлда бир пиёла чой ичишни ҳам маршрутдаги экскурсия объекти сифатида танлаш мумкин.Бу ҳолатда ҳозирги вақтда турли хил миллий таомларимизни тайёрлаётган чойхоналарга,ошхоналарга халқаро туристларни ҳам,ички туристларни ҳам таклиф қилиш мумкин.Агар маршрутнинг тушлик вақти келса, туристлар билан миллий таомларимизнинг тайёрланиши ва унинг мазалиги ҳақида тўхташ мумкин бўлган чойхоналар ёки ошхоналаргача қизиқарли суҳбатлар уюштириш ҳам мумкин.

19.3.Экотуризм маршрутларини амалда ўтказиш методикалари.

Туристик маршрутларни ўтказишни амалда ташкил қилиш туристик маршрутларнинг хилма-хил ёки турли мавзулар бўйича эканлигидан қатъий назар қуйидаги 3-босқичга бўлинади:

1. Тайёргарлик босқичи (маршрут ҳужжатларини тайёрлаш).

2. Маршрутда юриш даври босқичи.

3. Маршрутнинг тугаши босқичи.

1. Биринчи тайёргарлик босқичида маршрутни ўтказувчи маъсул раҳбар ўта жиддий бўлган тайёрланиш босқичидаги барча талабларнинг тўлиқ, камчиликларсиз бажарилишига пухта тайёрланиши лозим. Бу босқичда туристик маршрут давомида амалга ошириладиган ишлар: хизмат кўрсатиш, тўхташ жойларидаги ўтказиладиган тадбирлар номма-ном режалаштиришни талаб қилади.

Эътибор бериш лозимки, маршрутни ўтказиш дастурида маршрут давомидаги саёхатлар, тадбирларнинг мазмундорлиги, қизиқиш уйғотиши, туристларнинг саволларига жавобларнинг тўлиқлигига тайёр бўлиш режалари ҳам аниқланган бўлиши керак.

1. Тайёргарлик босқичидаги талаблар:

1.1. Маршрут йўлини ўрганиб чиқиш.

1.2. Маршрутни ўтказиш дастурини тузиш.

1.3. Маршрутда амалга ошириладиган экскурсиялар дастурини тузиш;

1.4. Маршрут давомида хизматлар кўрсатиш дастурини тузиш.

1.5. Туристларга хизматлар кўрсатиш ҳужжатларини расмийлаштириш.

2. Маршрутни амалга ошириш босқичида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

2.1. Маршрутга чиқиш (бошлаш, йўлга чиқиш).

2.2. Маршрутдаги экскурсиялар, учрашувлар, дам олиш ва бошқа тадбирларни маршрут дастури асосида ўтказиш.

2.3. Маршрутдан қайтиш.

2.4. Маршрут ўтказилгандан кейин туристларнинг фикри, таъсуротлари, таклифи ва тақризларини тўплаш, таҳлил қилиш.

3. Маршрутнинг тугаши босқичида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

3.1. Маршрут ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот тайёрлаш.

3.2. Маршрут давомида юз берган қутилмаган, келишмовчиликларни мукамал таҳлил қилиш.

3.2. Маршрутни қайта ўтказишни яхшилайдиган тавсиялар яратиш ва қўллаш.

Туристлик маршрутни ўтказишни амалда ташкил қилиш ва ўтказиш ишлари, маршрутда белгиланган тадбирлар «маршрут ҳужжатларида» қайд қилиниши лозим. Бу ҳужжатлар қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Туристлик маршрутни ўтказиш ҳақида ҳужжат (руҳсатнома, харита ва бошқ...).

2. Туристлик маршрутда туристларга хизмат қилувчилар ҳақида ҳужжатлар (хайдовчи, таржимон, сувчой, овқат берувчилар, юкларни кўтарувчи, ахборотчи, бошловчи ва бошқалар).

3. Ҳисобот учун ҳужжатлар.

4. Туристлик маршрутнинг технологик харитаси.

5. Туристга бериладиган йўлланма (ахборотланганлик варақаси маълумотлар-ахборотланганлик тамойили бўйича).

6. Маршрутнинг схемаси.



7-Чизма. Туристик маршрутни ўтказиш методикаси.

Туристик маршрутни ўтказиш методикаси икки қисмдан иборат бўлади:

1. Оғзаки методикалар.
2. Амалий методикалар.

Туристик маршрутни ўтказишдаги оғзаки методика бўйича дастлаб туристлар билан учрашув ташкил (турфирма ёки маршрут раҳбари) қилинади. Бу учрашувда раҳбар маршрут ҳақида барча зарур ахборотларни оғзаки айтиб, саволларга ҳам оғзаки жавоб беради. Маршрут давомида маршрут раҳбари куйидаги методик-йўл ахборотларини бериш усулларида фойдаланади:

- эълонлар;
- тушунтиришлар;
- хабарлар;
- маълумотлар;
- суҳбатлар.

Туристик маршрутни ўтказишда амалий методикасининг тузилиши куйидагича бўлади. Туристик маршрутларни ўтказишда стандарт методикалар ҳозиргача ёзилмаган. Шунинг учун ҳам туристик маршрутни ўтказишдаги амалий ва оғзаки методикалар маршрут давомида бирдай ишлайди.

Туристик маршрутни ўтказишдаги амалий методика асосан туристик маршрутни ишлаб чиқишда, маршрутни ўтказишда маршрутдаги қандайдир элементларнинг ёки туристик маршрут дастурида белгиланган қандайдир режаларнинг қолиб кетмаслигини таъминлайди.

Туристик маршрутни ўтказиш методикаси амалда турнинг дастури ҳам ҳисобланади. Чунки, 7-чизма изоҳларига қаралганда туристик маршрутдаги барча хизматлар туристик маршрутни ўтказиш методикасига киритилган. Шунинг учун ҳам туристик маршрутни ўтказиш методикалари турмаршрутнинг дастурига илова қилинади.

Бу ахборотлар қисқа, мазмунли, мақсадли, кизиқарли бўлиши маршрут раҳбаридан ўз иши бўйича уста билимдон, етук мутахассис бўлишligини талаб қилади. Қайд қилинганлардан маълум бўладиги, туристик маршрутларни ўтказишни ташкил қилишда илова қилинган босқичлар, бу босқичлардаги талаблар, маршрутни ўтказиш методикасининг бажарилиши туристнинг барча талабларини тўлиқ қондиришга қаратилмоғи лозим.

Ушбу ҳолатда туристнинг маршрутдаги мақсади амалга ошади, маршрутдан тўлиқ қониқиш ҳосил қилиб ўз харажатларини «кўриш», «билиш» ва хулоса чиқаришида тўғри сарфланганлигини аниқ билади, бундан афсусланмайди.

Таянч сўзлар ва иборалар: методика, хизматлар кўрсатиш технологияси, туropеpатор, турагентликлар, оптимум, минимум, стандарт, тамойиллар, палатка усули, экспедиция, туropеpатор, швед столи.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Экотуризм маршрутларидаги хизматлар дастурида қандай хизматлар режалаштирилади?
2. Экотуризм маршрутларини ўтказишда транспорт воситалари қандай талаблар бўйича танланади?
3. Ўзингиз яшаб турган манзилга экотуризм маршрутини ишлаб чиқинг.
4. Экотуризм маршрутларида асосий ва қўшимча экскурсия объектларини танлашни ўрнанинг
5. Экотуризм маршрутини ишлаб чиқинг ва бу маршрутни ўтказишда қандай методикаларни қўллашни ҳал қилинг.
6. Экотуризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқинг.
7. Экотуризм маршрутларида рекреацияни ташкил қилишни лойиҳалаштиринг.
8. Экотуризм маршрутларида жойлаштириш хизматларини лойиҳалаштиринг.
9. Экотуризм маршрутларида дам олиш тадбирларини ишлаб чиқинг.
10. Экотуризм маршрутларида тиббий хизмат кўрсатиш дастури қандай тузилади?

20-Мавзу. Экологик туризмда экотуристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари

Режа:

20.1. Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари.

20.2. Халқаро туризмда хавфсизликни таъминлашнинг халқаро меъёрлари.

20.3. Туристлик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

20.1. Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари

Туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим, давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади. Туристлик маршрутларни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш, ўтказишни қайд қилинган омиллар асосида туристларнинг тур вақтида (маршрут вақтида) ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, ватанимизга туристлар оқимини кучайтиришдаги энг муҳим ва маъсул вазифалардан ҳисобланади.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистонда туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги дастлабки қонунларда алоҳида модда билан белгиланган. Ана шундай дастлабки қонун – Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади¹¹⁹. Бу қонун 20-август 1999 йилда қабул қилинган бўлиб қонундаги 18.19.20 моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора – тадбирлар тизимини яратишга асос бўлади. Туризм таълимидаги барча мутахассислар ушбу қонун моддаларини яхши ўзлаштириши, мукамал билиши нуктаи назаридан қайд қилинган моддаларни келтириш ўринли бўлади. «Туризм тўғрисида» қонунининг:

18-моддаси–«*Туристларнинг хавфсизлиги кафолати*». Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар. Туристлик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

19-моддаси–*Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари*. Туристлик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

¹¹⁹. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни

- туристларнинг сафарда хавф–хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг таъминлинишлари;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усуларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўрик беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобил, тоғ-чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туизми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт;

20 моддаси—«Туристларни суғурта қилиш». Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ВТО) талаблари бўйича ҳар бир давлатда туристларнинг ушбу давлатга келиб –кейтиши бўйича давлат низоми бўлиши лозим. Бизнинг Республикамизда ҳам ҳуди шундай низом ҳукуматимизнинг махсус вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. «Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ қуйидаги моддалар сайёҳларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича сайёҳат қилишни таъминлаш;
- белгиланган йўналишнинг хусусияти ва сайёҳларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл сайёҳлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказиш.

Туризмда хавфсизлик масалалари долзарблигига қарамасдан ҳозиргача туризм мутахассисларининг эътиборидан четда ҳисобланади. Республикамиз даги туризм мутахассислари ва бакалавлари тайёрлайдиган коллеж, институт ва университетларда туризмда ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш курсини ўқитиш вақти келди. Чунки, мамлакатимизга халқаро туристик оқим йилдан-йилга ортиб бормоқда. Туризмда ҳаёт хавфсизлиги бўйича ҳозирда ягона манбани, таниқли олим, профессор Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевларнинг мукамал асарини келтиришимиз мумкин¹²⁰.

Туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда қутиладиган ва қутилмайдиган хавфларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқиш мавзусида— «Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» юзасидан маршрут раҳбари амалга ошириладиган ишлар рўйхати келтирилди. Туристик маршрутларнинг барчасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора тadbирлари ишлаб чиқилиши ва маршрутни ўтказадиган туристик ташкилот раҳбарининг имзоси ва гербли муҳри билан расмийлаштирилиши лозим.

20.2. Халқаро туризмда хавфсизликни таъминлашнинг халқаро меъёрлари.

Туризмнинг халқаро хавфсизлигидаги халқаро тажрибаларни бутун жаҳон туризм ташкилоти (БТТ) тадқиқ қилади ва тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсияларни туризм тўғрисида қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилган давлатларга кўрсатма—йўлланма сифатида тақдим этилади.

Саёҳатчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги Хартия 1985 йил бутун жаҳон туристик ташкилотининг бош ассамблеясининг VI-сессиясида қабул қилинган. Хартия таркиби 9 та модда ва турист кодекси, бу кодекс ҳам 9 та моддадан иборат. Хартиянинг VI-моддасида туристларнинг соғлиги ва ҳаётий хавфсизлигини таъминлашда, уларнинг буюмларининг сақланиши, ҳар бир давлат ҳудудларида эркин ҳаракат қилишида қўйидаги талаблар бажарилиши дунёдаги барча давлатларга тавсия қилинган.

Давлатларнинг маъсуллиги: а) туристларга имкониятлар яратиши ўз давлатининг ва чет эллик туристлар учун саёҳатлар даврида Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Халқаро гржданлар авиацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Халқаро божхона ҳамкорлиги кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг туризм тўғрисидаги, халқаро туризм тўғрисидаги «Холатлар», «Дастурлар», «Ҳуқуқий-меъёрлар» билан танишиш, ўрганиш, фойдаланиш шароитларини яратишлари;

б) туристларнинг онги, шуури, тушунчаси ўсишида ҳамкорлик қилиши ва етиб келган давлатларнинг маҳаллий аҳолиси билан бўлган мулоқотларда,

¹²⁰ Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Основы безопасности в туризме. Государственное научное издательство, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент, 2008, 503 с.

алоқаларда ўзаро тушуниш, ўзаро дўстона муҳитларни яратиши;

в) туристларнинг ҳаёти ҳафсизлигини таъминлаш ва буюмларини сақлаш чора-тадбирларини халқро қонунларга мос ҳолда ишлаб чиқиши;

г) гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматларига мувофиқ килиш, ёрдам олишнинг барча шарт-шароитларини яратиши, юқумли касалликлар ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳақида огоҳлантириши;

д) туризмда фойдаланиш мақсадларида қилинган ҳар қандай хатти – ҳаракатларнинг олдини олиш;

е) туристлар ва маҳаллий аҳолини гиёҳванлик моддаларидан нолегал фойдаланиш манбаларидан ҳимоя қилиш тизимларини ишлаб чиқиши;

Халқаро Хартиянинг VI–моддасида туристларнинг саёҳати даврида бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг маъсуллиги куйидагича белгиланган:

а) ўз давлатининг туристлари ва чет эллик туристларнинг давлат ҳудудларида эркин ҳаракат қилишларини чегараловчи тўсиқлар, тадбирларни белгиласликлари, баъзи ҳолларда аҳолининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун чегаралашни белгилашларига ҳуқуқлари борлиги;

б) туристларга нисбатан таҳқирлаш, камситиш, ҳақ-ҳуқуқини чегаралаб қўйиш тадбирларининг пайдо бўлишига қараб қатъиян йўл қўймасликлари;

Хартияда таъҳкидланишича хартиянинг барча моддалари ва хартиядаги «турист кодекси» моддаларининг туризм фаолият кўрсатаётган давлатларда қабул қилиниш ва амал қилиниш туристларнинг этик жиҳатдан барча давлатларда ўзини бошқара билишига, давлатлардаги халқлар, элатлар билан халқаро дўстлик ришталарини яратишига, халқаро муҳитни инсоният бахтисаодати учун сақлаш, дунёни сақлаш имкониятларининг кучайишига олиб келади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг давлатлар ўртасида обрўсини кўтарган ва бу конференцияларда ишлаб чиқилган тавсиялар, кўрсатмалар, йўлланмаларнинг аниқлиги, жорий этишга қулайлиги ва тушунарли эканлиги бўйича БТТ нинг «Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси»ни қабул қилган «Туризм бўйича жаҳон конференцияси» бўлди. Конференция 1980-йил 27-сентябрдан 20-октябргача Филиппин давлатининг пойтахти Манила шаҳрида бўлиб ўтди. Конференцияга 107 давлатнинг делегациялари ва 91 та делегация кузатувчи сифатида қатнашди.

Манила конференциясидаги энг муҳим қарор ва тавсиялар халқаро микёсида ва давлатларда туристларнинг ҳаёти ҳавф-хатарсизлигини, соғлигини таъминлаш ва уларнинг буюмларини сақлаш, давлатларда туристларнинг эркин ҳаракатларига барча шарт-шароитларни яратиш натижасида халқлар, элатлар ва миллатларнинг дўстона алоқаларига асослар яратилади, миллатлар ўртасидаги урф-одатларни ўрганиш, қизиқиш натижасида бири-бирига яқинлик қилувчи давлатлараро маданият марказлари келиб чиқади:

- Инсонда ақлий, маънавий қамолотга етишиши, интилиш хислари кучаяди;

- Инсоннинг шахс сифатига ҳар томонлама гармоник камол топишига ишонч ҳосил бўлади;
- Онгида воқеъликни билиш, тарбияланганлик даражалари ортиб боради;
- Ўз тақдирини белгилашида жаҳон халқларидаги дин, урф–одат, маданият, маънавият, қадрият хусусиятларини кўриб, билиб фойдаланади;
- Халқларнинг урф–одатлари, анъаналари, маданияти, маънавий қадриятларини тан олиш ва ҳурмат қилиш кучаяди.

Конференциянинг тинчлик шиори—«Дунёда тинчликни, ҳамкорлик, ҳамжихатликни сақлаш, халқларнинг маданий меросини ривожлантиришда туризмнинг ҳиссаси» мавзуси қабул қилинди. Манила конференциясида 27-сентябр «Бутунжаҳон туризм кунини» деб белгиланди. Халқаро туризмда ва давлатлар туризмида хавфсизликни таъминлаш бўйича аниқ ва жиддий тавсияларни ишлаб чиққан халқаро конференцияларнинг энг обрўлиси, тан олинганлиги бутун жаҳон туризм ташкилотнинг «Туризм бўйича Гаага декларацияси» ни қабул қилши бўлди.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг дунё давлатлари Парламент ларининг туризм бўйича халқаро конференцияси Нидерландиянинг Гаага шаҳрида 1989 йилнинг 30 мартдан 14 апрелгача бўлиб ўтди. Конференция ишида Парламентлараро иттифоқ (МГТС) вакиллари ҳам қатнашди. Конференция биринчи навбатда БМТнинг жаҳон давлатларида туризмни ривожлантиришда Бутун жаҳон туризм ташкилотнинг меҳнатлари ва муҳим мавқеъга эканлигини эътироф этди. Иккинчидан, жаҳон туризмнинг ривожланаётганлигида халқаро ташкилотлар: Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ), БМТнинг фан ва маданият, маъориф ташкилоти (ЮНЕСКО), Халқаро граждан авиацияси (МКАО), атроф муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП), Халқаро жиноий қидирув полицияси (ИНТЕРПОЛ) ва халқаро иктисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотлари БТТ билан мустақкам алоқада бўлдилар, ёрдам бердилар.

- Туризм бўйича Гаага декларацияси 10 та принципни қабул қилди ва дунё мамлакатларига тарқатди. Декларация жаҳонда туризмнинг ривожла нишида туризм хавфсизлиги халқаро миқёсида таъминланиши шартлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун қўйидагиларни амалга оширишни тавсия қилинди: Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиб ва туризмда жорий қилиш;
- Жамоатчиликка аниқ ахборотларни етказиш ва тарқатиш;
- Туристларнинг хавфсизлигини ўрганувчи ва таъминловчи айниқса экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлашни тадқиқ қилувчи институтционал марказлар ташкил қилиш;
- Туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда халқаро, давлатлараро, регионлараро ва қитъалараро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатлантириш.

Гаага декларацияси қайд қилинган тавсиялар билан бирга халқаро туризм миллий туризм хавфсизлигини таъминлаш бўйича 7 ва 8 принцип ларни алоҳида–алоҳида муҳокамадан сўнг куйиндагича қабул қилди: Гаага декларациясининг туристларнинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъмин лаш бўйича тавсиялари: Туристларни ҳурмат қилиш, кадр-қимматини ҳимоя қилиш, ҳуқуқини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш туризм ривожланишининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам:

- туристларнинг кадр-қиммати, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари улар ҳаракатланадиган барча туристик объектларда, сафарда, саёҳатда, меҳмонхоналарда ишлаб чиқилган ва бартараф этилган бўлиши;
- туристларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, туристларни ва туристик объектларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш йўналишига қаратилган самарали туризм муҳитини яратиш сиёсатини шакллантириш;
- туристик объектларга ва туристлар ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар ҳақидаги барча ахборотлар, маълумотларни туристларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
- ҳар бир давлатда туристларнинг эркин ҳаракат қилиш, хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишга эришиш, ҳар бир давлатда туристларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш органларига ўз вақтида мурожат қилиши, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларининг яратилишига эришиш;
- туристларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, хавфга қарши чора–тадбирлар тизимини яратишда ҳар бир давлатларнинг БТТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш;

Гаага декларациясида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат шундан иборат бўлдики, терроризм туризм ва туристик ҳаракатланишнинг ривожига реал хавф деб тан олинди. Жаҳондаги давлатларга террористларга ҳар қил сиёсий сабабаларни рўқач қилиб бошпа на бериш ҳоллари жаҳон миқёсида қораланиши эътироф этилди.

Халқаро туризм хавфсизлиги ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг 2001 йил 30 сентябр -1 октябрда Японияда (Мингйилликнинг Осака декларацияси) ўтказилган конференцияси, МДХ давлатларининг «Туризм соҳасида ҳамкорлик» - Ашгабад 23-декабр 1993 йил, 29-октябр 1994 йил, 4-ноябр 1994 йил Осака декларацияси, Туристлик фаолиятни ташкил қилиш Европа кенгаши, 2-ноябр 1981 йил Непалдаги Халқаро меҳмонхона қондалари ассоциацияси муҳим қарорлар қабул қилди, тавсиялар ишлаб чиқиб дунё мамлакатларига тарқатди.

Шунингдек, «Афина конвенцияси» туристларнинг юқларини ташишда ги халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқди. Турагентликлар ассоциа циясининг бутунжаҳон федерацияси (УФТАА) ва бутунжаҳон меҳмон хоналар ассоциацияси (МГА) меҳмонхоналарида туристларни жойлаштириш,

уларнинг фаол ҳаракатларини ташкил қилиш соғлиги ва ҳаёти хавфсизлиги таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиқдилар ва бу ҳақида Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлган давлатлар ўз миллий туризм сиёсатига мос бўлган ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишини тавсия қилди.

Қайд қилиш лозимки бутунжаҳон туризм ташкилоти 1994 йил ўз бошқаруви таркибида «Туристик хизматлар сифати» бўйича комитет ташкил қилди. Бу комитет халқаро туризмда сайёҳларнинг хавфсизлигига масалаларига ҳам жавоб беради. Худди шу йили бутунжаҳон туризм ташкилоти дунёнинг 73 мамлакатига «Сайёҳларни, туристик объектларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлиги» мавзусида халқаро тадқиқотларни амалга оширди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ташаббуси билан 1995 йилнинг ёзида Швеция давлатининг Эстерунд шаҳрида «Саёҳат даврида хавфларни камайтириш ва туризм хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида II – халқаро конференция ўтказилди.

БТТкомитети (1994-йил) ва Эстерунд II–халқаро конференцияси (1995-йил) ўтказган тадқиқотлардан маълум бўладиги, 71% давлатларда туристик объектлар туризмнинг махсус полицияси томонидан мукаммал кўриқланади. Бу полиция давлат ва муниципал полициядан иборат. Туризм мамлакатларининг 21% ида махсус туризм полицияси ташкил қилинган бўлиб бу полиция фақат туризм фаолияти билан шуғулланади. Туризм полицияси зиммасига туризм ресурсларини ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, маҳаллий этник гуруҳларни ҳимоя қилиш вазифалари ҳам юклатилган. Лекин туризм полицияси фақат 9% давлатларда қонун йўли билан ташкил қилинган. Бошқа давлатларда эса «зиммасига юклатилган». 41% давлатларнинг туристик полицияси чет эл тилларини ўрганмоқда, 37% давлатларнинг полицияси туристик ташкилотлар, туристик фирмалар ва оддий полиция билан ҳамкорлик қилмоқдалар, 26% мамлакатларнинг полицияси «туризм фанлари» ни ўрганмоқда.

Халқаро туризм амалиётидан маълум бўладиги кўпгина давлатларнинг туризм бошқаруви ўз туристларининг дунё давлатларига, регионларига бориши ёки бормасликлари, хавфсизликнинг ҳолати, даражалари, ушбу давлатларда туризм сиёсати ва ҳимоя тизими халқларнинг урф – одатлари, тили бутунлай бошқача бўлган мамлакатларга саёҳатга чиқувчи турист фақат ушбу, у танлаган мамлакатдаги саёҳати даврида ўз ҳаёти хавфсизлигини таъминланишини (ушбу давлатда бу соҳада қабул қилинган қарорлар, қонунлар, ҳуқуқий–меъёрий ҳужжатлар ва бошқалар) аниқ бўлганидан кейингина беҳавотир ҳолда ишонч билан ўз ҳаракатини бошлайди.

Шунинг учун ҳам туризм соҳасини ривожлантиришда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора–тадбирларини ишлаб чиқиш, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар ва омилларни аниқлаш, гуруҳлаш, хавфли вазиятларга тушиб қолган туристларга ўз вақтида тезкор ёрдам бериш усулларини ишлаб чиқиш республикамизда туристик оқимни жадал кучайтиришда, умуман туризм соҳасини халқаро талаб ва меъёрларда ривожлантиришдаги энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.

20.3. Туристтик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари.

Ўзбекистонда «Туризм тўғрисида»ги қонунда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги чора – тадбирларни ишлаб чиқиш бир қатор моддаларда қайд қилинган. Шунга қарамасдан, қайд қилиш лозимки, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар ва омиллар ўта суствакшлик билан бир томонлама, умумий ҳулосалар тарикасида ўрганилмоқда. Айниқса, туристик муҳитда, туристик маршрутлардаги хизматларда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи хавф-хатарлар умуман тадқиқ қилинмаяпти.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар бевосита хизматлар кўрсатиш жараёнларида, ҳар қандай туристик маршрутларда, экскурсияларда, уларни овқатлантиришда, туб жой аҳоли билан бўладиган мулоқотларда ва бошқа шароитларда келиб чиқиши, юз беришини ҳисобга олсак, бу йўналишда аниқ илмий ишланмалар ишлаб чиқиш анча мураккаб бўлиб кўплаб вақт-муддатларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун бу йўналишда аниқ тавсиялар ишлаб чиқишни, илмий тадқиқотларни дадил бошлашни туризм соҳасининг ижтимоий-иқтисодий муҳити қатъий талаб қилмоқда.

Туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини ўрганиш ва зарурий чора-тадбирлар талаб даражасидаги илмий-амалий ишланмаларни ишлаб чиқишнинг жуда мураккаблиги шундан иборатки, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар ва манбалар ҳар қадамда ҳар бир сонияда юз бериши мумкин. Айниқса, экотуризм рекреация туризми, археологик, ёршунослик туризмларида, экскурсияларда ва бу туризм турларидаги хизматлар кўрсатиш жараёнларида, табиий иқлим шароитларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар жуда қалтис, қутилмаганда ҳам келиб чиқиши мумкин.

Туризмда хавфсизлик тушунчаси-амалий фанлардан бўлиши лозим ва «Бутунжаҳон туризм ташкилоти» нинг ишлаб чиққан кўрсатмалари бўйича ҳар бир давлат ўзидаги туризм соҳаси учун «туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» ўқув дастурини ишлаб чиқиши ва туризм таълими йўналишларда барча мутахассисликларда ўқитилиши зарур. Мамлакатимизда туристлар билан юз берадиган қандайдир фожеани қутиб турмасдан биз миллий туризмда хавфсизлик, туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллар, бундай хавфларнинг келиб чиқиши ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни ҳозирдан ўрганишимиз зарур бўлади.

«Туризмдаги хавфсизлик»да турист ва экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларда «хавфсизлик» масалаларини тадқиқ қилиб уларнинг ҳаёти хавфсизликларини таъминлашнинг методларини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун қўйидаги асосий вазибаларни ечиш лозим бўлади: «Туризм хавфсизлик» турист экскурсиячиларга кўрсатиладиган хизматларни тадқиқ қилиб уларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг методларини ишлаб

чиқиш ва назорат қилиш учун қўйидаги асосий вазифаларни ечиши лозим бўлади:

- Турда жойлаштириш, ҳаракатланиш, овқатланиш ва бошқа фаолиятларда юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирларни аниқлайди ва баҳолайди;
- Турда юзага келадиган салбий таъсирларни ёзиш, таърифлаш ва тавсифлашни бир тизимга солади;
- Хавфли ва зарarli омилларнинг олдини олиш ва йўқотиш усулларини, вариантларини ишлаб чиқади;
- Турда комфорт шароитни яратади ва хавфсизлик чора – тадбирларини ишлаб чиқади.

*Туристтик муҳит ва туристтик хавф ҳақида тушунча*¹²¹. Инсоният жамиятида ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини қамраб олган «муҳит» лар жуда кўп, масалан: «ишлаб чиқариш муҳити», «маиший муҳит», «табiiий муҳит» ва х.к.. Бу муҳитларда инсон фаолият кўрсатиб (меҳнат қилиб) ўзига зарур хом ашёларни олади, асбоб- анжом тайёрлайди. Хуллас, ўз эҳтиёжлари учун зарурiiй предметларни олдиндан режалаштирилган мақсад ва вазифалар бўйича ишлаб чиқаради. Туризмни ривожлантираётган давлатларда ҳозирги вақтда янги – «туристтик муҳит» тушунчаси ҳам пайдо бўлди^{122 123 124}.

Қайд қилинган муаллифлар бўйича «туристтик муҳит» турда, туристтик пакетдаги элементлар ва омилларнинг таъсирлари йиғиндисидан ҳосил бўлган муҳитдир (8-Чизма). Туристтик муҳит элементларига хизматлар пакети ва бу пакетга йўл – йўлакай қўшилиб борадиган хизматлар қиради:


- туристтик маршрутнинг бошланиши ва тугашидаги трансфер жараёнлар;
- туристтик маршрутнинг тугаши оралиғидаги вақтда туристларнинг кўчиб юришлари; бошланиши ва турда туристнинг яшаш жойи;
- тур давридаги яшаш жойи типи;
- яшаш жойи конструкцияси ва қурилишда фойданилган материаллар;
- яшаш жойининг ички жойлашиши; хоналарнинг майдони;
- ёруғликнинг тушиши ва электр ёруғлиги;
- микроклим ва иситиш тизими, хавонинг тозалиги ва шамоллатиш усуллари, жойнинг санитария ҳолати, саноат объектларига узоқ ёки яқинлиги.


¹²¹ Хайитбоев Р., Хайдаров С., Абдухамидов С., ва бошқ., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Самарқанд, 2016, 180 б.

¹²² Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес- Ростов н/Д: «Финикс», 2004. - 352 с.

¹²³ Дурович А.П., Организация туризма. Москва, 2005. 632 с.

¹²⁴ Биржаков М.Б., Введение туризма. Издательский дом «Герда», 2006. 596 с




 - Туристтик муҳитни тушунтириш учун тавсия.

8-Ҷизма. Туристтик муҳитнинг ҳосил бўлиши

- овқатланиш ва маиший хизматлар;
- сифатли овқатлар ва бир маромдалилиги;
- шахсий гигиена учун барча предметлар ва шароитнинг бўлиши;
- маиший асбоб–ускуналар, оддий устара, телевизор, радио, фен, электр устара, микротўлкинли печ, кир ювиш машинасидан фойдаланиш имкониятлари ва бошқалар;

Экскурсия хизматлари: транспорт воситалари, кўрсатиш ва сайр қилиш учун табиий ҳудудлар ва табиий мажмуалар, табиий қўриқхона фонди, даволаш – соғломлаштириш марказлари, спорт мажмуалари ва санитар химоя зонаси ва бошқалар.

Ташкиллаштирилган турда ва ташаббускорлик туризми дастурларида ташкилий жиҳатлар канчалик мукамал, ишончли тузилган, келишилган бўлишдан катъий назар турларни ўтказиш шароитларида номалум муҳитлар ва вазиятларга дуч келинадик, бундай муҳит ёки вазият қутилмаганда пайдо бўлади, юзага чиқади. Бундай ҳолатлар туристик муҳитнинг жипслашмаганлигидан, ўзаро ҳамкорликда қарама–қарши фикрлар пайдо бўлганлигидан ва атроф муҳитдаги ўзгаришлардан ҳам келиб чиқиши мумкин. Шундай ҳолатларда пайдо бўладиган хавф туристлар қайфиятига ноҳуш таъсир қилиб турдаги туристик муҳитда «хавф» ни келтириб чиқаради, турнинг туристик муҳитида бесаранжомлик бошланиб тур дастури ҳам бузилиб кетиши мумкин.



 -Туристтик маҳсулотларда туристик хавфларнинг бўлишини тушунтириш учун тавсия.


9-Чизма. Туристтик маҳсулот таркибларида туристик хавфларнинг Мавжудлиги

Ўзбек тилидаги «хавф» сўзи hozirgacha рус тилидаги «риск» сўзининг таржимаси деб тушунилади. «рискут», «рискуват» – французча – «risquer» – таваққал қилмоқ атамасини билдиради. Россиялик олимларнинг ёзишича риск сўзи испан – португал сўзларидан рус тилига кириб келган ва таржима да – «скала» – қоя маъносини англатади. Бу сўз денгиз сузувчилари мулоқот ларидан келиб чиқиб–риск–скала–қоя– кемалар сузиши учун хавфли, хавф хабарини билдирган¹²⁵.

Кўрсатиладиган туристик хизматлар одатдаги тур шароитларида ҳам, қутилмаган, фавқулодда ҳосил бўлган (табиий иклимий ҳодисалар, Ҳаракатлар ва бошқалар) вазиятларда ҳам туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавфни пасайтириб хавфсизлик даражаларига туширишнинг, хавфларнинг олдини олишнинг уддасидан чиқишлари, хавфни бартараф қилиш имконият лари билан таъминланганликлари бўлиши керак.

Хавф–қутилмаган ҳодиса бўлиб туристларнинг хошиш–эътиборидан четда, кўксидан уларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солади. Туристтик хавф тушунчасида турмаҳсулотни, хизматлар кўрсатишни истеймол қилаётган туристларнинг соғлиги ва ҳаётига раҳна солувчи хавфларни тушунамиз (5-чизма). Шундай қилиб, туристик хавф фақат тушунча эмас балки, туристик фаолиятнинг хусусиятлари, белгилари ва кўриниши, ҳодисалари ҳисобланади.

¹²⁵ Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр «МарТ-Москва-Ростов на-Дону», 2006, 301 с.




 Турда хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш дастурини ишлаб чиқиш учун тавсиялар.

10-Чизма. Турнинг таркиби ва турда хавфларни аниқлаш ва бартараф қилишнинг назорати.

Турда туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омиллар туристик– экскурсия хизматларини кўрсатишнинг кўйидаги ҳисобга олинмаган шароитларида кўкисдан юзага чиқади:

- Турнинг дастурини тузишда, ишлаб чиқишда ҳисобга олинмаган хавф манбаларининг мавжудлигига эътибор бермасликдан;
- Аниқ таъсир қилиш манбалари даражасининг кучайиб кетиши (масалан, секин ёғайтган ёмғирнинг жалага, дўлга айланиб кетиши, санитария–эпидемиология вазиятидаги қутилмаган ахборотлар ва бошқалар);

Баъзи бир туристларнинг турдаги дастур меъёрларига риоя қилмасдан ўзбошимчалик билан қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида келиб чиқадиган хавфлар натижасида тур дастурининг бузилиши (туристик жамоавий хавфлар). Қайд қилинган хавфларнинг келиб чиқишини таҳлил қилганимизда тур давомида маршрутлардаги хизматлар кўрсатиш мажмуаларида, туристик пакетнинг таркибини тузганимизда, маршрутдаги ҳаракатланишда ва муддатлардан (вақтдан) назорат бўйича фойдаланганимизда турдаги жуда кўплаб туристик хавфларнинг олди олинган ёки туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, омиллари бартараф қилиш осонлашади. (8,9,10-чизма).

Чизмадаги (турдаги) туристларнинг соғлиги ва ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва омилларни аниқлашда туристик пакет, маршрут трассаси ва маршрутдаги хизматлар кўрсатиш дастурлари олдиндан кўриб чиқилади. Хавфлар белгилари ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари аниқланади ва хавфларни бартараф қилиш чора–тадбирлари ишлаб чиқилади.

Келтирилган таҳлиллар,тавсиялар (8;9;10;чизмалар) дан маълум бўладики, туризмдаги хавф–хатарларни умумий ҳолда таърифлаганимизда келиб чиқиши қуйидагича;пиёда ҳаракатланганда,транспорт воситаларида ҳаракатланганда; табиий иқлим хусусиятлари бирдан ҳалокатли ўзгарган ида,яшаш жойи меҳмонларда, овқатланишдаги сифатсиз таомлар еганлари да, спорт билан шуғулланаётган давтларида....

Баъзи бир хавф–хатарлар давлат ҳудудида сиёсий ва жиноий вазиятнинг бўшлиғи туфайли кўчаларда, кўнгил очар ўйинларда қатнашган вақтларда, туристга келиб тушадиган ва ватанига қайтадиган аэропортларда, темирўл ва автовокзалларда юз беради. Бундай жойларда туристларнинг пулларини, юкларини ўғирлаб кетилиши, савдо–сотикда буюмларни юқори нархда сотиб олиши хавфи,таксида тунаб кетиши,товламачилик ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.

Шунингдек,эътибор бериш керакки, баъзи бир ҳолларда туристларнинг ўзи ҳам хавф–хатарларнинг, кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига ўзлари сабабчи бўлишади (автобус,поезд,самолётларга кечикиб келиш, кутиб олувчи ва кузатиб кўювчи турфирмалар билан шартнома тузмаслик, тунда кўчаларга ўз хохиши билан сайрга чиқиши,савдога чиқиши ва бошқалар)Туристларнинг эҳтиётсизлигидан катъий назар туристларни тақлиф қилган турфирма, меҳмонхона ёки туристик ташкилот маъмурияти туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга маъсулдилар ва жавобгардилар.

*Маршрутдаги транспорт хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.*Маршрутдаги энг маъсулли хизматлар бу–транспорт хизматлари ҳисобланади. Туристик маршрутга транспорт хиллари маршрут йўлларини, экскурсияларни, йўлнинг ҳолати (автомагистрал,тош йўл,шоссе,маҳаллий йўл ва ҳакозо) бўйича танланади.

Шаҳарлараро ўтказиладиган туристик маршрутларда транспорт хилларини танлаш муаммо эмас.Бундай маршрутда транспорт турлари туристларнинг сонига қараб (енгил автомобил,микроавтобус,автобус ва бошқ...) танланади. Турмаршрутга олинган автотранспорт тури албатта ДАН ташкилотидан техник кўриқдан ўтган бўлиши, тозалиги, созлиги, шунингдек, ҳайдовчи ҳақида тавсифнома,унинг ҳужжатлари,иш тажрибаси билантанишилади ва йўлдаги тезлик ва тўхташ жойлари,ҳаракатланиш фақат туристик маршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилиши ҳақида келишилиб олинади.

Туристик маршрут давомида туристларнинг транспортни ўзбошим чалик билан тўхтатишларига рухсат берилмайди.Қайд қилганимиздек, транспортни йўлда тўхтатиш турмаршрут раҳбари рухсати билан амалга оширилади.Маршрут давомида туристларнинг транспорт ичида,салонида озодаликни,гартиб–интизомни сақлаш,транспорт деразаларидан ҳар хил

нарсаларни ташламаслик,кўлни,бошни,гавдани деразалардан чиқармаслик ва ҳақозолар бўйича маршрут раҳбари ўта хушмуомилалик билан туристларга мурожаат қилиши ҳам зарурий ахборотлардан ҳисобланади. Шунингдек, маршрут давомида транспорт салонида газ ва бошка ёқимсиз хидларнинг келиб чиқишига йўл қўймасликда ҳам ҳайдовчи маршрут бошланишидан олдин огоҳлантирилади.Туристтик маршрутга транспортни ажратган ташкилотнинг адреси, телефонлари, раҳбарлари ҳақидаги маълумотлар маршрут раҳбарида бўлиши шарт.

Маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш. Маршрут шаҳарларда, туманлар марказларидаги туристик ресурсларга уюштирилса туристларни жойлаштириш муаммо эмас чунки, улар маршрутгача меҳмонхоналарда жойлашган бўлишади.Маршрут шаҳарлардан узок бўлганда ёки маршрут режаси бўйича тунашга тўтри келганида хавфсизлик тадбирлари кўрилади. Айниқса, маҳаллий аҳоли уйларида бир кунлик тунаш шароитлари туристларга тўлик таништирилиши, тушунтирилиши лозим.

Агар туристлар туристик лагер биноларида жойлаштирилганда хавфсизлик ҳолатларини батафсил тушунтиришга ҳожат йўқ. Чунки, янги жойлаштирилган туристлар улардан олдин келиб жойлашган туристлар билан бирга яшайверишади. Агар туристлар палаткаларда тунайдиган бўлса, албатда йиғма қароватлар, йиғма стол-стуллар, тоза чойшаблар тайёрланиши лозим бўлади. Дала шаротида қурилган палаткали тунаш шароитларида палаткалар ичи, атроф майдон тўлик туристлар етиб келгунча тозаланиб, тартибга келтирилиши зарур. Палаткаларни жойлаштиришда иложи борича очик сайҳонлик, ёки ўтлоқзорлар танланиши мақсадга мувофиқ. Қалин ўсувчи ўтзор, пичанзорларда ҳашоротлар кўп бўлганлигидан бундай жойларда илон, чаён, қорақурт, фаланга, ари каби чақувчи ҳашоротлар туристларнинг ҳаётга хавф солиши мумкин.

Туристтик маршрутда ёз ойлари далада тунашни хоҳловчи туристларга ҳавода-ухлаш учун махсус кўрпачалар берилиши лозим. Бу усулда тунаш экспедиция усули ҳам дейилади. Бундай шароитда махсус кўрпачаларда машиналар бортида, баландликларда бемалол тунаш мумкин.

Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш. Маршрут шаҳар ичида ёки бир-бирига яқин туманларда, шаҳарлардан ўтганидан туристларни овқатлантириш муаммо эмас. Туристларни туристик маршрут давомида овқатлантириш хиллари «Туристтик маршрутдаги хизматлар» мавзусида келтирилди. Маршрутдаги овқатлантириш хизматларида турист ҳаётига хавф солувчи вазиятлар, ҳолатлар аксарият ҳолларда экологик маршрутларда ёки шаҳарлар ташқарисидаги маршрутларда юз бериши мумкин. Лекин эътибор берилса, туристларни овқатлантиришда турист овқатланадиган барча мавсумларда ва барча ҳаракатланишнинг географик маконларида ҳаётга хавф солувчи вазиятлар юз бериши мумкин.

Биринчидан, мавсумларда туристларни овқатлантиришда жиддий эҳтиёт чораларини кўриш талаб қилинади. Мавсумларда туристларни

овқатлантиришда дастлаб май-июн ойларида пишиб етиладиган мевалар (қулупнай, гилос, олма, анжир, тут)ни турист дастурхонига тортишда меъёрдан оширмаслик зарур (хатто турист талаб қилганда ҳам).

Кузатувлардан маълумки, тропик минтақалардан, Европа давлатларидан келадиган туристлар бизнинг ватанимизда пишиб етиладиган меваларнинг витаминлигининг юқорилиги (калориялигидан) сабабли кўпроқ хуш кўриб истеъмол қилишади. Бундай ҳолатларда қайд қилинган мамлакатлардан келган туристларда қон босими бирданига кўтарилиб кетиши кўплаб кузатишган.

Иккинчидан, ёз мавсумининг баланд ҳароратлигидан туристларни сув билан таъминлашда ҳам кўнгилсиз ходисалар юз бериши ҳоллари ҳам кузатишган (сув кранларидан олиб бериш, музлатгичлардан олиб бериш ва ҳақозо).

Учинчидан, туристларни миллий таомларимиз билан овқатлантиришда ҳам эҳтиётлик чораларини кўриш лозим бўлади (2-3 хил овқат бериш, ёғли овқатлар бериш ва ҳақо..).

Туртинчидан, туристлар маршрут давомида маҳаллий аҳоли ҳаётини ўрганишда, қизқишларида халқимизнинг ўта меҳмондўстлиги туфайли туристларни уйларига, бир пиёла чойга таклиф қилишади. Ана шундай учрашувлар айниқса экотуризм маршрутларини ўтказишда кўп учрайди. Бундай учрашувларда баъзида спиртли ичимликлар, сифатсиз сувлар (булоқлардан, дарёлардан, ариқлардан олинган) ҳам туристларда ошқозон ичак фаолиятларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Туристик маршрут раҳбари ва овқатлантиришни бажарувчилар туристларни овқатлантиришда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи маҳаллий манбаларни жуда яхши билишлари лозим бўлади. Туристларни овқатлантиришда озиқ-овқат маҳсулотларининг, идиш-товокларнинг ва овқатланадиган жойларнинг экологик жиҳатлардан тоза бўлишига жиддий эътибор беришлари талаб қилинади.

Экскурсия хизматларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш. Туризм маршрутларидаги экскурсияларда туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар транспорт хизматларида, дам олиш хизматларида, сайрларда ва овқатланиш хизматларида ҳам юз бериши мумкин. Чунки, маршрутлардаги экскурсияларда ҳам туристик маршрутлардаги барча хизматлар кўрсатилади. Айниқса, экотуризм маршрутларидаги (тоғларда, сув ҳавзаларида, даралардаги сўкмоқларда ва ҳақозо...) экскурсияларда ҳаракатланишдаги хавфсизлик олдиндан таъминланиши зарур.

Туристларни тоғ сўкмоқларида табиат билан таништириш экскурсияларида эҳтиётлик чораларига, тартиб-интизомга риоя қилиш керак. Чунки, бундай шароитда туристлар суришиб, пастликларга тушиб кетиши ёки олдинда кетаётган туристларнинг нотўғри ҳаракатларидан пастда келаётганлар устига тошлар юмалаб кетиши ҳоллари юз бериши мумкин. Экскурсиялар ўтказиш даврида (экотуризм экскурсияларида) табиатнинг сўлим жойларида дам олиш истаги пайдо бўлган ҳолларда, туристларни қисқа муддатли овқатлантиришда тушонка, колбаса, бринза ёки олдиндан

пиширилган овқатларнинг тоза сақланганлиги, сифатитекширилгандан кейин фойдаланиши лозим. Ичимликлар албатда термосда чой, газланган сув ўз идишларида сақланиши керак.

Туристтик маршрутни ўтказишда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда энг ишончли воситалар бўлиши тиббиёт марказлари ва уларнинг бўлимлари билан доимий телефон алоқаларнинг мавжуд бўлишлиги маршрут раҳбари учун маъсулиятли, мажбурий вазифа бўлишлиги талаб қилинади. Иккинчидан, маршрут раҳбари маршрутга яқин бўлган ва атрофлардаги тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари жойлашган манзилларни жуда яхши билишлари керак. Учинчидан, маршрут давомида тиббиёт дорилар қутичалари (аптечкалар) бўлишлиги ҳам маршрут хужжатларида расмийлаштирилиши талаб қилинади.

Туристтик маршрутларда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги биринчи чора-тадбирлар бу-маршрут бошланишида туристларга маршрутда тартиб-интизомнинг сақланиши, хавфли вазиятлар юзага келишидан эҳтиёт бўлиш ҳақида қисқача тушунтириш ишлари ўтказилиши ва бу ҳақда маршрут ахборотномасида алоҳида қайдлар бўлишини амалга оширишдир. Туристтик маршрутларда туристларнинг бирортаси билан кўнгилсиз, ҳаётига хавф солувчи воқеалар юз берганда тезкор усулларда бундай воқеаларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади. Агар бундай воқеаларга маршрут ташкилотчилари айбдор бўлишса узр сўрашни туристик ташкилот раҳбари бажаради. Маршрут тугагандан кейин юз берган воқеа туристик фирма жамоаси иштирокида муҳокама қилиниб тегишли қарорлар қабул қилиниши керак.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар, вазиятлар, объектлар, ҳолатлар ҳақида сўз юритганда эътибор бериш лозимки, турист меҳмонхонага келиб жойлашгандан кейин ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маршрутда бўлади. У ёки улар (туристлар) ҳошиши бўйича меҳмонхона яқинида жойлашган объектларга (паркларга, кўчаларга, биноларга марказларга ва ҳако...) қисқа муддатли сайрларга чиқиши ҳам маршрут схемасида бўлади ва бу юришлар, танишишларда ҳам туристларни албатда маршрут раҳбари (туроператор бошлаб юради). Шунинг учун ҳам туристларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳолатлар, омилларни маршрут раҳбари (турфирма ходимлари) жуда яхши билиб олишлари зарур бўлади.

Туристларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар қуйидагича таърифланади;

1. Зарарли омиллар;

- жароҳат олиш хавфи;
- ёнғинда қолиб кетиш хавфи;
- биологик таъсир қилиш хавфи (атроф - мухит);
- рухий-жисмоний юклама олиш;

- кимёвий зарарланиш хавфи;
- тутундан ва газдан заҳарланиш хавфи;
- туристнинг таваккалчасига ҳаракатланишидан келиб чиқадиган хавфлар.

2. Биологик омиллар;


- микроорганизмлар (микроблар)дан зарарланиш хавфи (ошқозон-ичак фаолиятининг бузилиши);
- заҳарли ўсимликлардан заҳарланиш хавфи;
- заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар, ҳашаротлар), ҳашаротлар (чаён, қорақурт, ари) дан заҳарланиш хавфи;
- юқумли касалликлар ташувчи ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, паррандалардан ҳар хил касалликларни юктириш хавфли; аллергия ва бошқа касалликларни чақирувчи ўсимликзор, ўтлоқзор ва ўрмонзорларда ушбу касалликларни юктириш хавфи;
- мевалар, сабзавотлардан заҳарланиш хавфи.

3. Кутилмаган омиллар;

- туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқуллоддаги ҳодисалари (сув тошқини, қор қўчиши, об-ҳавонинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар)дан келиб чиқадиган хавфлар;
- туристлар жойлашган жойлардаги аҳоли, жамоатчиликдаги тартиб-интизомнинг бўшлигидан келиб чиқадиган хавфлар;
- туристлар фойдаланаётган меҳмонхона, лагер биноларининг техник ҳолати, канатли сим йўллар, чанғи йўллари, автомагистраллар, сўкмоқлар ва бошқа объектларнинг техник созлиги ҳолатидан келиб чиқадиган хавфлар.

Экотуризм маршрутларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.

Туризмдаги бошқа туристик маршрутларга таққослаганда экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи манбалар анчагина. Чунки экотуризм маршрутлари табиатимиздаги барча экологик иқлим минтақаларини ўз ичига олади. Бу экологик иқлим минтақаларининг барчасида табиатдаги заҳарли ҳашоратлар, судралиб юрувчилар яшашади.



1.Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётига хавф солувчи вазиятлар ва манбаларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш мумкин: Заҳарли судралиб юрувчилар (илонлар) ва ҳашоратлар (қорақурт, пашшалар) чақиши хавфи.

2.Иқлимнинг таъсири хавфи (иссиқ уриши,тоғларда қон босими ошиши, ўсимликларнинг аллергия чақириши,шамоллаш).

3.Ички касалликларнинг келиб чиқиши хавфи (мева сабзаватлардан, маҳаллий сувлардан, маҳаллий-миллий овқатлардан).

4.Транспорт воситаларининг чўлда ва тоғликларда, нотекис йўлларда юришдан келиб чиқадиган хавф.

Экотуризм маршрутларида транспорт воситалари ва иқлимий хавфларнинг туристлар ҳаётига хавф солиши ҳақида экотуризм маршрутларини ишлаб чиқишда


«фаолиятлилиқ» тамойили талабларида ёзилди. Экотуризм маршрутларида табиатдаги заҳарли илонлар, ҳашоратлар ҳақида маршрутнинг «ахборотланганлик» тамойили бўйича заҳарланиш ҳақида маршрут маълумотларида огоҳлантириш хабарлари ёзилиши, заҳарли илонлар, чаён ва қара-қуртларнинг қаерларда кўпроқ учраши ёки бўлиши албатда ёзилиши шарт бўлади.

Маҳаллий иқлим шароитлари манбалари асосида туристларда ички касалликлар келиб чиқишини олдини олиш учун маҳаллий сувданфойдаланмаслик, маҳаллий аҳоли овқатларини билан ҳолда овқатланиш, меваларнинг хусусиятлари ҳақида оғзаки огоҳлантиришлар, ахборотлар, суҳбатлар ўтказиш албатда қутилмаган хавфнинг олдини олади.

Экотуризм маршрутларида туристларнинг ҳаётида хавф пайдо бўлганда қуйидаги хавф олди ва сўнгги тадбирлар маршрут ҳужжатларида акс эттирилиши албатда зарур:

1.Экотуризм маршрутларида илонлар, чаён қорақуртдан заҳарланишига қарши ва бошқа ички касалликларнинг олдини олувчи дорилар, зардоблар воситалари бўлган «экотуризм аптечкаси - дорихонача» си бўлиши.

2.Туристларнинг экотуризм ресурслари маконларида яқка ҳолда юрмаслиги.



3. Захарланган ҳолатда биринчи тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт мутахассисининг маршрут давомида туристлар билан бирга бўлиши.

4. Экотуризм маршрутлари ўтадиган жойлардаги яқин касалхоналар, врачлик-фельдшерлик маконларининг адреслари, телефонлари маршрут ҳужжатларида бўлиши, доимий мобил алоқаларининг ишлаб туришини таъминлаш.

5. Транспорт воситаларининг техник соғлигини доимо назората олиш ва маршрутга чиқиш олдидан йўлларнинг ҳолатини кузатиб чиқиш.

Қайд қилинган тадбирлар экотуризм маршрутларига чиқишдан олдин қанчалик мукамал ўтказилса маршрутнинг-турнинг хавф-хатарсиз, қутилмаган нохуш жанжалларсизмуваффақиятли ўтказилишни таъминлайди. Экотуризм маршрутларини ишлаб чиқувчилар ва маршрутларни ўтказувчилар маршрутларда туристлар ва хизмат қилувчилар ҳаётига хавфсолувчи манбаларни олдин башоратлаб бу хавфни ўз вақтида бартараф қилиш ишларига ўта маъсул ва жавобгардирлар.

Энг муҳими, таъкидланганидек, экотуризмнинг барча маршрутлари ишлаб чиқилган ва туристларга маълум қилингандан кейин маршрут бошланишдан бир кун олдин маршрут йўли албатда диққат билан кўрилиб чиқилиши лозим. Бундай эҳтиёткорлик чоралари киш ва баҳор ойларида албатда бажарилиши керак. Чунки, киш ойларидаги қутилмаганда қалин қор ёғиши ёки қутилмагандаги сел тошқинлари маршрутнинг йўлларидаги кўприкларни ювиб кетиши ёки транспортнинг эркин юришига тўсқинлик ҳолатлари бир кечада юз бериши мумкин. Бундай қутилмаган ҳолатлар маршрутни тўхтатиб қўяди. Агар қайд қилинган ҳолатлар юз берганида туристлардан сўраларида ва бир кунлик қизиқарли турлар таклиф қилинади.

Таянч сўзлар ва иборалар: ҳаёт хавфсизлиги, ҳуқуқий мёёрлар, халқаро ҳуқуқий мёёрлар, хавфсизликни таъминлаш, конвенция, декларация, туристик муҳит, қутилмаган омилар, захарли ҳашаротлар.

Мавзунини ўзлаштириш бўйича саволлар ва топшириқлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг чора-тадбирлари қандай белгиланган?

2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонунида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда суғурта қилиш қандай белгиланган?

3. Туризмда хавф-хатар масалаларини қандай тушунасиз?

4. Туризмда хавф-хатарларни бартараф қилишдаги халқаро мёёрларни қандай тушунасиз?



5.Халқаро туризмда хавфсизликни таъминлаш бўйича Гаага декларациясида қандай талаблар қабул қилинди?

6.Туризмдаги сиёсий хавфларни гапириб беринг.

7. Маршрутдаги биологик хавфларни тушунтириб беринг.

8.Маршрутда захарланиш хавфини тушунтиринг.

9.Маршрутда кутилмаган хавф-хатарларни тушунтиринг.

10.Маршрутда иқлим билан бағлиқ хавфларни тушунтиринг.

Экологик туризмда экологияга оид атамаларнинг изоҳи (Глоссарий)

Экотуризмда экологик атамаларни ўрганишнинг аҳамияти. Экотуризмдаги экологик, биологик, географик ва бошқа фанлар билан боғлиқ сўзлар айна вақтда “экология” фанининг ҳам муҳим атамаларини йўл-йўлакай ўргатиб боради ҳам экотуризмнинг янги мавзуларини тушуниб олишни осонлаштиради. Экотуризмни ўрганиш билан экология ҳақидаги дунёқарашни кенгайтиради. Бу ибора ва атамалар экотуризмни ўранишда кўп ишлатиладиган асосий тушунчалардир.

Экотуризмни ўрганишда даставвал, бу тушунчаларни мукамал ўрганиш ва ёд олиш зарур. Экотуризмни ўрганишда айникаса табиий муҳит, табиий шароит ва табиатни муҳофаза қилиш, антропоген тасир, экологик инкироз, чўлланиш, деградация каби сўзларнинг маъносини яхшилаб ўрганиб олиш керак бўлади. Бу тушунчалар табиат ҳақидаги барча фанларни ўрганишда ҳам ҳатто, кундалик матбуот ахборотларининг туб моҳиятини англашда ҳам, инсон дунёқарашидagi фикрларнинг кенгайишида ҳам жуда керак бўлади.

Бу атамалар фақатгина ўзбек тилида эмас балки дунёда географияни, табиий фанларни, экологияни ўрганишда умумбашарий қабул қилинган атамалардир. Экотуризмни ўрганаётган талабалар юқорида қайд қилинган атамаларни яхши ўзлаштириб олишлари керак. Бу атамалар кўплаб фанларда учрайди, уларни ўзлаштириш инсоннинг билим доирасини кенгайтиради¹²⁶.

Экотуризмни ривожлантиришга бағишланган илмий-амалий конференцияларда, илмий мақолаларда ҳозирги вақтда биосфера, экологик инкироз, глобал экологик муаммолар, деградация, чўлланиш, экологик иқтисод, геотуризм, антропоген таъсир, иссиқхона самараси, озон қатламининг деградацияси, экотизмлар инкирози каби кўплаб атамалар ишлатилаяпти.

Экотуризмни ўрганувчи талабалар, тадбиркорлар ва мутахассислар бу сўзларнинг маъносини тўғридан-тўғри ёдламасдан алоҳида лугат дафтарларда уларнинг кенг маъносини мисоллар билан ёзиб боришлари лозим. Масалан, экотуризмни ривожлантиришда халқаро ЭКОНЕТ тизимидан фойдаланишда экологик иқтисодий зона, буфер зона, ядро ва коридор зоналари деган атамалар ва жумлалар бор.

Бу жумлалар ва атамаларнинг маъноси ва нималарни бажаришини ўрганмасдан туриб ЭКОНЕТ тизимини ўзлаштириб ва бу тизимни тушуниб бўлмайди. Шунинг учун ҳам экологик туризмни ўрганувчилар экологик, биологик ва географик атамаларни яхши ўзлаштириши талаб қилинади.

123. Хайитбоев Р., Хайитбоев К., Худайбердиев У., Табиатдан фойдаланиш иқтисоди., Самарқанд, 2004, 104 б.

Атроф мухит-инсоннинг яшаш макони бўлган ва яшаши учун барча табиий бойликлар яратилган табиий мухит. Табиий ресурслар яратилган макон. Инсон оиласи билан яшайдиган уйининг сайёравий ҳамжихатлиги.

Антропоген таъсир – Antropos-одам ва genesis-келиб чиқиш. Инсоннинг табиатга таъсири.

Антропоген ландшафт-инсон фаолияти натижасида ҳосил бўлган ер юзаси ва унинг объектлари.

Атмосфера - Atmos- грекча-ҳаво (буғ) ва sphaira-шар. Ернинг ҳаво қобиғи.

Ареал-майдон (худуд), маълум бир турларнинг яшаш фаолияти кечади ган жойлар.

Арид - қуруқ иқлимли худудлар, чўллар, сахролар.

Алоҳида кўриқланадиган худудлар—табиат кўриқхоналари, табиат буюртма хоналари, миллий парклар, табиат ёдгорликлари.

Биосфера кўриқхонаси-кишилар хўжалик фаолиятининг атроф табиий мухитга таъсирини ўрганиш ва уни кузатиб бориш мақсадида халқаро ЮНЕП ташкилотининг дастурига асосан махсус ташкиллаштирилган кўриқхона. Унда уч худуд-кўриқхона ядроси худуди, буфер(муҳофаза) худуди ва халқаро кузатиш станцияларига эга бўлган биосфера майдони бўлиши керак.

Бархан-чўллардаги кўчма кум тепаликлари

Бедленд-яроксиз ер

Биосфера - ернинг ҳаёт қобиғи

Биологик хилма-хиллик- биологик ресурслар—флора ва фауна

Бонитет- табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичи.

Вегетация - ўсимликларнинг ҳаёт-фаолияти даври.

Генезис - дастлабки пайдо бўлиш.

Геологик жараёнлар - эндоген ва экзоген жараёнлар.

Эндоген- ернинг ички қисмидаги табиий геологик жараёнлар.

Экзоген- ернинг устки қисмидаги табиий геологик жараёнлар.

Геотизм-Биосфера компонентларининг ўзаро бир-бирига боғланиб, уйғунлашиб мажмуали табиий ландшафтларни ҳосил қилиши.

Геосфера - ернинг устки қисмидаги табиий жараёнлар.

Глобал - сайёравий, дунё, оламшумул.

Географик мухит - ер (гео) билан боғлиқ тушунча бўлиб ернинг яқин атрофини ўз ичига олади.

Географик қобик географик қобикка ер пўсти (литосфера)нинг юза қисми, бутун гидросфера ва биосфера ҳамда атмосферанинг қуйи- тро посфера қисми қиради ва улар бир-бири билан қўшилиб бир-бирига таъсир этиб туради.

Гидросфера - грекча - hidros - сув ва sphaira - шар.

Деградация—инкироз, емирилиш, бузилиш.

Дельта-дарёларнинг денгиз ёки қуруқликга қуйилиш жойида окизикжинсларининг чўкиб, тўпланиб қолишдан ҳосил бўлган текислик.

Ижтимоий экология-жамият (кишилар) ва уларни ўраб турувчи табиий мухит билан ўзаро алоқадорликни ўрганувчи таълимот ёки фан соҳаси.

Кадастр-ресурсларни хисобга олиш.

Ландшафт-геологик замин, рельефи, тупрок, ўсимлик, ҳайвонат дунёси, ер ости режимининг бир хиллиги билан ажралиб турадиган, табиий чегара ланган худуд.

Литосфера - грекча -litos - тош ва sphaera- шар.Ер мантиясининг қаттиқ ҳолатдаги юқори қисми ва ер пўсти биргаликда литосферани ҳосил қилади..

Мониторинг - кузатиш ва назорат тизими.

Пестицидлар-заҳарли кимёвий моддалар.

Рекреация- (recreatio-лотинча- тикланиш).

Рекреацияли жойлар—аҳолининг ялпи дам олишини ва туризмни ташкил этишнинг табиий географик жиҳатдан қулай табиий жойлар.

Рекреацион эҳтиёж- инсоннинг ҳаётий фаолияти жараёнида йўқотилган рухий ва жисмоний меҳнат қобилятини ва соғлигини тиклашга бўлган эҳтиёж ҳисобланади.

Рельеф - ер юзаси шакллари.

Реликт-реликт-қадимги даврлар колдиғи сифатида сақланиб қолган нарса, ҳодиса ёки организм.

Табиий ресурслар - Инсон ҳаёти учун зарур бўлган, инсон томонидан бунёд этилмаган ресурсларга табиий ресурслар дейилади-ер,ҳаво,сув, ўрмон, ҳайвонот,минерал қазилмалар.Табиатнинг инсон хўжалигида фойдаланилган барча элементлари.

Табиатни муҳофаза қилиш-табиатни ҳар бир инсон ўзи ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш чора-тадбирлари йиғиндиси. Табиатни муҳофаза қилиш,давлат,ҳалқаро жамият томонидан илмий амалга ошириладиган ҳамда табиатдан оқилона фойдаланишга, табиат ресурсларини кишилик жамияти фаровонлиги учун тиклаш ва кўпайтиришга,атроф муҳитни мусаффо, гўзал сақлашга қаратилган тадбирлар мажмуасидир.

Табиий мажмуа-ер юзининг, табиат компонентларининг ўзаро мураккаб таъсири натижасида таркиб топган ҳамда табиатнинг хусусиятларига кўра бошқа жойларидан фарк қиладиган қисмларига айтилади.

Табиий муҳит- табиатнинг инсон билан бевосита алоқада бўлган қисми. Инсон сайёраимзда тўлиқ фаолият кўрсатади.Бу фаолият чегараларини 4 географик томонларда, ернинг ички тарафи ва фазода белгилашимиз мумкин. Инсоннинг фан ва техника имкониятлари ошиб борган сари унинг табиий муҳитни англаши ҳар томонлама кенгайиб боради.Масалаң,қоинотни ўрга ниш натижасида табиий муҳит чегараси сайёраимздан ташқарига чиқиб кетди.

Табиий шароит - Инсоний ўраб турган иклимий шароит ва бу шароитни ҳосил қилувчи табиий компонентлар йиғиндиси.Инсоннинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир этадиган аммо моддий ишлаб чиқаришда қатнашмайдиган табиий муҳитнинг барча элементлари табиий шароит деб аталади.

Табиий миллий боғлар-табиат муҳофазаси,рекреация,маданий оқар тув, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланиш учун ва экологик, тарихий, эстетик кимматга эга бўлган алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий мажму алар(қўриқхона,буюртма кўриқхона,рекреация ва маданий соғломлаштириш) дан иборат бўлган худуд ёки акватория.

Табиий ёдгорликлар- экологик, илмий эстетик, маданий қимматга эга бўлган ноёб ва ўзига хос табиий келиб чиққан объектлар(табиатнинг инсон томонидан тегилмаган эталон участкалари, ноёб реликт(шу ерга хос) ва йўқ бўлиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ноёб рельеф шакллари, геологик очилмалар, вулконлар, шаршаралар,музликлар,ғорлар,узок умр кўрган дарахтлар, кизик кўринишдаги тошлар,объектлар, дарахтлар каби.

Терриконлар-конларнинг чиқиндиси.

Техноген таъсир - табиатга тезкор таъсир

Фреон- хлор ва бром атомларини сақлаган фаол кимёвий захарли модда.

Чўлланиш - табиий ресурсларнинг яроқсиз ҳолга келиши.

Эндем(эндемик)- эндем-махаллий, фақат маълум бир жойга хос бўлган, маълум бир жойда бўладиган ўсимликлар ва ҳайвонлар тури.

Экология-грекча-oikos-уй ва logos-таълимот.Табиий мухитда организмларнинг яшаши ҳақидаги фан.

Экологик барқарорлик-табиатнинг ўз ривожига тараққий этиши,

Экологик экспертиза-табиий ресурслардан фойдаланиш ва лойиха ларни экология талаблари бўйича баҳолаш.

Экологик мувозанат - инсон, ўсимлик ва ҳайвонлар учун зарур бўлган табиий шароит мувозанати.

Экологик хавфсизлик-табиий ҳудудда табиий мухитнинг табиий ва антропоген кучлар таъсирида ҳаддан ташқари ноқулай ўзгариши.

Экологик мониторинг-турли даражадаги экотизмларнинг ҳолати ва улардаги ўзгаришларни мунтазам кузатиш ва назорат қилиб бориш тизими.

Экологик хавф - экологик мувозанат, экологик барқарорлик ва экология тизимларининг инсон томонидан бузилиши хатари.

Экологик танглик-атроф мухитнинг инсон ҳаётига таҳлика солиш даражасига етган оғир, танг ҳолатга келиши.

Экологик тизим(экотизим) – тирик организмлар мажмуи ва уларнинг яшаш мухити йиғиндиси бўлиб, тирик организмлар ўзаро ва атроф мухит билан узвий алоқадорлик қонунияти асосида бўлиши.

Экологик хавфсиз мухит-кишиларнинг муҳим ҳаётий манфаатларини аввало тоза, соғлом, қулай табиий шароитга бўлган талабини қондиришга қодир бўла оладиган атроф мухит ҳолати.

Экологик инқироз-жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабат мувозанатининг барқарор равишда бузилиши натижасида атроф табиий мухитнинг ёмонлашиб бориши, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юзага келган салбий ҳолатлардан чиқа олмасликлари ҳамда экологик тизимларни тиклаш имкониятлари йўқолиши.Табиий мухит инқирози ва ижтимоий мухит фалокати.

Экологик концепция-табиат ва жамиянинг ўзаро таъсири тўғрисидаги қарашлар тизими, яъни жамият қонунлари билан табиат қонунлари ўзаро ҳаракат йўналишларининг ўрни,аҳамияти ва моҳияти ҳақидаги дунёқарашлар.

Экологик қонунлар—экология йўналишида қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси ёки табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг қонун ақллари йиғиндиси.

Экологик сиёсат—давлатнинг ҳудуд, сув акваторияси ва ҳаво кенглиги нинг чинакам (реал) ҳолатини ҳисобга олиб, атроф табиий муҳитни яхшилашга (соғломлаштиришга) қаратилган ички ижтимоий-иқтисодий ва халқаро сиёсати.



Экологик дастур—давлат органлари, сиёсий партия, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ва бошқа экология ҳуқуқи субъектлари экологик фаолияти нинг мақсад ва вазифалари баёни.

Экологик таълим—ер қурраси табиий бойликлари ва яқин фазога эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, инсониятни табиатдаги экологик жараёнлар билан узвий боғланганлигини чуқур англаш руҳида тарбиялаш ва бошланғич ўқитиш.

Экологик маданият—ҳозирги ва келажак авлод ҳаётида экологик муаммолар жуда чуқур аҳамиятга эга эканлигини англаган ҳолатдаги давлатлар ва жаҳон маданиятининг ривожланиш босқичи ва таркибий қисми.

Экосан—грекча “экос” ва “санос”, яъни экология ва саломатлик сўзларининг бош бўғинлари йиғиндисидан иборат бўлган халқаро жамғарма номи. Бу ташкилот 1992 йил Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, ҳозирги кунда 3 млн.дан ортиқ аъзоси, 34та мамлакатда 63та бўлинмалари ва ваколат хоналарига эга. Раиси—фалсафа фанлари доктори, профессор Ю.Шодиметов.

Экологик назорат—табиатни муҳофаза қилишнинг экологик талабларини ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг экология ҳуқуқи субъектлари томонидан бажарилишини назорат қилиш.



Табиатдаги бетакрор макон- муҳим экотуристтик объектлар

Фойдаланилган адабиётлар; Ўзбекистон Республикасининг қонунилари

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент,Ўзбекистон,1992 йил 9 декабр.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни,Тошкент,Ўзбекистон,1993 йил 7 май.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни,Тошкент,Ўзбекистон,1996 йил27 декабр.
- 4.Ўзбекистон республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни,Тошкент,Ўзбекистон,1997 йил 27декабр.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент 2004 йил 3 декабр.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни, «Халқ сўзи» газетаси,1999 йил 14-сентябр.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари, Қарорлари ва асарлари

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2-декабрдаги ПФ-4861 сонли Фармони.
- 2.Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон республикаси президентининг нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 16-январ, № 11.
- 3.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, «Ўзбекистон», НМИУ, 2017,-29 б.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3510/0668-сон).
- 6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.02.2018 й., 07/18/3509/0658-сон).
- 7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони: Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар

яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида. Тошкент шаҳри, 2018 йил 3 февраль.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида.2018 йил 7-феврал, № ПҚ-3514. ҚХММБ: 07/18/3514/0672-сон, Тошкент ш.,08.02.2018 й.

Ўзбекистон Республикасининг БиринчиПрезиденти И.А.Каримовнингфармонлари, қарорлари ва асарлари

1.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.Тошкент,1995,02.06, ПФ-1162.

2.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш тўғрисида”ги қарори.Тошкент,2006 йил 17 апрел.

3.Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ.№2286 фармони.Халқ сўзи,№ 74,1999 й,16 апрел.

4.Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатишни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги 2012 й. 10 майдаги ПФ-1754-сонли Қарори.

5.Каримов И.А.,Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари.Тошкент. “Ўзбекистон”, 1997.-325 б.

6.Каримов И.А.,Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.3, Тошкент, Ўзбекистон, 1996.-380 б.

7.Каримов И.А.,Обод ва озод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз.Тошкент, Ўзбекистон, 2000.-232 б.

8.Каримов И.А.,Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз.Т.17.Тошкент,2009.-280 б.

9.Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари.Тошкент, Ўзбекистон, 1998, 384 б.

Дарсликлар,монографиялар ва китоблар

1.Аберкулов Қ.Н.,Ҳожиматов А.Н.,Ражабов Н.Р.,Табиатдан фойдаланиш иқтисоди. ТДИУ,Тошкент,2002.

2.Аберкулов Қ.Н.,Ҳожиматов А.Н.,Ражабов Н.Р.,Атроф муҳитни муҳофаза қилиш.Тошкент,ТДИУ,-2003.

3.Акрамов З., Рафиқов А., Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря, Тошкент, «Мехнат»-1990,141,б.

- 4.Александрова А.Ю., География туризма. Москва, КноРУС,2010- 592 с.
- 5.Ан.Э.С.,Заповедные территории Узбекистана, Издательство «Узбекистан»,1980.-71 с.
- 6.Бабкин А.В.Специальные виды туризма.Ростов на-Дону.Феникс,2008.-252 с.
- 7.Бадай-тўқай кўриқхонаси ва Қорақалпоғистондаги тўқайларни сақлаб қолиш.Бадай-тўқай кўриқхонасининг 35 йиллигига бағишланган рисола, Нукус,2012.-24 б.
- 8.Биржаков М.Б.,Новикова О.А., Исторические предпосылки деревенского туризма. Туристические фирмы,2002,№ 28 с.
- 9.Биржаков М.Б.Введение в туризм.Издания 9-е переработанное и дополненное– Спб.: «Издательский дом Герда», 2007.–576 с.
- 10.Быков Б.А.,Экологический словарь.Издательства «Наука» Алма-Ата, 1983, 215 с.
- 11.Бишоп К.,Грин М.,Филлипс А. Модели национальных парков. Н.Новгород,Изд-во Центра охраны дикой природы,2000, 278 с.
- 12.Волков Ю.Ф., Введение в гостиничный и туристический бизнес- Ростов н/Д: «Финикс», 2004.- 352 с .
- 13.Дроздов А.В.,Основы экологического туризма.Москва,Гардарики,2005.-271 с.
- 14.Долженко Г.П., Экскурсионное дело. Издательский центр»МарТ-Москва-Ростов на-Дону,2006- 301 с.
- 15.Дурович А.П. Организация туризма. Минск,«Новое знание», 2006.-632 с.
- 16.Дурович А.П.,Реклама в туризме, «Новое знание»,2008.- 254 с.
- 17.Жумаев Т.Ж.,Ҳошимов З.Й.,Рўзиев О.А.,Экологик менежмент.Тошкент, 2004.-111 б.
- 18.Zalatan A.,Gastom A.R., Soft Ecotourism* the Substitution Effect// The Tourist Review.1996,N. 4
- 19.Забелина Н.М. Национальный парк.Москва, Мысл, 2010.-210 с.
- 20.Ибодуллаев Н., Ўзбекистоннинг туристик ресурслари, Самарканд,2008.-142 б,
- 21.Исломова Р.А.,Экологик туризмни ривожлантириш муаммолари.Тошкент-Иктисодиёт-2014, 131 б.
- 22.Каримов А.,Туризмда коммуникация бозори.Тошкент,2003.-44 б.
- 23.Квартальнов В.А.,Теорияи практика туризма.Москва,»Финансы и статистика».2003.-660 с.
- 24.Косолапов А.Б.,Теория и практика экологического туризма,Москва, КНОРУС, 2005.- 240 с.
- 25.Колбовский Е.Ю.,Экологический туризм и экология туризма. Москва. Издательский центр «Академия»,2008,253 с.
- 26.Кусков А.С.,Голубева В.Л.,Одинцова Т.Н.,Рекреационная география. Саратовский государственный университет.Саратов- 2005.-503 с.
- 27.Маматқулов Х.М.,Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изохли лўғати.Тошкент.2010.-398 б.
- 28.MamatgulovX.M.,BektemirovA.B.,TuxlievI.S.,NorchaevA.N.,Xalgaroturizm.Da rslík.Тошкент.2009.-192 б.

29. Маматқулов Х.М., Туризм инфратузилмаси. Тошкент, Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2011.-336 б.
30. Матякубов У., Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истиқболлари, и.ф.н., илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Самарқанд, 2011.-24 б.
31. Махмудов М.М., Юсупов С., Ю., Ҳайитбоев Р., ва бошқ., Қорқўлчилик яйловлари ва улардан самарали фойдаланишга оид амалий қўлланма. ИКАРДА, ИФАД, ЎЗҚЧЭИТИ. Самарқанд, 2001, 51 б.
32. Низамов А., Аманбаева З., сафарова И., Ўзбекистоннинг экотуристлик ресурслари ва йўналишлари. Тошкент, Фан ва технология, 2014.-104 б.
33. Пардаев М.Қ. Туризм асослари. Самарқанд, СамИСИ. 2006.-78 б.
34. Пардаев М.Қ., Атабаев Р., Пардаев Б.Р., Туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари. Тошкент, 2007.-28 б.
35. Пардаев М.Қ., Исломова Р.А., Экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий масалалари ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Монография. Тошкент-Иқтисодиёт.-2012.-302 б.
36. Рафиқов А.А., Геоэкологик муаммолар, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1997.-111б.
37. Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изохли лугати. Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти, Тошкент, 1963, 159 б/
38. Нигматов А.Н., Экология ҳукуқи схемалар ва тушунчаларда. Тошкент, 1999.-147 б.
39. Нигматов А., Шомуротова Н., Ўзбекистонни экотуристлик районлаштириш тажрибаси. Экология хабарномаси, ж.№ 2, Тошкент. 2007. 46-54 б.
40. Нигматов А., Яқубжонов Ш., Агротуризм миллий туризмнинг янги йўналиши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. № 9. 2007.-24-25 б.
41. Сергеева Т.К. Экологический туризм. Москва, Финансы и статистика, 2004.-360 с.
42. Тўхлиев Н., Абдуллаева Т., Экологический туризм; сущность, тенденции и стратегия развития. Тошкент. 2009-415 с.
43. Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Основы безопасности в туризме, Тошкент, 2008.-503 с
44. Тухлиев И.С., Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Туризмни режалаштириш. Дарслик, Тошкент, 2010, 208 б.
45. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н., Амридинова Р., Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2010.-271 б.
46. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари. Дарслик. Тошкент. 2014.-330 б.
47. Флинт В.Е. Мы должны их спасти, Москва 1982. -112 с.
48. Храбовченко В.В. Экологический туризм. Финансы и статистика, Москва, 2004.-172 с.
49. Шомуротова Н.Т., Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Тошкент, 2011.-22 б.

50. Шодиметов Ю.Ш. Ўқитимой экологияга кириш, 1-қисм, Тошкент, «Ўқитувчи», 1994, 238 б.
51. «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза», Тошкент, 2006.-110-150 б.
52. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси.
Экология хабарномаси, № 2, Тошкент, 2007.5-14 б.
53. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Москва, «Рус тили» нашриёти., 1981.-316 б.
54. Ўзбекистон ва Марказий Осиё табиий географияси тасвирлари, Тошкент, 2007,
55. Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Худайбердиев У., Табиатдан фойдаланиш иқтисоди., Самарқанд, 2004.-1046.
56. Ҳайитбоев Р., Саттаров А., Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси, Самарқанд, 2008.-87 б.
57. Ҳайитбоев Р., Амридинова Р., Туризмда маркетинг тадқиқотлари. Самарқанд, 2009-64 б.
58. Ҳайитбоев Р., Амридинова Р., Туризмнинг махсус турлари. «Тонг» МЧЖ, Самарқанд, 2009.-45 б.
59. Ҳайитбоев Р., Матякубов У., Экологик туризм. Самарқанд, 2010.-60 б.
60. Ҳайитбоев Р., Пардаев О., Туризмнинг менежменти. Самарқанд, 2010-46 б.
61. Ҳайитбоев Р., Экологик туризм; муаммолар ва ечимлар. Региональный туризм; Современное состояние, проблемы и перспективы.-Сборник докладов и тезисов международного туристского форума. Тошкент, 2012.-160-165 с.
62. Ҳайитбоев Р., Амридинова Р., Абиев Ж., Экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик, услубий асослари. Халқаро илмий-амалий анжуман, Самарқанд, 2014, 21-23 апрел.
63. Ҳайитбоев Р., Ибодуллоев Н., Қишлоқ туризмни ривожлантиришнинг халқаро моделлари. Туризм хизматлар бозорини ривожлантириш истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 2014, 28-29 май, 47-57 б.
64. Ҳайитбоев Р., Шарафитдинова Д., Экологик туризмнинг халқаро моделлари. Туризм хизматлар бозорини ривожлантириш истикболлари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари, Самарқанд, 2014, 28-29 май.
65. Ҳайитбоев Р., Даминов М., Ички туризмни ривожлантиришнинг имкониятлари. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик, услубий асослари, Халқаро илмий-амалий анжуман, Самарқанд, 2014, 21-23 апрел.
66. Ҳайитбоев Р., Ҳайитбоев К., Музейларда қолган ҳайвонот. Самарқанд, 2016.-76 б.
67. Ҳайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С., ва бошқ. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Самарқанд, 2016, 180 б.
68. Ҳайитбоев Р., Бабаев Ф., Абдухамидов С., ва бошқ.. Ўлкашунослик, Самарқанд, 2017, 160 б.

- 69.Хайитбоев Р.,Қишлоқ туризмини ривожлантириш:муаммолар ва ечимлар. Сервисжурнали, №1, Самарқанд,2015,63-71 б.
- 70.Хайитбоев Р.,Қаршибоев Х.,Абдухамидов С., Ўзбекистонда қишлоқ туризмини халқаро моделларда ривожлантириш истикболлари.Сервис журнали, №2, Самарқанд,2015,74-78 б.
- 71.Хайитбоев Р.,Туризмнинг турлари ва соҳаларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари.Сервис журнали, №3, Самарқанд,2015,43-48 б.
- 72.Allcock A., Jones B., Lane S., Grant J. National ecotourism strategy. Commonwealth of Australia, 1994,196 p.
- 73.Guidelines for Protected Area Management Categories. Gland IUCN Com.on Nat. Parks and Protected Areas.Cambridge. UK. World Conservation Monitoring Centre, 1994. 212 p.
- 74.Hall C.M.Page S.J .The Geography of Tourism and Recreation Environment piase and Spase.London-N.Y..Routledge.1999.256 p.
- 75.Malaysia in brief.2003|editorJameah Mohd/Jan.138 p
- 76.Lindberg K., Hawkins D.E. (eds) Ecotourism: a Guide for Planners and Managers. North Bennington, Vermont. 1993,256 p.
- 77.Douglas Pearce. Tourism Today:A Geographical Analysis. Second edition. Edinbурgh Gate. Harlow,1997. 204 p.
- 78.Hobson J.S.P., Ko Goldwin. Tourism and politics, Journal of Travel Researches-1994.-Vol.32. №4.-p.2-8.
- 79.Mose Ingo. SanfterTourismusimNationalparkHohe Tauern. Vechtaer ArbeitenzurGeographie und Regionalwissenschaft, Band 6. Vechta, 1988,267 p.
- 80.Franklin P..Metzler J..Pitcher D. at al. USA: National Parks. Museums. N.Y.:DK Travel. 2004.294 p.
- 81.Tourism. Development and Growth: the challenge of sustainability. London. 1998.246 p.
- 82.Rural Tourism: Working for the Countryside. London.Countryside Agensi. 2000.151 p.
- 83.Kirstges T. SanfterTourismus. R.OldenbourgVerlag, Munchen - Wien, 1992,234 p.
- 84.David Bruce Weaver. The Encyclopedia of Ecotouism. 2001, 668 p, New York, № 9.
- 85.Eco-tourism and its relative architecture in Ghana, 2011, 96 p, lambert Academic Publishing.
- 86.Eco-tourism its regional Impact on the Economy and Management Plannig, 2012,188 p. lambert Academic Publishing.
87. Bhuiyan, A.H., Siwar ,C., Ismail , S.M., Islam, R., 2012. The Role of Ecotourism for Sustainable Development In East Coast Economic Region (Ecer),Malaysia, / OIDA International Journal of Sustainable Development, 3 (9): 53-60.
88. Drumm, A. & Moore, A. 2002. An Introduction to Ecotourism Planning (Volume I), Ecotourism Development, A Manual for Conser vation Planners and Managers, USA, pp.96

89. Banff National Park in Canada and Nationalpark Gesäuse in Austria Comparison, pp. 170. Online [Available]: www.np-gesaue.at/.../Obenaus_oJ_Ecotourism.pdf. Eriksson, H. 2003.

www.ecotourism.org

www.sustainabletourismonline.com

www.eecat.org

www.ecolabeltourism.eu

www.unwto.org

Содержание

	Введение.....	7
1-Тема	Цель и задачи курса экотуризма. Сущность и понятие экотуризма	9
2-Тема	История формирования экотуризма. Виды экотуризма.....	20
3-Тема	Принципы экотуризма и государственное управление. Современная концепция и практика экотуризма. Концепция развития экотуризма в Узбекистане.....	34
4-Тема	Социально-экономическое значение развития экотуризма в Узбекистане.....	49
5-Тема	Ресурсы экотуризма в мире; национальные парки, природные заповедники, отдельно охраняемые территории.....	56
6-Тема	Международные модели национальных парков мира. Использование моделей национальных парков мира в развитие экотуризма Узбекистана.....	68
7-Тема	Использования сельского туризма в развитие экотуризма Узбекистане.....	82
8-Тема	Экотуризм в зарубежных государствах.....	99
9-Тема	Ресурсы экотуризма в Узбекистане. Природные зоны. Животный и растительный мир Узбекистана.....	105
10-Тема	Ресурсы экотуризма в Узбекистане. Национальные парки, природные заповедники и природные заказники, памятники природы.....	115
11-Тема	Акватория Аральского моря ресурсы экотуризма.....	135
12-Тема	Водеёмы Узбекистана ресурсы экотуризма.....	143
13-Тема	Задачи экотуристического районирования Узбекистана. Экотуристские районы Узбекистана.....	150
14-Тема	Воздействие экотуризма на природные комплексы.....	169
15-Тема	Развитие рекреационного туризма.....	184
16-Тема	Социально- экономическое значение развитие внутреннего и международного экотуризма в Узбекистане.....	197
17-Тема	Проблемы развития экотуризма Узбекистана и их решение.....	204
18-Тема	Разработка рекламы экотуристического маршрута.....	209
19-Тема	Создание маршрута экотуризма.....	221
20-Тема	Меры обеспечения жизнебезопасности туристов в экотуризме	233
	Глоссарий.....	254
	Литература.....	259

Content

	Preface.....	7
1-Topic	Aim, goal and objectives of ecotourism. Concept and meaning of ecotourism. Meaning of terms in ecotourism.....	9
2-Topic	The history of ecotourism. Types of ecotourism	20
3-Topic	Principles of ecotourism and state management. Modern conception and practice of ecotourism. Conception of developing of ecotourism in Uzbekistan.....	34
4-Topic	Socio-economic and national value of developing ecotourism.....	49
5-Topic	World resources of ecotourism: national parks, nature reserves, specially protected areas.....	56
6-Topic	Ecotouristic resources of world's national parks The use of models of ecotourism in national parks of the world.....	68
7-Topic	The models of rural tourism in ecotourism of the world.....	82
8-Topic	Experience of foreign countries in development of ecotourism....	99
9-Topic	Resources of ecological tourism of Uzbekistan. Ecotourism resources of fauna and flora of Uzbekistan	105
10-Topic	Ecotourism resources of national parks and natural reserves of Uzbekistan	115
11-Topic	Ecotourism resources of the Aral sea.....	135
12-Topic	Ecotourism resources of water reservoir of Uzbekistan.....	143
13-Topic	Documents of ecotourism tours and development of ecotourism tours.....	150
14-Topic	Influence of ecotourism to the nature.....	169
15-Topic	The ways of developing recreational tourism.....	184
16-Topic	Social and economic significant of domestic and international tourism in Uzbekistan.....	197
17-Topic	Problems and their solution in development of ecotourism.....	204
18-Topic	Services in ecotourism tours.....	209
19-Topic	Advertisement of ecotourism tours.....	221
20-Topic	Ensuring safety and security of travelers in ecotourism tours.....	233
	Glossary.....	254
	Literature.....	259

Рахматулла Хаитбоев

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан “Туризм” таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган*

Босишга 27.05.2018 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84_{1/32}. Офсет босма усулда.
Нашр босма табоги 16,75. Адади 6 нусха.
Буюртма рақами № 05/18.

МЧЖ “Наврўз полиграф” матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 02.09.2014 йил.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Л.М.Исаев кўчаси, 38-уй.

8/12

75.82

8.8.8



Хайтбоев Раҳматулла: Самарқанд
 иктисодиёт ва сервис институти «Халқаро
 туризм ва туризм сервиси» кафедрасининг
 катта ўқитувчиси. Ҳозиргача 160 дан ортик
 илмий ишлар чоп қилган. «Туризм
 асослари» ҳаммуаллифликда ёзган
 дарслиги учун «Илмнинг энг яхши
 дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи»-2016
 Республика танловида 2-ўринни эгаллаган
 «Туризм географияси», «Экотуризм»,
 «Улкашунослик» ва «Туризм
 маршрутларини ишлаб чиқиш»
 фанларининг ўқув дастурларини яратган.
 Илмий-амалий тадқиқотлари Малакка
 давлати MTSP Халқаро ўқув маркази,
 Россия ФА, XIII-Халқаро Оқшани
 давлатлари Симпозиумининг халқаро ва
 халқаро интернет-конференция
 сертификатлари билан тақдирланган.

